

ТУРКИЙ
ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИ
ТАРИХИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИ

ТАРИХИ

Филолог – бакалаврлар учун ўқув қўлланма

1 - КИТОБ

Қарши
«Насаф» нашриёти
2013

“Туркий халқлар адабиёти тарихи” фани янги асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб Республикамиз олий ўқув юр்தларининг филолог мутахассисларига алоҳида фан сифатида жорий қилинди. Ушбу ўқув услубий қўлланма туркий халқлар адабиёти тарихини ўрганиш борасидаги ўринишлардан биридир.

Мазкур қўлланма олий ўқув юр்தлари бакалаврят талабаларига мўлжаллаб тузилган бўлса-да, ундан туркий халқлар тарихига қизиқувчи барча ихлосмандлар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчи ва сўз боши муаллифи:

Акрам Ҳамдамов,
филология фанлари номзоди

Масъул муҳаррир:

Д.Тўраев
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Сувон Мелиев,
Ўз.Р. ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт
институти илмий ходими, филология фанлари номзоди

С.Мўминова
филология фанлари номзоди.

Қарши давлат университети Ўқув-методик кенгаши томонидан нашрга
тавсия қилинган. (2012 йил 30 май, 11- сонли баённомаси)

СЎЗ БОШИ

Истиклол туфайли Евро-Осиё материгининг каттагина қисмида жойлашган ҳудудларда ҳаёт кечираётган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур, тотор, бошқирд, чуваш, озарбайжон, қорачой, турк, гагауз, қўмиқ, балқор каби ўттизга яқин миллатларнинг адабиётини бир бутун ҳолда яхлит ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Зеро, Президентимиз "...Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ", - дея таъкидлаганидек, келиб чиқиши бир-бирига яқин қариндош бўлган халқларнинг тарихи, маданияти, ривожланиши бир илдизга бориб тақалади. Бу халқларнинг урф-одатлари, миллий қадриятлари, халқ оғзаки ижодида бир-бирига ўхшаш ҳолатлар жуда кўплаб учрайди.

Туркий қавмлар ўзларининг келиб чиқиш тарихи ҳақида турли афсона ва ривоятлар тўқиганлар. Энг қадимги турк достонларидан бири "Алп эр Тўнга" достонида Алп эр Тўнганинг тарихий шахс эканлиги ҳақида маълумот берилган. Маҳмуд Қошғарий ўз асарида Алп эр Тўнганинг форсча номини Афросиёб деб таъкидлаб ўтган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ҳам Афросиёб Туроннинг подшоҳи бўлганлиги, унинг мард, жасур ва тадбиркор подшоҳ бўлганлиги ҳақида маълумотлар берилади. Ёки «Алан Кува» ҳақидаги афсона ҳам турк қавмининг келиб чиқиши ҳақида ҳикоя қилади. Бунда Алан Кува исми аёл туркларнинг катта онаси сифатида тасвирланган. Алан Кува жуда ақлли, тадбиркор, меҳрибон аёл бўлганлиги барча турк қавмлари Алан Кува фарзандлари деб ҳикоя қилинади. Шунингдек, «Гилгамиш» достони «Алпомиш» достонининг қадимги варианты деб тахмин қилинмоқда.

Шунингдек, V-VII асрларда Марказий Осиёда турк ҳоконларидан бири бўлган Билга ҳокон ва унинг укаси Култегин туркий халқларни бирлаштириш учун катта ишларни амалга оширганлар. Элтаришхон ўғиллари Билга ҳокон ва Култегиннинг саркардалиқ фаолияти, уларнинг юрт озодлиги учун олиб борган курашлари туфайли турк давлати ўз қаддини тиклаган.

Маълумки, туркий халқлар давлат қуришда империялар барпо этишда дунёда етакчи ўринда туради. Шарқда араблар истилоси бир оз сусайгач, унинг ўрнига дастлаб сомонийлар династияси давлат тепасига келди. Кейинчалик эса қорахонийлар, салжукийлар, ғазнавийлар ва хоразмшоҳлар каби туркий салтанатлар вужудга келган эди. Буларнинг қарийб барчаси туркий қавмлардан чиққан, Ана шулар тузган давлатлар қарийб минг йиллардан буён яшаб, давом этиб келмоқда. Фақат, XIX аср охири XX асрларга келиб, туркий халқлар барпо этган империялар парчаланиб кетди. Бунинг сабабларидан бири, улар ўртасидаги ички низолар, тожу тахт учун олиб борилган курашлар ва урушлар бўлди.

Туркий халқлар адабиётининг бир маълум бир қисми собиқ шўро даврида ҳам ўрганилди. Лекин унда, асосан, шўро ҳукумати таркибига кирган туркий халқлар адабиёти ўқитилар эди. Бугунги кунда эса бизга бу адабиётни қандай бўлса шундайлигича ҳаққоний ўрганишга имкон яратилди. Ушбу ўқув-қўллада кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган туркий халқлар адабиётининг энг қадимги ёдгорликларини, шу халқнинг кўзга кўринган вакиллари ижоди ҳақида маълумот беришни мақсад этдик. Мазкур ўқув қўлланма туркий халқлар адабиёти юзасидан қилинган илк уринишлардан бири бўлиб, бу халқ тарихи билан боғлиқ манзараларни биргина китобда жамлаб бўлмайди. Шу сабабли ушбу қўлланма бир неча китобдан иборат бўлиши табиий.

А.Ҳамдамов, филология фанлари номзоди .

Хусайн ЖОВИД

Буюк озарбойжон шоири, драматурги Хусайн Жовид (1882—1941) Нахчевонда туғилиб, илк таҳсилни шу ерда олган. Сўнгра Табризнинг Толибия мадрасасида ўқиди (1899—1903), Истанбул университетининг адабиёт бўлимини тугатган (1909). Нахчевон, Ганжа, Тифлисида муаллимлик қилган. 1915 йилдан Бокуда яшаб ижод қила бошлади. 1926 йилда даволаниш учун Германияга кетди ва 7 ой Берлинда яшади. 1925 йилда “Амир Темур” драмасини ёзди, ҳокимият тазйиқига қарамасдан шу асосда Боку театри спектакль сахналаштирди. 1973 йилда суратга олинган “Насимий” бадий фильмида Соҳибқирон Амир Темур тимсоли экранга олиб чиқилди. Бундай ижодий ҳамкорлик ҳақида яна кўплаб далиллар келтириш мумкин. 1937 йилда қатағон қилинди ва 1941 йил 5 декабрда ҳибсда вафот этди. Унинг «Князь», «Пайғамбар», «Шайх Санъон», «Хайём», «Упкон», «Амир Темур», «Иблис» каби сахна асарлари шуҳрат қозонди. «Амир Темур» асари ҳолислиги, тарихан тўғри ёритилганлиги билан ажралиб туради. Амир Темур билан Йилдирим Боязид ўртасидаги зиддият ва унинг ўсиб бориб муросасиз жангга айланиб кетиши асарнинг бош конфликтини ташкил этади. Х.Жовид бу икки тарихий шахсни бадий талқин этар экан, уларга ҳаққоний баҳо беради. Боязиднинг димоғдорлиги, Амир Темурни менсимаганлигини Жўжа, Шайх Бухорий образлари орқали фош қилар экан, Амир Темурнинг тadbиркор, туркий халқлар бирлиги учун курашувчи, исломга эътиқоди баланд сиймо эканлигини, мамлакат ободончилигига катта эътибор берган, тижорат ва санъатни, маънавиятни тенг кўрган инсон эканлигини меҳр билан тасвирлайди.

АМИР ТЕМУР

БЕШ ПАРДАЛИ ДРАМА

(Усмон Қўчқор таржимаси)

Иштирок этувчилар:

I

Амир Темур

Д и л ш о д — Темурнинг суюкли хотини.

Д е в о н б е г и — бош вазир.

О қ б у г а — Темурнинг сардорларидан бири.

У р х о н — мингбоши.

О л м о с — Девонбегининг қизи, Урхоннинг хотини, олма юзли, ўтнигоҳ бир аёл.

Ш о и р К и р м о н и й — «Темурнома»нинг муаллифи.

О л ь г а — рус маликаси, олтинсоч, ишвакор бир қиз.

С у б у т о й — ёш зобит.

Қ о р а қ у ш — вахимачи, эпчил ва қизиққон бир аёл.

Т е м и р қ о я — барваста, йўғон овозли сарбоз.

Икки очик чехрали, ҳарбий либосли соқчи ва бошқалар.

II

Й и л д и р и м Б о я з и д.

А л и П о ш о — садри аъзам.

Ш а й х Б у х о р и й – фозил бир киши.

Ж ў ж а – пакана бўйли, жиккак масхарабоз.

Н о з и м о ғ а – ориқ, новча, қора араб (харам оғаси)

М е л и ч а – Йилдиримнинг суюкли махрами.

Қишлоқлик аёл, икки масхара, шомлик қиз (раққоса), сарой раққосалари, жаллод ва бошқалар.

БИРИНЧИ ПАРДА

Самарқанд. Амир Темур саройидаги шарқона безатилган гўзал бир қаср. Қаср Туркистон, Эрон ва Ҳиндистон жиҳозлари билан безатилган. Тўрт кунжда кумушдан қуйилган бургут, ўртада олтин устунлар, нақшин хонтахта ва курсилар... Олдинда каттакон бир дераза, деразадан гулларга бурканган ажойиб бир боғ кўзга ташланади. Ольга дераза олдида боғни томоша қилиб турган холида намоён бўлади. Ташқарида ҳарбий марш чалинмоқда.

У р х о н. *(Киради. Ольгани кўрар-кўрмас ортидан келаётган Темирқояга.)* Оҳ гўзал Ольга!.. Оҳ, тоза очилган Масков чечаги!..

Т е м и р қ о я *(доимо бепарво ва йўгон овозда).* Ғалати гап? Инсон ҳам чечак бўлурканми? Масков қизи десанг-чи...

У р х о н. Оҳ, у чечакдан ҳам латифдир.

Т е м и р қ о я. Латиф бўлса бордир. Нима керак, аралашмайман.

У р х о н. Темирқоя! Сен бирор жойга яширингил.

Т е м и р қ о я. Сабаб?

У р х о н. Чунки мен у билан кўришмоқ истайман.

Т е м и р қ о я. Ажаб, мен сенинг кўлканг эмасманми, ахир? Сендан қандоқ ажрала олурман?

У р х о н. Инсон гоҳо кўлкасинигина эмас, ўзини ҳам унутур.

Т е м и р қ о я *(истехзоли жилмайиб).* Демак, энди сен ҳам ўзингни унутдингми?

У р х о н. Шундоқ, ортиқ сўйлама, кет тез.

Т е м и р қ о я. Кет десанг, кетурман. Нима керак, мен ҳеч аралашмайман *(яширинади).*

У р х о н. Гўзал Ольга хоним тагин не хаёллар ила банд?

О л ь г а. *(Урхон томон юриб.)* Оҳ, Урхон, сенмисан?

У р х о н. Менман. Урхоннинг ўзи сен билан бўлмасада, қалби, руҳи ҳамиша сен билан биргадир.

О л ь г а. Худойим, бу аскарлар қай томонларга борурлар? Бу ҳозирликнинг боиси недур, ажаб?

У р х о н. Яна янги бир жанг-муҳораба бўлур эмиш.

О л ь г а. Оҳ, муҳораба, ҳамиша жанг-муҳораба!.. Ажабо, қай ўлка билан, ким билан?

У р х о н. Буни ёлғиз Қизил Қоплон билур. Шундоқ, Амир Темурнинг режаларини биз каби ожиз бандалар билмагаймиз.

О л ь г а. Холбуки, унинг юзида ҳеч қандай шиддат ва ҳаяжон изи йўқ. Ҳар доимгидек виқорли ва жиддий, ҳар доимгидек хотиржам...

У р х о н. Буюк қаҳрамонлар шиддатли ва ғазабли пайтларида жуда мулойим ва ҳалим кўринурлар.

О л ь г а , Урхон, сен ҳам кетурмисан?

У р х о н. Албатта! Кетмай бўлурми? Биз турклар чодирларда туғилиб, бепоён саҳроларда, қонли жангларда ҳалок бўлурмиз.

О л ь г а. Илтижо қилурман, етар, шул жанг - жадалдан, ўлимдан ортиқ сўз очмагил!

У р х о н. Мухорабада ўлганлар уйида ўлганлардан ниҳоятда оздир. Менимча, мухорабасиз умр умр эмас... Биз туркларга ғурур ва нашъа берадиган бир нарса бўлса, у ҳам мухораба, у ҳам ғолиблиқдир. Унутмагилки, сенинг ўзинг ҳам фатҳ ва зафар саҳроларида юз очмиш бир чечаксан.

О л ь г а . Оҳ, сен мени Масковдан бу ерларга нечун келтирдинг, нечун? Темур саройида ҳибс этмак учунми?

У р х о н. Йўқ, сен маҳбус эмассан, балки маликалар қадар иззат-хурматга моликсан. Тўғрироғи, буюк ҳоқоннинг муҳташам саройини беэаб турган порлоқ юлдузсан.

О л ь г а (*бир четга*). Оҳ, раҳмсиз... (*Урхонга.*) Демак, мени ёлғиз қолдириб кетурсан, шундоғми?

У р х о н. Мундан не ғам. Бошқа аёллар не бўлса, сен ҳам шу...

О л ь г а (*бир четга*). Оҳ, бағритош... Шошмай тур, мен сенга энди кўрсатурман.

У р х о н. Нелар демокдасан, Ольга, сенга бирор қору ҳол бўлдики?

О л ь г а . Ортиқ не бўлсин? Сен мени англамайсан, сен мени севмайсан...

У р х о н. Йўқ, беҳуда суйлайсан. Сени севмаслик — гўзаллик қаршисинда кўр бўлмак демакдир. Оҳ, нозли қалдирғочим. Нақадар латиф ва гўзалсан. Кел! Кел, шу мовий кўкларни лол қолдирган кўзлардан, шу алвон шафакларни уялтирган фусункор дудоклардан бир ўпай! (*Оғушига олиб ўпмокчи бўлади, Ольга ортга чекинади.*)

О л ь г а. Йўқ, истамасман.

У р х о н. Нечун?

О л ь г а. Чунки кўнгул берганим бир қалбга хиёнат қилган бўлурман.

Урхон (*ҳайрат билан*). Кўнгул берганинг бир қалбга?!

О л ь г а (*кескин*). Шундоқ.

У р х о н . (*Унинг кўлларини силаркан, гангиган бир аҳволда.*) Айт-чи, у қандай қалб, кимнинг қалби экан?

О л ь г а . Йўқ., айтмасман. (*Чеккага.*) Унинг рашкини кўзғамок учун шул сўзнинг ўзи кифоя...

У р х о н (*қизишиб*). Айтгин деюрман сенга, ким у, менга қарши чиққан у жасоратли рақиб ким экан?!

О л ь г а . Сендан анча буюк, сендан кўра ботирроқ...

У р х о н . Отини айт!

О л ь г а . Хоқонлар хокони Амир Темур!..

У р х о н (*Хаяжон билан, бир оз қизишиб*). Ольга!.. Масковдаги ҳолингни қандоқ унутдинг! Билким, биз Масковга кириб борганимизда ҳаммаёқ, бешафқат, омонсиз бир аланга ичида ёнарди. Лашкаримиз яширинганларни изларкан, мен қанотларимни ёлғиз сенинг бошинг узра ёйдим, ёлғиз сени ўлимдан қутқариб қолдим. Сен у пайтларда маъсума бир қизалоқ эдинг. Вақтингни хуш кечиргил, айни замонда яхши тарбия олгин дея сени Темур саройига келтирдим. Ҳайҳот, сен улғайганинг сайин менинг орзуларим ҳам чечак оча бошлади. Афсуским, бугун қутганим висол орзуси ўрнида аччиқ бир умидсизлик чиқиб турибдир.

О л ь г а . Бунинг сабаби ўзинг, сенинг вафосизлигинг.

У р х о н . Қандай вафосизлик? Онгламадим?

О л ь г а . Урхон, Урхон! Сен бош вазирнинг қизи Олмосдан, ўшал рашкчи, кибрли хотинингдан ажралмагунингча орамиздаги севгидан сўз очиш ўринсиздир.

У р х о н . Нечун инсоф килмайсан, у фарзандларимга она-ку, ахир. Айни пайтда Олмос бизнинг севгимизга моне бўлолмайдир.

О л ь г а (*қулиб*). Йўқ, янглишма, азизим, у жуда даҳшатли аёл...

У р х о н . Аёлларнинг инжа табассумлари уларнинг даҳшатларидан кўра жуда кучлидир. (*Ольганинг қўлларини силаб.*) Мен унга марҳамат кўргазмоқдаман, агар у ортиқ рашк этса, жафосини ўзи чеккай.

О л ь г а . Демак, мени ниҳоятда севурсан, шундоғми?

У р х о н . Ольга, сени севмай бўлурми? Унутмагилки, Урхон сенинг асирингдир.

Қ о р а қ у ш . (*Темирқоя билан парда оркасидан кўринади.*) Ҳа, хотин!.. (*Темирқояга.*) Уларни кўраётирмисан? Югур, Олмос хонимга хабар бер!

Т е м и р қ о я . Бери келсангчи, жоним, нима керак, мен аралашмайман.

Яширинадилар.

У р х о н . Темур сўнгги сафарида, Ҳиндистонга хужум этаркан, Самарканд музофотини бошқармак учун мени бу ерда қолдирган эди. Эҳтимолки, тагин қолурман. Агар шундоқ бўлса, истаганимизча завқ ва сафога ғарқ бўлурмиз.

О л ь г а (*атрофга боқиб*). Темур келаётир. Ярим тунда сени чинорли боғчадаги ҳовуз бўйида кутурман.

У р х о н . Азизим... (*кетади*).

О л ь г а (*ёлғиз*). Йўқ, Урхон меникидир. Уни ҳеч кимга бермасман. (*Бир оз тараддудда.*) Ох, фақат Олмос, бош вазирнинг қизи Олмос! У маним бошимга кўп савдолар солгай.

Қўлини пешонасига тираб махзун хаёлга толади. Шу пайт Амир Темур кириб келади. У ўрта бўйли, яғриндор, кенг манглайли, боши катта, оқ юзли, ёноқлари қизғимтир, елкалари кенг, бармоқлари бақувват, чаккалари чўзиқ ғоят соғлом бир шахс. Вужудининг бардамлигидан оқсоқлиги у қадар кўзга ташланмайди. Овози кучли ва гулдираб чиқади. Осиёча кенг, олди очиқ чакмон кийган, бошида гумбазсимон кулоҳ. Кулоҳининг ўртасида атрофи инжу ва бошқа жавоҳирот билан безатилган чўзинчоқ бир ёқут порлайди.

Т е м у р . Хўш, Масков армуғони, ўрис гўзали яна не хаёллар ила банд?

О л ь г а (*махзун табассум билан*). Шундоқ мухташам бир саройда мен нимани ҳам ўйлар эдим?

Т е м у р . У ҳолда юзингга соя солган бу қадар булутлари недан? Мен сўлгин чечакларни асло севмасман. Ҳамиша янги очилган гул каби, гулгун шафақлар каби нашъали бўлмоғингни истарман. Илло, айтмоқчи бўлган сўзларингни, ҳамиша жарангдор кулгулар ила, ноз-истиғнолар ила сўйла!..

О л ь г а . Менинг кулгуларим буюк хоқоннинг ғзабига сабаб бўлур, деган андишадаман.

Т е м у р . Ажаб, бу андиша нечун?

О л ь г а . Чунки қалби хароб, жанг-жадал оташила ёнган бир ҳукмдор ҳузурида кулмак жасорати ҳаддимга сиғмас...

Т е м у р . Мутлақ янглиш фикрдасан... Мухораба ҳозирлиги Темурни ғзаблантирмагай, билъакс, худди байрам тадориғи каби хушхол ва мамнун этгай.

О л ь г а (*шўҳ ва жозибали навозит билан*). Ижозат берсангиз, хоқоним. Икки ойдирки, Самарқанд шонлишарорли кунларни ўз бошидан кечирмақда эди. Зарафшон дарёсининг ўйноқи тўлқинлари кўнгишларга завқ-шавқ солмоқда ва хуш оҳанглар оғушида Бингул дараси тантанасини

куйламокда эди. Фақат негадир қўқисдан бу тантаналар тиниб қолди. Ана шундан бир оз ташвишдаман.

Т е м у р . Нечун. Бингул дараси шунчалик ёқимлими эди?

О л ь г а . Ох, Бингул дараси бошқа бир олам...— Гўё қадар гўзал, жаннат қадар порлоқдир у. Хайхот, Бингул дарасиндаги завқ-сафоли сайиллар, яшил адирлар устига тикилган чодирлар, Арабистон ва Эронга хос нафис пардаларнинг қиёси йўқдир... Бунинг устига Ҳиндистондан келган хукқабоз ва ўйинчилар, аскиячи ва латифагўйлар, раққос ва раққосалар... Пахлаволарнинг кураши, ранг-баранг матолар билан безатилган филлар ўйини, турфа хонанда ва созандалар, ҳар хил мусобақалар, тенги йўқ ҳайратомуз нарсалар инсонни сархуш этур. Бунинг устига, ушбу тантаналарда амир ва шахзодалар хотинларининг, бутун турк-тотор қизларининг иштироки турли эллардан келган ажнабий мусофирларни лол қилиб қўядир. Буюк Темурнинг бу дабдаба ва ҳашаматини кўрган ҳар бир киши ҳайратдан ўзини йўқотиб қўядир.

Т е м у р . Зеро, мафтун бўлганинг шу манзаралар, Самарқанддаги мухташам саройлар ва олий мадрасалар, буюк маъбудлар ва обидалар фақат фатху зафарлар тарихидир. (*Ифтихор билан.*) Менга сўйла-чи, Ольга, сен саёҳатдан завқ олурмисан?

О л ь г а . Шубҳасиз, саёҳат инсон кўнглини кўтаргувчи ажойиботлардан биридир.

Т е м у р . У ҳолда сени ўзим билан бирга олиб кетурман.

О л ь г а . Қаерга, уруш майдонигами?

Т е м у р . Яхши билгинки, барча манзараларнинг энг гўзали харб ва ғолибият сахналаридир.

О л ь г а . Ажабо, Урхон ҳам шундай дейдир.

Т е м у р (*маъноли табассум билан*). Шундоғми!? Урхон жуда яхши билур. Демак, мен билан кетурсан, ёинки...

О л ь г а . Буюк хоқоннинг иродасига итоат ва ҳурмат кўргазмак энг улуғ саодатдир.

Т е м у р . Сенинг идрок ва фаросатингдан жуда мамнундирман. Энди ҳарамга бор. Ҳозир бу ерга аъёнлар келурлар.

Ольга таъзим қилиб чиқиб кетади

Т е м у р (*Қарс уради. Қорақуш киради*). Қорақуш! Урхон қайда?

Қ о р а қ у ш . Ҳозир шунда Ольга билан суҳбатлашиб турган эди.

Т е м у р . Уни ҳузуримга чақир. Мабодо Девонбеги ёки Оқбуға келса, дархол хабар бер (*чиқиб кетади*).

Қ о р а қ у ш (*таъзим ила*). Бош устига... (*кетмокчи бўларкан, атрофга аланглайди*). Ана, Олмос келаётир, ҳозир унинг кўнглига шубҳа соламан. (*Етиб келган Олмосга.*) Маъзур тутасиз. Урхон қаерда?

О л м о с . Мен ҳам сендан сўрамокчи эдим. Ҳали шу ерда экан...

Қ о р а қ у ш . Ҳали Ольга билан бирга эди, сўнг кетиб қолди.

Дилшод келади, уни сезмайдилар.

О л м о с . Неларни гаплашишди?

Қ о р а қ у ш (*бир оз қувлик билан*). Нима ҳам бўларди, ишқ орасига ағёр аралашувининг яхши эмаслиги...

О л м о с . Қандай ишқ, қанақа ишқ?! (*Чеккага.*) Ох, бевафо...

Қ о р а қ у ш . Ҳар ҳолда, Урхон сизнинг эрингиз. Уни сиз мендан кўра яхшироқ билурсиз. Бироқ, мен унда ҳеч қандай қусур кўрмасман. Ҳамма гап қизда... Чунки у Урхонга телбадай осилиб олмишдир.

О л м о с (*чеккага*). Оҳ, хоин Урхон, шошмай тур, ҳали мендан кўрадиганингни кўрурсан.

Қ о р а қ у ш. Ул қиз шундоқ бир балодирким, ҳадемай Амирни ҳам мафтун этадир.

Д и л ш о д . Наҳотки? Амирни-я?!

Қ о р а қ у ш (*шошилиб, дудуқланиб қолади*). Йўқ, хоним! Амир...

Д и л ш о д (*қизишиб, ҳаяжонда*). Қорақуш!

Қ о р а қ у ш . Маъзур тутгайсиз...

Д и л ш о д . Билиб қўйгилки, мени Қамариддин қизи Дилшод дейдилар. (*Чеккага*.) Хаҳ, бетавфиқ. Ольга!..

Қ о р а қ у ш . Бас, Амир келаётир, мен Урхонни чақиришим лозим эди.

Д и л ш о д . Жўна! (*Қорақуш чиқиб кетади*.) Олмос! Сен тагин Амирга зинҳор ҳеч нарсa демагил.

Т е м у р . (*киради, унга таъзим қиладилар*). Дилшод хонимни бир қадар ҳаяжон оғушида кўрмоқдаман.

Д и л ш о д . Йўғ-э, Амирим, ҳаяжонга бирон-бир вaж йўқ....

Т е м у р . Кўзларинг мутлақо бошқа бир маъно англатадир.

Д и л ш о д . Атрофдаги вилоятлардан кекса бир деҳқон келиб менга шикоят қилмиш, шундан бир оз сиқилиб, руҳим толиқмиш.

Т е м у р . Ажабо, деҳқоннинг шикояти недур?

Д и л ш о д . Бу йилги буғдойи бўлмағон экан, ҳукуматга солиқ тўлай олмаганмиш. Шунинг учун вилоят ҳокими Мамайхон ул шўрликни қамчи билан савалатибдир.

Т е м у р . (*ҳайрат ва жафо билан*). Нега? Нечун?! Кекса деҳқонни савалатибдир? Хаҳ, қутурган аблах, бефаҳм! Ул англамайдирки, раиятни ранжитган ҳоким ўз инини бузган ҳайвон каби бефаросатдир. Зарари йўқ, ушбу масала ойдинлашур, агар бу сўзлар тўғри чикса, ул гуноҳкорга энг шафқатсиз жазо берилур. (*Кескин*.) Ҳайҳотким, қамчи қадар нуфузи ва обрўси бўлмаган ҳоким ҳукумат номига тушган энг ўчмас ва чиркин бир доғдир.

Д и л ш о д . Деҳқоннинг сўйлашича, унинг ери илгари экилмаган дашт бўлғон эмиш, шу боис мўлжалдаги ҳосилини кўтаролмағон эмиш.

Т е м у р . Бадбахт Мамайхон, бадбахт!.. Мен ҳали унинг кўр кўзларини очурман. У мамлакат қонунларини унутаётганга ўхшайдир.

Д и л ш о д . Холбуки, қонунга кўра бирор киши бўм-бўш даштга экин экса ё бир ариқ чиқарса, ёхуд янги боғ яратиб, бирон вайронани обод қилса, ул киши биринчи йил ўлпондан бутунлай озод қилинур. Иккинчи йили ўз истагича бирон нарсa берса-берур, бермаса мажбур қилинмагай. Учинчи йили, фақат учинчи йилдан бошлаб қонунга мувофиқ ўлпон тўлайдир.

Т е м у р . Йўқ, Мамайхон беҳуда ўйлайдир. У билмайдирки, халқни қийнаганинг сари мамлакат ҳазинаси бўшайдир, ҳазина бўшаса, лашкарнинг аҳволи ёмонлашур. Ва бу ҳол мамлакат парокандалигига сабаб бўлгай. Асло азиат чекма! Яқинда, ҳадемай ҳақиқат қарор топура!

Д и л ш о д . Кам бўлманг... (*Олмосга*.) Энди борайлик (*кетмокчи бўлишади*).

Т е м у р . Менга қарагин, Дилшод! Шошма, ҳали сўзим тугагани йўқ! Сен менинг назаримда жуда ҳаяжон ва саросимададурсан. Унутмагилки, сен Темурнинг махрамисан. Сўзла, очиқ сўзла, юзларингга, кўзларингга соя солган бу қора булутлар недан хабар берур?

Д и л ш о д . Оҳ, ана ул ошуфта қиз Ольга!..

Т е м у р . Хуш, нима гап. Не бўлди?

Д и л ш о д . Шўрлик Олмоснинг кўзини очирмайдир. Ҳар куни янги севги, ҳар куни янги тарона. Билмадим, Урхондан не истайдир?

О л м о с . Хатто... хаттоки... *(сўзини тугата олмайди)*.

Д и л ш о д . Ҳар ҳолда, Ольгани бу ердан дафъ этмоқ лозим...

Т е м у р . Ҳеч сиқилма, Олмос, бу хаёлларингнинг бари беҳуда. Сен Девонбегининг кизи, Урхоннинг маҳрамисан. Мен уларнинг ҳар иккисини ҳам севурман. Сен эса виқорли, мағрур ва жозибали бир аёлсан!

О л м о с . *(хаё билан бош эгиб)*. Ташаккур, Амирим.

Қ о р а қ у ш *(кириб таъзим қилади)*. Урхон амри фармонингизга мунтазирдир.

Т е м у р . Кирсин. *(Аёлларга.)* Сизларга рухсат. *(Улар чиқишади.)*

У р х о н ! Бери кел... *(Қўлини унинг елкасига қўяди.)* Сен ҳам қаҳрамон жангчисан, ҳам сиёсатни хуб яхши билурсан. Сенга бир иш топширмоқ ниятидадурман. Тезда йўл тадоригини кўрмоғинг лозим.

У р х о н . Бурчим — итоатдур.

Т е м у р . Усмонлининг султони Йилдирим Боязидга элчи жўнатган эдик, ҳануз ундан бирон хабар йўқ. Ҳар ҳолда, Бурсада, Йилдиримнинг пойтахтида, бизнинг бир кўзимиз бўлмоғи, саройнинг ичи ва ташини ўрганиб, ҳар ой бизга хабар йўллаб турмоғи лозим. Девонбеги қилажак вазифангни тушунтириб бергай. Лашкаримиз бир ҳафтадан кейин Миср-Шом тарафларга юриш бошлайдир. Сен ҳам энди тўғри Бурсага борурсан. У ерда ўзингни менга душман килиб кўрсатурсан, Йилдиримга эътиқод қўйганингни шу боис бу ерлардан қувилганингни сўйлайдурсан. Буни хатто ўзимизникилар ҳам сезмагани маъқул... Чунки шаҳримизда жосуслар юрғонлиги учун ҳам жамийки тадбирларимиз йўққа чиқмоғи мумкин.

У р х о н . Йилдирим сўзларимга ишонмаса-чи?

Т е м у р . Ҳеч ташвиш чекмагин, ишонадир, чунки у жуда мағрур. Ўта мағрур кимсалар эса ҳақиқатни кўрмагайлар. Унинг кўзи ожиз дер эдилар, магарким, қалби ва идроки ҳам кўр эмиш... *(Кескин.)* Ҳеч тарадудланма, бор ҳозирлигингни кўравергил. Темирқоя ҳам сен билан отлансин!

У р х о н . Бироқ у жуда содда кимса... Менинг ишларимни барбод қилмасму деган андишадаман.

Т е м у р . Андишага ҳожат йўқ . У синовдан ўтган содиқ аскардир. Боргин, ўғлим. Бурч ва хушёрлик ҳамроҳинг бўлсин!

У р х о н . Буюк ҳоконнинг амри ҳар недан юксакдир *(таъзим ила чиқади)*.

Қ о р а қ у ш *(кириб таъзим қилади)*. Девонбеги, шоир Кирмоний, сардор Оқбуға хузурингизга изн сўрайдилар.

Т е м у р . Кирсинлар! *(Қорақули ўзи кириб келган томонга таъзимкор ишора қилади. Ҳар учаласи кириб таъзим қилишади. Темур виқор билан.)* Девонбегининг ахволлари нечук?

Д е в о н б е г и . Ташаккурлар бўлсин.

Т е м у р . Шоир Кирмоний қалайлар?

Ш о и р . Кам бўлманг.

Т е м у р . Лашкаримиз қаҳрамони сардор Оқбуғанинг соғликлари қалай?

О қ б у ғ а . Оқбуға ҳамиша эгилмас лашкар билан енгилмас ҳоконнинг амрига мунтазир.

Т е м у р . Хуб яхши, марҳамат қилинг. *(Ўтирадилар.)* Бингул дарасида ойлаб улкан машваратлар қурдик, муттасил кайф-сафолар сурдик, энди бир оз муҳораба ҳозирлигини кўрсак, ёмон бўлмас?

О қ б у ғ а . Манимча, муҳораба майдони сайру сайиллардан, айшу ишрат, машваратлардан

кўра анча ёқимли, анча руҳ шифо нарсадир.

Т е м у р . Сен бунга не дейсан, шоир? Бу кун кўзимга жуда нашъали кўринмакдасан.

Ш о и р (*бетам ва сархуи бир табассум билан*). Тантана! У ҳам бир тантана, бу ҳам бир тантана... Ғавғо! У ҳам бир ғавғо, бу ҳам бир ғавғо... Ёлғиз, фақат ёлғиз ўртада бир фарқ бордурким, сиз жангчилар инсон қонига ташна эрсангиз, биз шоирлар гулгун шаробга ташнаимиз... Бирида ваҳшат ва даҳшат бор, бирида завқ ва жасорат. Сизнинг ҳарб наъраларингиз юракларни тилкалайдир, инсонларни қиймалайдир, оналарни йиғлатадир. Шоирларнинг айш - ишрат тароналари эса кинларни, қадарларни тарқатадир. Юзларни, кўнгилларни қулдирадир. Сиз инсонлар бошини танидан жудо қилсангиз, биз ул бош чанокларидан ясалган қадаҳларни бир-бирига ургаймиз. Сиз ҳарб ва даҳшат ғолиби, биз ишқу муҳаббат мағлуби. Фақат бизнинг бу мағлубиятимиз сизнинг ул ғолиблигингиздан бениҳоя юксакдир.

Т е м у р . Бахтиёр шоир! Сени сармаст этган фақат ширин хаёл, тотли бир тасаллидур. Лекин сен барибир жуда буюк инсонсан. Зотан, сен каби улкан сиймоларнинг қадру-қийматини англашса эди, мен каби оқсоқларнинг сариқ чақалик ҳам маъноси қолмагай эди. Сизлар шабпарақлар ўлкасинда, кўрлар мамлакатинда порлаган бир қуёшсиз. Афсуски, инсон номи ила юрган икки оёқли ҳашарот жуда қабих ва разил бир нарсадир... Ҳайхот-ким, шу қабих, ва мискин ҳашаротни тартибга солмоқ учун, уларнинг қурум босган чиркин виждонларини тозаламоқ учун фақат Темур қиличи лозим... Эй севимли шоир! Инсонлар марҳамат ва муҳаббатдан кўра кўпроқ даҳшат ва куч-қудратга топинулар. (*Оқбугага.*) Демак, лашкар тамомила жангга тайёр, шундоғму?

О қ б у ғ а . Шундоқ, барча бир тану бир жондек амрингизга мунтазир.

Т е м у р . Хўб яхши.

Ш о и р . Энди қайққа, ажабо?

Т е м у р . Миср ва Шом томонларга.

Ш о и р . Эвоҳ, бу сиёсатга ҳеч тушунмайдурман.

Т е м у р . Сен «Темурнома»нинг муаллифи экансан, маним сиёсатимга бегоналардек боқилинг тўғри эмасдир. (*Ҳаяжонли.*) Оҳ, Сова!.. Фозил шайх Сованинг қатлини қандоғ унутиб булур? Мен уни Арабистонга элчи қилиб жўнатган эрдим, Миср ҳукмдори уни ёвузларча қатл этмиш. Ажабо, элчига ҳам ўлимми? Йўқ-йўқ, шайх Сованинг хуни ерда қолмагай!

Ш о и р . Фақат бир оз ором ҳам лозим. (*Темур тахтига ётилган қоплон терисини кўрсатиб.*) Ҳиндистоннинг Ганг дарёси каноринда овлаганинг қоплонларнинг териси хануз қуригани йўқ, Султон Маҳмуд улкасинда оқизилган қонларнинг изи хануз тупроқдан аригани йўқ...

Т е м у р . Мен Оллоҳнинг қиборақларни эзиш учун яратилган бир балосидурман. Тўққаним қонлар ҳам фақат ҳақиқат ва адолат номидандир.

Ш о и р . Ошқор сўйламак лозим эрса, мен қон тўқмақда ҳеч бир ҳақиқат ва адолат кўрмасман.

Т е м у р . Сен ҳаққисан, чунки... шоирсан

О қ б у ғ а . Шоирлар руҳият ҳақимларидир. Улар қон тўқмақдан кўра жароҳат боғламақни хуш кўрулар.

Т е м у р . Хуш, Девонбеги не дейдилар?

Д е в о н б е г и . Менга қолса, яхшилар ва ёмонлиғ эгиздир. Муҳаббат ва адоват бир-бирига боғлиқ. Лозиминдан ортиқ муҳаббат нафрат турдиргани каби, ҳаддан ортиқ қон тўқмақда ҳам бир фазилат йўқ.

Т е м у р . Девонбегининг фикрлари бутунлай бошқачадир. Ул киши бетарафликни хуш кўрадир. Фақат унутмаслик лозимким, ҳар бир сажия ва шахсият бир қонун демақдир. Шундоқ бугун шахсиятим менга неки амр этса, уни амалга оширмақдан чекинмагайман. Бинобарин, мен ҳозирга қадар қурултойсиз, шўросиз бирон иш қилганим йўқ, чунки шўросиз мамлакат жоҳил бир шахсга

ўхшайдурким, унинг қиладурғон ишлари, сўйлайдурғон сўзлари надомат ва фалокат туғдирур. Мен ҳамиша фозил ва оқил шахсларни тингладим, буюк сардорлар ила машварат қурдим. Фақат харб ва урушларни эмас, сулҳ манфаатини ҳам кўзда тутдим. Зотан, мен шул чексиз-чегарасиз ўлкаларни гоҳ тадбир ва сиёсат ила, гоҳ сулҳ ва муҳаббат ила, гоҳ таҳдид ва шиддат ила, гоҳ афу ва мулозамат ила идора этмак истайдурман. Мен ҳар ишда сабот ва матонатни севганим каби ҳазму эҳтиётдан ҳам кўнглим хуш тортадир, лозим бўлса баъзан душманларимга нисбатан сабр ва таҳаммул кўрсатурман, баъзан эса ғофил ва жоҳил кўринмакдан завқ олурман.

Девонбеги. Хуш, кўрайлик-чи, шўро не қарорга келур?

Темур. Имоним комилким, Арабистон сафарига ҳеч кимса эътироз этмагай. Чунки Бингул дарасида давлат кишиларининг жуда кўпчилигини тингладим. Ҳар бир киши маним фикрим ила розилашмиш. Бул хусусда тараддудланганлар бўлса, ул ҳам ёлғиз шоир Кирмоний ила сендирсан. Шубҳам йўқдирки, икки кундан сўнг сиз ҳам аксариятга тобе бўлурсиз.

Қорақуш (*кириб таъзим қилади*). Субутой хузурингизга изн сўрайдир.

Темур. Қайси Субутой?

Қорақуш (*Оқбугага ишора қилиб*). Буюк сардорнинг кичик иниси, Йилдирим Боязидга жўнатилган элчи...

Темур. Кирсин, курайлик-чи, не жавоб келтирмиш. (*Қорақуш таишқарига ишора қилади. Субутой кириб таъзим баъжо келтиради.*) Хуш келибсан, ўғлим, қалайсан?

Субутой. Буюк хоқоннинг кўлкалари кам бўлмасин.

Темур. Усмонли султонидан қандай хабар бор?

Субутой. Мана унинг жавоби... (*мактубни узатади*).

Темур. (*Мактубни Девонбегига беради, элчига.*) Мактубни Девонбеги ўқийдир, хуш, сўйлачи, қаҳрамон Субутой! Сен неларни кўрдинг, неларни эшитдинг?

Субутой. Йилдирим доимо айш-ишрат қулидир. Олиб бормиш мактубимдан аччик қаҳқаҳа уриб кулди, боз устига ниҳоятда менсимай, совуқ муомала қилди.

Темур. Демак, ул менинг душманим бўлмиш Қорақўйинлининг амири Қора Юсуфни тагин ҳимоя этмак истайдир, шундоғму?

Субутой. Ёлғиз Қора Юсуфни ҳимоя этибгина қолмай, ҳатто Бағдод султони Аҳмад Жалойирни ҳам бирлашмакка чорламиш, тагин бизга қарши...

Темур (*аччиқ қаҳқаҳа билан*). Демак, душманларимиз билан тил бириктираётир, демак, бизни асло менсимайдир, шундоғму? (*Бошини мактубдан кўтарган Девонбегига.*) Хуш, неларни ёзибдир?

Девонбеги. Такрорга не ҳожат? Худди Субутой айтгани каби: такаббурлик ва совуқлик... Бошқа арзигулик гап йўқ.

Темур (*кинли*). Такаббурлик ва совуқлик... Қандай кулгулик ҳақорат! (*Шиддат билан сапчиб туради.*) Оҳ, такаббурлик ва совуқлик... Қандай буюк жасорат! Мен ундан қардошларча муҳаббат кутарканман, мана олган жавобим! Қора Юсуф билан Аҳмад Жалойир мени яхши танийдир, фақат Йилдирим!.. Йилдирим эса шаробнинг кули... Зарари йўқ, у ҳам ўзига келгач, мени таниб оладир. Мен Эронга қадам кўйдим, энг забардаст пахлавонлар ҳам дош бера олмай, Мозандарон шоқоллари каби урмонларга қочдилар. Масковга хужум этдим, урис кинёзлари кўрқувдан шимол айиклари каби қалтирашга тушдилар. Ҳиндистонга юрдим, Султон Маҳмуд аскарлари Ганг дарёси соҳилидаги қоплонлар каби ўқларимга шикор бўлиб тиз чўкдилар. Ҳайҳот, шундай кун келадириким, мағрур Йилдирим ҳам ўз пойтахти Бурсада Оксоқ Темурни кутиб оладир ва ўшанда... фақат ўшанда ўз сархушлигининг оқибатини ва менинг ким эканлигимни англаб етадир.

ИККИНЧИ ПАРДА

Гўзал бир кўшк... Ўртада фавворали ҳовуз, ҳовуз қирғоғида Кашмир ва Исфохон жойнамозлари билан ипак тўшаклар, парқу ёстиклар ва болишлар, курси ва сандалиялар... Боғга бошдан-охир турфа гулларга бурканган, олисларда улкан чинорлар эътиборни тортади. Ташқаридан келаётган хазин камонча овози руҳларга нашъа солади. Бир томонда шароб тўлдирилган сурохий қадах , арчилган ва арчилмаган олма, шафтолилар, иккинчи томонда қалам, сиёҳдон, териб қўйилган дафтар-китоблар. Шоир Кирмоний ёстикқа ёнбошлаганича ёзиш ила машғул. Қўлида каттагон гулдаста билан Ольга киради. Орқа томондан қадахга бир дона гул солиб, ортга чекинади.

Ш о и р *(бошини қўтаради, тўла қадахни ичмоқчи бўлиб қўл чўзаркан, ҳайрат билан)*. Ажабо, бу гул қайдан пайдо бўлди? *(Атрофга боқади, Ольгани кўриб, қаламини қўяди.)* Ох, қандай буюк саодат... *(алоҳида оҳангда)*. Бода, гул ҳамда гулсиймо малак! *(Ўрнидан туриб, сандалияга ўтиради.)*

О л ь г а . Сизни безовта қилдим, шекилли?

Ш о и р . Билъакс, шоирларни безовта қилгувчи, изтиробга солгувчи бир нарса бўлса, у ҳам гўзалларнинг фироғидир.

О л ь г а *(қўлидаги гулдастани тақдим этиб)*. Ушбу гулдастани ёлғиз шоир учун тўпладим.

Ш о и р *(олади)*. О, шоир беҳад бахтиёрдир! *(Ольгага ишора қилиб)* Илтифотингиз ила ушбу қадахни табиатнинг энг жонли шеъри шарафига ичмоқ истайдурман. *(Ичади.)*

О л ь г а . Бул дафтарлар недур? Тағин илхом келганга ўхшайдир?

Ш о и р . Йўқ, «Темурнома»ни битаётирман.

О л ь г а . Қандай яхши. Буюк ҳоконнинг тарихини ёзмак ҳар кимсага ҳам насиб бўлмагай.

Ш о и р . Холбуки, ишқ ва гўзаллик тарихини битган шоирлар бундан кўра бениҳоя юксакдирлар.

О л ь г а *(кетмоқчи бўлади)*. Рухсатингиз билан...

Ш о и р . Кетмоқ истармисиз?

О л ь г а . Ҳа.

Ш о и р . Нечундир сиз бугун жуда ўйчан кўринурсиз. Сабабини сўрагали ҳаддим борми?

О л ь г а . Сабаби — ўлкан бир ноҳақлик.

Ш о и р . Яъни, қандоқ, ноҳақлик?

О л ь г а . Худо шохид, ростини сўйланг. Урхон чиндан ҳам Йилдиримга эътиқод қилурми? Сизнингча, у Темурга хиёнат эта олгайми?

Ш о и р . Буни тасаввур ҳам эта олмасман.

О л ь г а . Бугун ҳамма Урхоннинг хиёнатидан сўзлайдир. Ох, нақадар улкан бўҳтон, нақадар катта янглиш... О, ҳазратим, Темурнинг сизга ҳурмати жуда буюк. Лутфан Урхонни ҳимоят этсангиз.

Ш о и р . Зинҳор ташвиш чекманг, имкон қадар ҳаракат қилурман.

О л ь г а . Асло кам бўлманг *(назокатла таъзим ила чиқиб кетади)*

Ш о и р . Буюк мамнуният билан... *(чеккага)*. Бахтиёр Урхон! Саодат париси боши узра қанот қоқиб юрганидан асло хабари йўқ *(қадахга шароб тўлдиради. Шу орада Темур ва Девонбеги кириб келади)*.

Т е м у р . Тағин шаробми, муҳтарам шоир? Тағин шаробми?

Ш о и р . Буюк жаҳонгирнинг қонли жанглари фақат қонли шароб билан битмак мумкин.

Т е м у р . Киноями, яна киноями? Мазах қилаётганинг жаҳонгирнинг ғазаби сени

кўрқитмагайми?

Ш о и р (*бепарво ва ёқимли табассум билан*). Хукмдорларнинг шиддату ғазаби буюк мамлакатларни остин - устин қилгай, бироқ кичик бир шоирни кўрқитолмагай. Хайхот, мен ёлғиз гўзалларнинг итобу истиғноларидан мутаассир бўлурман. Менимча, ишвакор қошларнинг имоси яркирок қиличнинг серманишидан кўра анча маъноли, анча кескинدير.

Т е м у р. Сен жуда кўп ичурсан, холбуки, мамлакат қонунлари ва туркларнинг урф-одати буни қатъий манъ этадир.

Ш о и р. Шоирлар эса урф-одат ва қонун қафасларини парчалаб ташламакдан жуда катта завқ олурлар.

Т е м у р (*мамнун қаҳқаҳа уриб*). Зотан, сени севишимга сабаб ҳам ана шу риндона хислатинг, ғурур ва жасоратингдир.

Д е в о н б е г и . Шоир Кирмоний буюк руҳшуносор. У жуда яхши билурким, Темур ҳукуматларни ағдариб ташлагай, мамлакатларни фатҳ этгай, мағрур хукмдорларни янчгай, энг шижоатли қаҳрамонларни тиз чўктиргай, фақат мўътабар шоиру адибларни, олиму фозил шахсларни ҳурмат қилур, меҳр-муҳаббат кўргазур. Зеро, фақат Самарқанднинг хонадонлари, санъат арбоблари сиғмай келаётир. Наинки Шарқ давлатлари, ҳатто Мағриб ҳукуматлари ҳам элчи ва савдо вакиллари муттасил жўнатиб турмишлар.

Т е м у р. Савдогар ва санъаткорларга жуда катта эътибор, иззат-ҳурмат кўрсатмоқ лозим. Чунки жаҳон фақат тижорат ва санъат соясидагина юксакликка эришгай.

Д е в о н б е г и . Балли, кеча Испониё элчиси ҳам худди шу фикрни айтмишдир. У буюк ҳоконнинг фазилату маҳоратларини таърифлар экан, оғзининг танобини йиғиштира олмай қолмиш.

Т е м у р. Овруполиларнинг тиллари бошқа, диллари бошқадир. Ҳар ҳолда, мамлакатимиз арслонлар юрти, бургутлар маскани бўлиб қолмоғи лозим. Эҳтимол, бу юрт дунёда энг порлоқ маориф ва маданият ўчоғи, энг нафис санъат ва тижорат маркази бўлиб қолгай. Ҳа душманларимиз кўрсинларким, турк авлоди фақат босиб-қирмоқдан эмас, яшамок ва яшнатмоқдан ҳам завқ олур, ёлғиз ёқиб-йиқмоқнигина эмас, балки тиклаб-яратмоқни ҳам билур. Зеро, ҳозирга қадар яратганларимиз ҳеч нарса эмас. Булар фақат маданият сари ташланган бир одим, келажак учун ибтидо, холос. Биз бошлаган юмушларимизни келгуси авлод камолга етказгай. Ёлғиз беш-ўн шаҳар эмас, бутун мамлакат тараққиёт ва гўзалликлар учун намуна бўлмоғи лозим. Биз фақат бунинг тамал тошини кўярмиз. Бу тамал тоши узра муҳташам бинолар кўрмак, бу диёрни гулларга буркамак... бу масъулият кейинги наслларнинг, саботли авлодларнинг зиммасига тушгай.

Д е в о н б е г и (*ёзилган дафтарга боқиб*). Хуш, шоир энди қайси воқеаларни қаламга олмакдалар?

Ш о и р. Энг кейинги сафарлар... Туркистон лашкарининг Кашмир саҳросидаги зафарлари, енгилмас ҳоконнинг Хиндистонни фатҳ этиши...

Т е м у р. Яқин орада Миср ва Шомдаги зафарларимиз ҳам битаётганинг тарих шарҳлари орасидан жой олажак, деган умиддаман. Мағрур Йилдирим ўз ишончида собит қоладирган бўлса, у ҳам тарихимизда янги бир фасл ортишига сабаб бўлур.

Д е в о н б е г и . Фақат мен билъакс, Йилдирим борасинда сизнинг фикрингизга қўшила олмасман. Чунки ҳар иккинги Турон оламининг икки қутбидирсиз. Шулар икки қутб бир-бири билан чопишса, ўртада фалокатли бир ўпкон пайдо булгай. Ва бу нифоқдан фойдаланиш илинжида юрган атрофдаги ажнабий давлатларга турк дунёсини забт этмоқ учун имкон туғиладир. Фақат бизнинг лашкаримиз бутун жаҳонни бўйсундира олмас... Қўлга киритилган ўлкаларни оқилона идора эта олсак, шунинг ўзи улкан муваффақиятдир.

Т е м у р (*мағрур қаҳқаҳа билан*). Оллоҳ ягона бўлгани каби подшоҳ ҳам битта бўлмоғи лозим. Шон-шухратни қувиб юрган бир хукмдор қаршисинда жаҳон... нима деган гап?

О л м о с (*изтиробли ҳолда киради*). Буюк ҳоқон! Сизга шикоятим бор.

Т е м у р . Кимдан?

О л м о с . Адолатдан лоф ургувчи Темурдан.

Т е м у р . Нечун, болам, Темур бирон хато иш қилибдирми?

О л м о с . Шундоқ! Темурнинг хатоси ўзи қадар буюқдир.

Т е м у р . Хўш, бу қандоқ хато экан?

О л м о с . Сиз қахрамон бир жангчини маҳв этаётирсиз.

Д е в о н б е г и . (*Олмоснинг қўлидан тутиб*). Эсинг оғиб қолмишми, қизим, неларни сўйлаётирсан?

Т е м у р . Сўйла, Олмос, асло тортинма, ким экан ул қахрамон?

О л м о с . Мендан гап олмоқ истармисиз? Ажабо, Урхон не қилибдирким, Самарқанддан сургун этиладир?

Т е м у р . У осилиши лозим эрди, фақат сенинг эринг бўлғонлиги учун ҳам сургунга ҳукм этилмиш.

О л м о с . Нечун ахир, нечун?!

Т е м у р . Чунки у ҳукуматнинг хоинидир. Зимдан Йилдиримга эътиқод қўйган эрмиш...

О л м о с . Ёлғон! Бўхтон!

Д е в о н б е г и . Олмос!

Т е м у р . (*Олмосга*.) Мен ғурур ва жасоратни жуда яхши кўрурман. Ҳар ҳолда, сен ҳурматга лойиқдирсан.

О л м о с . Йўқ, мен ҳеч қандай таскин-тасалли истамасман! Ёлғиз адолат истарман, адолат!

Ш о и р (*аччиқ табассум билан, чеккага*). Маъсум бир оху йиртқич коплондан адолат сўрайди. (*Темурга*.) Ҳазратим. Олмосбегимга марҳамат қилинг, Урхон хоинлик қила олмайдир.

Т е м у р . Сиёсат бошқа, марҳамат бошқа нарса. Сиёсатда марҳамат йўқ! Зотан, Урхон сургунга лойиқдир.

О л м о с . Менинг қучоғимдаги норасида гўдакнинг ҳоли не кечур? Ох, наҳотки шунчалар бағритошсиз?

Д е в о н б е г и (*қўлидан ушлаб*). Қизим, жим бўлгин!

Т е м у р (*кескин*). Урхон дорга осилгай!

О л м о с . У ҳолда мени ҳам остир, мени ҳам... (*беҳол Девонбегига суяниб қолади*). Ох, отажоним!..

Д е в о н б е г и . Ўзингни тут, жоним, балким Амир авф этгайлар.

Д и л ш о д (*киради, бу манзарани кўриб ҳайратда*). Олмос! Бу не ҳол? Сени қаттиқ изтиробда кўрмакдаман.

О л м о с (*маъюс*). Йўқ, ҳеч гап бўлгани йўқ

Т е м у р . Дилшод! Олмос тасаллига муҳтож.

О л м о с . Тасаллининг энг гўзали ўлимдир.

Қорақуш шошилиб киради ва таъзим қилади.

Т е м у р . Не хабар?

Қ о р а қ у ш . Сардор Оқбуға лашкар тадоригини кўраётир. Бутун аъён-ашраф ҳозир бўлди. Ажнабий элчи ва вакиллар ҳам ташрифингизга мунтазирдир.

Т е м у р . (*Девонбеги билан шоир Кирмонийга.*) Энди борайлик, ул ерда уч-тўрт дақиқа бўлсак кифоядир.

Ш о и р . Қорақуш! Буларни йиғиб, кутубхонамга элтиб қўйгил!

Қорақуш китоб-дафтарларни тўплаб, уларнинг изидан чиқади.

Д и л ш о д . Олмос! Ёш гўдақдурмисан? Нега мунча ўзингни қийнайдурсан?

О л м о с . Оҳ. Урхон маҳв бўлаётир, у хоин деб аталаётир...

Д и л ш о д . Йўқ, у хоин эмас. Унга ҳеч нарса бўлмагай. Фақат бу ерда қандайдир бир англашилмовчилик борга ўхшайдир.

О л м о с . Худди ана шу англашилмовчиликлар менинг ғазабимни қўзғаётир.

Д и л ш о д . Ишон, бу ерда бир сир бор. Мен Темурни яхши билурман; у бундай мавҳум жумбоқларни жуда хуш кўргай. Урхондан сенинг кўнглинг тўқ бўлсин, зинҳор шубҳаланмагин!..

О л м о с (*унга яқин келиб*). Оҳ, меҳрибоним Дилшод! Мен ёлғиз сенга ишонурман.

Бу орада Темур кетган томондан «Яшасин Темур! Яшасин Темур!» деган гулдуролкишлар эшитилади. Қаршидаги хонадан Ольга чиқади ва Дилшодга юзма-юз келади. Олмос уни кўриб саросимага тушади, ўзгарган бир киёфада. Мана!.. Бутун фалокатларнинг сабаби шу ошуфта малика, хоин мана шу балодир.

Д и л ш о д . Олмос, уни тинч қўйгин.

О л м о с . Илтижо қилурман, мени қийнама. Оҳ, кеча Қорақушнинг айтган гапларини унутмишимсан? (*Ольгага яқинлашади, қизиққонлик билан.*) Менга қарагин, Ольга! Сен биздан не истайдирсан? Етар, энди дафъ бўлгин! Туркистон гўшаларида, Самарканд боғларида бегоналарга ўрин йўқ!.. Эшитдингми? (*Газаб билан.*) Оҳ, мен мана шу кибор фитначини ўз қўлларим билан буғиб ўлдирмоқ истайдирман. (*Ольганинг бугзига чанг солмоқчи бўлади.*)

Д и л ш о д (*йўлини тўсиб*). Олмос, шуни яхши билгинким, бу ишинг Амирнинг ҳали сўнмаган ғазабини тагин алангалатиб юборгай.

О л м о с . Ўт олсин, мен энди ҳеч кимдан кўркмасман...

О л ь г а . Илтижо этурман, Олмос, мени таҳқир этмагил! Мен ҳам худди сен каби асил бир оилага мансубдирман. Мен бу ерларга ўз ихтиёрим ила келганим йўқ, сенинг севимли эринг келтирди. Бу сўзларни менга айтгандан кўра эрингга айтгин, Амир Темурга сўйлагин.

О л м о с . Оҳ, сен нақадар беорсан. (*Ғазабли.*) йўқ, мен ҳеч кимга айтмасман. Сен Темурнинг ҳам, Урхоннинг ҳам ақлини шошириб қўйгансан. Сенга менинг ўзим жазо берурман, ўзим... Менга қарагин, ё она юртингга қайтиб кетурсан, ёким қабристонга!.. Эшитдингми, ҳой дарбадар махлуқ!

Д и л ш о д . Олмос, бас қилгин энди, борайлик (*қўлидан ушлаб судрайди*).

О л ь г а (*ёлғиз*). Кетурман, албатта кетурман, фақат юрагингда тузалмас бир жароҳат очиб, кейин кетурман.

Оғир одимлар билан кушк томон юради. Шу орада унинг қаршисидан У р х о н чиқади.

У р х о н . Ольга!

О л ь г а . Оҳ!..

У р х о н . Не бўлди, сени кўрқитиб юбордимми?

О л ь г а . Йўқ, кўрқитмадинг. Сен мени ўлдирдинг, мени маҳв этдинг.

У р х о н . Ольга! Бу не деганинг?

О л ь г а . Оҳ, Олмос мени расво қилди, шармисор қилди!

У р х о н . Нега, ахир?

О л ь г а . Сени севганим учун..

Дарахтлар ортида Д и л ш о д пайдо бўлади ва уларнинг суҳбатини тинглайди.

У р х о н . Ольга! Мен энди Самарқандни тарк этурман. Агар истасанг, ҳозирлигингни кўр, бирга кетурмиз.

О л ь г а . Йўқ, истамасман.

У р х о н . Нечун?

О л ь г а . Чунки ўзинг ҳам ҳалок бўлурсан, мен ҳам...

У р х о н . Темурдан кўркаётирсанми?

О л ь г а . Ҳа, шундоқ.

У р х о н . Шошилма, сен мени эшиттил. Гуржистондан мен олиб келган оқ камзулни кийиб олурсан. Сени кўрган киши эркак деб хаёл қиладир. Тез бўлгин. Бир оздан сўнг келурман. Биргаликда йўлга чикурмиз.

Д и л ш о д (*чеккага*). Жуда қулай фурсат! (*Яширинади.*)

О л ь г а (*тараддудда*). Оҳ, Темурнинг ғазаби мени даҳшатга солаётир.

Ташқаридан тағин гулдурос ва олқиш садолари эшитилади.

У р х о н . Зинхор иккиланма, дарҳол киёфангни ўзгартир, ҳозир энг қулай фурсат...

Т е м и р қ о я (*киради*). Амир ҳазратлари ташриф буюрадилар.

У р х о н . (*Ольганинг қулогига*). Ортиқ ҳаяллама. Югургин тез!

О л ь г а (*изтиробда*). Оҳ, Урхон!..

У р х о н . Дарҳол яширин.... Кутгайман! (*Ольга кетади. Темирқояга.*) Темирқоя! Сафар тадориғи қандай бораётир?

Т е м и р қ о я . (*Пеионасининг терини артиб.*) Ҳаммаси жойида... Йўлга чиқаверсак бўлади.

У р х о н . Кундузи жуда ёруғ. Менимча, ойдин кечада йўлга тушганимиз яхшироқ. Чунки тунда ҳаво бир оз сарин бўлур.

Т е м и р қ о я . Сен нима десанг — шу.

У р х о н (*йўлга қарайди*). Бор, сен бир оз канорда тургин.

Темур билан Девонбеги кириб келишади.

Т е м у р . Ўғлим, сен шул ердამисан? Ишлар қай ахволда?

У р х о н (*таъзим ила*). Бир муддатдан сўнг йўлга чикурман.

Т е м у р . Муҳим хабарлар кечикмасин. Пул зарур бўлиб қолса, дарҳол хабар қил. Йилдирим ўлкасининг ҳамма жойига жосус қўйиб қўй. Энди бор, ўғлим, сенга омад ёр бўлгай!

У р х о н . Барчасидан кўнглингиз тўқ бўлсин (*таъзим қилиб чиқади*).

Д е в о н б е г и . Саломат бўлгин, ўғлим. Олмос учун ташвиш чекма!

Т е м у р (*Девонбегига*). Дарҳол Йилдиримга бир сулҳ мактуби ёз! Субутой олиб боргай. Фақат Йилдиримнинг мактуби қанчалик қабоҳатли бўлса, бизники шунчалик назокатли бўлсин.

Д е в о н б е г и . Мен ҳам шундоқ деб ўйлайман. (*Йўлга қарайди.*) Ана, Субутойнинг ўзи ҳам келаётир.

Шоир Кирмоний, Обуға ва Субутойлар кириб таъзим қилишади.

Т е м у р . Қахрамон Субутой! Зудлик билан сулҳ мактуби олиб боришинг лозим. Йилдирим

шуни яхши билсинким, биз ҳаммадан аввал тинчлик ва муҳаббат тарафдоримиз.

С у б у т о й . Йўқ, у жуда кибор, қайсар киши.

Т е м у р . Биз ўз бурчимизни адо этмоғимиз лозим. Қайсарлик қилса, ўзидан кўрсин. Энди бориб тадорик кўр. Мактубни ҳам, керакли маслаҳатни ҳам Девонбегидан олурсан.

С у б у т о й (*таъзим билан*). Хўп бўлади, хоқоним! (*Кетади.*)

Т е м у р (*Оқбугага*). Жасур Оқбуга! Лашкардан жуда мамнун бўлдим. Биз бир неча кундан сўнг Миср сари юриш бошлагаймиз. Ўғилларимиздан Пир Мухаммад Мирзо Хиндистонни, Шохрух Мирзо Хоразм ва Туркистонни, Мироншоҳ эса Озарбойжон ва Гуржистонни идора этгай. Бошқа сардорлар ҳам ҳукуматимизга тобе бўлган ўзга улкаларни бошқариб тургай.

Сандалияга ўтирадилар.

Қ о р а қ у ш (*кириб таъзим килади*). Озарбойжондан, шахзода Мироншоҳдан Девонбегига мактуб бор.

Т е м у р . Яхши, ўзига бер.

Қ о р а қ у ш мактубни бериб чиқади. Девонбеги очиб ўқийди.

О қ б у г а (*шоирга*). Бу мактубда бир сир бор.

Ш о и р . Шубҳасиз.

Т е м у р (*чеккага*). Йўқ, бу мактубда қувончли бир хабар йўққа ўхшайдир. Ким билсин, тагин қандай бесаранжомлик рўй бермиш.

Д е в о н б е г и . Мактубнинг мазмунини арз этмакка рухсат бериладими?

Т е м у р . Сўйла!

Д е в о н б е г и . Яна исён!.. Яна озарбойжонлилар шахзода Мироншоҳга қарши исён кўтармишлар.

Т е м у р . Сабаб?!

Д е в о н б е г и . Сабаб Мироншоҳнинг бўшлиғи... Идора этмак салоҳиятининг ожизлиғи.

Т е м у р (*қизикқонлик билан*). Ох, Мироншоҳ, Мироншоҳ, агар унда жиндай тадбир ва сиёсат бўлса эди, ҳеч кимса унинг измидан чиқмас эрди. У ерни идора этмак учун соғлом ва тадбиркор бир бош лозим. Афсуским, Мироншоҳ каби бесабрлар бу хислатдан жуда йироқдирлар.

Ш о и р . Озарбойжон тенгсиз бир жаннат кучоғи, туганмас сарват ўчоғидир. Лекин афсус, минг бор афсуским, Мироншоҳлар ўйинчоғидир.

Д е в о н б е г и . Менимча, Озарбойжон халқи бегоналар сояси бўлмакдан ниҳоятда завкланадир ва хорижийлар таъсирига жуда қаттиқ бериладир.

Т е м у р . Қизик, қанақанги хорижий таъсир?

Д е в о н б е г и . Бир тўда кора гуруҳлар...

Т е м у р . Яъни, кимлар?

Д е в о н б е г и . Қорақўйин амири Қора Юсуф...

Т е м у р . Қандоқ далил бор?

Д е в о н б е г и . Мактубда нозик ишоратлар мавжуд. Атроф-жавонибдан келган баъзи жосуслар у ерда Темурнинг нуфузини йўққа чиқармак ва халқни Ёилдиримнинг дўсти Қора Юсуф томонига ағдармак ҳаракатида эмиш. Хатто бўл ҳам кифоят қилмаганидек, Қора Юсуфнинг қароқчилари Туркистон ва Арабистон орасидаги қарвон қатновига ҳамда тижорат ишига тўскинлик қилаётир эмиш...

Темур шахд билан ўрнидан туради, ёнидагилар ҳам унга эргашадилар.

Т е м у р. Ох, ҳали шундоғму, шундоғму? Ҳеч зарари йўқ, биз сафар арафасидадирмиз. Эртаиндин барчасининг ҳолини сўргаймиз, ҳар кимса қилмишига яраша жазосини олгай. Йўқ Қора Юсуфда бир тулкичалик жасорат йўқ. Шубҳа йўқким, у Йилдиримга ишонгани учун ҳам мундок фитналар топаётир. (*Девонбегига.*) Иккинчи мактубни ҳам кечиктирмай ёз! Хар ҳолда, Йилдирим уни бизга таслим этиб бермоғи лозим. (*Ғазабли.*) Ох, Йилдирим, Йилдирим! Мен сен ила яхши муомала қилмоқчи эсам, сен менинг қаршимга шоқолларни, тулкиларни йўллаётирсан. Йўқ, ҳар бир дарбадарга қарши беҳуда оввора бўлиб юрмасман. Қора Юсуф таслим этилиши лозим, таслим! Агар иккинчи мактубни ҳам менсимай совуқ қабул қилса, у ҳолда Йилдиримнинг ўзи билан ҳисобкитоб қилурман. (*Бир-икки одим юради, тагин тўхтайдди, кескин ва ғазабли.*) Ҳайҳот, Оқсоқ Темурни менсимаганлар ўз қўллари билан ўзларига қабр қазажақлар. (*Кетади, саҳнадагилар ҳам у билан чиқишади, саҳнада нур бир оз пасаяди.*)

Д и л ш о д (*Олмос билан киради. Унинг елкасини силаб*). Олмос! Сен ақлли, фаросатли аёлдирсан. Фақат бир оз ёшлигинг, бетоқатлигинг бор. Ишонким, кўп ўтмай Урхонни тагин Бингул дарасининг айш-ишрат базмларида кўргайсан.

О л м о с . Ох, бу сафардан мақсад не? Ёлғиз шуни билсайдим.

Д и л ш о д . Кўй, бу билан зинҳор кизикмагин! Хукумат сирини билганлар ёки билиб ошкор этганлар Темурнинг ғазабидан асло омон қолмағайлар.

О л м о с . Урхоннинг номига доғ тушмаслиги учун мен ҳамма нарсага рози эрдим.

Д и л ш о д . Зинҳор ташвиш тортма, сен Урхонни мендан сўрагин.

О л м о с (*у томон сурилиб*). Ох, нақадар олижаноб ва меҳрибонсиз.

У р х о н (*киради, Дилишодга таъзим қилиб*). Халал бермадимми?

Д и л ш о д . Асло!

У р х о н . Олмос! Менинг ушбу сафаримдан хавотир олмассан, деган умиддадирман. Урхон хоин эмас...

О л м о с . Йўқ, энди хавотирим йўқ Меҳрибон Дилшод хонимнинг икки ОҒИЗ сўзи менинг изтиробларимга чек қўймиш.

У р х о н (*Дилишодга ишорат билан*). Дилшодбегим ҳамиша тавофга лойиқ бир фазилат тимсолидир.

Д и л ш о д . Олмос ҳам, сен ҳам мен учун туғишган каби азиздирсиз.

Ҳ а р и к к и с и (*таъзим билан*). Ташаккур.

Д и л ш о д . Сен энди кечикма! (*Маъноли табассум билан.*) Ха, дарвоқе, сендан бир хохишимиз бор.

У р х о н . Амирларига мунтазирман!

Д и л ш о д . Олмос ёлғиз колаётир. Кўнглингни унга қолдириб кетганинг мақбул.

У р х о н . Албатта! Ўзга бир фикрга борсангиз, Урхонни таҳкир этган бўлурсиз.

Д и л ш о д (*чеккага*). Нақадар бемаъни ёлғон! (*Урхонга.*) Кутгаймиз. Тажриба — ҳақиқатларнинг ҳақиқатидир.

У р х о н . Ҳар ҳолда, вужуднинг айрилиғи кунгул айрилиғи эмасдир. Энди менга изн берсалар...

Д и л ш о д . Ёлғиз Олмос учун келдингми, атак-чечак ўғлингни кўрмок ниятинг йўқми?

У р х о н . Кўрмай булур эканми? Рухсат берсангиз...

Д и л ш о д . Дарҳақиқат, жуда ширин бола бўлибдир. Менинг ҳам кўргим келаётир.

Кетадилар. Кун ботади, атрофга ой шуъла соча бошлайди.

Т е м и р қ о я (*киради, уларнинг узоқлашаётганини кўриб*). Во ажаб, бу Урхон зинҳор сафарга чиқадиран одамга ўхшамайдир. Гуё Олмосни энди кўраётир. (*Ташиқарига чиқиб, тагин ичкарига кирган*

Ольгани кўради, хайрат билан.) Бу ким бўлди экан? Либослари нақадар гўзал! Худди гуржи кинёзларига ўхшайдир. Ким билсин, эхтимол, Гуржистондан Темур хузурига келган янги меҳмондир. Нима керак, ким бўлса-бўлсин, мен аралашмайман.

У р х о н (*ҳовлиқиб ортига қайтади*). Темирқоя!

Т е м и р қ о я . Лаббай!

У р х о н . Бу ерда эркак қиёфасида юрган бир йигитни кўрмадингми?

Т е м и р қ о я . Қизиқ! ҳеч замонда йигит аёл қиёфасида ҳам бўлгайми? Табиийки, албатта эркак қиёфасида бўлгай!

У р х о н . Негадир шошиб қолдим. Гуржи қиёфасидаги бир кишини кўрмадингми?

Т е м и р қ о я . Кўрдим, ҳозиргина шу ердан ўтиб кетди.

У р х о н . Отлар тайёirmi?

Т е м и р қ о я . Албатта, тайёр.

У р х о н . Сен кетавергин, мен ҳам дархол етиб боргайман.

Т е м и р қ о я . Яхши (*бир-икки қадам ташлаб, чеккага*). Афтидан, тагин Олмосни кутаётир (*Елкаларини кисиб*). Кутаверсин, нима керак (*кетади*).

О л ь г а (*чикади*). Урхон, кетурмизми?

У р х о н . Ҳа, кетурмиз. (*Тураддудга тулиган ҳолда, унинг қулини силаб*.) Менга бок, Ольга! Сен қола қол. Агар истасанг, қолгин...

О л ь г а . Пушаймон бўлдингми?

У р х о н . Асло.

О л ь г а . Йўкса, бу тараддуд нечун?

У р х о н . Чунки йўл жуда олис, бунинг устига таҳликадан ҳам ҳоли эмасдир.

О л ь г а . Йўк, мен на йўлдан кўрқурман, на сен ўйлаган таҳликалардан. Кетмак қарорига келдим, энди кеч. Вужудимни парча-парча тўғраб ташласалар ҳам ортга қайтмагайман.

Дарахтлар ортидан Д и л ш о д кўринади.

У р х о н . У ҳолда кетурмиз.

О л ь г а . О, албатта кетурмиз.

Шошилинич қадамлар билан узоқлашади.

Д и л ш о д . (*магрур ва мамнун*). Шўрлик Ольга! Ўзингни ўзинг фалокат ўпқонига ташлаётирсан. Зотан, менинг ниятим ҳам шу эрди. (*Ғазаб ва ҳаяжон билан*.) Майли, кета қол, дафъ бўл! Ҳайхот, фақат кўп ўтмай тотли орзуларинг кўзларингда қотиб қолгай. Ёвқур Темурнинг темир панжалари кўксингни тилкалаб ташлагай, хийла ва хиёнатга тўла юрагингни Туркистон бургутларига едиргай!

УЧИНЧИ ПАРДА

Бурсада Йилдирим Боязид саройидаги ҳашаматли қаср. Тун... Ҳар тарафда шамлар ёқилган. Ҳамиша баҳор гуллари товланиб турибди. Янги туғилган ой билан юлдузлар шуъла сочиб, жозиб бир манзара яратади. Узун бўйли ҳарам оғаси, қора араб Нозим қўлларини кўксига чамбарак қилганича хаёл суриб ўтирибди... Султоннинг нодимларидан пакана бўйли, жиккак масҳара Жўжа Амир Темур қиёфасида намоён бўлади. Товушсиз одимлар билан орқа томондан ҳарам оғасига яқинлашади. Оёқларини ерга қаттиқ уриб, «хуп» деганича оғанинг энсасига «ширин» бир шапати туширади.

Н о з и м . (*чўчиб кетади, жаҳли чиқиб, Жўжанинг ёқасидан олмоқчи бўлади*). Оҳ, читтак Жўжа, жирттак. (*Жўжа қочади, бир чеккага боргач, истехзоли қаҳқаҳалар билан, сакраганича*.)

Ж ў ж а . Авф этасан, Нозим оға, Мен — Жўжа, сен — қора қурбақа...

Н о з и м. *(доимо сўзларни араб шеvasига хос талаффуз этгани ҳолда, жаҳлдор бир қиёфада).* Оллоҳ-Оллоҳ, сен жуда ҳаддингдан ошаётирсан!

Ж ў ж а. Илтижо қилурман, бемаъни сўзларни сўйлама! Қаршингда Жўжа эмас, балки жаҳонгир бир ҳокон турибдир.

Н о з и м. Истасанг ҳокон бўлгил, истасанг шайтон. Бироқ зинҳор ҳаддингдан ошмагин, укдингми?

Ж ў ж а *(илжасийб)*. Афв эт, Нозим оға, бир оз ҳазиллашдим.

Нозим. Оллоҳ - Оллоҳ! Бўю бастингдан номус қилсангчи, бамисоли катакдаги товушқонга ўхшайдирсан.

Ж ў ж а. Ҳазратларининг ўзлари ҳам худди калисонинг нарвонига ўхшайдилар. Курбонинг бўлай, тагин бир оз чўзилсанг, худодан хабар келтирар эдинг.

Н о з и м. Оллоҳ - Оллоҳ! Гуноҳга ботдинг, баттол, ҳеч замонда Муҳаммаднинг умматини ҳам калисо нарвонига қиёс этгайларму?

Ж ў ж а. Афв эт, адашибман. Сен мусулмон бир арабсан, кўпроқ минорага менгзайсан: бошингнинг бўшлиги, бўйингнинг баландлиги, кўнглингнинг эгрилиги минорадан фарқ қилмайдир.

Н о з и м. Оллоҳ - Оллоҳ! Сен кофир бўлдинг, диндан чиқдинг.

Ж ў ж а. *(худди ўша оҳангда)*. Валлоҳ - биллоҳ! Эй араб оғайни, сен ҳам алжираб қолдинг.

Н о з и м. Вой бетавфик, имонсиз, шошмай тур, сени тутиб олай *(тутмокчи бўлади)*.

Ж ў ж а. *(бир чеккага қочиб ўтади ва қаҳқаҳа уради)*. Бу сенинг кўлингдан келмагай. Чунки сени яратганида тангри ақлингни бўйингнинг остига қўйган. Сен — ақли товонидаги бир ғоздирсан, ғоз...

Н о з и м. Хўш, ўзинг нимасан, ўзинг? Кўп билганидан яссилашиб қолган тулкисан.

Ж ў ж а *(илжасийб)*. Афв эт. Энди сен билан ҳазиллашмасман. Кўлингни бер, ярашурмиз *(яқинлашиб кўлини узатади)*.

Н о з и м. Истамайман, йўқол! *(Атрофга қараб, шошиб қолади.)* Оҳ, Султон ҳазратлари билан ҳарамлари Мелича!..

Ж ў ж а. *(Ўша томонга қараб, истехзоли қулганича.)* Ҳайҳот, серб киролининг синглиси билан унинг итоатли қули Йилдирим Боязид!

Н о з и м. *(шошиб қолади ва ғазаб билан)*. Оллоҳ - Оллоҳ! Зинҳор Султон ҳазратларини ҳам қул дегайларми! Ахир, у Оллоҳнинг заминдаги сояси булур!

Ж ў ж а. Ҳа, сен каби узун қулоқларнинг шарофатидан...

Истехзоли «қаҳқаҳалар билан чекинади. Нозим унинг ортидан ҳайрат билан қараб қолади. Шу пайт Йилдирим ва Мелича киради. Нозим уларга таъзим қилади.

М е л и ч а. Омон, ҳазратим, тагин не бўлди? Жуда безовта кўринурсиз.

Й и л д и р и м. Бугун овқат маҳали кўпроқ шароб ичиб қўймишман, шундан бошим тоғдек оғирлашиб турибдир.

М е л и ч а. Шаробнинг бош оғригини тагин шароб босгай. *(Арабга.)* Нозим оға! Бир оз шароб келтир. Дарвоқе, Сербистондан менинг номимга жўнатилган шароблардан бўлсин.

Й и л д и р и м. Агар садри аъзам пошшо келса, хабар бер!

Н о з и м. Бош устига *(таъзим қилиб чиқади)*.

Й и л д и р и м. Мен Сербистон шаробини жуда хуш кўрурман, чунки сени вояга етказган ул обу ҳаво ушбу шаробга ҳам ўзга бир латофат бахш этмиш.

М е л и ч а. Сербистон мен учун она оғуши бўлса, Йилдирим мамлакати ошиқ оғуши қадар

азиз ва роҳатлидир.

Й и л д и р и м. Азизим Мелича! Сўзларинг ҳам худди вужудинг каби латиф ва зарифдир.

Н о з и м. *(киради)*. Садри аъзам Али пошо келдилар. Амри хумоюнга мунтазирдилар.

Й и л д и р и м. Айт, кирсинлар. *(Нозим чиқади.)* Али пошо нуроний, муътабар зот. Ҳам диндор бир ҳукумат одами, ҳам бир оила аъзоси сифатида саройга маҳрам ва биз билан ҳампиёла...

М е л и ч а. Ҳа, у жуда ажойиб киши, мен ҳам уни ўз оғам каби ҳурмат қилурман.

А л и п о ш о *(киради, хурсанд бир ҳолда)*. Салом ва эҳтиромлар бўлғай!

Й и л д и р и м. Ваалайкум ассалом! Марҳамат, хуш, нечун кечикдингиз?

А л и п о ш о. Оқсоқ Темурнинг кечаги мактубига жавоб битдим.

Й и л д и р и м. Нелар деб ёздингиз?

А л и п о ш о. Амр этганингиз каби. Аввалги мактубимиздан ҳам совуқроқ ва ғазаблироқ. *(Қўлтиқ киссасидан мактубни чиқариб тақдим этади.)* Ўзлари ўкиб кўрсалар.

Й и л д и р и м. *(мактубни олиб, кўзларига ҳаддан ортиқ даражада яқинлаштиради)*. Яхши, жуда яхши.

А л и п о ш о *(чеккага)*. Шўрлик чиндан ҳам кўр. Сал бўлмаса, мактубни кўзларига ёпиштирай дейдир. *(Йилдиримга.)* Инсоф ҳам керак-да, ҳазратим, қаранг, биздан нима истайдир. Қорақўйинлининг Амиридек ҳайрихоҳ бир шахсни унга ҳеч таслим қилиб бериб бўлғайми? Ахир, Қора Юсуф ёки Султон Аҳмад Жалойир бизнинг энг яқин дўстларимизку!

М е л и ч а *(ҳайратланиб)*. Ё тавба! Бу Темур жуда қайсар киши экан-ку!

Й и л д и р и м. *(мутолаани давом эттириб)*. Зарари йўқ, қанча қайсарлик қилса, шунчалик оғир жавоблар олғай.

М е л и ч а. *(чеккага)*. Шўрлик Йилдирим! Кўрлигини бутун жаҳонга намоиш қилмоқчи. *(Йилдиримга.)* Кўйинг, ҳазратим, кўз нурунгизни беҳуда нарсаларга сарфламанг.

Й и л д и р и м. *(Али пошога)*. Менга жуда маъқул бўлди. Темурга муносиб жавоб.

Шу орада Нозим бошқа бир хизматкор билан устига шароб, таом ва гулоб қуйилган каттакон хонтахта олиб киради. Хизматкор чиқиб кетади.

А л и п о ш о. Ўтинаман, Темурни бир чеккага қўйиб турайлик. Хуш, буларни нега келтиришди?

Й и л д и р и м. Табиийки, ичмак учун.

А л и п о ш о *(қадаҳларни тўлдиради, Меличага)*. Рухсатингиз билан, бир оз сархуш бўлсам-да, шавкатли Султонимнинг энг суюкли маҳрами шарафига бир қадаҳ ичмак истарман. Омон бўлсинлар Мелича хоним! *(Ичадилар.)*

М е л и ч а. Ростини айтсам, самимият ва назокатингиз мени ҳайратларга солур.

Й и л д и р и м. Ҳаққост рост. Али пошо бекиёс бир кимсадир. *(Алипошога.)* Ишрат борасинда Мелича менинг илк устозим бўлса, сен иккинчи устозимсан. На илож, шароб ичмак динимизга кўра гуноҳ ҳисоблансада, аммо жуда нашъали гуноҳ.

А л и п о ш о. Менимча, ибодат ҳам лозим, ишрат ҳам. Тавбанинг эшиги ҳамиша очикдир. *(Яна қадаҳларни тўлдирадилар.)*

М е л и ч а. Сиз сиёсатчилар шаробни ҳам шароитга мослаб ичурсиз. Менга қолса, шароб ичмакда ҳеч қандай гуноҳ йўқ хусусан, Сербистоннинг шароби бўлса!

А л и п о ш о *(нашъали ва маъноли бир қиёфада)*. Офарин, хусусан, Сербистоннинг шароби бўлса. *(қадаҳни баланд кўтаради.)* Яшасин шонли Йилдирим Боязид!..

Й и л д и р и м. Ташаккур, пошо ҳазратлари! *(Ичадилар, Мелича фақат бир қултум хўплайди,*

қадаҳ, тўлалигича қолади.)

А л и п о ш о. Қани бизнинг Жўжа қайда? У ҳар оқшом машҳур бир хукмдор қиёфасида чиқаётиб эди.

Й и л д и р и м. Нозим оға, Жўжа қайда?

Н о з и м. Ҳозир *(таъзим қилиб чиқади)*.

Й и л д и р и м. Келсин, кўрайлик-чи, не нағмалар кўрсатгай?

А л и п о ш о. Мен унинг Испония кироли Хенрих учинчи қиёфасида чиқмоғини истар эдим, нечукким, у Темурга жуда ялтоқлик қилаётир, хатто элчилар жўнатиб, у билан савдо битимлари тузаётир.

Й и л д и р и м. Менимча, Темурнинг ўзини масхара қилиб чиққани маъкул...

Жўжа икки масхара қиёфасидаги шерикларини эргаштириб, Темур қиёфасида чиқиб келади. Оғир ва кулгили қадамлар билан оқсаганича улар сари юради ва рўбарўларига бориб, хайкалдек қотиб туради.

М е л и ч а. *(Кулгудан нафасини зўрга ростлаб, ҳайрат билан.)* Оҳ, кўрқиб кетаётирман, жуда даҳшат-ку! Ажабо, бу ким, бу қандай қиёфа?

Й и л д и р и м. Қани, ўзидан сўраб кўрайлик-чи.

А л и п о ш о. Чўлоқ Жўжа! Сен кимдирсан, касбинг недур?

Ж ў ж а *(мағрур, салобат билан)*. Мени ҳоконлар ҳокони Тарағай ўғли Темур дейдилар. Мен Шахрисабзда дунёга келдим, Самарқандда нашъу намо топдим. Бобом Барлос қабиласининг хукмрони, ўзим Гургон наслининг бош қаҳрамони... *(Ёнидаги масхаралар қаттиқ қаҳқаҳа уриб куладилар.)*

Й и л д и р и м. *(истеҳзоли табассум билан)*. Баракалла, баракалла!

Ж ў ж а. Мен ўн икки ёшда эканман, ажойиб фаросат ва буюкликни хис эта бошладим. Мен ила кўришмоқ истаганларни жиддий бир виқор ва хурмат билан қабул этардим. Ўн саккиз ёшимда чавандозлик ва овчиликка хавас қўйдим. Фурсатимнинг кўп қисмини Қуръон ўқимақ, шатранж ўйнамақ ва от минмақ ила ўтказар эрдим. Сўнг Амир Қозон билан урушдим, Хусайн Курд билан савашдим. Илёс Хўжага қўшилдим, вазири билан келиша олмадим. У ердан узоқлашдим, туркманларга асир тушдим. Сўнг бир қанча биродарлар ила бирга бўлдим. Булужистонга хужум қилдим. Гоҳ ғолиб келдим, гоҳ-гоҳ мағлуб бўлдим. Оёғимдан жароҳат олдим, шу куйи оқсаб колдим. *(Оқсаб у ёқ-бу ёққа юради, сўнг кескин бир оҳангда.)* Ҳайхот, мен ярадор бир арслон, Оқсок Қоплонман!

Ёнидаги масхаралар истеҳзоли, масхараомуз бир алфозда қаҳқаҳа отиб куладилар.

Н о з и м *(ҳайратга тушганча бир чеккага)*. Оллоҳ – оллоҳ !..

М е л и ч а. Накадар ажойиб нотик !..

А л и п о ш о. Даҳшат, даҳшат!

Й и л д и р и м. Хўш, кейин не бўлмиш, кейин?

Ж ў ж а. Сўнгра жетларни бўғдим. Чиғатой элини Мовароуннахрдан қувдим. Самарқандга кирдим, халқдан хурмат кўрдим. Қурултой қақирдим: хукимни ўтказдим. Балх шаҳрига бордим, Амир Хусайнни бир ёқлик қилдим. Тагин Самарқандга қайтдим, Амир деб тан олиндим. Қамариддин билан чопишиб ғолиб келдим, қизи Дилшод оғани олдим. Хоразмга кирдим, кальаларни забт этдим. Озарбойжон кучоғимга отилди. Курдистон таслим бўлиб қутилди, Арманистон ва Гуржистон хирожгоҳим бўлди. Қорақўйинлилар исён қилди, оёқларим остида эзилди. Шоҳ, Мансур тугён қилди, дарҳол боши кесилди. *(Ниҳоятда мағрурланиб.)* Ҳайхот, менман жаҳонгир доҳий!.. Мендурман жангларнинг оллоҳи!..

Масхараларда истехзоли қаққаҳалар.

Н о з и м (*сангиган ҳолда чеккага*). Оллоҳ – Оллоҳ !..

Й и л д и р и м. Тўп-тўғри, жўжа бир дохий!

А л и п о ш о. Тўғрироғи, дохий бир жўжа!

Й и л д и р и м. Кейин-чи, ундан кейин?

Ж ў ж а. Мен давлатимни тахаммул ва мурувват ила идора этдим. Халқни умид билан кўрқув оралигида тутдим. Кўплаб нифокларга дуч келдим, азият ва захматлар чекдим, аччиқ сўзлар ва тухматлар эшитдим. Фақат мени танқид этган шумшиқ қалби кўр жохилларга андоқ эътибор бермадим. Ҳамиша олға интилдим, ташаббус ва шижоатим ила ҳар кимсани бўйсундиришга муваффақ бўлдим. Ҳар ишни ватандошларим билан кенгашиб килдим. Хоин ва фитнакор кимсаларни ёнимга йўлатмадим. Доимо атрофимга асил ва нажибларни, оқил ва фозилларни тўпладим. Ҳамиша лашкар билан халқнинг аҳволини яхшиламак учун ҳаракат килдим.

Й и л д и р и м. Унда тўккан шунча қонларингнинг, қўзғотган шунча туфонларингнинг маънисини не?

Ж ў ж а. Мен ҳақ ва адолат намояндасидурман. Агар бирон-бир мамлакатда зулм ва истибдод авж олса, мен чеккадан боқиб турмасман. Халқнинг эркинлиги учун зулмнинг кулини кўкка совурмоқ, ўша мамлакатни озод этмоқ истайман. Худди шу боисдан ҳам Хуросонга кирдим, бутун Эронни тиз чўқтирдим. Масков тарафларга от солдим, Ҳиндистонни қўлга олдим. Шундоқ! Мен буюк Темурман... Мен енгилмас жаҳонгирман!..

Масхараларда истехзоли қаққаҳалар.

Н о з и м (*чеккага*). Оллоҳ – Оллоҳ !

А л и п о ш о. Дахшат, дахшат!

М е л и ч а. Мен бу ерда ортиқ ўтира олмасман.

Й и л д и р и м. Нечун? Жўжанинг сўзлари сени кўрқитиб юбормишми?

М е л и ч а. Йўқ! Бирок бу масхаралардан ичимга улим шарпаси оқиб кираётир. Алжирашлари ёлгон булса-да, жуда аччиқ ва тиканлидир.

Й и л д и р и м (*Жўжага*). Йўқол, дафъ бул! Бул совуқ қиёфангни ҳам узгартир!

Жўжа ва шериклари чиқиб кетадилар.

А л и п о ш о. Омон, ҳазратим! Жўжа бу оқшом жуда дахшатдир, дахшат!

М е л и ч а (*ўтиради*). Йўқолгани бўлсин, кишининг сабрини тўлдириб юборадир.

Й и л д и р и м. Хўш, энди нима истайсиз?

А л и п о ш о. Рухсат берсалар. Шомдан келтирилган араб қизининг, гўзал раққосанинг ўйинини кўрсак.

М е л и ч а. Мен ҳам таърифини эшитмишдим, лекин ўзини ҳали кўролганим йўқ.

Й и л д и р и м. Нозим оға! Шомлик қизни...

Н о з и м. Бош устига! (*Таъзим қилиб чиқади.*)

А л и п о ш о. Жуда таъриф этаётирлар. Арабларнинг рақслари ҳам иқлимлари каби оташлидир.

Й и л д и р и м. Шундоқ ҳақиқатан ҳам жуда оташли...

М е л и ч а (*истехзоли табассум билан*). Тагин пошо ҳазратларини ёндириб юбормасин! Ростини айтсам, жуда ҳайронман. Саройда серб, рус ва булғор раққосалари турганда, аллақандай шомлик қизга не ҳожат бор эди?

Й и л д и р и м. Санъат ва гўзаллик ҳар кимсанинг ўз завқи билан ўлчанур. Сарой

раққосалари бошқа, шомлик қиз эса мутлақо ўзга бир олам.

А л и п о ш о. Шундоқ кўнгил нимани севса, ўша гўзалдир! (*Арабча мусиқа билан арабча рақс бошланади, шомлик қизнинг чиқишини кўриб*) Накадар оташли нигоҳлар!

Н о з и м (*рақс тугаб, раққоса таъзим ила чикиб кетгандан сўнг ҳам ўзига кела олмай, гангиган ва завққа тўлган бир ҳолда*). Оллоҳ – Оллоҳ! Бу не малоҳат! Бу не латофат!

Й и л д и р и м (*илтифотли кулган ҳолда*). Не хаёлларга чўмиб қолдинг? Жуда ёқиб қолдим, дейман?

Н о з и м (*гуноҳқорона*). Узр, Султоним, айбга буюрмагайсиз.

М е л и ч а. Шўрлик, ўзини буткул йўқотиб қўймиш.

А л и п о ш о. Не ҳам қилсин? Зеро, араб руҳи, араб завқи! Фақат угина эмас, мен ҳам хушимдан айрилиб қолаёздим.

М е л и ч а. Ҳали шундоғми? (*Латиф ва нашъали қаҳқаҳадан кейин*.) Унда табиб чақирайлик.

Й и л д и р и м. Йўқ табибга ҳожат йўқ раққоса кетиши биланок Пошо ҳазратлари ўзларига келдилар.

А л и п о ш о. Шундоқ чиндан ҳам шундоқ (*Мелича туради*.) Нима бўлди, нега турдингиз?

М е л и ч а. Мен энди бора қолай.

Й и л д и р и м. Тамадди маҳали Али пошо ҳам биз билан бирга бўлурлар.

М е л и ч а. Жуда мамнун булурман. (*Кетади*.)

А л и п о ш о. Ҳазратимнинг ушбу чексиз самимиятлари менга ҳар қандай бахтдан ортиқроқ нашъа бергай.

Шу орада Жўжа бир сакраб, умбалок ошганича асл масхара киёфасида кириб келади.

Й и л д и р и м. Тагин келдингми?

Ж ў ж а. На илож, мажлис бўш қолмасин-да... Малак кетса, шайтон келади.

А л и п о ш о. Баракалла, баракалла! Жўжа бу оқшом даҳшатдир, даҳшат!

Й и л д и р и м. Кел, малак ичган ушбу қадаҳни кўтариб юбор!

Ж ў ж а (*қадаҳни олади*). Яшасин Серб қиролининг синглиси Мелича! (*Шаробни бурнининг устидан тўкади*.)

Й и л д и р и м. Не қилаётирсан, бадбахт! Сен ҳалигача шароб ичмакни билмайдурмисан?

Ж ў ж а (*Йилдиримга маъноли тикилиб*). Мен чўлдан чиққан бир чўпоннинг ўғлидирман. Не қилайким, то хануз фақат қимиз ва айрон ичмакни билурман, холос!

Й и л д и р и м (*чеккага*). Аччиқ бир киноя!

Ж ў ж а. Яқин орада бир серб қизини олмоқ ниятим бор, фақат ўшанда шароб ичмакни ундан ўрганурман. (*Али пошога маъноли қараб қўяди*.) Ана ўшанда баъзи бир сиёсий арбоблар каби намоз пайти ҳам сархуш бўлиб ўтиргайман.

А л и п о ш о (*чеккага*). Мени таҳқир қилаётир шекилли? (*Жўжасага*.) Хой бадбахт, сен жуда ҳаддингдан ошаётирсан!

Й и л д и р и м. Зарари йўқ, у бугун жуда нашъали, кўнглингга олмагин! Фақат сен билан эмас, мен билан ҳам ўйнашаётир. (*Жўжасага*.) Менга қара, Жўжа! Мен яхшироқ ҳукмдорманми ёки Темур?

Ж ў ж а. Омонлик бериладими?

Й и л д и р и м. Сўйла!

Ж ў ж а (*Йилдиримнинг қулогига яқин бориб*). У бир тентак, сен эса аҳмоқ! (*қаҳқаҳа уриб кулади.*)

Й и л д и р и м. Бас қил, одобсиз! У ҳолда сен нимадирсан?

Ж ў ж а (*садри аъзамга ишора қилиб*). Мен сенинг куйруғингнинг куйруғидирман... (*қаҳқаҳа*).

Й и л д и р и м. Хўш, сенинг куйруғинг-чи?

Ж ў ж а (*Нозимни кўрсатиб*). Мана бу! Марҳамат, томоша қилсинлар!

Н о з и м (*чеккага*). Оллоҳ-Оллоҳ! Жинними бу бадбахт. (*Чиқиб кетади.*)

Й и л д и р и м. Бас, етар, йўқол! Сен бу окшом заҳарли бир тикан, ғўнғиллаган қовоғари, қутурган бир кўппак бўлиб қолмишсан.

Ж ў ж а (*телбалардек қаҳқаҳа отади, қўли билан қаришидаги пардани кўрсатади ва уни очади*). Мен бир заҳарли тикандирман, бу ерда кўклам чечаклари! Мен бир қовоғаридирман, бунда серб ва мижор капалаклари! Мен қутурган бир кўппакдирман, бунда рум ва булғор малаклари!

Қаҳқаҳа уриб чекинади. Хазин мусиқа бошланади. Раққосалар рақсга тушади. Рақс тугагач, Нозим оға жадал кириб, Йилдиримнинг қулогига нималардир дейди.

Й и л д и р и м (*раққосаларга жаҳд билан*). Кифоя! (*қизлар чиқиб кетишади. Нозим оғага.*) Буларни йиғиштиргин-да, айт, ҳар учаласини ҳам олиб киришсин!

Нозим ишора кутиб турган хизматкорлар билан бирга дарҳол ишрат хонтахтасини олиб кетишади.

А л и п о ш о . Ким келган эмиш?

Й и л д и р и м. Темурнинг кишиларидадан уч нафар жосус қўлга олинмиш.

А л и п о ш о . Ким билади, балки жосус эмас, оддий бечоралардир.

Й и л д и р и м. Ақлимга сиғмагай, зинҳор ақлимга сиғмагай! (*Қизишиб*) Оҳ беор ғаним, бир томондан элчи жўнатадир, бир томондан жосус!

Шу орада икки қуролли яничари назоратида Урхон, Ольга ва Темирқоя кириб келадилар.

Й и л д и р и м. Темур жосуслари сиз бўласизми?

У р х о н. Ҳа, шундай дейишаётир.

Й и л д и р и м. Бу ерга не юмуш билан жўнатишди?

У р х о н. Жўнатишмади, ўз орзуимиз билан келдик.

Й и л д и р и м. Келишингиздан мақсад не?

У р х о н. Мақсад — Темурдан тонмоқ улуғ Султонга бўйсунмоқ.

Й и л д и р и м. Ёлғончиларнинг жазоси ўлим эканлигини унутмагил!

У р х о н. Бизнинг-ча, ёлғончилик тамғаси ўлимдан ҳам ёмондир.

Й и л д и р и м (*Ольгага*). Хўш, сен сўйла-чи, жигарим, Темурдан нега қочдинг?

У р х о н. Чунки Темур худком бир кимсадир.

Й и л д и р и м. Қўйгин, ўзи сўйласин.

У р х о н. Унинг тили йўқ.

Й и л д и р и м (*Темирқояга*). Отинг нима?

Т е м и р қ о я (*йўгон овозда*). Темирқоя.

Й и л д и р и м. Хўш, Сен айт-чи, нега келдинг?

Т е м и р қ о я (*бепарво, Урхонга шиора қилиб*). Урхон «юр» деди, келавердик.

Й и л д и р и м. Бошқа сабаби йўқми?

Т е м и р қ о я. Албатта бор, факат бу сир.

Й и л д и р и м (*қизишиб*). Сирли сабабми? Хўш, у қандай сир экан?

Т е м и р қ о я. Буни Урхон билади, нима керак, мен аралашмайман.

Й и л д и р и м. Ха! Аралашмайсан, шундоғми? Энди аён бўлди, демак, хиёнат. Жаллод! Жаллод! (*Нозим чиқаркан.*) Кеча Темурдан келган элчини ҳам олиб келинг, унинг ҳам боши кесилгай!

А л и п о ш о. Омонлик, Султоним! Ажалга ҳай беринг.

Й и л д и р и м. Йўқ барчасининг боши кесилгай. Оқсоқ жуда хаддидан ошиб кетаётир!

А л и п о ш о. Ижтижо қилурман, бу фикрингиздан қайтинг, хазратим, ҳеч замонда элчининг ҳам боши кесилурми?

Й и л д и р и м. Ха, кесилур, мен амр этсам — кесилур!

А л и п о ш о. Ҳеч бўлмаса, бул хукмнинг ижросини бир оз кечиктирмак лозим.

Й и л д и р и м (*газабли*). Бас, етар. Ўтинмакка ҳожат йўқ !

Шу орада Нозим киради, Жаллод ва икки яничари билан Субутой намоён бўлади.

Й и л д и р и м (*Субутойга*). Менга қара, мана бу кимсаларни танурмисан? Фақат ростини сўйла, йўқса энг енгил жазойинг ўлим бўлгай.

С у б у т о й. Субутой на ёлғон гапирур, на-да ўлимдан кўркур.

Й и л д и р и м (*газабини зўрға босиб*). Гапимга жавоб бер, мана буларни танийдирмисан?

С у б у т о й (*кинли-газабли ҳолда Урхонга тикилиб*). Туркистонда танир эдим, лекин усмонлининг пойтахтида танимасман!

Й и л д и р и м. Нечун?

С у б у т о й (*Урхонга шиора қилиб*). Чунки бу бадбахт ватан хоини. Улар ҳам шунинг кўлкаси.

О л ь г а (*калтогини олади, сочлари ёйилиб кетади*). Омонлик, Султоним! Афв этинг! Урхон хоин эмас, факат Темур учун гуноҳкор, чунки у сизга эътикод қўймиш эди, шу боисдан Туркистонни тарк этди.

У р х о н. Ольга, сен жим бўл!

Й и л д и р и м. Бу аёл ким?

У р х о н. Масков томонларга хужум қилганимизда ўлимдан қутқазиб қолганим бир қизалок.

С у б у т о й. (*аччиқ ва истехзоли бир жилмайиши билан*). Тўғрироғи Темур саройида очилган бир чечак. Сен кўлингга кўндириб олиб келганинг шўх бир капалак... (*Кескин.*) Лекин қаерда бўлмасин, хиёнат жазосиз қолмагай.

Й и л д и р и м (*Субутойга*). Сен жим бўл! (*Яничарларга.*) Буни ўз юртига кузатиб қўйинг. (*Али пошoga.*) Ҳалиги мактубни ҳам бер, Темурга етказсин.

С у б у т о й берилган мактубни олиб, яничарлар билан чиқади.

А л и п о ш о. Мана энди масала ойдинлашди.

Й и л д и р и м. Йўқ ҳали бор. (*Темирқояга.*) Сен сўйла-чи! Ҳали «сирли сабаб» деган эдинг, хуш, у нима экан?

Т е м и р қ о я. Энди сирлиги қолдими? (*Ольгага ишора қилиб.*) Ҳаммасини очиб қўйди.

Й и л д и р и м. Яширин сабаб фақат унинг айтганларими?

Т е м и р қ о я. Тағин нима бўлсин. Ҳеч замонда аёллар билан ҳам сафарга чиқар эканларми? Нима керак, ўзларининг иши...

Й и л д и р и м (*қизишиб*). Нима керак, нима керак! Эмизикли гўдак каби шу икки сўздан бошқасини билмайдир. (*Жаллодга.*) Олиб бор, аввал буни дафъ кил. (*Жаллод ҳозирланади.*)

О л ь г а. Оҳ...

У р х о н (*кескин*). Йўқ ! Бу ҳақсизлик. У содда, оми бир бечора, аслида менинг бошим кесилиши лозим, менинг...

Й и л д и р и м. Жасорат сени мағрур этмиш. (*Жаллодга.*) Яхши, аввал бунинг овозини ўчир.

О л ь г а. Омонлик, ҳазратим, шафқат қилинг, шафқат! (*Хўнграб йиғлаб юборади ва Султоннинг оёқларини қучади.*)

У р х о н (*қаттиқ истехзоли қаҳқаҳа, уриб*). Бечора қизалок! Сен ҳақ экан сан оҳ Темур, Темур!

Й и л д и р и м (*вазифасини адо этмоқчи бўлиб турган жаллодга*). Шошмай тургил! (*Урхонга.*) Нечун кулдинг? Нечун Темурни ёдга олдинг?

У р х о н. Бу менинг ишим. Сен фақат ўлимга буюрмакни билурсан.

А л и п о ш о. Йўқ бунда бир сабаб бор.

О л ь г а (*бошини кўтаради, кўз ёшларини артар экан*). Оҳ сабабини мен айтурман.

У р х о н. Тур ўрнингдан! Ҳеч нарсанинг хожати йўқ. Айтмак лозим бўлса, ўзим айтурман. (*Ольга туради.*)

Й и л д и р и м. Хўш, ўзинг сўйла-чи, бу қаҳқаҳаларнинг маъноси не?

У р х о н. Бу қаҳқаҳалар аслида аччиқ бир фарёддан бўлак нарса эмасдир. Бутун дунё ҳали Темурга сажда қиларкан, фақат мен исён этдим. Холбуки, унинг кичик бир таҳқирига чидаганимда эди, ҳозир ўлимга ҳукм этилмаган бўлур эдим.

Сукунат...

Й и л д и р и м (*мулойим*). Мен бу сўзларнинг нақадар тўғри эканлигини билмоқчи эмасдирман. Ҳар иккингишни мана шу қизнинг кўз ёшлари учун афв этдим.

О л ь г а. Кам бўлманг, ҳазратим.

А л и п о ш о. Зотан, кўз ёшлар самимиятни исбот этгувчи энг ишончли гувоҳдир...

У р х о н. Лекин бир ўтинчимиз бор эди.

Й и л д и р и м. Сўйла.

У р х о н. Фақат кечирिश билан муаммо ҳал бўлмагай. Биз энди Темурнинг мамлакатига қайтмасмиз. Садоқатимиз шубҳа остига олингандан кейин, табиийки, бу ерда қолишимиз ҳам шубҳалидир. Агар ижозат берилса, Миср, Шом томонларга кетур эдик. У ерларда бизни ҳимоят этгувчи кимсалар топилур.

Й и л д и р и м (*мамнун табассумлар билан ўрнидан туради*). Йўқ, ҳеч ерга кетмайсиз. Сиз менинг ўғлим, бу эса қизимдир. Ҳар учалангизнинг садоқатингизга шубҳа қолмади, Нозим оға! Бориб айтким, тузукроқ жой ҳозирласинлар, мусофирларга эҳтиром кўргазмак лозим.

Нозим жаллод билан бирга чиқади.

У р х о н (*ҳамроҳлари билан бирга таъзим қилади*). Беҳад миннатдормиз.

Й и л д и р и м. Садоқатингизга лойиқ мукофот билан тақдирланурсиз. (*Пошо билан бирга*

чиқиб кетади.)

У р х о н (*чеккага*). Ҳайрият, биринчи фалокатдан омон ўтдик.

О л ь г а. Ох, жуда кўриб кетаётirman. Субутой Самарқандга боргач, ҳамма сирни фош этадир. Темурнинг қахру ғазаби ажал чакмоғи каби бошимиз узра чакнайдир. Эвоҳ, у мени нега ҳам кўрди?

У р х о н. Асло ташвиш тортмагин, мен Субутой билан гаплашурман. У жуда мард инсон. Ҳеч кимсага сирингни айтмагай. Ҳатто Темур қиймалаб ташласа ҳам лом-мим демагай.

Т е м и р қ о я (*бир чеккада*). Нима керак, мен аралашмайман. Ўлсалар ўларман, қолсалар қоларман.

О л ь г а (*тувакда яшнаб турган гулни кўрсатади*). Ох, қандай ажиб, тароватли гул!

У р х о н. Бу ҳамишабахор гули. Қара, ҳануз янгидан - янги ғунча очмоқда.

О л ь г а. Нақадар гўзал...

У р х о н. Шундай кун келурким, бизнинг орзуларимиз ҳам худди ана шу гул каби янгидан-янги ғунчалар оча бошляжак.

Н о з и м (*кириб таъзим қилади*). Марҳамат қилсинлар. (*Улар билан бирга чиқади.*)

У р х о н. Қани, кетдик. (*Нозимни кўрсатади.*) Бул қоп-қора кечага ўхшаган махлуқ бизни музаффар ва мунаввар тонгга чорлаётир. (*Кетадилар.*)

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Ўша сахна... Кундузи... Қаршидаги каттакон деразадан сарой боғини беаб турган ям- яшил дарахтлар, ранг-баранг гуллар кузга ташланади. Айвонга қўйилган тувакдаги гулнинг эгилган ва тарвақайлаб кетган бутоклари орадан анча фурсат ўтганлигини кўрсатади.

Усмонли аъёнлари қиёфасидаги У р х о н бир чеккада қўлини пешонасига тираб хаёлга толган.

О л ь г а (*сарой хонимларига хос бир қиёфада киради. Урхонга бир лахза тикилиб туради*). Урхон!

У р х о н. Сенмисан, Ольга?

О л ь г а. Неларни ўйлаётирсан, ҳалақит бердим, шекилли?

Урхон. Йўқ, асло...

О л ь г а. Нега бунчалар хаёлга толдинг?

У р х о н (*гул бутасини кўрсатиб*). Атрофга ифорлар таратаётган, яшнаб турган бу гулларни кўрурмисан? Бу гуллар бир пайтлар ям-яшил тугунча эди.

О л ь г а. Ҳа, эсимда, жосус дея бизни айблашган бир кеча эди.

У р х о н. Ўша кеча мен очилмаган ғунчаларни кўнглимиздаги орзуларга ўхшатган эдим, шундоғми? Зотан, бугун истакларимиз руёбга чиқаётир, гуллар каби очилиб келаётир.

О л ь г а. У ҳолда сенинг фаромушлигингга сабаб не?

У р х о н. Ольга! Биз энди бу ерни тарк этмоғимиз лозим.

О л ь г а. Нечун? Ахир, биз бу ерда жуда бахтиёрмиз-ку!

У р х о н. Йўқ, аксинча, бахтиёрлик бизни бошқа оламда кутаётир!

О л ь г а. Гапингни англамадим. Сен Йилдирим каби буюк бир подшонинг саройидадирсан... Ўзинг ҳам энг сеvimли аъёнлардан биридирсан. Ортиқ яна не истайсан? (*Гул бутасига яқинлашиб, уни ҳидлай бошлайди.*)

У р х о н. (*чеккага*) Ҳа, Темурнинг лашкари Сивас қалъасини остин-устин қилди,

Йилдиримнинг ўғли ўлдирилди... Шундан сўнг ҳам бу ерда қолиб бўлурми?

О л ь г а. Урхон! Сенда бир сир бор ҳар ой яширин мактублар ёзурсан, ажабо, уларни кимга, қайга жўнатаётирсан?

У р х о н. Кейин тушунарсан, энди зудлик билан тадоригингни кўр! Бу ердан кетмоғимиз лозим.

О л ь г а (*безовта*). Ё тавба, нималар деётирсан, ёки Йилдиримдан бирон жабр кўрдингми?

У р х о н. Йўқ, Фақат баъзи подшолар, хусусан, Йилдирим каби сархуш хукмдорлар шул қадар даҳшатликим, уларга зинҳор ишониб бўлмагай. Зеро, ўз орасини вахшийларча қиймалаб ташлаган бир хукмдор арзимас баҳона билан бизнинг ҳам қонимизни тўкишига шак-шубҳа йўқдир.

О л ь г а. Мен бу шубҳаларда ҳеч қандай маъни кўрмаётирман.

У р х о н. Айтдим-ку, ахир, кейин англаб етурсан. Дарҳол ҳозирлан. Эҳтиёт шарт бир чодра ҳам олиб олгин, йўлда асқотиб қолгай.

О л ь г а. Хўп бўлади, лекин...

У р х о н. Жим, кимдир келаётир.

О л ь г а. Султоннинг маҳрами Мелича. (*Ёқимли табассумлар билан унга пешвоз чиқади.*)

У р х о н (*ёлғиз*). Бурч ҳар нарсадан муқаддасдир. Фурсат етиб келди. Энди Темур албатта ҳужум бошлаяжак.

М е л и ч а (*Ольга билан келади*). Ох, Ольга, Ольга! Сизларнинг мен билан дўстлигингиз кўнглимни қанчалар кўтаришини билсангиз эди.

О л ь г а. Менинг ҳам... Менинг ҳам севинчим жуда чексиз, жуда бепоёндир.

М е л и ч а. Сен нақадар олижанобсан. (*Урхонга ишора қилиб.*) Эринг ҳам жуда мард ва назокатли бир инсон.

У р х о н. Миннатдорман.

М е л и ч а. (*атрофга диққат билан разм солиб*). Шўрлик Йилдирим! Унинг ҳоли нақадар паришон...

О л ь г а. Ҳа, шу кунларда ҳазратимиз жуда ўйчан кўринурлар.

У р х о н. Нега ўйчан бўлмасин. Темур лашкарининг босиб келиши ҳазилакам гапми?

Й и л д и р и м (*киради, унга таъзим қиладилар. Ёнидаги Нозим огага*). Али пошо қайда? Дарҳол хузуримга чорла! (*Нозим эгилиб чиқади. Йилдирим вазмин.*) Ох, Темур! Мен сенинг бул қадар беҳазир эканлигингга ишонмаган эдим. (*Ғазабга миниб.*) Лаҳимлар қазиб қурол олиб кирмакка, Сивас каби бир қалъанинг кулини кўкка совурмакка нечук ҳадинг сиғди? Ох, ҳали асирларнинг, қалъа муҳофизларининг бошини кесдирдингми? Эртўғрул каби ўғлонимдан жудо этдингми? Йўқ-йўқ.... Бу аччиқ зарба, жаллод!

У р х о н. Балким бул ҳаракат уни менсимаганлигинг учун бир танбих, таъбир жоиз бўлса — бир жазодир.

Шу пайт олислардан ошиқона бир оҳангда чўпон найининг садоси эшитилади.

Й и л д и р и м (*бугилиб*). Нима?! Бир танбих ?! Бир жазо?! Ох, неларни эшитаётирман?!

У р х о н. Зотан, сенга ихлос ва садокатим шул аччиқ ҳақиқатни суйламакка мени мажбур этаётир.

Й и л д и р и м. Мен бошимга бостириб келган кекса туллак Салиб лашкарини махв этдим. Фарангистон ва Олмония жангчиларини ер билан яксон қилдим. Лохистон, Австриё ва Итолиё аскарларини бир ҳамладаёқ эзиб ташладим. Ҳатто кўркмас Жон каби машҳур бир қаҳрамонни ҳам назарга илмадим. Энди Темур каби бир дарбадарми мени кўрқитмоқ бўлгай? Ох , кўр бўлсин бу

фалакнинг кўзлари! Қарагин, кимлар мени жангга чорлаётир!

М е л и ч а. Қўйинг, ҳазратим! Ўзингизни жуда азобга солдингиз. Вужудингиз бир оз истироҳатга муҳтож.

Й и л д и р и м. Истироҳатми?! Захарли панжалар қалбимни парчаламоқда экан, тагин истироҳатгами?! (*Ғазабли.*) Оҳ, йиртқич! (*Меличага.*) Бизни ёлғиз қолдир. (*Мелича Ольга билан чиқар экан.*) Айт, у чўпоннинг овозини учирсинлар.

М е л и ч а. Бош устига. (*Кетмоқчи бўлади.*)

Й и л д и р и м. Керак эмас, куй, майли, чалаверсин.

М е л и ч а. Бош устига... (*Чиқиб кетишади.*)

Й и л д и р и м (*деразага яқинлашади, чўпоннинг куйини тинглаб хазин ва аламли бир оҳ чекади*). Чал... Чал!.. Эй бахтиёр чўпон, чалавергин!.. На Сивас каби шахринг қўлингдан кетмиш, на-да Эртўғрул каби ўғлинг...

Али пошо киради, най садоси тинади.

А л и п о ш о (*ясама бир безовталиқ билан*). Ҳазратимни бир оз кайфиятсиз кўраётирман.

Й и л д и р и м (*аччиқ табассум билан*). Шундоқ, кайfli вазирларнинг султони ҳамиша кайфиятсиз бўлур.

А л и п о ш о. Ҳар ҳолда шавкатли хоқоннинг марҳаматлари қулларининг қусуридан жуда юксакдир.

Й и л д и р и м. Менга бок, сен Сивас воқеасига не дейсан?

А л и п о ш о. Фақат гўдакларга хос бир тажриба. Бемаъни бир тажриба...

Й и л д и р и м (*ғазабли*). Очикроқ сўйла, нимаси бемаъни?

А л и п о ш о. Чунки Темур Сивас қалъасига тажовуз этиши биланок, жангни давом эттирмакдан чекинди... Кўриниб турибдирким, аскарларимизнинг шижоатини кўриб у улкан сабоқ олмиш. Журъат қилганида эди, Сивасни ташлаб, Миср — Шом томонларга кетмаган бўлурди.

Й и л д и р и м. Сен сархушсан... Бугун-эрта у Мисрни ҳам остин-устин қилади. Шомни ҳам...

У р х о н. Аллақачон шундай қилмиш.

Й и л д и р и м. Оҳ, нелар даётирсан?

У р х о н. Ҳатто у ортга қайтиб, Ораз дарёсини кечиб ўтиб, Озарбойжонга ҳам кириб борибдир. Ушбу сонияларда у Қорабоғнинг сарин яйловларида, майса-чечакли адирларда истироҳат ва ғолибият базмлари ила машғулдир.

А л и п о ш о (*изтиробда, чеккага*). Оҳ даҳшат, даҳшат!..

Й и л д и р и м (*Али пошога*). Хуш, бу хабарни сен нечун ҳозирга қадар менга айтмадинг?

А л и п о ш о. Чунки сиз бир оз хастахол кўринурсиз. Бинобарин, бу воқеа аҳамиятга арзимайдир...

Й и л д и р и м (*ўта ҳаяжон ва ғазаб билан*). Нечун?! Аҳамиятга арзимайдирми? Йўқ, йўқ, зинҳор ундоқ эмас, Сен Темурга қарши Миср — Шом ҳукуматлари билан иттифоқ тузиш ўрнига Бурса майхоначиларига шароб буюриш ила машғул бўлгансан!

Н о з и м (*кириб таъзим қилади*). Шайх Бухорий ҳазратлари.

Й и л д и р и м. Кирсин. (*Нозим эгилиб чиқади. Йилдирим чеккага.*) Шайх фозил ва муҳтарам бир зот. Унинг ташрифида бир гап бор.

Ш а й х Б у х о р и й (*қишлоқлик бир аёл билан киради. Таъзимдан сўнг*). Журъатим учун афу этинг, ҳазратим. Лутфан шул қишлоқлик аёлни тингласангиз. Онадўлининг шул йўқсул

онасига кулоқ берсангиз. Эшитинг, у нелар дейдир.

Й и л д и р и м (*аёлга*). Сўйла!

А ё л. Хўжам билан ўғлим салб жангида ҳалок бўлишди, оҳ, уларнинг дийдорини кўролмай қолдим, мазорларини биллолмай қолдим. Мен фақат бир тасалли билан тирик эдим — улар ватан учун шаҳид бўлиб эдилар.

Й и л д и р и м. Дардинг не, дардингни айт!

А ё л. Бўй етган бир қизим бор эди, оти Лола эди, мен унинг учун ҳар қандай захматдан қайтмас эдим. Куйиб-пишиб бир тарафдан ола хўкизни, бир тарафдан ўзимни аямасдан, жонивор билан баробар меҳнат қилардим. Лолагинам, яккаю ягона жигаргўшам кам бўлмасин дердим.

Й и л д и р и м (*бир оз асабий*). Хўш?

А ё л (*ҳаяжонли*). Кейин яничарлар, сенинг ўша талончи, маст-аласт аскарларинг хўқизимни олиб кетишди. Бермоқчи эмас эдим, зўрлаб тортиб олишди. Ялиниб-ёлворган эдим, дўппослашди. Мен-ку майли... Мен-ку майли... (*аламли фарёд билан*). Қизим! Оҳ, жигарим! Ёвузлар бегуноҳ бир кўзичокқа хужум қилган каби унга ёпирилдилар, йиғлашига, дод солишига қарамай, жаллод каби олиб кетдилар. (*Беҳол.*) Оҳ, Лолагинам! Оҳ, жигарим... (*Йилдиримининг оёқларига йиқилади.*)

Й и л д и р и м (*ўта ғазабда*). Жавоб бер, Али пошо, жавоб бер!

А ё л (*беҳол*). Оҳ, майпарастлар! Вахшийлар!

Ш а й х Б у х о р и й (*чеккага*). Маст амирнинг маъмурлари ҳам маст-аласт бўлгай.

Й и л д и р и м. Топилсан, бу аёлнинг қизи дарҳол топилсин!

У р х о н. Юринг, она.

А ё л (*кўз ёшларини артиб*). Оҳ, жигарим... Ёлғиз жигарим. (*Тагин хунграб йиғлайди.*)

У р х о н. Юринг, хиёнат жазосиз қолмагай. (*Аёл билан бирга чиқади.*)

Ш а й х Б у х о р и й (*чеккага*). Бечора аёл! Билмайдиким, ўзи илтижо қилаётгани подшонинг ичадиган шароблари йўқсул қишлоқликнинг тўкилган қизил қонлари, қонли кўз ёшлари эвазидандир.

Н о з и м (*кириб таъзим қилади*). Темур элчиси!

Й и л д и р и м. Кирсин! (*Ғазабли.*) Тагин элчими?! Яна Темур элчисими?!

Субутой баҳорлик либосда кириб таъзим қилади ва мактубни беради.

Й и л д и р и м (*Али пошога*). Ол, ўқи! (*Субутойга.*) Бу мактуб қайда битилди?

С у б у т о й. Озарбойжонда, Қорабоғ адирларинда...

Й и л д и р и м. Чиқиб кўзлагил, жавобини дарҳол олурсан.

С у б у т о й. Хўп бўлади. (*Таъзим қилиб чиқади.*)

А л и п о ш о (*қисқа мутолаадан сўнг, у ҳайрат билан чеккага*). Даҳшат, даҳшат!

Й и л д и р и м. Неларни битибди, тагин нелар деб ёзибди?

А л и п о ш о (*ўқийди*). Тангрининг қули Темурдан Рум Султони Йилдириш Боязидга!

Й и л д и р и м. Узундан-узоқ лофларга тоқатим йўқ, фақат мактубнинг мухтасар маъносини сўйла!

А л и п о ш о. Ёзибдирким, мен сизни бир турк султони деб ҳисоблайдирман ва ўзингизни ҳурмат қиладирман, фақат сиз мени менсимасангиз орамизга совуқчилик тушгай ва бунинг оқибати жуда аччиқ бўлгай.

У р х о н киради.

Й и л д и р и м. Хўш, кейин?

А л и п о ш о (*мактубга кўз қирини ташлаб*). Илло, бу менинг охирги мактубим ва сўнги таклифимдир. Қорақўйинлининг амири Қора Юсуф билан муносабатларни узгайсиз. Шаҳзодаларингиздан бирини маъмуран хузуримга жўнатгайсиз... Мен унга ўз болам каби муомалада бўлишимни олдиндан ваъда қилурман. Фақат мактубимга мувофиқ жавоб қайтмаса, хужум этажагимга шак-шубҳа йўқ. Шунга яраша ҳозирлигингизни кўринг дея огоҳ этаётирман.

Й и л д и р и м. Урушмоқми? (*Аччиқ қаҳқаҳа билан*) Қаранг, бизни нелар билан кўрқитмоқчи. Бечора Чўлок! Қаршисида ким турганини унутганга ўхшайдир. (*Жуда ғазабли.*) йўқ, унга жавоб жангдан бошқа нарса бўлмагай!

Ш а й х Б у х о р и й. Менимча, ғазаб ва ҳиддат ҳазратимизни янглиш муҳокамаларга олиб бораётир. Темур ҳам худди сиз каби бир қахрамондир. Сиз каби жасур ва енгилмас бир хукмдордир. Турк фарзандларининг конини беҳуда тўктирманг, атрофингизни куршаб турган ғанимлар сизнинг бошингизга тушадирган фалокатдан шод бўлмасинлар.

Й и л д и р и м. Йўқ, пирим! Мен ҳозиргача сенинг аччиқ насиҳатларингни тинглаб келдим. Афсуским, энди тингламагайман, чунки ушбу мактуб таҳкирларнинг энг аччиғидир.

Ш а й х Б у х о р и й. Ҳа, билурман, аччиқ, ҳатто менинг сўзларим унданда аччиқ. Фақат Темур билан урушмакдан кўра ўз нафсинга қарши жанг эълон этгил. Журъатим учун мени маъзур тут. Аммо имкони қадар раққосаларга ўралашиб қолмагил! Сербистон маликасининг нуфузига учмагил! Ва сархуш вазирларнинг эрмаги бўлиб қолмагил!

А л и п о ш о (*чеккага*). Бу не алжираш?

Й и л д и р и м. Балли, шайхим! Аччиқ бўлсада, сўзларингда ҳақиқат бор. Лекин Темурга қарши жим турмак қўлимдан келмайдир. Нечунким, у менинг кимлигимни танимаётир ёким танишни истамаётир. Ҳар ҳолда, мен ўзимни унга танитмагим лозим. Али пошо, жавоб ёз!

Али пошо қоғоз-қалам ҳозирлайди.

У р х о н (*таъзим қилиб*). Рухсат бўлса, менинг ҳам икки оғиз гапим бор эди.

Й и л д и р и м. Сўйла!

У р х о н. Ҳазратим, албатта, сизнинг иродангиз ҳақиқатдир, бинобарин, шайх ҳазратларининг тавсиялари ҳам оқилона бир маслаҳатдир.

Й и л д и р и м. Мен ҳаммасини яхши англайдирман, аммо маслаҳатнинг фурсати ўтди. (*Ғазабли.*) Жавоб ёз!

А л и п о ш о. Амрингизга мунтазирман.

Й и л д и р и м. Йилдириш Боязиддан дайди ит Темурга!

Б о ш қ а л а р (*хайрат ва даҳшат билан чеккага*). Нима? Дайди ит?!

Й и л д и р и м. Ёздингми? Дайди ит Темурга!

А л и п о ш о. Ёздим, дайди ит Темурга.

Й и л д и р и м. Ёз, урушимиз — уруш. Кимки сўздан қайтса, хотини уч талок бўлгай!

А л и п о ш о (*ёзади, чеккага*). Оҳ, фалокат! Даҳшат!

Й и л д и р и м. Қолганини ўзинг билурсан. Менинг гапим фақат шу!

Ш а й х Б у х о р и й (*изтироб ва ҳаяжонда*). Ҳазратим! Ҳазратим, ижозат беринг. Ушбу жавоб одоб-муомалага зинҳор мувофиқ келмагай. Зеро, бу бир хато, бир тажовузким, ҳеч бир хукмдорнинг шаъни учун яхши эмасдир.

Й и л д и р и м. Бас, етар, ўтинаман, бошқалар бу ишга аралашмасин.

Ш а й х Б у х о р и й (*ўрнидан туриб кетмоқчи бўларкан*). Яхши, Султоним, мен қўшилмагайман, бироқ, сиз ушбу жавобингиз билан буюк бир тарихий масъулият остида қолаётирсиз. Менга рухсат...

Й и л д и р и м. Ихтиёрингиз. (*Шайх Бухорий чиқиб кетади. Йилдирим истеҳзоли табассум билан кўзларини ўйнатиб.*) Шундоқ, ушбу мактуб билан Йилдирим буюк бир масъулият, тарихий масъулият остида қолур эмиш.

У р х о н. Ҳар ҳолда, шайх ёмонлик истагувчи кимса эмасдир.

Й и л д и р и м. Не бўлса булур, менинг қарорим қатъий. (*Ўрнидан туради.*) Менга қара, Урхон! Сен то ҳозиргача биздан ҳурмат ва муҳаббат кўрдинг... ва шу боис ҳам Онадўлидаги тотор-туркман уруғлари ўртасинда катта нуфузинг бор.

У р х о н. Ҳазратимнинг иноятлари билан.

Й и л д и р и м. Энди уларни ҳаракатга келтирмоқ лозим. Бутун лашкарга сафарбарлик эълон этурман. Кўрайликчи, Темур бизга қарши не қила олур экан? Сен фақат ўз бурчингни унутма! (*Чиқа бошлайди.*)

У р х о н. Мен учун бурч ҳамма нарсадан муқаддасдир. Амирим учун бошимдан кечишга ҳам тайёрдирман.

Й и л д и р и м. Бор, арслоним, ҳозирлан! Унутмагилким, сени улкан лавозимлар кутаётир. Али пошо! Сен ушбу мактубни элчига бер, мендан сўнгги совға сифатинда Темурга олиб борсин.

А л и п о ш о. Бош устига! (*Чиқадилар.*)

У р х о н (*ёлғиз*). Оҳ, Темур — дайди ит. (*Аччиқ ва истеҳзоли табассум билан.*) Э-воҳ, ҳамиша бадмастларнинг тасаллиси — алжирамак, ожизу заифларнинг куроли эса ҳақорат этмак ва қарғамакдир. (*Йилдирим кетган томонга қараб кинояли, бир оз қизишган ҳолда.*) Эй мағрур, айшпараст Султон! Яқинда, тез орада ул ёвқур жаҳонгирнинг темир панжаларида илон каби тўлғанурсан. Муқаррар мағлубиятга учраб, забун ва паришон бўлурсан!

БЕШИНЧИ ПАРДА

Анқара адирлари. Темурнинг чодир... Чодир олдида барваста келбатли, ўқ-ёй таққан икки жангчи соқчиликда туриб суҳбатлашмоқда.

Б и р и н ч и с о қ ч и. Во ажаб, бутун дунё жанг-жадалдан толиқди, бироқ бу Оқсоқ зинҳор толиқишни билмагай.

И к к и н ч и с о қ ч и. Тағин шикоятми? Ўзи недан норозисан, азизим?

Б и р и н ч и с о қ ч и. Миср ва Шомда тўккан қонларимиз ҳали совугани йўқ... Энди эса Анқара ғавғоси, Анқара балоси! Нима деган гап? Уч-тўрт кун ором олсак бўлмасмиди?

И к к и н ч и с о қ ч и. Хўш, Қорабоғнинг кўм-кўк адирларида, Озарбойжоннинг жаннатдек гўзал, фараҳли гўшаларида сурган завқ-сафоларинг озлик қилурми?

Б и р и н ч и с о қ ч и. Бу нима деганинг? Атиги уч ой завқ олиб, олти ой жанг қилмоқ керакми?

И к к и н ч и с о қ ч и. Мундоқ ўйласанг-чи, жанг-жадалнинг ҳам ўзига хос завқи бор, ахир!

Б и р и н ч и с о қ ч и.. Оллоҳнинг ўзи шоҳид. (*Оқсоқланиб у ёқдан бу ёққа юради.*) Шом томонларда бўлган жангда оёғимга бир ўқ тегди, то хануз оқсайман, ҳамон кечалари оғриқдан ухлай олмайман.

И к к и н ч и с о қ ч и (*кулиб*). Зарари йўқ, яхши мол эгасига ўхшайди. Темур ҳам оқсоқ, сен ҳам... Фақат орангизда бир фарқ бор — сен қарғасан, у — бургут...

Б и р и н ч и с о қ ч и.. Бас қил, баттол!

И к к и н ч и с о қ ч и. Яхши, бўлмаса, у қарға бўлсин, сен эса бургут...

Б и р и н ч и с о қ ч и.. Йўқ буниси ҳам тўғри келмайди.

И к к и н ч и с о қ ч и. Хўш, унда нима истайсан?

Б и р и н ч и с о қ ч и.. Нимани истардим, шу Анқара жанги менга сира ҳам ёқмаётир. Нима эмиш — Темур Йилдиримни енгар эмиш... Менга бундан не фойда? Мисрда, Шомда ҳар ҳолда ул-бул насага эга бўлдим. Бу ерда ғолиб келсак (*ҳовучига боқиб*), хуш, айт-чи, қўлимга нима киради? Анқаранинг қуп-қурук, бўм-бўш саҳросими?

И к к и н ч и с о қ ч и (*истеҳзоли қаҳқаҳалар билан*). Вой жуҳуднинг даллоли-ей! Сен жангга мол йиғиш учун келганмисан?

Б и р и н ч и с о қ ч и.. Нима бўпти! Оқсоқнинг донги чиқсин, менинг эса жоним чиқсин, шундоғми?

И к к и н ч и с о қ ч и. Бас, етар, бу сўзлар туркка муносиб бўлмаганидек, аскарга ҳам зинҳор лойиқ эмасдир.

Б и р и н ч и с о қ ч и.. Нима бўпти! Сенингча, аскар одам эмасми? (*газабли*.) Хўш, нима бўпти! Жон олиб, жон берадиган биз, Ўйнаб-куладиган улар! Чопишиб-сукишадиган биз, шон-шухрат қозонадиган улар! Оч-яланғоч юрадиган биз, кайф-сафо сурадиган улар!

И к к и н ч и с о қ ч и (*қулиб*). Ажабо, алаҳсираётирсанми. Улар деганинг кимлар?

Б и р и н ч и с о қ ч и.. Улар — саройларда айш-ишрат қиладиган очкўз подшолар, телба хоқонлар... Сарват ва саодат оғушида ўйнаб-куладиган аблах вазирлар, ярамас аъёнлар... Кайф-сафо билан кун кечирадиган беғам шахзодалар, семиз амирлар...

И к к и н ч и с о қ ч и (*мағрур қаҳқаҳалар билан*). Англадим, энди англадим. Бундоқ фикрлар қўрқоқлик оқибатида туғилади. (*Унинг елкасига қоқиб*.) Менга қара, сен зинҳор ташвиш чекма, бугун-эрта Йилдирим мағлуб бўлади, биз тагин Самарқандга қайтурмиз.

Б и р и н ч и с о қ ч и. Йўқ бунга кўзим етмаётир. Йилдирим жуда қудратли дейишмоқда.

И к к и н ч и с о қ ч и. Ажабо, унинг нимаси қудратли эмиш?

Б и р и н ч и с о қ ч и.. Йўқса не? Мана, неча кундирким, Йилдирим билан юзма-юз турибмиз. У эса жангни қўйиб, шикорга чиқармиш, бизни назарига ҳам илмаётган эмиш.

И к к и н ч и с о қ ч и. Ҳечқиси йўқ. У бизни менсимаса, биз уни менсиймиз. (*Бўри улиши эшитилади*.) Амир келаётир! (*Соқчига қараб, ҳайратда*.) Нима бўлди? Сенинг юз-кўзингдан олов ёғилаётир.

Т е м у р жанг либосида кириб келади. Ортидан Д е в о н б е г и , шоир Кирмоний ва О қ б у га киради.

Темур (*ниҳоятда қинли ва газабли оҳангда*). Темур — дайди ит?! Шундоғми, ҳали шундоғми?!

Ш о и р. Балки кайфи бўлгандир. Йўқса, кекса бир Султоннинг оғзидан бундай сўз чиқмас.

Девонбеги. Эҳтимол беморлигида, иссиғи кўтарилганда ёзгандир. Йўқса, бундақанги алжираш эс-хушли бир зотга зинҳор ярашмагай.

Т е м у р. Эҳтимол! Эҳтимол! Лекин мени ҳам Тарағай ўғли Темур дейдилар. Уни бадмастликдан хушёр этмоқ кўтарилган бошини эгмоқ фурсати келди... Оҳ, Йилдирим, Йилдирим! Нақадар даҳшатли бўлсанг-да, Ҳиндистонда мен овлаган қоплонлардан мудҳиш эмасдирсан.

Ш о и р (*чеккага*). Шундай, қоплон йиртқичларнинг энг ваҳшийси, аммо қоплонларни ҳам тилкалаб ташлайдирган бир ваҳший куч борким, ул куч — инсондир.

Т е м у р. Қорақўйинлининг лашкари тунда Исфакхон ёнида қўққисдан хужум қилмиш, жангда аскарларимдан уч минг киши ҳалок бўлмиш. Ўшанда мен каллалардан миноралар тиклаган эдим. Ҳечқиси йўқ бир оздан сўнг Йилдирим ҳам мени таниб олгай. (*Киноя ва ғазаб билан.*) Оҳ дайди ит! Бу не алжирамак, бу қандай жасорат?!

Ш о и р. Афсуским, жасурларнинг алжираши алжировчиларнинг жасорати каби кулгули ва бемаънидир.

Т е м у р. Бу алжирашлар не бўлибтир?.. Рақибнинг сурбетлигини курким, мени ҳамон менсимаётир, жангга тадорик кўрмак ўрнига шикорга чиқаётир.

О қ б у ғ а (*истефоли кулги билан*). Дарҳақиқат, жуда такаббур, жуда мағрур...

Ш о и р. Аммо мағрурлар жуда тез шарманда бўлгайлар. Субутой кириб ва таъзим қилади.

Т е м у р. Хўш, не хабар, Субутой?

С у б у т о й. Буюк ҳоконимизнинг амри билан шикорга чиққан ўн беш минг нафар Йилдирим аскарини жангчиларимиз қуршаб олишди ва бир зарба ила барчасини қириб ташлашди.

Т е м у р. Йилдиримнинг ўзи-чи?

С у б у т о й. Фақат Йилдирим жасурона бир эпчиллик билан қуршовни ёриб чиқди ва беш-ўн нафар ҳимоячиси билан қочиб қутилди.

Т е м у р. Мен жасурларни жуда хуш кўрурман.

Субутой. Йилдирим шикорда юрганида биз сув йўлларини кесиб қўйдик, табиийки, лашкар сувсиз қолгач, тез орада таслим бўладир.

Т е м у р. Жуда ажойиб тадбир. Буни ким ўйлаб топмиш?

С у б у т о й (*Оқбуғага ишора қилиб*). Буюк сардор Оқбуға.

Т е м у р. Зотан, жанг маҳали хийла ҳам зафар воситаларининг биридир.

Ш о и р (*чеккага*). Мен фақат Карбалодаги араб Шимирини билур эдим, бироқ туркдан ҳам Шимир чиқар эмиш.

Т е м у р. Оқбуға! Ортиқ кутиб бўлмагай! Лашкар хужумга ўтмоғи лозим. Бироқ Йилдиримга заҳмат етмасин. Унга айтадиган сўзларим бор. Жасур Субутой! Сен ҳам ғафлатда қолма! Кимда-ким уни тирик ушласа, эвазига катта мукофот берилгай!

О қ б у ғ а. Қай йўсинда ҳаракат қилурмиз?

Т е м у р. Ғанимнинг ўнг қаноти очик. Худди шу ердан бизнинг сўл қанот лашкаримиз уларнинг марказга ўтиш йўлини тўсиб қўяжак. Ёвнинг сўл қаноти эса жуда заиф. Аминманким, бизнинг зарбамизга дош бера олмай, тезда пароканда бўлгай. Бор, арслоним! Жасорат ва матонат сенга ёр бўлсин!

Оқбуға ва Субутой ҳарбийча итоат ишорасини қилиб, жадал чиқиб кетадилар.

Ш о и р (*чеккага*). Қардош қардошнинг қонини ичадир. Мана сиёсат ва раёсат балоси.

Т е м у р. Урхоннинг ҳануз қайтмагани мени қаттиқ ташвишга солаётир. Ҳар ҳолда, у бугун биз томонга ўтмоғи лозим эди.

Девонбеги. Ким билсин, эҳтимол, ўтгандан сўнг бизникилар ушлаб олишгандир...

Т е м у р. Ҳамма жабҳаларга буйруқ бер, унга зинҳор қўл теккизмасинлар. (*Шоир Кирмонийга.*) Қани, юр, шоир, сен ҳам бир томоша қил. Жангни яқиндан томоша қилмак завқи мутлақо ўзгача бўлур. (*Чиқиб кетишади.*)

О л м о с гангиб қолган ҳолда изтиробли одимлар билан кириб келади, Темур кетган томонга тикилади.

О л м о с (*Чеккага*). Урхон, ох, Урхон! Сен Олмосни унутдинг, фақат Олмос сени кўрмок учун жанг майдонларида дайдиб юрибдир. (*Темур кетган томонга юради.*),

Б и р и н ч и с о қ ч и (*шеригига*). Бу Девонбегининг кизиям жуда ғалати аёл экан. Самарқанднинг гўзал кушкларини ташлаб келиб, билмадим, Анкара чўлларида нима излаб юрибдир?

И к к и н ч и с о қ ч и. Сенингча, жанг майдони фақат эркакларга хосми?

Б и р и н ч и с о қ ч и (*истехзоли қаҳқаҳалар билан*). Бу нима деганинг? Ул заифа аёл ҳам жанг қилгани келганми?

И к к и н ч и с о қ ч и. Куласан-да... Ота-боболардан эшитмаганмисанким, Чингизнинг онаси ҳам аёл боши билан от чопган. Барча кўшни ўлкаларни қўлга киритган ва улкан бир салтанат курган.

Б и р и н ч и с о қ ч и. Бу не демак, анави заифа ҳам Чингизнинг онасими?

И к к и н ч и с о қ ч и. Нима фарқи бор, иккаласи ҳам аёл, бу ҳам ўша жинсдан, у ҳам шу наслдан. Арслоннинг эркак-урғочиси бўлмайдир.

Б и р и н ч и с о қ ч и. Аммо, менимча, сен айтаётган бу урғочи арслон жанг учун эмас, бошқа бир ов учун келганга ўхшайди... (*Йўлга қарайди.*) Кўзинг ойдин, ана, Темирқоя ҳам келаётир.

И к к и н ч и с о қ ч и. Ахир, у Урхон билан бирга Йилдирим хузурига қочган эди-ку.

Б и р и н ч и с о қ ч и. Нима бўпти! У ерда яшай олмай, ортига қайтгандир-да!

О л м о с (*Темирқоя билан киради*). Худо ҳақи, гапирсанг-чи, Урхонга не бўлди? У қайда қолди?

Т е м и р қ о я (*йўгон ва дагал товушда*). Унинг ёнида...

О л м о с. У деганинг ким?!

Т е м и р қ о я. Ким бўлса — ўша. Нима керак, мен аралашмайман.

О л м о с. Ох, нечун? Урхон келмадими? Сен билан бирга эмасмиди?

Т е м и р қ о я. Темурдан кўркмай бу ерга кела олар эканми? Масков қизини олиб қочишга қочиб, энди Темурга кўрина олар эканми?

О л м о с. Темур уни афв этадир.

Т е м и р қ о я. Бу менинг ақлимга сиғмайди.

О л м о с. Жим, худо ҳақи, жим бўл! Бошимга қон тепаётир, миям тарс ёрилиб кетгудек. Демак, у бу ерга келмайди, шундоғми?

Т е м и р қ о я. Мен унинг ҳомийси эмасман, истаса, келсин, истамаса — йўқ. Нима керак, мен аралашмайман.

О л м о с. Не бўлса-да, мени Урхоннинг олдига олиб бор.

Т е м у р қ о я. Айтдим-ку, мен аралашмайман.

О л м о с. (*чеккага*). Эй худойим, бу кимсанинг юраги тошдан яралганми? (*Темирқояга.*) Мен бу ерга ёлғиз Урхон учун келдим. Қайда бўлса ҳам мен уни топмоғим лозим.

Т е м и р қ о я. Мен очман, бир оз тамадди қилиб олай, ундан сўнг...

О л м о с. Майли, егин-ичгин, мен сенинг ёқангдан олмоқчи эмасман.

Т е м и р қ о я. Ёқамдан олма, нима керак! (*Кетадилар.*)

Шу орада ташқаридан ур-сур, чопишма овозлари эшитилади.

Б и р и н ч и с о қ ч и. Демак, жанг қизиб кетди. Роса қирғин барот бўлаётир.

И к к и н ч и с о қ ч и. Ҳа, шовқин-сурон тобора авжига чиқаётир.

Б и р и н ч и с о қ ч и. Ана, Урхон ҳам Амир билан бирга келмоқда.

И к к и н ч и с о қ ч и. Афтидан, Темирқоя Олмосни алдаганга ўхшайдир.

Ташқаридан эшитилаётган шовқин-сурон, чопиш-саваш садолари пасаяди. Темур, Девонбеги, шоир Кирмоний ва Урхон кириб келишади.

Т е м у р. Сўйла, Урхон, нелар қилдинг?

У р х о н. Мен аввало жуда катта қабихлик қилдим.

Т е м у р. Нечук қабихлик?

У р х о н. Ольгани Туркистондан олиб қочдим, шу туфайли бошим кесилишга лойиқ.

Т е м у р. Буни кейин муҳокама қилурмиз. Менга Йилдиримдан, Йилдирим лашкаридан хабар бер!

У р х о н. Бурсадаги ишларим ўзингизга маълум. Ҳар ойда хабар жўнатиб турдим. Кейинги ҳафталарда Онадўлидаги бекларга катта мартабалар ваъда қилиб, ҳаммасини ўз томонимизга оғдириб олдим. У ердаги тотор ва туркман бошлиқларини чақириб, ишончларини қозондим. Бутун Онадўли аскарлари бизнинг томонимизда, ҳадемай таслим булурлар. Фақат Рум эли беклари, яничарлар ва серб аскарлари Йилдирим итоатида. Аммо лашкарда бузилиш бошланиши биланок улар ҳам ҳеч нарса қила олмай шошиб, гангиб қолурлар.

О л м о с *(Темирқоя билан келади. Урхонни кўргач, фавқулудда бир севинч билан)*. Оҳ, Урхон!.. *(Девонбеги қули билан сукут ишиораси қилади. Олмос чекиниб, бир чеккага бориб туради.)*

Т е м у р *(Урхонга)*. Жуда мамнунман. Хўш, энди айт-чи, гўзал малика қайда?

У р х о н. Ташқарида кутиб турибдир. Фақат сарҳаддан кечиб ўтаётганида бизникилар жароҳатлаб қўйишди.

О л м о с *(чеккага)*. Ана, бу ҳам янги бир хийла!

Т е м у р. Урхон! Сен аскарсан, аммо қилган хиёнатинг аскар шаънига ярашмагай. Ғафлатда қолдириб қизни олиб қочмак ва мени менсимаслик бир нонкўрлик эмасми? Бунга жазм этганингда Темурнинг қаҳру ғазабини ёддан чиқардингми? *(Урхон сукутда.)* Нечун жимсан, сўйла!

У р х о н. Буюк ҳоконнинг марҳамати менинг бул қабихлигимдан жуда юксак тургай.

Т е м у р *(кескин)*. Йўқ қабихликни афв этмак тубанликка ривож бермак демакдир.

Б и р и н ч и с о қ ч и *(шеригига)*. Ана, Оқсоқ тагин ғазабга минди.

Д е в о н б е г и *(Темурга)*. Урхон билмагандир, ёшлиқ қилгандир.

Т е м у р. *(кескин.)* Йўқ, бундай қабихлиги учун у энг олий жазога – ўлимга лойиқ.

О л м о с. Оҳ, ўлимга?..

Т е м у р. Ҳа, Урхон фақат ўлимга лойиқ.

О л м о с. Раҳмат этинг, оҳ, раҳм этинг. *(Темурга яқинлашади)*

Т е м у р *(газабнок)*. Наридур!

Д е в о н б е г и. Э-воҳ, чиндан ҳам у қатл этилгайми?

Т е м у р. Ҳа, қатл... қатл! Олиб чиқ бошқалар учун ибрат бўлсин!

Атрофдаги ҳамма саросимада, кўркинчали сукунат...

У р х о н. Йўқ ҳоконим, йўқ... Ўлим ҳаммани кўрқитса-да, Урхонни кўрқита олмагай. Мен бурч йўлида минг бор ўлиб-тирилдим. Йилдирим мени қатл этмоқчи бўлганида қаҳқаҳа уриб кулдим. Энди эса кулмак ўрнига хайратга тушаётirman. Бироқ ўзга бир қўлнинг менинг қонимга бўялишини истамасман! *(Белидаги ханжарини чиқариб ўзига урмоқчи бўлади.)* Э-воҳ, сен мени

тахқир этдинг, мен эса... мен эса!..

Т е м у р (*баланд ва кескин бир овозда*). Урхон! Ўлимга улгурурсан, мен сени таҳқир эмас, имтиҳон этмоқчи бўлдим. (*Шонли қаҳқаҳа билан*.) Унутмагилким, Темур шатранж ўйнар экан, арсадаги кичик бир пиёдани ҳам беҳуда курбон бермакни истамайдир. Холбуки, сен жасур ва тенгсиз бир қаҳрамондирсан. (*Яқинлашиб, Урхоннинг елкасини силайди*.) Зеро, сенинг маҳорат ва жасоратинг қилган қабохатингдан жуда юксак тургай. Ольгани, ул муносиб совғани мукофот сифатинда сенга бағишладим. Фақат қалбинг уники, ақлинг ва билакларинг бизники бўлсин.

Шу орада Ольга киради, ёпинган чодраси елкаларига тушганича туриб қолади.

О л м о с (*газабли бир қиёфада Темурнинг қаршисига бориб*). Йўқ, йўқ! Сен бундай қилолмайсан! Ҳа, жуда буюксан, бутун дунёга хукмронлик қила олурсан, бироқ зинҳор Урхоннинг қалбига эмас! Унутмагилким мен онаман!

Ш о и р (*чеккага*). Ҳа, она қалби ҳар нарсадан кучли ва муҳаббатлидир.

О л ь г а (*кўксини чангаллаб, чеккага*). Оҳ, бу ўқнинг жароҳати мени ҳалок этур...

Т е м у р. Олмос! Сендан сабр ва матонат лозим.

О л м о с. Йўқ, йўқ. (*Ольгани кўрсатиб*). Сен унга ўзинг забт этган барча ўлкаларингни бағишламоғинг мумкин, лекин менга берилган қалбни эмас, асло! Асло! (*Урхонга*.) Нега жимсан, Урхон, жавоб бер!

У р х о н. Хоқон ҳузуринда одоб сақламоқ лозим.

О л м о с. Холбуки, аҳли аёлингга хиёнат қилиш энг катта одобсизликдир.

О л ь г а (*Темур қаршисида тиз чўкиб*). Улуғ хоқон! Менинг тириклигим кўпларнинг умрига зомин бўлаётир, мени ўлдир, ўзгалар ҳам изтиробдан ҳалос бўлсин.

Т е м у р (*унинг қўлидан тутиб турғазади*). Йўқ., Масков чечаги, йўқ...Мен фақат ёвуз арслонларни, йиртқич қоплонларни ов қиламан. Менинг ўқим фақат ваҳший қушларнинг қонига бўяладир. Сен эса нозик бир қалдирғочсан. Холбуки, Темур зинҳор қалдирғочларнинг қонини тўкмагай.

О л м о с. Қалдирғочларни эса шунқор парчалаб ташлайдир. (*Қўйнидан ханжар чиқариб Ольгага урмоқчи бўлади*.)

Д е в о н б е г и. Олмос!

Урхон Олмоснинг билагидан ушлайди, ханжар ерга тушади.

О л ь г а (*заиф товуш, аччиқ табассум билан*). Сен зинҳор талашмагин, Олмос!.. (*Қонли кўксини очиб*.) Мен қаттиқ яраланганман... Энди ҳеч кимга озор бермасман. Оҳ, оҳ, оҳ.... (*Йиқилади*.)

Т е м у р (*Соқчиларга*). Ёрдам беринг! (*Ольгани турғазадилар*.)

Олмос чекинади. Ташқарида шовқин-сурон ва чопишма овозлари кучаяди.

Т е м у р (*Девонбегига*). Қарагинчи, нима гап?

Д е в о н б е г и (*йўлга қараб*). Субутой келаётир.

С у б у т о й (*кириб таъзим қилади*). Улуғ хоқонга хушхабар!

Т е м у р. Нима гап?

С у б у т о й. Йилдирим лашкари пароканда бўлди.

Т е м у р. Қандоқ қилиб? Батафсил сўйла!

С у б у т о й. Ғанимнинг сўл қаноти бир муддат бизга қаршилиқ кўрсатди. Сўнг кўққисдан шошиб чекина бошлади. Шаҳзода Сулаймон ва Али пошо бир-икки тўда билан қочиб қолди. Шаҳзода Муҳаммад ҳам ўз жони қайғусида Омосиё сари йўл олди.

Т е м у р. Йилдиримнинг ўзи қай аҳволда?

С у б у т о й. Уни зинҳор сўраманг! Йилдирим ҳақиқатан ҳам буюк қаҳрамон экан. Ҳар қандай ботирдан зиёда чопишиб-солишди. Қаватиндаги сипоҳилар ва яничарилар ҳам жуда мард экан. Уларнинг ҳаммаси асир олинди. Барчаси мажбуран таслим бўлишди.

Т е м у р (*Девонбегига*). Амр эт, қочганларни қувмасинлар. Эҳтиёт бўл, Йилдиримга қўл теккизишмасин. Лозим қадар эҳтиром кўрсатилсин.

Д е в о н б е г и. Хўп бўлади, хоқоним. (*Субутой билан чиқади.*)

Ш о и р (*чеккага*). Қаҳрамонларнинг фазилати уларнинг даҳшатлари қадар буюкдир.

Т е м у р (*қарсак чалиб, газабли ва жўшқин*). Дайди ит!.. Дайди ит!.. Қандай улкан жасорат! Воҳ, такаббур!.. Фаросатсиз!.. Темурнинг сабр-тоқати ва назокати сен каби кўпларни алдамиш. Лекин оловли бир шапалоқ ҳаммасини сархушликдан хушига қайтармиш. (*Қизгин.*) Йилдирим, оҳ, Йилдирим! Ўзингни дев санадинг. Фақат англамадингким, сирка қанча ўткир бўлса, идиши шунча тез сингай.

Ш о и р. Ажабо, буюк хоқоннинг арзимас бир-икки калимадан асабийлашуви жоиз эрурми?

Т е м у р. Наҳот бир-икки калима? Наҳот шу, холос? Оҳ, ана шу алжирок калима заҳарли ўк янглиғ уйқуда ҳам миямни кемирур, Дайди ит! Дайди ит! Дайди ит! Оҳ, нақадар такаббурлик! Йўқ, буюк дарёларни кечиб ўтган, юксак тоғларни ошиб ўтган Темур ҳар қандай азобларни унутса унутгай, лекин бул икки калимани — зинҳор. Зинҳор!

Ш о и р. Ҳар ҳолда, Йилдирим сенинг қон қардошинг, жон қардошингдир.

Т е м у р. Афсуским, қардош етказган жароҳат жуда аччиқ жуда хавфли бўлур.

С у б у т о й (*кириб таъзим қилади*). Йилдирим хузурингизга келмиш.

Т е м у р. Марҳамат қилсинлар.

Йилдирим Темурнинг икки нафар аскари билан киради. О қ б у ғ а ва Д е в о н б е г и ҳам улар билан бирга келади.

Д е в о н б е г и. Усмонли Султони Йилдирим Боязид!

О қ б у ғ а. Ёлғиз Султонгина эмас, айна пайтда жасур кўмондон!

Темур (*жой кўрсатиб, тавозеъ билан*). Марҳамат, шавкатли Султоним! Тангрининг кули Темурдан ҳамиша икрому эҳтиром кўргайсиз. Толиққансиз, илтимос қиламан, ўтиринг. (*Йилдирим ўтирмайди. Темур унга ёнидан бир қоғоз чиқариб узатади.*) Лутфан ушбу мактубни ўқисангиз?

Й и л д и р и м (*мактубни олиб, кўзларига ҳаддан ортиқ даражада яқинлаштиради ва Темурга иддао билан*). Бу ёзилган пайтидаёқ ўқилмишдир.

Т е м у р. Майли, мен шу мактубдаги сўзларингизни унутдим ва сизни афв этдим. Ёлғиз афв этибгина қолмай, муҳаббатингизни ҳам қозонмоқ истайдирман. Ҳа, шундоқ, муҳаббатингизни ҳам қозонмоқ истайдирман. (*Маъноли ва марғур бир қиёфада шоир Кирмонийга боқади*). Хўш, шоир бунга не дейдир?

Ш о и р (*самимий ва жўшқин бир оҳангда*). Муҳаббат! Муҳаббат! Зотан, бутун башариятни халос этадиган ягона нарса — муҳаббатдир. Муҳаббатга асир бир чўпон калби қин ва адоватга тўлган султон қалбидан буюк ва шарафлидир. Агар дунёнинг шонли юришлари, қонли урушлари оқибат-натижада бир муҳаббат, башарий бир муҳаббат туғдирмаса... бутун ҳаётга, бутун коинотга нафратлар бўлсин!

Т е м у р. Хўш, бу борада мағрур Йилдирим қандоқ фикрдалар?

Й и л д и р и м. Фикрламакка арзигулик жойи йўқ. Ҳа, сен ғолибдирсан. Бироқ бу ғалаба турк қавмларини эмас, фақат фурсат пойлаётган қўшни ҳукуматларни мамнун этди. (*Чуқур бир хўрсиниб, жуда мутаассир ва шиддатли ҳолда.*) Э-воҳ, янада тўғрироғи, Ислом оламини

бошсиз қолдирди.

Т е м у р (*оқсаганича Йилдириим сари икки-уч одим таишлайди, мағрур ва гулдуракли овозда*).
Зинҳор ташвиш тортма, хоқоним! Сен кўр бир аҳмоқ, мен эса тентак бир оқсоқман! Агар дунёнинг заррачалик кадру қиймати бўлса эди, туман-туман инсонларга, пою поёни йўк мамлакатларга... сен каби бир кўр, мен сингари бир оқсоқ кимса хукмрон бўлмагай эди...

ТАМОМ

АНДАЛИБ ИЖОДИ

Андалиб тахаллуси билан ижод этган Нурмуҳаммад Ғариб XVIII аср туркман адабиёти тарихида ўзининг лирик ғазаллари ҳамда "Лайли-Мажнун", "Юсуф-Зулайҳо", "Зайнулараб" каби асарлари билан сезиларли из қолдирган шоирдир. У асли қорамозилик (ҳозирги Туркменистон Республикаси, Илонли туманининг Қорамози қишлоғи) бўлиб, бир қанча вақт Хоразмда (Урганч) яшаган, "Юсуф—Зулайҳо" достонининг кириш қисмида шоир ўзи ҳақида шундай ёзди:

Исмим эрур Нурмуҳаммад Ғариб,
Сўзда тахаллусим эрур Андалиб.
Шаҳримиз Урганч вилоят эрди,
Хонимиз шоҳ Ғози жамоати эди.
Асли маконимиз Қорамозидур,
Олами ишратда қишу ёзидур.

Кези келганда шуни ҳам кайд этиб ўтиш лозимки, Хоразмда "Гўрўғли". "Шоҳсанам ва Ғариб", "Тоҳир ва Зухра", "Ҳурилиқо ва Ҳамро", "Саётхон ва Ҳамро" каби достонлар оқин-бахшилар томонидан тингловчиларнинг талабига қараб гоҳ ўзбек, гоҳ туркман тилида қуйланган. Бу эса ҳар икки халқ шоирлари, оқин - бахшилари ижодий ҳамкорлигининг анча тез ривожланишига сабаб бўлган. Андалиб мана шу адабий муҳитда қалам тебратганлиги сабабли унинг асарлари, шубҳасиз, иккала халққа ҳам тушунарлидир. Туркменистон Фанлар академиясининг академиги Б. Карриев айтганидек: "Шоир Андалиб ... аксар асарларини ("Ўғузнома", "Насими", "Саъди Ваққос", "Юсуф ва Зулайҳо" ва бошқалар) ўзбек ва туркманларга бир хилда тушунарли тил (ва форма) да яратган".

Андалиб ғазаллари, достонлари Хоразмда кенг оммалашиб кетган. XVIII-XIX асрларда яшаган Хоразм шоирлари унинг ғазалларига назиралар ёзганлар, мухаммаслар боғлаганлар. Замонасининг кўзга кўринган шоири ҳисобланган Мунис Хоразмий Андалиб ижодига бўлган муҳаббатини мана бундай ифодалайди:

Даҳр ичра биров сен каби олий насаб эрмас,
Ҳар бебасар авсофини демак адаб эрмас,
Мунисга йўлингда юрумак бесабаб эрмас,
Боқсам юзунгга, Андалиббосо ажаб эрмас,
Фурқатзада бўлғонга висолинг на бало хуб.

Шуни айтиш керакки, Андалиб лирик ғазаллари билангина эмас, балки эпик асарлари билан ҳам замондош ва ўзидан кейинги қалам аҳллари илҳомлантирган, уларга ижодий таъсир этган. Андалиб ижодидан, хусусан унинг достонларидан илҳом олиб, баракали ижод қилган ўзбек мумтоз шоирларидан бири Зокиржон Фурқадир. Фурқатнинг «Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мандек» мисралари билан бошланадиган машҳур мусаддаси Андалибнинг «Лайли - Мажнун» достонидаги Сайдинг қўябер сайёд, дилпора экан мендек» бошланмали мухаммаси таъсирида ёзилгандир. «Шарқ Юлдузи» журналининг 1966 йил 3 сонидида Зухра Толипованинг «Бир мусаддас тарихи» деган мақоласи босилган бўлиб, унда мусаддаснинг ёзилиш тарихи ҳақида қимматли маълумот келтирилган эди. Муаллифнинг мусаддасдаги

Саъдулланинг тарихий шахс эканлигини далиллаш учун келтирган факти бу масалага бир мунча аниқлик киритди. 3.Толипованинг ёзишига қараганда, Саъдулла фожиаси билан боғлиқ бўлган воқеа мана бундай. Ўтган аср ўрталарида Тошкентда Иса хофиз деган киши яшаган. Унинг Абдулла ва Саъдулла деган ўғиллари бўлган. Абдулла ниҳоятда хушовоз бўлиб, халқ уни «Абдулла булбул» деб атаган. Абдулланинг укаси Саъдулла ҳам хофиз экан. Фурқат ака-ука хофизлар билан шоир Мискин орқали танишган ва қадрдонлашиб кетган. Иса хофизнинг ўғиллари Фурқат ғазалларини кўчириб хофизларга, шеър ҳавасмандларига тарқатишар экан.

Саъдулла довюрак, адолатли, халқпарвар йигит бўлиб, Фурқат унинг бу хислатларини жуда ҳурмат қилар экан. Саъдулла Фурқат томонидан ёзилган ҳажвияларни ўқиб юрганлиги учун бойлар ғазабга келиб, ундан ўч олмоқчи бўлишади. Кунларнинг бирида Иса хофизнинг уйига бир киши келиб Абдулла билан Саъдуллани сўрайди. Саъдулла акаси йўқлигини айтганида, ҳалиги киши: «бўлмаса ўзингиз юра қолинг, зиёфатга айтиб юборишди. Дўстингиз Фурқат ҳам бўлади», дейди. Фурқат номини эшитган Саъдулла рози бўлади. Улар бир бойникига кириб боришади. У ердагилар Саъдуллани очик юз билан кутиб олишиб уни юқорига ўтказишади. Саъдулла танишларидан уч тўрттасини кўради-ю, лекин Фурқатни кўрмай ҳайрон бўлади. Бир оздан сўнг ўтирганлардан баъзилари унга аччиқ гаплар ота бошлашади. Довюрак Саъдулла уларнинг бу гапларига парво ҳам қилмайди. Бу эса ўтирганларнинг жиғига тегади. Хуфтон номозини ўқиш учун ўринларидан туришганда Саъдуллани «ҳурматлаб» олдинга ўтказишади. Саъдулла бошини саждага қўйиши билан орқадан тўрт ногул йигит унга ташланиб, оғзига латта тиқишади, кўл-оёқларини боғлашади. Шундан кейин катта қора шолга ўрашади-да, пасткамликлардан судраб бориб, анҳорга ташлашади. Юқоридагилардан маълум бўляптики, Саъдулла- тарихий шахс. Фурқатнинг «Сайдинг қўябер сайёд...» шеъри Саъдулла хофизнинг фожиавий ўлими муносабати билан ёзилган марсиядир. Хофизлар уни куйга солиб, ашула қилиб юришган.

Фурқат адабий мероси билан танишар эканмиз, шоирнинг Андалиб ижоди, унинг асарлари билан танишлиги, илҳомланганлиги, таъсирланганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот учратмадик. Марҳум профессор Х.Зарифов «Сайдинг қўявер сайёд...» шеърига бағишлаб ёзган бир мақоласида Фурқат мазкур мусаддасни «Лайли ва Мажнун» достонидан ижодий фойдаланган ҳолда ёзганлигини қайд этиб, шундай дейди: «Бизнинг фикримизча, Зокиржон Фурқат шеърятга берилган йилларида мазкур «Лайли ва Мажнун» достонининг бирор нусхасини ўқиган, классик адабиёт орқали унга таниш "бўлган мазкур эпизод билан боғлиқ ўша мухаммас сезгир шоирнинг юрагига тўкинган». Х.Зарипов тилга олган «Лайли ва Мажнун» достони ва ундаги мухаммас, шубҳасиз, Андалиб қаламига мансубдир.

Бизнингча, «Сайдинг қўявер сайёд...» мусаддаси Андалиб мухаммасига татаббуридир. Татаббуъ приёмига кўра, бир шоир томонидан бадий қилинган бир хил мазмун бошқа шоир томонидан давом эттирилади, унга эргшиб, уни янги формага, янги ифодага қилинга солинади. Натижада бир мазмун турли бадий формага тушади, турли вариантдаги шеърый асарлар майдонга келади. Татаббуъ XIX-XX асрлар шеърятда кенг қўлланган адабий приёмлардан ҳисобланади. Ўша даврда яшаб ижод этган Муқимий, Завқий, Аваз каби демократ шоирлар шеърятдаги бу приёмда кўплаб асарлар яратган. Фурқат ўзининг «Саргузаштнома» асарида бу бадий приём ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «ҳамиша мажлис бунёд айлаб зодаи табларимиздин мушоира қилур эдик ва бир ғазалда татаббуъ кўргузуб, бир мазмун ҳар ифода топар эрди»,

Фурқат қалбидаги ижодий ниятнинг юзага чиқиши учун шароит, ҳаёт озукаси керак эди. Шоир ҳаётининг кузатиб юриб, ўз бадий мақсадига мос келадиган ҳаётий ҳодисага - дўсти Саъдулло фожиасига дуч келган. Шундай қилиб, Саъдулло хофиз тақдири «Сайдинг қўявер сайёд...» мусаддасининг майдонга келишида жиддий туртки бўлган ҳар иккала асарнинг яъни Андалиб мухаммасига ҳамда Фурқат мусаддасини ғоявий бадий-жиҳатдан қиёсласак, бу фикр яна равшанроқ бўлади. Мусаддас ғоя ва образлар билангина эмас, балки шакл жиҳатдан ҳам мухаммасга жуда ўхшайди.

Андалибда:

Сайдинг қўявер сайёд, дилпора экан мендек,
Чўлларда кезиб юрган сайёра экан мендек,
Сар то сахи ҳижрондан кўп ёра экан мендек,
Саргашта ғариб бўлган, овора экан мендек,
Ол домингни бўйнидан, бечора экан мендек.

Фуркатда:

Сайдинг қўёбер сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домингни бўйнидан бечора экан мендек.
Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек.
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мендек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек.
Қуйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Бу парчалардан кўриниб турибдики, бандлар ҳар жиҳатдан- мазмун жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам оҳангдош. Шундай бўлса ҳам, бандларнинг фарқ қиладиган томонлари бор. Чунончи, Фуркат бандларини ҳажм жиҳатдан кенгайтирган, асарнинг таъсир кучини оширган. Шунингдек, Фуркат асарга ўз даври талабларига кўра кенгрок мазмун беришга ҳаракат қилган.

Мухаммасда ҳам, мусаддасда ҳам сайёд зулм зўрлик ва адолатсизлик сайд эса тутқунлик тимсоли сифатида талқин этилади. Иккала ижодкор ҳам зулм ва жафо кўрган сайдга ачиниш ҳисси билан қарайди, сайёдни эса, эркинликнинг ашаддий душмани сифатида лаънатлайдилар. Андалиб мухаммасидаги мазмун ҳамда сайд ва сайёд образлари мусаддасда ҳам сақланган. Шунга қарамадан, мусаддасдаги образлар мухаммасдаги образларнинг такрори эмас. Фуркат дўсти Саъдуллонинг душманлари томонидан қўл-оёқлари боғланган ҳолда ҳар томонга судраб юришлари ҳолатини бўрттириб кўрсатиш учун Андалиб мухаммасидаги образларга мурожаат қилган бўлсада, бу образларга реалистик бўёқлар беришга ҳаракат қилган. Андалиб ўз асарларида Мажнун ҳолатини, унинг қалб изтиробларини кўрсатиш учун оҳу образидан фойдаланган бўлсада, Фуркат бу аллегорик образ орқали қўл-оёғи боғланган Саъдуллонинг аянчли аҳволини тасвирлаган:

Мазкур сатрларни ўқиган китобхон кўз ўнгида оҳу эмас, балки ўлим чангалида турган инсон-Саъдулла гавдаланади. Андалиб мухаммасида сайёддан оҳуни озод қилинишини ўтиниб сўраса, Фуркат бегуноҳ Саъдуллани бўшатишни талаб қиладди.

Юқорида баён қилинган фикрларни ҳулосалаб айтиш мумкинми, Фуркат туркман шоири Андалиб ижоди, хусусан, унинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги мухаммасдаги илгари сурилган ғоялар Фуркат талқинида янада юқори поғонага кўтарилди. Шоир ўзининг турмуш ҳақидаги олийжаноб орзу-истакларини, эркин ва қувноқ ҳаётга бўлган интилишларини, эрксизликка, ҳақсизликка бўлган нафратини ифодалашда Андалиб тажрибасига таянди, унинг мухаммасига мусаддас билан жавоб бериб, шоирлик истеъдодини янада равшанрок намоён этди. Мусаддасининг ўзбек демократик адабиётининг энг яхши намуналаридан бири бўлиб қолганлигининг боиси ҳам шунда. Нурмуҳаммад Ғариб Андалиб яратган бир қанча достонлар орасида энг машҳури "Лайли ва Мажнун" достонидир. Андалиб достонида Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" асарининг сюжети, образлар системаси тўлиқ сақланган бўлса ҳам, унда шоир XVIII аср туркман халқининг ҳаётини акс эттиришга интилган. Халқ оғзаки ижодидан баракали фойдаланган. Андалибнинг "Лайли ва Мажнун" асари унинг вафотидан сўнг оғиздан-оғизга кўчиб, халқ орасида кенг тарқалди. Достон туркман тилида насрий ва шеърий йўл билан ёзилган бўлиб, унда туркман халқ оғзаки ижодининг ҳам кучли таъсири сезилади. Достоннинг сюжети Навоийнинг "Лайли ва

Мажнун" достонига караганда анча ихчам, унда баъзи эпизодлар тушириб қолдирилган. Зўр бадий маҳорат билан яратилган бу асарда Лайли, Қайс, Зайд, Қайснинг ота-онаси образлари жуда ёрқин бўёқлар билан чизилган. Андалиб Навоийнинг кўр-кўрона такдидчиси бўлиб қолмаган, балки ўз ишига ижодий ёндашган. Насрий парчаларда шоир кўпроқ асарнинг сюжет чизигини ривожлантирса, унда салмоқли ўрин тутган шеърий парчаларда эса қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари, психологияси ва ички дунёсини очиқ беради. Бу жиҳатдан Лайли ва Мажнун ўртасидаги, Қайс ва унинг отаси ўртасидаги шеърий диалоглар, шунингдек, ғазал ва маснавийлар диққатга сазовордир. Лайли ва Мажнунларнинг фожиали севгисини ҳикоя қилиш жараёнида Андалиб баъзан юмордан фойдаланади. Масалан, Қайс билан Лайли бир мактабда ўқиб, бир-бирларини севадилар, лекин тез орада бундан хабардор бўлган Лайлининг отаси ўз қизини мактабга юбормай қўяди. Қайс мактабга келиб Лайлини учратмагач, қаттиқ ҳаяжонланади. Муаллим ундан: "Кечаги сабоқ нима эди, айт", деб сўраганда, Қайс пгундай жавоб қайтаради:

Ҳар сабо келарди гулдек очилиб,
Кулганда оғзидан дурлар сочилиб,
Ё ўлдими, қафан тўни бичилиб,
Не бўлди, билмайман, келмади Лайли?

Андалибнинг замондоши Давлатмамед Озодий ўз шеърларида бир қанча ижтимоий муаммони кўтариб чиқди. Ўз даврининг илғор кишиси бўлган Озодий Бухоро амирлари, Хива хонлари зулми остида эзилиб келаётган халқнинг озодлигини орзу қилди, халқни хонавайрон қилувчи ўзаро феодал урушларни қаттиқ қоралади. Шоирнинг "Ваъзи Озод" асарида ўзбек, форс-тожик ва туркман мумтоз шеъриятининг кўпгина фазилатлари ривожлантирилган.

ЧЎҚОН ВАЛИХОНОВ

1835-1865

Чўқон Чингиз ўғли Валихоновнинг асл исми — Муҳаммад Ҳанавия бўлиб, қозоқ халқининг буюк олими, демократ-маърифатпарвари, тарихчиси, этнографи, фольклоршунос, сайёҳ ва жуғрофидир.

Чўқон Валихонов 1835 йилда Қозоғистоннинг ҳозирги Кустоной вилоятида Кўчмурун деган жойда туғилган. У Абилойхоннинг эвараси. Чўқон илк бор Кучмурундаги қозоқ мактабида ўқиб, арабча хат танигандан сўнг, «хон боласи етгита тил билиши керак» деган гап билан шарқ тилларини, шу жумладан, араб, чинғотай, шунингдек Марказий Осиё халқлари тилларини ҳам мукаммал ўрганди.

1847 йили 12 яшар Чўқонни отаси Омскидаги кадет корпусига ўқишга беради. Унда аёло баҳолар билан ўқиган Чўқон ўз дўстлари орасида обрў-эътиборга лойиқ бўлиб вояга ета бошлайди. Кадет корпусида Г.Н.Потанин билан бирга ўқийди, улар самимий дўст бўладилар. Чўқон ўқиб юрган вақтида Тўхтамишнинг «Хон ёрлигини» чуқур ўрганди. Бу Чўқон Валихоновнинг илмий изланишидаги илк қадами эди. Шундай қилиб, 14-15 ёшдаги Чўқонга кадет корпус ўқитувчилари меҳр билан ёндошиб, унга келажакдаги буюк олим деб қарай бошлайдилар. Шу пайтларда у тарих, жуғрофия фанларига алоҳида эътибор бериб, кунт билан ўқиб-ўрганади.

Чўқон 1853 йили 18 ёшида Омскидаги кадет корпусини, яъни ҳарбий ўқув юртини тамомлагач, Сибир казак-рус 6-чи отлик аскар полкининг зобити бўлиб ишга ўтади. 1861-1862 йиллари Санкт-Петербург университетининг тарих-филология факултетида маърузалар тинглаб, илмий савиясини ошириб боради. Ҳарбий Сибир генерал-губернаторлигида хизмат қилган Чўқон Валихонов, Хитой ва Марказий Осиёга уюштирилган илмий-текшириш экспедицияларида иштирок этади.

1858-1859 йилларда Қошғарга саёҳат қилади, 1855 йили Омскидан Семипалатинскийга, шунингдек Аякўз, Қопал орқали қирғиз Олатоғларигача бўлган ерлар билан танишади. Қайтишида, Жонғор орқали Олакўл, Тарбоғатойга саёҳат қилади. Сўнг Марказий Қозоғистон - Қорғорали, Бояновул, Кўкчатов орқали юриб, кузда Омскига қайтади. Мана шу сафарларида у қозоқ, қирғиз оғзаки

ижод дурдоналарини ёзиб олиб, тарихий ва этнографик материаллар тўплай бошлайди ва илмий изланишлар олиб боришга киришади.

Чўқон Валихонов 1860-1861 йиллари Санкт-Петербургда яшаган пайтларида рус демократлари, олимлари билан яқиндан алоқа боғлаб, Фанлар академияси ва Рус жуғрофия жамияти ишларида фаол қатнашади. Осиё харитасини тузишда яқиндан ёрдам беради. У тарих, жуғрофия, сиёсий иқтисод, этнография, археология, фольклоршунослик соҳаларида илмий асарлар яратади. Бу ўринда унинг “Жунғария тарихи”, “Қўлжа сафари кундалиги”, “Қашғар сафари кундалигидан”, “Қирғизлар”, “Хон Абилай”, “Хитой империясининг ғарбий ўлкаси ва Ғўлжа шаҳри”, “Кўкитой хоннинг оши”, “Дала мусулмонлиги”, “Қозоқлар ҳақида ёзмалар”, “Суд реформаси ҳақида”, “Қозоқ шажараси” каби асарлари Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Ғарбий Хитой, қозок, қирғиз, уйғур каби халқларнинг этнографияси, турмуши, маданиятини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу асарлар фақат далил-ашёлари билан эмас, чуқур умумлаштирилган илмий хулосалари билан ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Уларда мазкур ўлкаларнинг жуғрофий, табиий, ижтимоий - маънавий ўтмиши бўйича ниҳоятда қимматли материаллар бор.

Чўқон Валихонов ўша саёҳат жараёнида халқ оғзаки дурдоналарини, шу жумладан, эртак ва афсоналарни, дostonларни, халқ кўшиқларини ёзиб олган эди. Кейинчалик «Кўзи Кўрпеш ва Баян сулув» дostonини рус тилига таржима қилиб, И.Н.Березин тарафидан яратилган хрестоматияга киритган.

Чўқон халқ оғзаки ижодини чуқур илмий ўрганиб, «қозоқнинг халқ дostonларининг турлари ҳақида», «Ўрта юз қозоқларининг афсона-эртаклари тўғрисида», «XVIII аср ботирлари ҳақида тарихий афсоналар» каби илмий тадқиқотларини яратди. У қозоқ халқининг ботирлари ҳақидаги эпик асарларнинг ҳинду-херман эпосларига ўхшашлигини биринчи бўлиб айтган олимдир. «Ер кўкча» дostonи XIV – XVI асрда яратилган бўлиб, Ер Кўкча паҳлавон тарихий шахс эканлигини исботлаб берди. Қирғиз халқ дostonи «Манас»нинг кўп қисмини ёзиб олган, рус тилига ўттирган ва чуқур ўрганган эди. Бу асарни «Илиада», «Одиссея» асарлари билан бир қаторга қўйиб, юксак баҳо берган ҳам Чўқон Валихонов эди.

У Ўғизхон замонларидан буён ривожланиб келаётган қозоқ фольклорини атрофлича тадқиқ этиб, Ўринбой, Чўжа, Аристонбой, Кампирбой, Жоноқ каби оқинларнинг ижодини юқори баҳолади. У қозоқ адабиёти тарихида биринчи бўлиб, қозоқ шеър қурилишини илмий ўрганди, қозоқ шеъриятининг ўзига хос хусусиятларини очиб берди. Чўқон Валихонов ўзининг «қозоқ халқ поэзиясининг турлари ҳақида» деган илмий-назарий мақоласида қозоқ шеъриятини «Жир», «Ўлан», «Қора ўлан», «Қайим ўлан», «Йўлов ўлан» турларга бўлиб илмий талқин этди.

Чўқон Валихоновнинг мусаввирлик фаолияти ҳам қозоқ тасвирий санъат тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Ундан бизгача 150 га яқин ранг-баранг тасвирий санъат асарлари етиб келган. У яратган расмлар XIX асрнинг 60-йилларининг бошларидаёқ «Всемирная иллюстрация», «Искра», «Русский художественный лист» каби журналлар ҳамда Рус жуғрофия жамиятининг «Хабарномасида» эълон этилган.

Чўқон Валихонов подшоҳ Россияси тузумини, мустамлакачилик зулмини кескин танқид қилди, рус маданиятини тарғиб қилди, қозоқ халқини кўчманчиликдан ўтrock ҳолатга ўтишга даъват этди, маърифатли бўлишга чақирди. Д.И.Менделеев, П.П.Семенов-Тяньшанский, Г.Н.Потанин каби рус олимлари билан ижодий мулоқотда бўлди. В.Г.Белинский, Н.Г.Чернишевский ижодлари таъсири остида қозоқ ижтимоий-фалсафий фикрида биринчи бўлиб реалистик анъаналарни илгари сурди. 1860 йили Рус жуғрофия жамиятига аъзо бўлган Чўқон Валихонов рус мустамлакачилиги туфайли бўлаётган адолатсизликларни ҳам секин-аста тушуна бошлади.

Чўқон Валихонов фақат қозоқ халқи тарихидагина эмас, Марказий Осиё халқлари маданий ҳаётида ижтимоий тафаккур тараққиёти тарихида алоҳида ўрин тутган ўлкан олимдир. Унинг бой ва ранг-баранг илмий тадқиқотлари Туркистон халқларининг муштарак маданий - маънавий мулкидир.

АБАЙ ҚҰНОНБОВ

(1845-1904)

Абай – Иброҳим Қўнонбоев – XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод этган қозок шеърятининг машғали, бастакор, файласуф ва қозок ёзма адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоиридир. У 1845 йилнинг 8 августида Семипалатинск вилоятига қарашли, ҳозирги Абай тумани, Чингизтоғ бовуридаги Қашқабулоқ маконида дунёга келди. Отаси Қўнонбой Ўсконбой ўғли қозок уруғлари ичидаги энг бой, бадавлат кишиларида бўлиб, Абайни ўқитишга катта аҳамият берди. Абай мадрасада тўрт йил таълим олди. Араб, форс тилларини ўрганди. Марказий Осиё алломаларини, хусусан, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Навоий, Бобур, Нодира асарларини мутолаа қилди. Улардан таъсирланиб “Фузулий, Шамсий, Сайқалий ” номли шеърӣ асарларини яратди. Унда Шарқ алломаларини ўзига устоз деб билганлигини тан олади:

Фузулий, Шамсий, Сайқалий,

Навоий, Саъдий, Фирдавсий,

Хўжа Ҳофиз – бу ҳаммаси,

Мадад бер, ё шуаро фариёд- дейди.

Абай ижодининг муҳим қирраларидан бири – ёш шоирларни тарбиялаш бўлди. Ёшларга ҳомийлик қилди. Уларга мавзулар бериб дostonлар ёздирди. Бу ўринда ўғли Мағавияга (1869-1904), “Медғат Қосим”, “Оқилбойга (1863-1904)”, “Қиссаи Юсуф” каби дostonлар ёзишга даъват этганлигининг ўзи кифоядир.

Абай 300 га яқин шеърӣ асар, “Искандар”, “Масъуд”, “Азим ҳикояси”, “Вадим” каби дostonлар етиб келган. Унинг асарларидан халқни илм-маърифатга, инсонийликка, ҳалолликка, севги садоқатга, муҳаббатга даъват этиш ғоялари асосий ўрин эгаллаган.

Абай уч манбадан озиқланиб, маънавий камолотга етди. Булар қозок халқ оғзаки ижодиёти, Шарқ шеърят ва рус, Европа адабиёти намуналари. Бу уч манба Абайни буюк шоир етиб етишгирди, оламга танитди. Абайнинг насрий асарлари, шеърӣ дostonлари ўзбек, татар, қирғиз, қорақалпоқ, турк, муғул, чех тилларига таржима қилинган ва мазкур халқларнинг маънавий мулкига айланиб қолган. У қозок адабиёти ва қозок тилига асос солди.

ЙИГИТ СЎЗИ

(Уйғун таржимаси)

Салом бердим қалам қош,

Сенга қурбон мол ҳам бош

Сени ўйлаб узу кун,

Оқар кўздан қайноқ ёш.

Сендан ортиқ жон туғмас,

Туғса - туғар ортилмас.

Бир ўзингдан бошқага,

Ошиқлигим айтилмас.

Асл одам айнимас,

Ишқ ўтидан қайрилмас.

Кўрмасам ҳам, кўрсам ҳам,

Кўнглим сендан айрилмас.

СЕВГИ ТИЛИ

(Миртемир таржимаси)

Севги тили – сўзсиз тил,
Кўз билан кўр, дилдан бил,
Бир қараш, ё бир имо –
Етар ... Боғланар кўнгил!
Билардим бу тилни мен,
Овлардим кўп дилни мен:
Унутдим: бу тил сирий,
Ва сочи сунбулни мен ...

ҚИБРИС АДАБИЁТИ

Бугунги Ер юзида уч миллионга яқин туркий тилда сўзлашувчи қардошларимиз яшамоқда. Минг-минг йиллик Ипак йўлидан ёки Чин деворидан Адриатик денгизигача чўзилган ўлкалардан ўтсангиз, қулоғингизга эски туркчамиздан келаётган ўзаги бир сўзлар чалиниши, қардошларимиз билан қийналмай суҳбатлашмоғингиз табиий, албатта.

Қибрис – турк дунёсида ўзига хос ўрни бор, Ўртаер денгизидаги энг яшил, гўзал орол-ўлка. Бу ерда ҳозир тўрт юз мингдан ортиқ мусулмон турклар яшайди. Республика Президенти Рауф Денктош сиёсатчилиги билан бир қаторда катта ёзувчи эканлиги билан ҳам дунёга танилган. Қибрис – машҳур кишилар ўлкаси. Улуғ нақшбандий, шайхлар, султонлуш-шуаролар, ёки туркий халқлар ичидан орасида биринчи Нобель мукофотига қўйилган Усмон Туркой ҳам ана шу оролдан чиққан. Шу жиҳатдан қараганда, адабиёт муҳибларининг Қибрис адабиёти билан яқиндан танишмоқларида фойда бор, деб ўйлаймиз.

Қибрис адабиётини уч даврга бўлиш мумкин:

1570-1878 йилларни ўз ичига оловчи уч юз йиллик давр адабиёти классик адабиёт даври дейилади.

1878-1925 йиллар “Ўтиш даври” адабиёти.

1925 – 1974 йиллар мустамлака даври адабиёти.

Усмонли султонлар 1870 йилда Қибрисни фатҳ этаркан, бу ерда бугунги қибрислик қардошларимиз аجدодлари яшай бошлаганлар ва ўзига хос маданият, адабиёт яратганлар. Қатор таскиралар, хусусан, барча таскираларни бирлаштирган, 1949 йилда тартиб берилган “Туфҳайи Ноилий” дан бу даврлар адабиёти ҳақида тушунча олиш мумкин. 1600 йилларда яшаган Мисолий, Закоий, 1700 йилларда ижод этган Сиёҳий, Ноиб, Ориф Афанди, Хизир Дада, 1850 йиллар ижодкорлари Муфти Ҳасан Хилмий Афанди, Ҳожи Ҳасан Таҳсин, Юсуф Зиё, 19-аср шоирларидан Ҳандий, Шамъий, Сазой, Ҳаққий, Ҳатиф, Нодирий, Солим, Иффат, Каримий, Рожий ва бошқаларни эслаш мумкин. Ошиқ Канзий эса тарихий дostonлари билан классик адабиётни бир поғона юксалтирган.

Қуйидаги бир тарихий воқеа қибрислик шоирлар иқтидорини кўрсатади. XIV аср бошларида Усмонли давлатининг бошлиғи Султон Иккинчи Маҳмуд Қибрисда кутубхона қурилиши учун маблағ ажраттиради ва китоблар юборади. Қибрисликлар подшога миннатдорлик қасидасини битадилар. Қасида султонга макбул бўлади ва уни ёзган муфти Хилмий Афандини Истамбулга чақиради. Подшоҳ янги кўшин намоиши маросимида шоирни ҳам тақлиф этади. Шунда кўшинга қарата Хилмий бадиҳа тарзида қадиса ўқиб юборади. Барча ҳайратланади. Подшоҳ шоирга “Султон уш шуаро” унвонини беради ва саройда олиб қолади. Аммо Хилмий Афанди ирқи ва дини бошқалардан тузилган кўшинга

тарафдор эмасди. Буни англаган подшоҳ шоирни ватанидан узоқда, Истамбулда тутиб туришни буюради. Шоир қанча илтимос қилса ҳам подшо изн бермайди. Аммо ватанини соғинган шоир Подшоҳнинг туғилган кунда унга бағишланган шеърни топшириб билдирмасдан кемага ўтиради-да Қибрисга жунаб қолади. Подшоҳ воқеадан хабар топса-да, ғазабланмади, шоир ҳолатини тушунди ва уни ўз эски вазифасига Қибрис муфтиси этиб тайинлади.

Буюк турк шоири Номик Камолнинг 1873 йилда Қибрисга сургун қилиниши ва бу ерда ўтказган йилларида энг машҳур асарларини битгани ҳам Қибрис адабиёти тарихида ўз ўрнига эга. Бугунда “бир нўмирани адабиёт ва ғавғо одами” дея сифат берилган атоқли ижодкор Номик Камол яшаган сургун уйи қилинган уйи музейга айлантирилган.

Номик Камолга шогирд тушган, романчи Маҳмад Нозим Қайтаззода ҳам адабиётда ўчмас из қолдирди. Унинг “Лайлоий висол” романи 1894 йилда “Қибрис” газетасида давомли босилган, икки йил ўтиб “Ёдигори муҳаббат” романи нашр этилган.

Қибрис адабиётининг иккинчи “ўтиш даври” адабиёти оролда вужудга келган сиёсий воқеалар билан боғлиқ. 1878 йилги Туркия ва Россия урушидан кейин Берлинда имзоланган шартномага кўра Усмонли давлати Қибрис оролини Англияга ижарага беради. Инглизлар оролдан фойдаланаркан, ижтимоий ҳаётда ҳам ўзгаришлар юз кўрсатади. Усмонли давлатнинг чўкиши, 1912 йилдаги Болқон урушлари турли савашлар оқибатида Қибрис оғир кунларни бошидан кечирди ва бутун дунёдан ажралиб қолди. Биринчи жаҳон уруши натижасида Усмонли давлати йиқилади, овропалик босқинчилар кузгундай бу ўлкага ёпирилади, Мустафо Камол бошлиқ ватанпарварлар Туркия Республикасини кўргач, 1925 йилги Лўзан шартномасига кўра, Қибрис бутунича инглизларга қарам бўлиб қолди. Мустафлака даври ҳаёти матбуот ва адабиётда ўз аксини топа боради. Инглиз мактаблари очилади. Инглизча, туркча, румча сўзликлар пайдо бўлди ва адабиёт уч тилда шаклланди. 50 йилларда кўплаб романлар, сахна асарлари, шеър китоблари пайдо бўлди. Ҳикмат Афиф, Нозиф Сулаймон, Рауф Денктош, Исмоил Адиб-Қоракўзўғли, Уркия Мина, Памба Мармара, Энгин Кўнчи каби романчилар, шоир ва шоираларнинг асарлари шу йилларда элга танилди.

Қибрис оролида 1955, 58, 64, 67-йиллардаги босқинлар ва қўзғолишлар 1974- йилдаги яраш ҳаракати оқибатида қибрислик қардошларимиз зулм исканжасидан қутилдилар.

Биз мустақилликка эришганимиздан кейин Қибрисда қардошларимиз борлигидан хабар топдик. Унгача русчада чиққан китобларда бу адабиёт ҳақида ёзилмасди. 1994 йилдан бошлаб Нобель мукофотига қўйилган Усмон Туркой, романчи ва давлат арбоби Рауф Денктош, ёзувчи ва адабиётшунос, Қибрис Ёзувчилар уюшмаси, Қибрисни ўрганиш маркази бошлиғи Исмоил Бўзкурт, фольклорчилардан Ўғиз Муҳаммад Ўйрғанчиўғли, Мустафо Кўкча ўғли, шоира Ойшан Тоғли каби қатор қибрислик ижодкорлар тарафимиздан юртимизда танитилди.

ХИЛМИЙ

(1782-1847)

ғазал

Кўйи дилбар ошиқ аҳлин жаннатул маъвосидир,

Гўшайи дўзах – фироқи ёри бепарвосидир.

Ул санам бир ўптириб оппоқ томоғидан, деди:

“Ол, бу сувсиз бўлса-да, Қибрис ерин олмосидир.”

Барча онинг ҳикмати-ла истагай файзу вусул,

Мавлавий шайхи дада, бир тўп гўзал бобосидир.

Мастлари кўп бўлса қанча, шунча маъмур майкада,
Бок, бу гулшан шанлиги – булбуллар-у ғавғосидир.
Кимдир ул оҳ айлаган, дермиш у шўхи шевакор,
Ошиноси, мубталоси, Хилмийи шайдосидир.

МЕН ЧИҚДИМ

(Канзий ғазалига Хилмий мухаммаси)

Маломат бодасий-ла дам уруб мастона мен чиқдим,
Кечиб номусу оримдан, жўшиб сайрона мен чиқдим,
Отиб олам ишу ғавғосини ёрона, мен чиқдим,
Ёнай ёнсам, бу ишқинг шамъига парвона мен чиқдим,
Энг аввал жумладан, жоно, чу мард-майдона мен чиқдим.

Ароқ нўш айлаюб паймонайи пири Аъроқийдан,
Пуч орзудан умид уздим, мадад умдим фироқийдан,
Ижозат ўлди сирримда, манга Халлоқи боқийдан,
Олим мен ҳаммадан олдин бу шавқ жомини соқийдан,
Бўлиб масти мудом паймонаваш даврона мен чиқдим.

Ўчоғин ёқмадан оҳангари даврон фано ичра,
Яралмиш занжирим аввал бу дўккони ано¹ ичра,
Асар йўқ эрди Лайлодан бу даҳри бебақо ичра,
Йўқ эрди номи Мажнун ҳам у чоғ дорушшифо ичра,
Тақиб занжирларин ишқнинг дали девона мен чиқдим.

“Бу базмим жоми нобиндан ичарлар бор эса, келсин,
Бу йўлда жон бериб, бордан кечарлар бор эса, келсин ,
Кўнгилда мосуво зирҳин бичарлар бор эса, келсин,
Бугун тийғим билан боши учарлар бор эса, келсин!” –
Дединг...Қўчқор каби қурбон учун майдона мен чиқдим!...

Ажаб, бир соҳиби ирфон чиқарми шахри Қибристон,
Менингдек ошиқи нолон чиқарми шахри Қибрисдан,
Муҳаббат хилмига шоён чиқарми шахри Қибрисдан
Демишлар, шоири майдон чиқарми шахри Қибрисдан,
Дедим Канзий, ҳақиқатдир, фақат бир дона мен чиқдим.

¹ Ано – қийинчилик, азоб.

ЭНГИН КЎНГИЛ

(Амина Хозим Рамзий 1926-1996)

ҚИБРИС

Кўлкалар ўпаркан тупроқларингни,
Еллар ўзин кўкка чорлайдир, Қибрис.
Тарих ёзиб олтин япроқларингни,
Сени юлдузларга боғлайдир, Қибрис.

Зумрад бир ёғдусан, рангин чечаксан,
Оқденгиз беағи, қайноқ юраксан,
Яна юксакларга юксалажаксан,
Келажак кечмишинг оқлайдир, Қибрис.

Бу чирой, бу шараф ярашар сенга,
Кулимсар кўзларинг ҳар кулганингга,
Ёлғиз бир яранг бор – куяман шунга,
Шу учун сувларинг йиғлайдир, Қибрис.

Кўкларни ёкса-да айрилиқ, душман,
Сен ўз кўксингдаги Иймонга суян,
Янги Кун отажак эрта тонг билан,
Бу ёвлар кўнглини доғлайдир, Қибрис.

АБДУЛЛА ТЎҚАЙ

(1886 – 1913)

Асл исми Тўқаев Габулла Муҳаммадгарифович 1886 йилнинг 26 апрелида Қозон губерняси Қушлович қишлоғида туғилди. Гўдак эканида отаси ўлиб, тўрт яшарлигида онасидан ажраб етим қолди. Тўқайнинг болалиги машаққатда ўтди. Фақат болалик давридагина эмас, унинг қисқа ёшлиги ва атиги етти-саккиз йиллик ижодий умри ҳам қашшоқликда, маҳрумликда тугади.

1902 йилдан шеърлар ёза бошлаган Абдулла Тўқай “Фикр” газетаси ва “Ал-аср ал-жадид” (Янги аср) журнаliga шеър, фелъетон ва публицистик мақолалар ёзди. 1907 йил “Яшен” сатирик журнаliga раҳбарлик қилди. 1910 йилда “Ялт-йолт” журнаliga ишлаш билан бир қаторда татаар халқининг озодлик курашини мадҳ этувчи “Озодлик ҳақида”, “Дунё бу”, “Кетмаймиз”, “Товуш”, “Турмуш” каби шеърлар ва ахлоқий масаллар билан иштирок этди.

Абдулла Тўқай татар адабиётида танқидий реализмга, болалар адабиётига асос солди. Замонавий татар адабий тилининг яратувчиси бўлди. Тараққиётга тусқинлик қилувчи эскилик салқитларига, мутаассибликка қарши кураш, илғор маърифатпарварлик ғояларини илгари суриш шоир ижодининг муҳим мавзуларидир.

Абдулла Тўқай шеърлари дастлаб 1913 йилда ўзбек тилига таржима қилиниб, дарсликларга киритилган. 1966 йил Татаристонда Абдулла Тўқай номидаги республика давлат мукофоти таъсис этилди. Шоирнинг умри, хусусан, ижодий ҳаёти жуда қисқа бўлишига қарамай, у ғоят гўзал адабий

мерос қолдирди.

ОНА ТИЛИ

(Миртемир таржимаси)

Эй, азиз тил, эй, гўзал тил, ота-онамнинг тили
Дунёда кўп нарсa билдим сен она тил орқали.
Авалo, бу тил билан онам бешикда куйлаган,
Сўнг, узун тунлар бўйи бувим ҳикоят сўзлаган.
Эй, она тил, ҳар замон бўлдинг мададкорим менинг,
Сен туфайли англатарман шодлигим, зорим менинг.

МАСАЛЛАР

БЎРИ БИЛАН СИЧҚОН

Бўри кўрадан бир қўйни овлади. Уяси узоқлиги боис, ўрмоннинг овлоқ жойида ўлжани бўлак-бўлак қилиб, ҳарислик билан ея бошлади, тўйди. Аммо қўйни еб битира олмади. Яна қорни очса ейишини кўзлаб, нарироққа бориб чўзилиб ётди.

Буни яқин жойда кузатиб турган сичқон бурнига гўшт ҳиди урилгач, шошиб ўт-ўланлар орасидан келди ва ўзидан кичикроқ гўшт бўлагини олиб, ортига қарамай қочди.

Буни сезиб қолган бўри бутун ўрмонни бошига кўтарди:

Қароқчини тутинглар, хароб бўлдим. Молимни ўғирлашди.

ФОЙДАСИЗ МАРДЛИК

Булут сувсизликдан сахрога айланган жойлар устидан сузиб ўтди-да, денгизга бориб шаррос куйди. Сўнг ўзининг мardлигидан ўша атрофдаги тоққа мақтана бошлади. Шунда тоғ:

Эҳ, булут, булут! Денгизда сенсиз ҳам сув кўп. Сен хув анави қуриб ётган сахрога ёғсанг, яхши бўларди. Одамларни очликдан қутқарар эдинг. Сенинг ҳозирги мardлигингдан бирор фойда йўқ, - деб булутни уялтирди.

ЙИҒИЧИЛАР

Қадим замонда Мисрда шундай бир одат бор эди. Мабодо бойроқ бир киши вафот қилса, марҳумни қабристонга олиб боргунча, тобут ортидан йиғичилар йиғлаб борар эканлар.

Бир куни эътиборли кишилардан бири бандаликни бажо келтирибди. Йиғичилар марҳумнинг умри қисқа эканлигини айтиб, нола қилар эдилар. Бу оҳ-воҳларни тинглаб турган бир нотаниш киши йиғичиларга қарата:

-Эй, сиз ҳасрат эгалари! Овозингизни пасайтиринг. Мен шундай бир дуони биламанки, агар ўша дуони ўқисам, марҳум ҳозир тирилиб кетади,-деди.

Йиғичилар йиғидан тўхтаб, ҳалиги одамнинг оёғига йиқилиб:

-О, беназир одам, бизга мурувват эт. Сен марҳумни тирилтир. Аммо у бир-икки кундан сўнг, қайта жон таслим этсин. Агар шундай бўлса, бизни яна ёллаб чақиришади, бир нималик бўлиб қоламиз. Чунки марҳумнинг ҳайитлик чоғида ундан бир мири ҳам ололмаганмиз,-дейишди.

ЧИВИН

Бир чивин кўшга кўшилган хўкизнинг шоҳига кўниб, кун бўйи юрди. Кечкурун хўкиз оғилхонага қайтгач, ўзга чивинлар ундан сўрашди:

Қаёқларда юрибсан?

Чивин такаббурланиб:

Кун бўйи сомон йиғиштирдим, ўлгудек чарчадим, - деди.

ТУЛКИ

Итга суяк ташладилар. Қўрдики, суякда бир тишлам ҳам гўшт йўқ. Ит жаҳл билан нари кетди. Тулки эса суякни олиб, тишлари билан бўлак-бўлак қилди-да, ичидаги илигини шимди.

ИККИ СИЧҚОН

Икки сичқон қаердандир бир бўлак сариеғ топиб олишди-да, бир-бирлари билан талашиб қолишди.

Кўп тортишувдан сўнг мойни тенг бўлиб беришини ўғиниб маймуннинг олдига бордилар. У қандай ҳукм қилса рози бўлишларини айтдилар.

Маймун қўлидагини тарозусининг бир палласига қўйди. Табиийки, иккинчи палласи бўш бўлганидан бир томонга оғиб кетди. Маймун эса икки паллани тенг келтириш учун, мойни оз-оздан еяверибди. Оқибатда сариеғ тугабди.

Сичқонлар тарозининг икки палласи тенг келганини кўриб, секингина ортга қайтдилар.

АРСЛОН ВА ТУЛКИ

Тулки биринчи бор арслонни кўрганида, кўрқувдан жони чиқиб кетишига оз қолди. Аммо кўп ўтмай у билан рўбарў келди. Бу гал ўзини йўқотмади. Учинчи гал кўришганида Арслоннинг қулоғига бир нималар деб, пичирлагандай бўлди.

МАҚТАНЧОҚ ҚУЁН

Йиртқич ҳайвонлар биргалашиб, баҳайбат айикни овладилар. Уни ўртага олиб бўлишаётганларида қаёқдандир қуён пайдо бўлди-да, айикнинг қулоғига ёпишди. Ҳамма ҳайрон. Қуённинг бундай сурбетлигидан аччиқланиб:

Эй қуён, енгилеёқ, бу қанақаси, биз айикни овлаганда, сен қаёқда эдинг, - деб қичқиришди. Қуён бамаёлихотир:

- Айикни ўрмондан ким ҳайдаб чиқарди, деб ўйлайсиз? – дедию Қуённинг бу мақтанчоқлиги йиртқичларга кулгили туюлса-да, уни изза қилмадилар.

ҚЎРҚУТ ОТА КИТОБИ (Озарбайжон халқ эпоси)

Ҳазрати Расул алайҳиссалом замонида яқин, Баёт наслидан Қўрқут Ота деган эр дунёга келди. Ул киши Ўғузнинг тамом билгувчиси эди, Ўғуз ичида унинг бор қаромати зоҳир бўлмиш эди, на деса бўларди, ғойибдан турли хабар сўйларди, яраптаннинг ўзи унинг кўнглига илҳом соларди.

Қўрқут Ота дейдики: охир замонда хонлик яна Қойи қавмига тегар, қиёмат қўлгунча ҳеч ким тортиб ололмас. Бу одамлар Усмон наслидур, ишида давом этур. Ва яна шунга менгзар неча сўз айтди. Қўрқут Ота Ўғуз қавмининг мушқулини ҳал этарди; ҳар не иш бўлса Қўрқут Отадан бемаслаҳат кўрилмасди; ҳар ким унинг буюрганини бажарарди.

Бир куни Қўрқут Ота жўшиб, Ўғуз беклари ичинда сўз сўйламиш, насиҳат йўсинда сўйламиш, кўрайлик- чи, Хоним, на дер экан. Қўрқут Ота айтур: Ҳақни ҳақ демагунча ишлар ўнгмас: ҳазрати қодир мухтор бермагунча эр бойимас; ёзуқда ёзилмаса қул бошига қазо келмас; ажал ваъда бермагунча кимса ўлмас; ўлган одам тирилмас, чиққан жон қайтиб келмас. Бойлик йиққан Қоратоғ тепасидай йиғар, аммо насибасидан ортинини ея билмас. Ўрлашибон сувлар тошса, денгиз бўлмас. Такаббурлик айлаганни ҳеч ким севмас. Кўнглини юксак тупган эрда бойлик бўлмас. Ёт ўғилни асрасанг, ўғил бўлмас, бўйи етса ташлар - кетар, сани кўрдим демас. Қул тепалик бўлмас, куёв ўғил бўлмас. Қора эшик бошига аста урсанг, ўжар бўлмас, Қорабошга тўн кийдирсанг, хотин бўлмас. Ёға - ёға қорлар ёғса, ёзга қолмас. Илк майсалар, кўк чаманлар қузга қолмас. Эски пахта бўз бўлмас. Хотин душман дўст бўлмас. Беков отни қийнамасанг, йўл олинмас. Қора пўлат қиличинини сермамасанг, душман ўлмас. Эр молини кўзи қиймаса гар оти чиқмас. Қиз онадан кўрмагунча ўтит олмас. Ўғил отадан кўрмагунча суфра чекмас: ўғил отанинг сиридир, икки кўзининг биридир. Давлатли ўғил кетса,

ўчокдан бир чўғ кетар, ўқдондан бир ўк кетар. Давлатсиз ўғил қўлса ўчоғининг қулидир: ўғил яна найласин, ота ўлиб, моли қолмаса, ота молидан на фойда, бошда давлат бўлмаса.. Хоним ҳей, Бегим ҳей Қўрқут Ота яна бир гап айтмиш, қўрайлик нима деркин:

Асов отга номард йигит мина билмас - минганидан минмагани яхши. Бир ҳамлада чопар қилич-муҳаннаслар чопганидан чопмагани яхши. Чопишни биладиган йигита ўлқир қилич эмас, тўқмоқ ҳам бўлаверади. Қўноқ қўнмас қора ўйлар йиқилса яхши. От емайдиган аччиқ ўтлар битгандан битмагани яхши. Одам ичмас сассиқ сувлар оққандан оқмагани яхши. Ота отин юритмаган ўғил ота белидан унганидан унмагани яхши; она қорнига тушганидан тушмагани яхши; ёлғон сўз бу дунёда бўлганидан бўлмагани яхши; тўғри ниятларинг юз ёшина тўлса яхши. Юз ёшингиз тўлсин. Ҳақ сизни ёмон кўрмасин; давлатингиз пойидор бўлсин, Хоним-эй. Яна Қўрқут Ота сўйлабди, эшитайлик-чи, нима деркин:

Агар кетсанг: юрт тўпроғини йиртқич босар, жаннат боғлар роҳатини қулон кўрар, айри - айри йўллар изин туя кўрар, етти р дара бўйларини тулки ҳидлар. Тун ила қарвон кўчкисини турғай билур; ўғил кимдан бўлганини она билур; йигит оғирин от билур; юк оғирин - хачир билур. Қаери оғришини бемор билур, Ғофил бошнинг оғришини идрок билур. Элдан элга қўбиз кезар, бекдан бекка бахши кезур; эр жумардини, эр нокасини бахши билур; рўпарангда қўйлаётган бахши бўлсин, шошиб келган қазоингни Ҳақ қайтарсин, Хоним -эй, Бегим-эй.

Қўрқут Ота тилидан шоир айтур:

Аёллар тўрт турлидир: бириси уйнинг умуртқасидир, бириси шумшук сўрган чўлдир, бириси шишган тўпдир, бириси уйдаги таянчдир, бириси гапирсанг тушунмас - аянчдир. Шоир, уй таянчи шулдурки, кирдан ёбондан уйга бир қўноқ келса, эр одам уйда бўлмаса, уй таянчи едирар, ичирар, авайлаб - эъзозлаб қўтар қўноқни. У Ойша Фотима авлодидандир. Хоним, унинг болалари бўлсин, рўзгоринга шундай аёл буюрсин.

Сўлган чўлдай кампир улким, тонг отганда ўрнидан туриб, қўлин - юзин ювмасдан тўққизта нонни ва бир қўза қатикни кўзлар, қорни ёрилгунча ер ва қўлини сонларига артиб дер: бу уй хароб бўлар, эрга тегиб тўймадим, юзим қулмади, оёғим бошмоқ, юзим яшмоқ кўрмади. Оҳ, найлайин, бу эр ўлсайди, бошқасига тегардим, яхши ёр топардим дер. Унинг, Хоним, болалари бўлмасин, рўзгоринга бундай аёл битмасин.

Тўлган тўпдай кампир улким, у тонгда уйқудан уйғониб, оёққа қалқар, қўлин - юзин ювмасдан элнинг ул бошидан бу бошига, бу бошидан ул бошига чопар, ғийбат қилар, миш - миш этар, тонгдан кечгача шундай юрар. Сўнгра уйига келиб кўрса, ўғри қўпак уйин талон - тарож этмиш, товук - товукхонада, сигир - молхонада чир айланмиш. У бўлса қўшнилари чакриб, мен ўлмакка кетмагандим, ёғажак ерим вайрон бўлибди - ку; найлайин менинг уйимга бир лаҳза боқмабсизлар, қўшничилик ҳаққи, дея жаврамиш. Бу кабининг болалари бўлмасин, рўзгоринга бундай аврат битмасин.

Сўйласанг англамас аянч хотин шулким, агар уйига ёзиқдан, ёбондан қўноқ келса, уйда эркак одам бўлиб, у айтсаки, овқат келтир, биз ҳам ейлик, қўноқ ҳам, пишган овқатнинг бекоғаси бўлмас, емак керақдир деса, хотин айтар: найлайин, бу йиқилажак уйда ун йўқ, элак йўқ, туя тегирмондан келмади, дер. Ким келса, менинг сағримга келсин, дея, қўлин дўмбасига урар, чўнтагини қоқиб, эрига терс қарар, минг сўйламанг, битта боқмас, эр сўзига қулоқ қоқмас. Ул Нух пайғамбарнинг эшаги наслидандур. Ундан сизни оллоҳ сақласин. Хоним, уйингизга бундай офати келмасин.

Биринчи қисса: Дирса хон ўғли Бўғоч хон баёни

Бир кун Комхон ўғли хон Бойинтур оёққа қалқди. Чодирлари ер юзини, ола соябони кўк юзини тусди. Минглаб ипак ғалилар ерга тушалди. Хонлар хони Бойинтурхон йилда бир марта тўй бериб, Ўғуз бекларини чакирарди. Бир кун тўйда отдан - айғир, туядан - бўғро, қўйдан - ўчқор сўйдирди. «Ўғли борни оқ ўтовга, қизи борни қизил ўтовга қўндириг, кимнингки ўғли - қизи йўқ бўлса, қора ўтовга ўтқазинг, қора кигиз тушанг, олдига қора қўйнинг сонидан қўйинг, егани есин, емагани кетсин. Ўғли - қизи бўлмагани эгам қарғандир, биз ҳам қарғармиз», деди у. Ўғуз беклари бирин - кетин келиб, йиғила бошлади. Аммо, Султоним, Дирса хон деган бекнинг ўғил - қизи йўқ эди. Эшитайлик-чи, Хоним, нима деркин. У айтмиш: Салқин - салқин тонг еллари эганида Соқолли бўз тўрғай бир сайраган чоғда Соқоли узун Тот эри азон айтганда Бадавий отлар изин кўриб йиғлаган онда, Оқу қора ранглар ажралган пайғда, Кўксув, гўзал тоғларга кун текканда Бек йигитлар, баходирлар бир - бирига ҳамла қилганда... Дирса хон тонг отар - отмас, ўрнидан туриб, қирқ йигитни ёнига олиб, Бойинтур хоннинг зиёфатига жўнади. Бойинтур хоннинг йигитлари Дирса хонни қаршиладилар, келтириб қора ўтовга қундирдилар, қора қўйнинг яхнасидан олдига қўйдилар. Бойинтур хоннинг бўйруғи шул, Хоним,

дедилар.

Дирса хон деди: Бойинтурхон мандан на ўқсуклик кўрди? Қиличимданми, дастурхонимданми? Мендан паст кишиларни оқ ўтовга қўндирди, манинг хатом надирким, қора ўтовга ўтказди? Унга айтдилар, Хоним, булун Бойинтурхон ўз бўйруғида кимнинг ўғли - қизи бўлмаса, уни биз ҳам қарғаймиз, деган. Дирса хон сапчиб туриб: қалқинг, йигитларим, ўрнингиздан тезроқ тулинг, бу қаро айб ё мандадур ё хотиндадур, деди. Дирса хон уйига келди, хотинини ёнига чақирди ва унга қараб бир сўз айтди. Эшитайлик Хоним, на деган экан:

Бери келгин, бошим бахти, уйим тахти, Уйдан чиқиб, юрганида сарв бўйлим, Тўпигига чирмашгунча қора сочлим, Ўтилган ёй мисол, кел, қора қошлим, Қўша бодом сиғмайдиган тор оғизлим, Куз олмасига менгзар ол ёноқлим Хотиним, тиргагим, шарафлим, келгил. Биласанми нелар бўлди? Хон Бойинтур қалқмиш, бир жойга оқ ўтов, бир жойга қизил ўтов, бир жойга қора ўтов тикпирмиш. Ўғли борни оқ ўтовга, қизи борни қизил ўтовга, ўғли - қизи бўлмагани қора ўтовга қўндиринг, қора кигиз тушаб, қора қўй яхнасида олдиға қўйингиз, еса есин, емаса кетсин, кимнингки, ўғли - қизи бўлмаса, эгам уни қарғандир, биз ҳам қарғармиз, демиш. Ман борсам, мани қаршилаб, қора ўтовга киритдилар, қора кигизни тушадилар, қора қўйнинг яхнасини олдимға қўйиб, ўғли - қизи йўқларни биз ҳам қарғармиз, шуни билгин, дедилар. Қани айтчи, сандами, мандами айб, қодир эгам бизға бир ўғил бермас, деди. Ғазаб билан хотинига яна бир сўз айтди:

Хон қизи, ўрнимдан турайинми, Ёқандан, бўйингдан тутайинми, Оғир ўкчам остиға солайинми, Пўлат қиличим қўлга олайинми, Гавдангдан бошингни узайинми, Жон ширинлигин кўрсатайинми, Ол қонингни ер юзига тўкайинми, Хон қизи, сабаб на, гапирманга Қаттиқ ғазаб сочарман энди санга.

Шундай дегач, Дирса хон хотинининг қаҳри келди, қора кийма кўзларига қонли ёш тўлди ва деди: Хоним, на мандандир, на сандан, устимизда қойим турган ёзиқдандир деб, бир сўз сўйламиш, эшитайлик-чи, Хоним, на сўйлар экан: Ҳей Дирса хон, манга ғазаб этма, инжилиб аччиқ сўзлар айтма. Қалқибон, о, Дирса хон ўрнингдан тур, ола чодирларинг тик ер юзига; отдан - айғир, туядан - бўғро, қўйдан - қўчқор сўйдир, Ич Ўғуз, Таш Ўғуз бекларини чақир; оч кўрсанг тўйдир, яланғоч кўрсанг кийинтир; қарздорнинг қарзидан қутқаргил, тепадай гўшт йиғ, қўл каби қимиз соғдир; катта тўй бер, ҳожат айла, ўйлаким, бир оғзи дуолининг олқиши-ла эгам бизға бир ўғлон берар, деди. Дирса хон заифанинг сўзи ила тўй берди, ҳожат тилади.

Отдан - айғир, туядан - бўғро, қўйдан қўчқор сўйдирди. Ич Ўғуз, Таш Ўғуз бекларини уйига чақирди; оч кўрса тўйдирди, яланғоч кўрса кийинтирди; қарздорни қарзидан қутқазди, тепадай гўшт йиғди, қўл каби қимиз соғдирди. Эл тўпланиб ҳожат тилади, бир оғзи дуолининг олқишига қодир эгам бир жужук берди, хотини ҳомила бўлди.

Бир неча муддатдан сўнгра бир ўғлон туғилди, уни дояларга беришди, тарбиялашди. Отнинг оёғи машхур, шоирнинг - тили: ойлар, йиллар кеча ўғлон ўсар; ўғлон беш ёшга кирди; ўғлоннинг отаси бир кун қучиб, Бойинтурхон ўрдасига қўшилди. Лекин, Хоним, Бойинтурхоннинг бир бўқаси ва бир асов туяси бор эди, ул бўқа қаттиқ тошни тепса, тош унга айланарди. Бир ёзда, бир кузда ул бўқа билан ўша туяни уришпирар эдилар. Бойинтурхон азамат Ўғуз беклари ила томоша қилишарди, сайр этишарди. Шундай қилиб, Султоним, ёз келиб, бўқани саройдан чиқардилар. Уч киши ўнг ёнидан, уч киши сўл ёнидан темир занжир ила бўқани тутган эдилар. Оқкелиб, майдон ўртасига қўйиб юбордилар. Шунда, Султоним, Дирса хоннинг ўғли ва яна учта бек ўғли майдонда ўйнаб юрган эди. Бўқани қўйиб юборганлар ўтиларга қоч дейишди. Ул уч ўғлон қочди. Дирса хоннинг ўғли қочмади, оқ майдоннинг ўртасида бокди, турди. Ўғлон бўқанинг манглайига қаттиқ урди. Уриб-уриб майдон четига чиқарди. Бўқа билан ўғлон яна жангга кирди. Хон Бойинтур томоша қиларди. Бўқанинг икки кураги ўртасидан қўпик чиқди, на ўғлон бўқани енгди, на бўқа ўғлонни. Ўғлон фикр айлаб, бир сўз айтди: бир уйга тиргак тирарларким, тиргак таянч бўлур, агар тиргакни олсалар, бу у йиқилур, деди ва бўқанинг манглайидан муштини олган эди бўқа оёқ устида туролмади, гурсиллаб йиқилди. Ўғлон пичоғига қўл урди, бўқанинг бошини кесди. Ўғуз беклари келиб, ўғлонни ўраб олишди, таҳсин ўқишди. Қўркут Ота келсин, бу ўғлонга от қўйсин, бирга бориб, отасидан ўғлонга беклик сўрасин, тахт олиб берсин дейишди. Шундай қилиб, Қўркут Отани чақирдилар, у келиб, ўғлонни отасининг ёнига олиб борди.

Қўркут Ота ўғлоннинг отасига сўйламиш, эшитайлик-чи, на сўйламиш: Ҳей Дирса хон, ўғлона беклик бергил, тахт бергил - у лойиқдир; бўйни узун бадавий от бер бу ўғлона, огли бўлсин - хунарлидир; бир туман қўй бер бу ўғлона, қўйли - қўзили бўлсин - ишбилармондир; бир қизил туя бер ўғлона, юкли бўлсин - тадбиркор у;

олтин тўғли уй бер бу ўғлона, сояли бўлсин - у лойикдир; куш расми битилган жубба тўн бергил бу ўғлона, кияр бўлсин - савлатлидир. Бойинтур хоннинг майдонида бу ўғлон жанг қилмишдир, бир бўқани ўлдирмишдир, санинг ўғлинг оти Бўғоч хон бўлсин. Отини ман бердим, ёшини эгам берсин, деди.

Дирса ўғлига беклик берди, тахт берди. Ўғлон тахтга чиқиб, отасининг қирқ йигитига ёқмади. Ул қирқ йигити ҳасад билан дедилар: Бу ўғлон майдонга чиқиб, Дирса хоннинг бизга назари ўксук бўлди. Келинлар, бу ўғлонни отасига ёмонлайлик, ўйлаким, бебош бу ўғлонни ўлдирар. Шундан сўнг иззатимиз, ҳурматимиз унинг отаси олдида ортиқ бўлажак. Бу қирқ йигитнинг йигирмаси бир ёнга, йигирмаси иккинчи ёнга ажралиб, икки гуруҳга бўлинди. Аввал биринчи гуруҳ бориб, Дирса хонга шундай хабар етказди: Билармисан, Дирса хон, налар бўлди? Ёримасин, ёлчимасин санинг ўғлинг - нонкўр чиқди, ярамас чиқди; қирқ йигитни ёнига олиб, гўч ўғузларнинг устига ҳужум қилди. Қарда яхши нарсаси бўлса тортиб олди. Оқ соқолли хўжанинг оғзига сўқди. Оқ соқолли кампирнинг сочини юлди. Хуллас, оққан тоза сувлардан хатар кечиб, эгри-бугри тоғлар оша хабар етса, хонлар хони Бойинтурга, «Дирса хоннинг ўғли ярамас бидъат ишлар қилмоқда», десалар, санинг беклар ичида тирик кезганиндан, ўлганинг яхши, дедилар. Бойинтур хон сани чақирар, ғазабига дучор бўласан, дедилар. Бундай ўғил санга на керак бундай ўғилнинг бўлганидан бўлмагани яхши, ўлдирсанг-чи, дедилар. Дирсахон, боринг, опкелинг ул ўғлонни, ўлдираман, деди. У номардлар айтур: Бу санинг ўғлингни қандай келтирамиз, санинг ўғлинг бизнинг сўзимизни олмас, бизнинг айтганимиз билан бу ёққа келмас, дейишди. Шундан кейин, Хоним, ўша номардларнинг қолган йигирмаси пайдо бўлди. Улар яна бир миш-миш етказдилар. Улар айтур: Дирсахон, санинг ўғлинг бош кўтарди. Кўксув - гўзал улкан тоққа овга чиқди. Ов овлади, куш қушлади. Онасининг ёнига олиб келди. Қирмизи шаробингни олди, ичди. Онаси билан суҳбат айлади, отасига қасд айлади, қўл кўтарди, санинг ўғлинг, нонкўр чиқди, ярамас чиқди. Эгри - тўғри тоғлар оша хабар кечар, хонлар хони Бойинтурга хабар етар; Дирса хоннинг ўғли ёмон ишлар қилганмиш, деб айтар. Бойинтурхон санга қаттиқ ғазаб айлар. Бундай ўғил санга нега керак ўлдирсанг-чи, дейишди.

Дирса хон айтур: Боринг, келтиринг, ўлдиурман, бундай ўғил манга керакмас, деб. Дирса хоннинг навкарлари айтур: Биз санинг ўғилнинг қандай келтирурмиз? Санинг ўғлинг, бизнинг сўзимизни олмас, бизнинг гапимиз ила келмас. Қалқибон санинг ўзинг оёққа тур, йигитларингни тўпла, ёнингга ол, ўғлингни аврагил, у билан бирга овга чиқ, куш учириб ов овлаб, ўғлингни ғафлатда қолдиру ўлдир. Агар шундай ўлдирмасанг бошқача ўлдиролмайсан, билиб қўйил.

Салқин-салқин тонг еллари эганида, Соқолли бўз тўғайлар сайраганида, Узун соқол Тот эри азон айтган чоғда Бадавий от изин кўриб йиғлаганда Оқ қора ажралган бир ғира-ширада Кўксув, гўзал тоғларга кун текканда Бек йигитлар, баҳодирлар Бир-бирига от қўйган онда. Тонг маҳали Дирса хон оёққа турди. Ўғлини ёнига олиб, қирқ йигити билан овга чиқди. Ов овладилар, куш қушладилар. Ул қирқ номардларнинг бир гуруҳи ўғлоннинг ёнига келиб айтдилар: Отанг кийикларни қувиб, манинг ёнимга келсин ва кўз олдимда уларни отсин. Ўғлимнинг от суришин, қилич чопишин, ўқ ўзишин кўрайин, севайин, қувонайин, деди. Ўғлон на билсин, уларнинг сўзини тўғри тушунди. Кийикни қувиб, отаси томонга йўналди. Отасининг кўзи олдида кийикка ўқ ота бошлади. Отам от чопиришимни кўрсин, қувонсин, ўқ опшимга боқсин, севинсин, қилич олишимга қарасин, шодлансин, деб ўйларди ўғлон.

Ул қирқ номарднинг бири Дирса хонга айтур: Дирса хон, кўряпсанми ўғлонни? Қирда ё боғда кийикни қувар, санинг ёнингга келтирар. Ғофил бўлма, кийикни отпан каби, сени отиб ўлдирар. Ўғлинг сани ўлдирмасдан бурун сан ўғлингни ўлдириб қўяқол. Ўғлон кийикни қувиб, отасининг ёнидан олиб ўтди. Дирсахон кийик томиридан ясалмиш ип тортилган ёйни қўлига олди, ўзангига оёғини тираб, ип тортди, ўқ узди, ўқ ўғлоннинг икки қураги ўртасига бориб қадалди, қизил қон тўқилди, қўйни қонга тўлди, бадавий отининг бўйинини қучоқлади, ерга тушди.

Дирсахон ўғлининг устига келиб хўнграб йиғлади. Ул қирқ номард тарқалди. Дирса хон отининг жоловини буриб, ўрдасига йўл олди. Дирса хоннинг хотини ўғлининг илк ови шарафига отдан - айғир, туядан - бўғро, қўйдан - қўчқор сўйдирган эди. Азамат Ўғуз бекларини бир тўйлайин, деганди. Ховлиқиб ўрнидан турди. Қирқта гўзал қизни ёнига олиб, Дирсахон истикболига чиқди. Киприкларини кўтариб, Дирсахон юзига боқди. Ўнгига, сўлига қараб, ўғлини излади, ўғлини кўрмади. Қора бағри эзилди, юраклари ўйнади, қора қийма кўзига қонли - қонли ёш тўлди. Нола чекиб, Дирсахонга сўйлар, эшитайлик, Хоним, не сўйлар. Айтур:

Бери келгил, Бошим бахти, уйим тахти Хон отамнинг куёви. Хон онамининг суйгани, Отам - онам бергани Кўзим очиб кўрганим Кўнгил бериб севганим Дирса хон қалқубон ўғил билан оёққа турдинг Қора ёлли қозилик отинг бутун миндинг, Кўксув - гўзал, улкан тоққа овга чиқдинг Икков кетиб, бир

келдинг, болам қани! Чиксин манинг кўрар кўзим. О, Дирса хон, ёмон учар, Кесилсин ўғлон эмган Сут - томирим — ёмон «жиз»лар. Сарик илон чақмади-ку, таним шишар Ёлғиз ўғлим кўринмас-ку, бағрим ёнар. Қуриб қопган ерларга сувчи солдим, Қора тунли дарвишга назир бердим Оч кўрсам тўйдирдим, яланғочни кийинтир Тепадайин гўшг йиғдим, Кўл мисоли қимиз соғдирдим Тилак ила тангридан бир ўғил олдим Ёлғиз ўғил хабарин, о, Дирса хон, етказ манга. Анов ётган ола тоғда бир ўғил учирдик, Югурук оққан сувга бир ўғил оқиздик дегил манга Арслон ила қоплонларга бир ўғил едирдик дегил манга Қора тўнли, ғайри динли ёғийларга Бир ўғил олдирдик дегил манга Хон отамнинг ёнига ман борайин, Хазина ва қатга лашкар олайин. Ғайри динли ёғийларга юрайин, Яраланиб опимдан тушмагунча, Қизил қоним буткул оқиб бўлмагунча Парча - парча бўлиб йиқилгунимча Ёлғиз ўғлим йўлларида кетмаяжакман Ёлғиз ўғил хабарин, о, Дирса хон, етказ манга Қора бошим қурбон бўлсин бу кун санга, дея зор йиғлади.

Лекин Дирса хон хотинига жавоб бермади. Дирса хоннинг ўша номард қирқ йигити хотинга жавоб айтдилар: Ўғлон соғдир, омондир, овладир, эрта тонготарда келар, кўркма, қайғурма, бек сархушдир, шунинг учун жавоб бермас. Дирса хоннинг хотини ўзини босди, уйга кирди. Аммо қаноатланмади, қалқиб қирқ инжа қизни ёнига олди, бадавий отга миниб, ўғлини излаб кетди. Қирқта инжа қизла қишин – ёзин қори, музи эримас қозилик тоғига етиб келди. Пасту баландларни кезиб чиқди. Қараса, бир даранинг устида кўзгун айланарди, кўнар ва яна кўтариларди.

Бадавий отни ниқтаб, ўша томонга чоғди. Магар, Султоним, ўғлон ўша дарада отдан йиқилганди. Қарға - кўзгун қон кўриб, ўғлон устига қўнмоқ истарди. Ўғлоннинг икки кучути бор эди. Улар қарғаю кўзгунни хайдаб турардилар. Ўғлон анда йиқилганда яшил тўнли, бўз отли чол ўғлон қошида пайдо бўлди, қўли билан уч қатла ярасини силади. Кўркма, ўғлон, санга бу ярадан ўлим йўқдир, тоғ чечаги - ла онанг сути яранга малҳам бўлар, деди ва ғойиб бўлди. Шу пайт ўғлон ётган жойга онаси етиб келди. Қарасаки, ўғли қизил қонга беланиб ётур, она фарёд этиб ўғлига сўйлар, эшитайлик-чи, Хоним, на сўйлар экан. Айтур:

Қора қийма кўзларинг уйқу олмиш, очгил, болам Ўн икки инжа суягинг яраланмиш, боғла, болам

Тангри берган тотли жонинг сайрондамиш, ерга тушир, Гар гавдангда жонинг бўлса, ўғил. хабар бергил манга Қора бошим қурбон бўлсин, ўғил, санга, деди. Яна сўйламиш: Оқар санинг сувларинг қозилик тоғи, Оқар экан оқмас бўлсин. Битар санинг майсаларинг, қозилик тоғи, Битар экан битмас бўлсин. Қочар санинг кийикларинг, қозилик тоғи Қочар экан қочмас бўлсин, тошга дўнсин! Қайдан билай, ўғил, қайдан билай Арслонданми, қоплонданми келди Қайдан билай, қайдан келди бу қазолар, ўғлим, санга Гав гавдангда жонинг бўлса, ўғил, хабар бергил манга Қора бошим қурбон бўлсин, ўғил, санга. Ўз тилингдан бир қалима айтгил манга, деди.

Шундай дега,ч, ўғлоннинг қулоғига сас эшитилди, ўғлон бошини кўтарди, кўзини очди, онасининг юзига. Ва сўзлай бошлади, эшитайлик - чи, Хоним, нима дер экан. Айтур: Бери келгил, Оқ сунин эмдирган меҳрибон онам. Оқ сочи, иззагил жоним онам Оқаётган сувларни ҳеч қарғамагил, Қозилик тоғин сувларида гуноҳ йўқдир, Бу кўқарган ўтлоқларни қарғамагил Қозилик тоғида айб йўқдир Қочаётган кийикларни қарғамагил Уларда ҳам гуноҳ йўқдир Арслонни, қоплонни қарғамагил Қозилик тоғининг ҳеч айби йўқ. Қарғасанг сан отамни қарға Бу гуноҳ отамдандир, деди.

Ўғлон яна айтур: Йиғламагил, жоним онам, манга бу ярадан ўлим йўқдир. Кўркмагил, бўз отли чол манга келди, уч қарра ярамни силади, бу ярадан санга ўлим йўқдир, тоғ чечаги, онанг сути санинг яранга малҳамдир, деди. Шундай дега,ч, қирқ инжа қиз ёйилдилар, тоғ чечаги опкелдилар. Ўғлоннинг онаси эмчагин бир сиқди, сути келмади, икки сиқди - сути келмади, учинчи гал қаттиқ сиқди - қони келди, яна сиқди - сут ила қон қоришиб келди. Тоғ чечаги билан сути ўғлоннинг ярасига қўйдилар, боғладилар, уни отга миндирдилар, олиб ўрдага кетдилар. Ўғлонни ҳақимларга топшириб, Дирса хондан яширдилар. Отнинг оёғи чаққон, шоирнинг - тили, Хоним, шундай қилиб, қирқ кунда ўғлоннинг яраси битди, қирқ кунда соппа - соғ бўлди. Ўғлон отга миниб, қилич ушлайдиган бўлди, ов овлаб, қуш қушлайдиган бўлди. Дирса хоннинг хабари йўқ ўғлим ўлди деб ўйлар.

Ул қирқ номард ўғлоннинг тирикчилигини билишди. Бир жойга тўпланиб маслаҳат қилишди. Дирса хон ўлди деб билур, энди нима қиламиз, Дирса хон ўғлонни агар кўрар бўлса, жим турмас, бизнинг ҳаммамизни қириб ташлар, дейишди. Келинлар, Дирса хонни ушлайлик оёқ - қўлларини боғлайлик жун чилвирни оқ бўйинга солайлик олибон душман элларига борайлик дея, Дирса хонни мастлигида тутдилар, оёқ - қўлларини ортига боғладилар, жун чилвирни оқ бўйинга солдилар, оқ этидан қон чиққунча сиқдилар. Дирса хон яёв, ўзлари

отда юриб, узок ғайридинлар эларига караб йўналдилар. Дирса хон тутқун бўлиб кетар. Дирса хоннинг тутқун бўлганидан Ўғуз бекларининг хабари йўқ. Магар, Султоним, Дирса хоннинг хотини ўғлининг ёнига бориб, бундай сўйламыш, эшитайлик-чи, Хоним, нима сўйлар экан: Кўрурмисан, ой ўғил, нелар бўлди? Чўнг қоялар қилг этмас, ер ўпирилар; элда ёғий йўқ эди, санинг отанг устига ёғий келди. Ул қирқ номард отангнинг йўлдошлари, отангни тутдилар, оёқ қўлларини ортга боғладилар, жун чилвирни оқ бўйнига солдилар, ўзлари отда, отангни яёв юритдилар, уни олибон узок эларга кетдилар. Хоним ўғли, қалқиб ўрнингдан тургил, қирқ йигитни ёнинга ол, отангни қутқар, бор ўғлим, отанг сани қийса ҳам, сан отангни қиймагил, деди.

Ўғлон онасининг сўзини тинглаб, қабул этди, оёққа турди. Бўғоч бек йўлга отланди: қора пўлатдан ясалган ўтқир қиличини белига тақди, оқ қайиндан ясалган ёйини қўлига олди, олтин занжирини эғнига ташлади, бадавий отини эгарлатди, минди; Қирқ йигитни ёнига олиб, отасининг ортидан йўртиб кетди, номардларнинг изидан кетди, улар кўзга ташлангач, қирқ йигитни писпирмага қўйди, номардлар бир жойга қўниб, роса шароб ичардилар, Бўғоч хон от чоғириб келди. Ул қирқ номард Бўғоч хонни кўрдилар, бироқ танишмади ва: Келинг, ўша йигитни ҳам тутайлик, иккисини бир қилиб, ғайри - динлар элига элтайлик, ўлдирайлик дедилар.

Дирса хон буни эшитиб, айтур: Қирқ йўлдошим омон, ҳақнинг бирлигига йўқдир гумон. Манинг қўлимни ечинг, қўбизимни қўлимга беринг, ул йигитни ман чақирай, сўнгра, майли, ўлдириг, керак бўлсам ўлдирманг. Дирсахоннинг қўлини ечдилар, қўбизни бердилар. Дирсахон ўз ўғлини танитай, унга караб бир сўйламыш, эшитайлик Хоним, не дер экан. Дирсахон айтур: Бўйни узун бадавий от кетар бўлса, маникидир, Сенинг - да от мингнинг келса, гўзал йигит, айтгил, манга. Савашмадан, урушлардан олиб берай, айлан, буёққа, Туман қўйлар кетар бўлса, маники кетар. Қўй - қўзи керак бўлса, айтгил манга. Савашлардан, урушлардан олиб берай, айлан буёққа. Қайда агар қизил туя кетар бўлса, маникидир Сенинг - да юклашга юкинг бўлса, айтгил манга Савашлардан, урушлардан олиб берай, айлан буёққа. Олтин тўғли бон ўйлар кетар бўлса, маникидир Сенинг - да дам олнинг келса, айтгил манга. Савашлардан, урушлардан олиб берай, айлан буёққа. Оқ юзли, ола кўзли келинлар ҳам манга тобе Сенинг - да танлаганинг бўлса, йигит, айтгил манга. Савашмадан, урушлардан олиб берай, айлан буёққа. Оқ соқолли хўжалар ҳам манга қарар. Оқ соқолли отанг бўлса, йигит, дарров айтгил манга Савашлардан, урушлардан қутқарайин, айлан буёққа. Манинг учун келдингиз-а, гўзал йигит, Ман ўғлимни ўлдирмишам Йигит, манга гуноҳқорсан демоқ учун, айлан бу ёққа, деди. Унинг ўғли Бўғоч хон отасига караб сўйлабди, эшитайлик-чи, Хоним, нима дер экан. Айтур: Бўйни узун бадавий отлар кетар бўлса, саникидир. Манингда от минмоқ истагим бор. Қолдирмайман қирқ номардга. Қай томонда қизил туя юрса, саникидир. Манинг-да юклашга юкларим бордир. Қолдирмайман қирқ номардга. Туман қўйлар юрар бўлса, саникидир. Манинг - да шишлик егим келар Қолдирмасман қирқ номардга. Оқ юзли, ола кўзли келинлар санга тобедир Манинг - да ичида танлаганим бор Қолдиргим йўқ қирқ номардга. Олтин бошли ўйлар ҳам саникидир Манинг - да уйларда ўлтиргим бор Қолдирмасман қирқ номардга. Оқ соқолли хўжалар ҳам санга тобе Манинг - да ичимда бир ақли шонган, Хаёли қочган бир қари отам бордир Қолдирмасман қирқ номардга, деди. Кейин йигитларига имо қилиб, қўл силтади. Қирқ йигит бадавий отларини ўйнатиб, Бўғоч хон ёнида пайдо бўлдилар.

Ўғлон қирқ йигитга қўшилиб, отга минди. Жанг ва саваш бошлади. Кимнинг бўйинини кесди, кимни тутқун қилди. Отасини қутқарди. Орқасига қайтди. Дирса хон ўғлининг тириклигини энди билди. Ота билан ўғил бир - бирини кучишиб, йиғладилар, бир - бири билан суҳбатлашдилар, сўнгра ўбаларига қайтдилар. Хон қизи йўлга чиқиб Дирса хон билан ўғлини бирга кўрди. Ҳақ таолоға шукр этди, қурбонлик айтди, очларни тўйдирди, садақалар берди, ўғлини бағрига босиб, кўзларидан ўтди. Хонлар хони - Бойинтур ўғлонга беклик берди.

Қўрқут Ота бўй бўйлади, сўз сўйлади. Бу Ўғузномани тузди, қўшди, бундай деди: Улар бир дунёга келди - кетди; қарвон каби қўнди, қўчди. Уларни ажал олди, ер гизлади. Фоний дунё кимга қолди? Келимли - кетимли дунё, сўнғи учи ўлимли дунё. Қора ўлим келганида йўл беришсин: оқ имондан айирмасин. Айтганим келсин, Хоним, юксак тоғларинг йиқилмасин. Кўлкаси кенг гужумларинг кесилмасин. Тўлиб оққан шаффоф сувинг қуримасин. Қанотларинг учлари қирқилмасин. Чопар экан, оқ бўз отинг мункимасин. Торпанингда, пўлат қиличинг кертилмасин. Олишганда байроғинг таёғи синмасин. Оқ соқли онанг жойи беҳишт бўлсин. Оқ соқолли отанг жойи осмон бўлсин. Ҳақ ёндирган чироғинг ёнингда турсин. Қодир мухтор сани номардга

Иккинчи қисса: Салор Қозоннинг уйи талон – тарож бўлганлиги хусусида баён

Бир куни Улош ўғли, эрларнинг арслони, турли қушнинг эркаси, йўқсул мискин умиди, Амит Сулоннинг арслони, Қорачўғнинг қоплони, қўнғир отнинг эгаси, хон Ўрознинг оғаси, Бойинтур хоннинг куёви, ўғулларнинг давлати, ожиз йигитларнинг суянчи Салор хон Қозон ерида турар эди. Тўқсон бошли бон ўйларни қора ер ўзра тиктирган эди. Тўқсон жойга ола ғали, ипак тўшпатган эди. Саксон ерда қозонлар қўмилган эди. Олтин аёқлар, биллур шишалар тизилган эди. Тўққизта қора қўзли, хўп сувратли, сочи ортига урилган, қўқсида қизил тугмали, қўллари хинали, бармоқлари ниғорли, гўзал ғайридин қизлар улуг Ўғуз бекларига аёқ тутиб, шароб ичираддилар.

Ичиб - ичиб Улош ўғли Салор Қозоннинг боши айланди. Бахайбат тизини букиб, сўз бошлади: Гапим англаг беклар, сўзим тинглаг беклар; ёта - ёта ёнбошимиз оғриди, тура - тура белимиз қуриди. Юринлар, эй, беклар, ов овлаймиз, қуш қушлаймиз, кийик отамиз, кейин ўтовимизга қайтиб еймиз, ичамиз, майшат қиламиз. Қиён Салжук ўғли Дали Дундор айтди: Балли, хон Қозон, тўғри айтдинг. Қора Қўна ўғли Қора Будог айтди: Оғам Қозон, тўғри айтдинг. Улар шундай дегач, отоғизли Ўроз Хўжа чўккалаб ўтириб: Оғам Қозон, тўғри айтдинг, аммо бўлак динли элнинг нақ оғзида ўтирибмиз, ўрданга ким қолади, деди.

Қозон айтур: Уч юз йигити билан ўғлим Ўроз менинг уйимни қуриқласин. Сўнгра қўнғир отини минди, ёнида улуг Ўғуз беклари ҳам отга миндилар. Манглайи қашқа отига Дундор минди. Қўк бадавий отини эгарлатиб, Қозон бекнинг қариндоши Қора Қўна минди. Оқ бедовини эгарлатиб, Бойинтур хоннинг ёғийсини ентган Шер Шамсиддин минди. Борасорин Бойбурт хисориндан порлаб учган бўз отига минди. Қўнғир отли Қозонга ўзини бағишлаган бек Яганак тўриқ айғир минди. Санай берсам адо бўлмас, улуг Ўғуз беклари минди.

Ола тоққа ола лашкар ила Қозон овга чиқди. Улар изидан ғаюрларнинг жосуси борди, душманлар бошлиғи Шўқли Маликка хабар етказди.

Кафтанининг орти очик қора сочи ўртадан очик ғайри динли, олача отли етти минг қорача аскар отга минди. Тун ярмида Қозон бекнинг ўрдасига келди. Олтин бон ўйларини ғайридинлар чопишди, қор мисоли оппоқ қиз ва келинларини фарёд чеқдирдилар. Қатор - қатор шахбоз отларга минишди. Қатор - қатор қизил туяларни тутишди, оғир хазинасини, қўлаб ақчасини талон - тарож этди. Қирқ инжабелли қизлари-ла узун бўйли Бурла Хотун асир кетди. Қозон бекнинг қариган онаси қора туя бўйнига осилиб кетди. Хон Қозоннинг ўғли Ўроз бек қирқ йигити билан қўли боғлиқ бўйни боғлиқ асир кетди. Эйлик Хўжа ўғли Сарик Қулмош Қозон бекнинг уйи учун шахид бўлди. Қозоннинг бу ишларидан хабари йўқ. Ғайридин такбир айтур: Беклар, Қозон учун ажаб иш бўлди; моли - мулкини, уйини, ўғлини, ўрма сочли қари онасини биз қўлга киритдик; қатор - қатор шахбоз отларини миндик олтин ақчасини таладик, қирқ йигити билан ўғли Ўрозни туқун этдик, саф - саф туяларини олдик қирқта инжабелли қизга қўшиб Қозоннинг ҳалолани олдик, Қозонга биз шундай жабр ўтказдик.

Бир ғаюр айтур: Қозон бекка яна бир зулм этайлик Шўқли Малик сўрар, яна нима қолди, деб. Ёғий айтур: Қозоннинг Қопилар Дарбанди олдида ўн минг қўйи бор, шу қўйларни ҳам ола кетсак Қозонга қатта зарба бўлар эди. Шўқли Малик айтур: Олти юз киши борсин, шу қўйларни ҳайдаб олиб келсин. Олти юз отлик дарров йўлга отланди, қўйлар турган жойга борди. Кеча ётиб, Қарочиқ чўпон бир қайғули туш кўрди, уйқусидан уйғонди, сапчиб турди. Қиён Кучу, Дамир Кучу деган икки қариндошини ёнига олди, оғилнинг эшигини бекитди, уч ерга тепадай тош уйди, қўлига палаҳмонини олди. Ногаҳондан Қорачиқ чўпон қаршисида юз отлик ғайридин пайдо бўлди. Бири айтур: Қоронғи оқшом тушганда қайғули чўпон Қор ила ёмғур ёққанда чакмонли чўпон Сути ва чўрағи қаймоқли чўпон.

Тунда бориб, биз Қозон бекнинг олтин бон ўйларини йикдик қатор - қатор шахбоз отларини миндик саф - саф қизил туяларини бўлиб олдик, қари онасини қўлга туширдик оғир хазина, бор ақчаларини биз талон - тарож қилдик, қорга менгзар қизу келинларини биз асир этдик, қирқ йигити билан Қозоннинг жигарбанди бўлмиш Ўроз бекни туқун этдик; қирқта инжабелли қизлар бирла Қозоннинг ҳалоли бўлмиш Бурла Хотунни тутиб олдик. Хей, чўпон, йироғингдан - яқинингдан бери келгил, бош эгиб, бағир босгил, бизга салом бергил, сани ўлдирмасмиз, Шўқли Маликка сани олиб борамиз, санга беклик олиб берамиз, дедилар. Чўпон айтур: Йироғингдан яқинингдан бери келгил, йигитларинг кучин кўргил. Душманлар буни эшитган замон, қўтилмаганда от қўйдилар, ўк уздилар.

Мардлар марди Қарочиқ чўпон палаҳмонига тош солди, отди. Бир отди, ғайридиннинг иккисини йикди, икки отди, учтаси, тўрттаси йикилди. Ғаюрларнинг қўқсига кўрқув тушди. Қарочиқ чўпон ғайридиннинг

уч юзтасини палаҳмон тоши ила ҳалок этди. Икки қариндошига ўқ тегиб, шаҳид бўлдилар. Қарочик чўпоннинг тоши тугади. Қўй демай, эчки демай, палаҳмонига солиб отди ва ҳар отганда ёғийларнинг тўрт - бешини қулатди. Ғайридиннинг кўзи кўрқди, олам кўзига қоронғи бўлди. Айтдилар: Ёримасин, ёлчимасин бу чўпон, бизнинг ҳаммамизни қириб ташлайди-ку, дея, изига қарамай қочдилар.

Қарочик чўпон шаҳид қариндошларининг ўчини олди. Ғайридинлар лошидан бир катта тепа қилди, унинг ўзи ҳам яраланган эди, буркасининг бир парчасини олиб, чакмоқ чақиб куйдирди. Қурумани ярасига босди. Йўлнинг канорида йиғлади, сиктади. Айтур: Салор Қозон, бек Қозон, ўликмисан, тирикмисан, бу ишлардан хабаринг борми, дебди. Аслида, Хоним, бу тарафда у кеча улут Ўғузнинг давлати, Бойинтур хоннинг куёви Улош ўғли Салор Қозон бек ухлаб ётиб бир ёмон қайғули туш кўрди, кўрқиб, ўрнидан турди. Айтур: Беклар, қора - кура туш кўрдим, билтурмисан Қора Кўна, тушимда нени кўрдим? Қора қайғули воқеа кўрдим. Қўлимда менинг шокон қушим талпинар кўрдим; кўкдаги оқ йилдирим менинг бон уйим узра чиққанини кўрдим, тим қора булут уйимнинг устига қўнганини ва ёмғир ёққанини кўрдим, қутурган бўрилар уйимни талаганини кўрдим, қора туя ансамдан тишлаганини кўрдим, менинг қалин қора сочим узайганини кўрдим, узайиб кўзимни ёпганини кўрдим, қўлимдаги ўн бормоғимни қонда кўрдим, кейин ухламадим, шундан бери ақлим ўзимда эмас. Хоним, бу тушимни таъбирлаб бергил, деди. Қора Кўна айтур: Қардош, қора булут деганинг санинг давлатингдир; қор ила ёмғир деганинг санинг лашқарингдир; соч - қайғудир; қон - тақдирдир, қолганини йўрай билмасман, эгамнинг ўзи йўрасин.

Шундай дегач, Қозон айтур: Манинг уйимни бузма қардош, доғийма қардош, ман бутун отга минарман, уч кунлик йўлни бир кунда кечарман, юртимга етиб борурман. Агар уйим тинч бўлса ман яна қайтиб келурман. Ўрдам тинч бўлсин десанглар, сиз ҳам ўз чорангизни кўринг, ман кетдим деди, қўнғир отини қамчилади. Қозон бек йўлга тушди. Юра – юра юртига етиб келди, кўрдиким, юртида қушлардан фақат қўзғун қолмиш, санқиб юрган тозилар қолмиш.

Қозон бек юридан ҳол сураб, сўйламиш, эшитайлик-чи, Хоним, нима дер экан. Қозон айтур: Қавм қабилам менинг, азиз юртим Қулон ила кийикларга қўшни юртим Олача отли ғажорлардан четда юртим Санга ёғий қайдан келди гўзал юртим. Оқ чодирим тикилганди, ўрни қолмиш, Қари онам ўтирган уй ўрни қолмиш. Ўғлим Ўроз ўқларидан нишон қолмиш Қора қозон қурилган-у, ўчоқ қолмиш. Бу ҳолни кўрган Қозон бекнинг қора кўзларидан қонли ёш оқди, томирларида қон қайнади, қора бағри эзилди, ғаш юраги ўйнади, қўнғир отини никтади, ғажор кетган йўлга чиқди. Қозон бекнинг олдидан сув чиқди. Қозон бек айтур: Сув Ҳақ дийдорини кўрар, ман бу сувга ўз аҳволимни сўзлаб берай, деди. Эшитайлик Хоним, нима дер экан. Қозон бек айтур: Шилдир - шилдир қоялардан оққан сув Улкан ёғоч кемаларни ўйнаган сув Ҳасан ила Хусаннинг хазрати сув Боғлар билан бўстонларнинг зийнати сув Шаҳбоз отлар ташналигин қондирган сув Оқ қўйларнинг теварагин ўраган сув Ўрдамнинг хабарин билармисан, айт манга Қора бошим қурбон бўлсин сувим санга, деди. Ва сувдан жавоб қутмай, йўлида давом этди. Шу пайт йўлда бир бўрига дуч келди. Бўрининг юзи муборақдир, у билан бир дардлашай, деди. Эшитайлик-чи, Хоним, нима дард экан. Қозон айтур:

Қоронғи оқшом тушганда қуни тукқан Қор ила ёмғур ёққанда эр қаби турган Қорабайир отни кўрса кишнайтирган Қизил туяларни кўрса, бўкиртирган Қўйни кўрса, думини қамчидай урган Эркагин, семизин олиб қочган Умрови-ла берк оғилининг ортин тешган Семиз қўйни тутиб олиб, Қўйруғин ўзиб олиб, «чап-чап» ютган Овози кўппакларга кўрқув солган Ўт ёқтириб чўпонларни зир югурган Жунлари юлинган ҳей, қуланг бўри Ўрдамнинг хабарин биласанми, айтгил манга Қора бошим қурбон бўлсин бўрим, санга, деди. Ва бўрининг ҳам жавобини кутиб ўтирмай, йўлида давом этди. Йўлда Қарочик чўпоннинг қора кўппаги дуч келди. Қозон бек уни ҳам суроқлаб, бошлади. Айтур: Қоронғи оқшом тушганда «вов-вов» хурган Аччиқ айрон тўкилганда «чак-чак» ичган Кеча ўғри келганда ғавғо эгган Тунги орсизларга кўрқувлар солган Ўрдам хабарин билармисан, айтгил манга Қора бошим сот бўлса, яхшилиқ этарман санга, деди.

Кўппак Қозон бекнинг оти оёғига суйкалар, «гинг-гинг» гингшир. Қозон кўппакдан аччикланиб, уни бир хивич билан урди. Кўппак гингшиганча орта ташланди ва қаёққадир кета бошлади. Қозон кўппакнинг ортига тушди, уни қулаб Қарочик чўпоннинг ёнига келди. Қозон Қарочик чўпонни кўриб, ҳол - аҳвол сўради. Эшитайлик-чи, Хоним, нима дер экан. Қозон айтур:

Қоронғи оқшом тушганда қайғули чўпон Қор ила ёмғур ёққанда чакмоқли чўпон Овозим англа, сўзим тингла Олача отли қорача ғажор ўрдамни талабди. Бундан ўтдимми у, кўрмадингми? Оқ бон уйим шундан кечмиш Кўрмадингми, айтгил манга Қора бошим қурбон бўлсин чўпон санга, деди.

Чўпон айтур: Хой, ақли шошган, давлати қочган, қора қайғулар бошига тушган, ўликмидинг, тирикмидинг, о, Қозон, қаердайдинг? Кайси томонларга кетдинг? Қаерларда юрибсан, Қозон? Олача отли, қорача ғайридин оқ бон уйинг талаб кетмиш; узун бўйли Бурла Хотунни асир этмиш; жигарранг, умринг ҳосили Ўроз ўғлининг тутқун қилмиш; бундан бир кун олдин оқ бон уйинг шу ердан ўтди; қари онанг қора туя бўйнида осилиб кетди, қирқ инжабелли қиз ила ҳалолнинг бўлмиш бўйни узун Бурла Хотун ғаюрнинг кўзи олдида йиғлай - йиғлай шундан ўтди; қирқ йигити билан бекзодалар ичинда кўркли, кўзинг олдини ўғлинг Ўроз бўйни боғлиқ боши очик оёқланг ғайридинларнинг қўлида асир кетди. Қатор - қатор шахбоз отларинг ғайридин минмиш; саф - саф қизил туяларинг ғайридин чиқмиш, олтин ақча ва хазинанг ғайридин олмиш, кўрдим, деди.

Чўпон шундай дега, Қозон оқ урди. Ақли бошидан учди. Дунё кўзига қоронғи бўлди. Айтур: Оғзинг қурсин чўпон, тилинг чирисин чўпон, тангри санинг пешонанга лаънат ёзмиш, чўпон. Қозон шундай дега, чўпон айтур: На азоблайсан мани, оғам Қозон, ёки кўкрагингга йўқмидир имон! Олти юз ёғий устимга бостириб келди. Икки қариндошим шаҳид бўлди. Уч юз ғайридинни ўлдирдим, маҳв этдим. Санинг оғилингдан бирор қўйни уларга бермадим. Уч еримдан яраландим. Қора бошим айланди, ёлғиз қолдим йўлингда, гуноҳим шумидир, деди. Чўпон айтур: Қўнғир отинг, оғам Қозон, бергил манга, Олтиш тутам туғлигинг ғайридин бергил манга. Ол - олача қалқонинг ғайридин бергил манга. Қора пўлат шамширинг ғайридин бергил манга. Садокдаги саксон ўқинг ғайридин бергил манга. Ипи оқ ипақдан камонинг ғайридин бергил манга. Ёғийга ман бораин. Янгидан туққанин ман ўлдирайин. Енгим билан қизил қоним ман қуритайин. Ўлар бўлсанг, ўрнингга ман ўлайин. Олтиш таоло асраса. Бораин, ғаюрдан уйинг олайин, деди. Чўпон шундай дега, Қозоннинг қаҳри келди, олди қараб кетаверди. Чўпон яна Қозоннинг изидан етди. Қозон қайрилиб қаради, деди: Ўғил чўпон, қайга юрурсан?

Чўпон айтур: Оғам Қозон, сен уйинг ғайридин қутқармоққа, мен қариндошларим ўчини олмоққа борурман, деди. Шундай дега, Қозон айтур: Ўғил чўпон, қорним очдир, бирор нарсанг борми емакка, деди. Чўпон айтур: Балли, оғам Қозон, кеча бир кўзини қовурган эдим, марҳамат қил, мана шу дарахт тагида ўшани ейлик деди. Ўтирдилар, чўпон чарм тўрвасидан гўшт чиқарди, Қозон чўпон билан уни еди... Қозон фикр айлади: Агар чўпон билан ғайридиннинг устига борсам улуг Ўғуз беклари мени шарманда қилар, чўпон билан бормаса уларни ололмасди, деб маломат қўяди, деб ўйлади. Қозоннинг ғайрати қузили. Чўпонни бир баҳайбат оғочга қаттиқ боғлади ва йўлга отланди. Чўпон айтур: Оғам Қозон мани нега боғлаяпсан, деди. Қозон айтур: Уйимни қутқарайин, сўнгра сени қўйвораман, деди. Кейин бақирди: Хой, чўпон, қорнинг очиб, силланг қуримасдан аввал, кўз олдинг қоронғиласмасдан туриб, бу оғочни кўпоришга ўрин, йўқса, сани бўрилар, қушлар ёб кетади, деди ва кета бошлади. Қароқчи чўпон бир юлқинди, баҳайбат дарахт ер билан бирга сўғурилиб чиқди, уни орқалаганча, Қозон бекнинг изидан тушди.

Қозон бек ўтирилиб кўрдик, чўпон оғочни орқалаб келур. Қозон айтур: Хей, чўпон, бу оғоч на оғочдир? Чўпон айтур: Оғам Қозон, бу оғоч шундай оғочдирким, сан ғайридинни босганингда қорнинг очикар, ман санга бу оғочни ёқиб овқат пиширурман, деди. Қозонга бу гап хуш келди. Отидан тушди, чўпоннинг қўлларини ечди, манглайдан ўтди. Айтур: Парвардигор манинг уйимни қутқармак учун сани манга тайинлабди, деди. Ва икков бирга йўлга тушдилар.

Шўқли Малик эса шан - шодумон майшат қилиб ўтирарди. Айтур: Беклар, Қозонни яна қандай ҳақорат қилиш мумкин, биласизларми? Қозоннинг хотини бўйи узун Бурла Хотунни опкелиб, бизга шароб узаттириш керак деди. Шу орада Бурла Хотун қирқ қиз ва ўғли Ўроз билан бир жойда ҳибса эди. Бўйи узун Бурла Хотун ғайридиннинг бу сўзларини эшитди. Юрак - бағрига ўтлар тушди. Қирқ кокилли, интичка белли қизларининг орасига кириб, ўғит берди. Айтур: Қайсингизга ёпишиб, Қозон хоннинг хотини санмисан, десалар, қирқ жойдан овоз бериб, «ман», деб жавоб беринлар. Шўқли Маликдан одам келди. Қозон бекнинг хотини қайсингиз, деб сўради. Қирқ бир жойдан «ман», деган овоз келди, билмадилар. Хукмдорга хабар бердилар. Бирига ёпишдик қирқ бир жойдан овоз келди, қайсиниси — билмадик дедилар.

Малъун ғайридин айтур: Боринлар, Қозоннинг ўғли Ўрозни олинг, чангакка илинг, этини қийма - қийма қилиб қовуринг ва қирқта бек қизларига улашинг, ким эса унинг онаси эмас, кимки емаса, Бурла Хотун ўшадур - уни олиб келинг, бизга шароб қўйсин.

Бўйи узун Бурла Хотун буни эшитди, ўғлининг ёнига келди. Нола қилиб, ўғлига сўйлар, эштайлик-чи, Хоним, на дер у: Ўғил, ўғил, ой ўғил, Бегим ўғил, кўзим ўғил. Билармисан нелар бўлди! Сўйлашдилар пичир-пичир. Ғаюрнинг ниятин тўйдим. Кечаси олтин бон уйимнинг қабзаси ўғил. Корга менгзар келинимнинг чечаги ўғил. Ўғил, ўғил, ой ўғил, Тўққиз ой тор қорнимда кўтарганим ўғил. Ўн ой деганда дунёга келтирганим ўғил. Дўламаси олтин бешикка белаганим ўғил. Билармисан нималар бўлмоқда ўғил. Ёғийлар энди терс боқмишлар

бизга. Қозон ўғли Ўрозни ҳибсдан чиқариб, бўғздан осинг, икки курагидан чангакка илдириг, оқ этини қийма - қийма қилиб, қора қовурдоқ пиширинг, қирқ бир бек қизларига улашинг, ким еса тегманг, кимки емаса, ўша Қозоннинг хотинидир. Уни опкелинг, тўшагимизга ўтирсин, бизга шароб узатсин, дейишди. Не дерсан, ўғил, санинг этингдан еяйинми, йўқса бошқа динлининг тўшагига қирайинми? Оғам Қозон бекни номусини синдирайинми, на қилайин ўғил-эй, деди.

Ўроз айтур: Оғзинг курсин она, тилинг чирисин, она! Она ҳаққи, парвардигор ҳаққи бўлмасайди, қалқибон ўрнимдан турар эдим, ёкангдан тутар эдим, оғир ўкчам остига ташларди сани, оқ юзингни қора ерга белардим, оғзинг ила бўрнингдан қон оқизардим, жон ширинлигини кўрсатардим. Бу на гапдир? Эҳтиёт бўл, она, манинг ҳузуримга ортиқ келмагайсан. Мен учун йиғламагайсан. Майли, она, мани чангакка илдирсинлар, майли, этимдан узсинлар, қора қовурдоқ пиширсинлар. Қирқ бек қизларига улашсинлар. Улар бир бўлак еганда, сан икки бўлак егил, токи сани ўзга динли душманлар билмасинлар, сезмасинлар. Токи ўзга динлининг тўшагига бормагайсан, шаробин сузмагайсан; отам Қозон номусин ерга урмагайсан, эҳтиёт бўл, деди ва йиғлади.

Ўғлон шундай дегач, кўзининг милдир - милдир ёшлари равон бўлди. Бўйи узун, бели инжа Бурла Хотун ўғлини кучди. Кейин куз олмаси каби ўзининг ол ёноғини тимдалади. қоп - қора сочларини юлди, ўғил дебон йиғлади, фарёд чекди. Ўроз айтур: Она! Қаршимга келиб на йиғлаурсан Нега бўзлаурсан, кўз ёш тўқарсан, Бағрим, юрагимни на доғлаурсан Бошга тушган кунни на эслатурсан.

Хей, она Араби отлар бўлган жойда Бир қулуни бўлмасми, бўлур! Қизил туялар бўлган жойда Бўғалоғи бўлмасми, бўлур! Оппоқ қўйлар бўлган ерда Бир қўзиси бўлмасми, бўлур! Сан соғ бўл, она Отам соғ бўлсин Бир манинг каби ўғлингиз бўлмасми, бўлур! деди. Шундай дегач, онасининг қарори қолмай, йиғлай-йиғлай ўз жойига кетди. Қирқ инжабелли қизларнинг даврасига кирди. Ғайридинлар Ўрозни тутиб, қатта ёғоч остига олиб келдилар.

Хон Ўроз айтур: Ҳой ғайридинлар, омон беринг, омон Буюк ҳақнинг бирлигига йўқдир гумон. Қўйинг мани, шу қатта ёғоч билан бир сўйлашайин, деди. Ўроз хон хайқариб ёғочга сўйламиш, эшитайлик-чи, Хоним, нима дер экан. Айтур: Ҳасан билан Хусаннинг бешиги оғоч

Эркакми, аёлми қўрқуви оғоч. Бошингни кесиб қарар бўлсам, бошсиз оғоч Тагингдан қирқар бўлсам, тагсиз оғоч Мани санга осарлар, кўтармагил, оғоч Гар кўтарсанг, йигитлигим тутсин сани, оғоч Бизнинг элда керак эдинг оғоч — Қора хинди қулларимга буюрардим, Сани парча-парча чопардилар оғоч. деди. Кейин айтур: Қатор-қатор боғланган отларга эвоҳ Қардош дея йиғлаган йўлдошимга эвоҳ Юмуғимда талпинган шахин қушимга эвоҳ Етиб, энди тутанда тозига эвоҳ Бекликка тўймадим, ўзимга эвоҳ Йигитликка етмадим, жонимга эвоҳ, дея даргоҳи ҳаққа юзини буриб, юм-юм йиғлади, жигарин доғлади. Шу маҳалда Султоннинг отаси Салор Қозон билан Қарочи чўпон келиб қолдилар. Чўпон палаҳмонининг тошдони уч яшар бўзқоқ терисидан тикилган эди, арқони эса учта эчки жунидан ўрилган эди. Ҳар отанда ўн икки ботмон тош отарди. Отан тоши ерга тушмас, агар тушса парча-парча бўларди, ўчоқдай ўпириларди. Тушган жойида уч йилгача ўт кўқармасди. Семиз қўй, ориқ тўқли қирда қолиб кетса, бўри тегмасди — палаҳмондан қўрқарди.

Шундай қилиб, Сулпоним, Қарочиқ чўпон ғайридиннинг ўрдасини кўриб, ихтиёри қолмади, палаҳмонни ишга солди. Дунё ғайридиннинг кўзига қоронғи бўлди. Қозон айтур: Ҳой, Қарочиқ чўпон, сабр эт, онамни ғаюрдан сўраб олай, от оёғи остида қолмасин, деди.

Отнинг оёғи, бахшининг тили машхур, дерлар. Қозон ғайридинни чакириб, онасини кўрмоқ истаб, бир сўз айтмиш, эшитайлик-чи, Хоним, нима дер экан. Айтур: Хей Шўқли Малик кечаси бориб олтин бон уйимни олиб кетдинг, майли, санга бошпана бўлсин; оғир хазинам, кўплаб ақчаларимни олдинг, майли, санга харжлик бўлсин; қирқта инжабелли қиз билан Бурла Хотунни олдинг, майли, санга асир бўлсин; қирқ йигити билан ўғлим Ўрозни тутқун этдинг, майли, қулинг бўлсин; қатор-қатор шахбоз отларимни ҳайдаб кетдинг, майли, саники бўлсин; саф-саф туяларимни олдинг, майли, санга буюрсин; қари онамни тутқун этдинг, хай, ғаюр, оқ сут берган ўрма сочли қари онамни бергил манга, савашиб уришиб ўтирмай, ортга қайтайин, кетайин, деди.

Малик айтур: Ҳой Қозон, тунда бориб олтин бон уйингни бунга опкелдик, уй бизники; қирқ инжабелли қиз - ила бўйи узун Бурла Хотунни опкелдик, улар бизники; қирқ йигита қўшиб Ўрозни келпирдик, у ҳам бизники; қатор - қатор шахбоз отларинг, саф - саф туяларинг ҳайдаб келдик, улар бизники; қари онангни келпирдик, у ҳам бизники, санга бермасмиз, уни Яйхон Кашиш ўғлига берармиз. Онанг Яйхондан ўғил туғар, биз Яйхонни сенга қариндош қиламиз. Шундай дегач, Қарочиқ чўпоннинг аччиги тутди, дудоклари типради.

Ўғузнинг дўлини олмоқдан ҳузур қилсанг, қора кўзли қизингни келпир, Қозон бекка бер, хой аблаҳ,

санинг қизингга ўғил туғдирсин, шу билан Қозон бекка қариндош бўласан, деди. Шу пайт Қозон бекнинг аҳволини эшитган Ўғуз беклари келиб қолишди, Хоним кўрайлик-чи, кимлар келган экан. Қора Дара оғзинда қодир эгам берган, қора туя териси ёпуглик бешиқда улгайган, аччиғи келса қора тошни кул айлайдиган, мўйловини етти жойдан тугиб олган эрлар эри, Қозон бекнинг қариндоши Қора Кўна етиб келди. Чал қиличингни, қардош Қозон, келдим, деди. Унинг орқасидан кимлар келган экан, Хоним кўрайликчи. Дарбанднинг темир эшигини тепиб очган, олтимиш тутам туғи учиди душманни бўкиртган, Қозон каби паҳлавонни уч марта отдан йиққан Қиён Салжук ўғли Дали Дундор етиб келди. Чал қиличинг, оғам Қозон, келдим деди.

Ундан кейин ким келган экан, Хоним, кўрайлик-чи. Ҳамид Мардин қалъасини тепиб йиққан, темир ёйли Қитчоқ Маликни қон қусдирган, Қозоннинг қизига уйланган, Ўғзунинг оқ соқолли хўжалари таҳсинига сазовор бўлган, кийган алвон чалвори ипак, минган отининг ёллари ипак, Қора Кўна ўғли Қора Будок етиб келди. Чал қиличингни, оғам Қозон, келдим деди. Ундан кейин ким келибди, кўрайлик-чи, Хоним:

Бойинтур хоннинг ёғийсин енган, олтимиш минг ғаюрни қон қусдирган, оқ бўз отин ёлларини ҳилпиратиб, Рафлат Хўжа ўғли Шер Шамсиддин келди. Чал қиличингни, оғам Қозон, мен етиб келдим, деди. Унга қорама - қора яна ким келди, Хоним, кўрайлик-чи: Фарасаннинг Бойбурд қалъасидан париллаб учган, олача чодирларга қарши чиққан, етти қизнинг умиди, Ўғуз бекларининг ардоғи, Қозон бекнинг иноғи, бўз айғирлик Байрак келди. Чал қиличинг, оғам Қозон, ман келдим, деди. Унинг изидан яна кимлар келди, Хоним, кўрайлик-чи: Чойга бокса чалимли, чолқора қушдай олимли, қумуш камар боғлаган, олтин исирға таққан, Ўғуз бекларини бир-бир отидан йиққан Қозилик Хўжа ўғли бек Яганак етиб келди. Чал қиличингни, оғам Қозон, ман келдим, деди.

Унинг изидан, кўрайлик Хоним, ким келган экан: Олтимишта серка терисидан пўстин тикса тўпинига етмаган, олти серка терисидан кулоҳ кийса, кулоғига етмаган, қўли, бўйни ингичка, бўйи узун ва инжа Қозон бекнинг дойиси, отоғизли Ўроз Хўжа етиб келди. Чал қиличингни бегим Қозон, ман келдим, деди. Унинг изида яна ким келди, кўрайлик-чи: Бориб пайғамбарнинг сиймосин кўрган, келиб Ўғузда саҳобаси бўлган, аччиғи тутганда мўйловидан қон томган Бугдуз Омон етиб келди. Чал қиличинг бегим Қозон ман келдим, деди. Унинг изида яна ким келди, кўрайлик-чи: Бединларни ит думига боғлаган, элдан чиқиб Ойғир кўзлар сувида от суздирган, эллик етти қалъанинг қалитини олган, Оқ Малик қизини никоҳлаб қўйган, Софу Сондол Маликни қон қусдирган, қирқ жубба кийиб, ўттиз етти қалъа бегининг маҳбуб қизларини олиб, бир-бир бағрига босган, юзи, дудокларидан ўпган Айлак Хўжа ўғли Алп Эран етиб келди. Чал қиличингни оғам Қозон, ман келдим, деди. Санайверсанг, Ўғуз беклари адо бўлмас, ҳаммаси етиб келишди. Такбир айтиб, бетакаллуф душман устига от қўйдилар, қилич солдилар. Гумбур-гумбур ноғоралар чалиниб, олтин ҳалқали тунж қарнайлар чалинди. Ул кун жасорати бўлган эр йигитлар майдонга чиқди. Ул кун кўроклар тинч ер кўзлади. Ул кун бир қиёмаг саваш бўлди, майдон тўла бош бўлди. Бошлар юмалади тўп каби; шахбоз - шахбоз отлар югурди, такаси тушиб так - так юрди; ола-бўла байроқлар йиқилди; қора пўлатдан бўлган ўтқир қиличлар сермалди, ўтмаслашди. Уч қиррали ўқлар опилди, учлари синди, санжоқлар кўтарилди, лашкарбошилар савашдилар; қиёматнинг бир куни бўлса, ўша кун бўлди; бек навқаридан, навқар бегидан айрилди.

Ўша жангда Таш Ўғуз беклари билан Дали Дундор ўнгдан зарб айлади. Чилосун бек йигитлари билан Қора Кўна ўғли Дали Будок чапдан урди. Ич Ўғуз беклари билан Қозон ўртадан хужум қилди. Шўқли Маликка дуч келди, уни бўкиртириб отдан йиқди. Унинг ғофил бошини шартта кесди. Қақшатиб қизил қонини ерга тўқди. Ўнг тарафда Қора Такбур Маликка Қиён Салжук ўғли Дали Дундор қарши келди, уни қиличлади, ерга йиқди. Сўл тарафда Бугажик Маликка қарши Қора Кўна ўғли Дали Будок пайдо бўлди, олти қиррали гурзи билан бошига урди, чалди, жонини жаҳаннамга солди; бединнинг кўзига дунё қоронғи бўлди, от бўйинини кучоклаб, ерга йиқилди. Қозон бекнинг қардоши ғайриларнинг туғи билан санжоғини қиличлади, ерга отди. Дараларда, тепаларда ғайридинга қирғин келди, лошига кўзгун қўнди. Ўн икки минг безътикод қиличдан ўтди, беш юз ўғуз йигитлари шахид бўлди. Буюк Ўғуз беклари ўчини олдилар. Қозон бек ўзининг ўрдасини, ўғлини, онасини, хотинини қутқариб, ҳасратлари қовушди, бойлигини, хазинасини олди, изига қайтди. Қозон бек олтин тахтига яна ўпирди, қайта уйини тиклади, Қарочич қўпонни бош отбоқар қилиб тайинлади. Етти кун, етти кеч ейишма - ичишма бўлди. Қозон бек қирқ бош қул ва қирқ хотинни ўғли Ўрозга садақа сифатида озод қилди. Паҳлавон гўч йигитларга ер-сув берди, шалвор, жубба, чакмон берди.

Учинчи қисса: Ком Бўра бек ўғли Бомси Байрак достони

Бўз отли Ком Ган ўғли хон Бойинтур ерида яшар эди. Қора ернинг устида оқбон уйини тиккан эди, ола

соябони кўк юзини қоплаган эди, ипак гиламлари минг жойга тушалган эди. Ич Ўғуз, Таш Ўғуз Бойинтур хоннинг суҳбатига чақирилган эди. Бой Бўрабек ҳам Бойинтур хоннига келган эди. Бойинтур хоннинг ёнида Қора Кўна ўғли Қора Будок камонига суяниб турар эди. Хоннинг сўл ёнида Қозилик Хўжа ўғли бек Яганак турарди.

Бой Бўра бек уларни кўриб оҳ тортди. Бошидан ақли учди. Дастрўмолини қўлига олди, юзини бекитди, хўнгир - хўнгир йиғлади. Буни кўриб, буюк Ўғуз суянчиги, Бойинтур хоннинг куёви Салор Қозон тиз букиб, ерга чўкди, киё туриб Бой Бўра бекнинг юзига боқди. Айтур: Бой Бўра бек нега йиғлаб бўзларсан?

Бой Бўра бек: Хон Қозон, нечун йиғламайин, нечун бўзламайин, ўғилдан меросхўрим йўқ, қардошдан таянчим йўқ. Оллоҳ таоло мани қарғабдур. Беклар, ман тожим - тахтим учун йиғлайман. Бир кун ўлиб қолсам, еримда, юртимда бирор кимсам қолмаяжак деди. Қозон айтур: Сабаб шуми? Бой Бўра бек айтур: Бали, сабаб шудир. Менинг ҳам ўғлим бўлса, хон Бойинтурнинг қошида юрса, унга қултуқ айласа, ман унга боқиб қувонсам, шодлансам. Шундай дегач, буюк Ўғуз беклари юзларини кўкка тутиб, қўл кўтардилар. У замонда бекларнинг олқиши - олқиш, қарғиши - қарғиш эди. Дуолари мустажоб бўларди. Бой Бижон бек ўрнидан туриб, бир сўз айтди: Беклар, менинг ҳам ҳаққимга бир дуо айлангким, бир қиз кўрайин, деди. Буюк Ўғуз беклари қўл кўтариб, дуо айладилар. Қодир эгам санга бир қиз берсин, дедилар. Бижон бек айтур: Беклар, қиз кўрар бўлсам, сизлар гувоҳ, менинг қизим Бой Бўра бек ўғлига бешикданок ёвуқли бўлсин, деди. Бир неча замонлар ўтди. Бой Бўра бекнинг хотини хомила бўлди, муддат тўлиб, эгам унга бир ўғил берди. Бой Бижон бекка бир қиз берди. Буюк Ўғуз беклари буни эшитдилар, шод бўлиб, севиндилар. Бой Бўра бек базиргонларини ёнига тўплаб, бўйруқ айлади: Ҳой, мулозимлар, менинг орзуим ижобат бўлди. Боринг, Рум элига, менинг ўғлим учун яхши армуғонлар келтиринг, совғалар келтиринг, токи ўғлимга лойиқ бўлсин, деди.

Базиргонлар, ё хоним, дея йўл яроғини тайёрлаб, сафарга чиқишди. Кеча - кундуз йўртиб Истамбулга келдилар. Ажойиб ва тансиқ нарсалардан олдилар. Бой Бўра ўғли учун насли денгиз опидан бўлмиш бўз айғир олишди, қайин пўстлоғи билан қопланган қатта ёй олдилар, олти қиррали гурзи олдилар ва яна бир яхши қилич олиб, изига қайтдилар. Улар қайтгунча йиллар, ойлар ўтди. Бой Бўра бекнинг ўғли беш ёшдан ўтиб, ўн ёшга тўлди. Ўн ёшдан ўн беш ёшга кирди. Беклар ичинда чойга боқса чалимли, чолқора қушдай олимли бир гўзал, қиличдай йиғит бўлди. Бой Бўра бекнинг ўғли отланди, овга чиқди. Ов овлар экан, отасининг суруви юрган жойга келиб қолди. Уни амири - охур бошлиғи қаршилаб, отдан туширди, меҳмон қилди, еб - ичиб ўтирдилар.

Айни шу замонда Бой Бўра бекнинг базиргонлари сафардан қайтаётиб, Қора Дарбанд ғори оғзида нафас ростлаш учун кўнган эдилар. Ёримасин, ёлчимасин, Ёвнук қалъасининг ғайридинлари уларни пайқаб қолишди. Базиргонлар ёганида беш юз ғайридини тўсатдан бостириб келдилар, чоғдилар, таладилар. Мулозимларнинг қатгаси қўлга тушди, кичиги қочароқ Ўғузга келди. Зеро, Ўғуз яқин ерда эди. Қараса, Ўғуз ерининг чегарасида бир ола соябон тикилган, ичида бир мирза йиғит ўпирар ва унинг ўнгу сўлида яна қирқта йиғит бор. Базиргон Ўғузнинг бир яхши йиғити шекилли, борай, мадад тилай деб, бош эгиб, салом берди. Базиргон айтур: Йиғит, йиғит, бек йиғит, сан менинг ҳолим англа, сўзим тингла, йиғит. Ўн олти йилдирким, Ўғуз ичида бўлмадик Ажойиб, тансиқ ғайридин молларини Ўғуз бекларига олиб келяпмиз. Қора Дарбанд деган жойда дам олиб ётган эдик Ёвнук қалъасининг беш юз ғайридини устимизга бостириб келди, қардошим асир тушди, ризқимизни талаб кетдилар. Қора бошим кўтариб, санга келдим. Қора бошим садақа йиғит, мадад бер манга, деб йиғлади. Бу кез ўғлон шароб ичаётиб, ичмас бўлди, олтин қадаҳи қўлидан ерга тушди. Айтур: Айтганимни эндирдинг, кийимим билан шаҳбоз отимни келтиринг, ҳей, мани севган йиғитлар, отга минсинлар, деди. Базиргон энгил тортди, йўл кўрсатувчи бўлди. Ғайридин ҳам энди отдан тушган эди.

Шу маҳал эрларнинг арслони, паҳлавонларнинг қоплони Бўз ўғлон пайдо бўлди. Бир-икки демади, ул ғайридинлар устига от солди, қилич сермади. Қочмаган ғайридиннинг бошини олди, ўч олди, базиргонларнинг молини қупқарди, ортига қайтди. Базиргонлар айтур: Бек йиғит, сан эрлик қилдинг, мардик айладинг, кел, энди, яхши кўрган нарсангни ол, деб совғаларни кўрсатишди.

Йиғитнинг кўзи ўша насли денгиз опидан бўлган бўз айғирга тушди, кейин олти қиррали гурзи, кейин қайин пўстлоғи қопланган қатта камон ва қилични кўзлади. Шу тўртта нарсани ёқирди. Айтур: Ҳей, мулозимлар, мана шу ёй, мана шу гурзи ва мана шу қилични манга беринг, деди. Шундай дегач, базиргонлар жим бўлиб қолдилар. Йиғит айтур: Ҳей, мулозимлар, ман кўп сўрадимми, деди.

Базиргонлар айтишди: Хайрли султоним, бу тўрт нарсани сан ёқдирибсан, биз берар эдик, аммо бизнинг бир бегимизнинг ўғли бордир, бу тўрт нарсани унга армуғон сифатида олиб бормоғимиз керак эди, дедилар. Ўғлон

айтур: Бегингиз ўғли кимдир? Айтурлар: Бой Бўра бек ўғли бордир, отини Бомси дерлар дейишди.. Йигит бармоғини тишлаб, ўйлади: Бунда миннат била олмоқдан кўра, унда отамдан миннатсиз олганим яхши. Отин қамчилади, йўлга тушди. Базиргонлар унинг ортидан қараб қолишди. Валлох, яхши, мурувватли йигит экан, дедилар: Бўз Ўғлон отасининг уйига келди, бўлган воқеа ҳақида индамади. Отасига эса хабар етди, кўп йиллар аввал кетган мулозимларингиз қайтиб келишди, дея. Отаси севинди, мажлис чақирди, чодир ўтов, ола соябон тиктирди, ипак гиламлар тўшатди, келиб ўтирди. Ўғлини ўнг ёнига ўтқазди, ўғлон базиргонлар хусусида ҳеч нарса гапирмади, ғайридинларни қирганини айтмади. Тўсатдан базиргонлар кириб келдилар. Бош этиб салом бердилар. Кўрдиларким, ул йигит, ўша бош кесган, қон тўккан йигит Бой Бўра бекнинг ўнг томонида ўтирибди, базиргонлар ерга бош уриб, йигитнинг қўлидан ўтдилар:

Уларнинг ҳаракатини кўриб, Бой Бўра бекнинг аччиғи келди. Базиргонларга айтур: Хой калтабин зурёди калтабинлар, ота туриб, ўғилнинг қўлини ўладими? Айтурлар: Хоним, бу йигит санинг ўғлингиди? Бек айтур: Ҳа, манинг ўғлимдур. Айтурлар: Энди инжилма, Хоним, аввал унинг қўлини ўлганимиз учун. Агар, Султоним, санинг ўғлинг бўлмасайди, бизнинг молимиз душман элига кетарди, ҳаммамиз асир тушардик дедилар. Бой Бўра бек айтур: Манинг ўғлим ёғий билан жанг қилдими, зафар қучдими, деди. Ҳа, Султоним, жанг қилди, дедилар. Бу ўғлонга энди от қўйсак бўладими, деди. Балли, Султоним, айна пайти, дедилар. Бой Бўра бек дарров буюк Ўғуз бекларини чақирди, меҳмон қилди. Ўғлининг бошидан кечирганини сўйлаб берди, жумла беклар мароқ билан тингладилар, кейин Кўрқут Ота келди ўғлонга от қўйди, кўрайлик-чи, нима деган экан. Ота айтур: Арзим тингла, сўзим тингла. Бой Бўра бек, Яраптаннинг ўзи санга бир ўғил бермиш, ўсаверсин, Оғир санжоҳ кўтарганда дўст - ёрларинг таянч бўлсин. Қарши ётган қорли қора тоғлардан ошар бўлса, Яраптаннинг ўзи санинг ўғлинга сўқмоқ берсин. Қонли сувлардан кечар бўлса, кечит берсин. Ғуж-ғуж ғаюр шоширганда, Ҳақ таоло санинг ўғлинга фурсат берсин. Сан ўғлингни Бомсим дея эркаларсан, Унинг оти бўз айғирли Бомси Байрак бўлсин, Отини ман бердим, ёшени эгам берсин, деди. Ўғуз беклари қўл кўтардилар. Бу от бу йигитга қуллғ бўлсин, дея унинг шарафига Ўғуз бекларининг ҳаммаси отга миниб, овга кетдилар. Бўз айғирин келтириб, Байрак ҳам минди, Ола Тоққа ола лашқар овга чиқди. Ногаҳондан Ўғуз ерида бир сурув кийик пайдо бўлди. Бомси Байрак биттасини қувлади. Қува - қува бир жойга келди, не кўрган бўлса, Султоним, кўрди: яшил яйлов ўртасида бир қирмизи чодир тикилганин кўрди. Бориб бу ўтов кимники бўлади, деди. Хабари йўқ-ку, чодир ола кўзли қизники эди. Унинг ёнига боришга андиша қилди, кейин айтди: Не бўлса, бўлсин, ман ҳам овимни овлаб кўрай, деди. Ўтовнинг ёнига яқин келди. Ушлаган кийикнинг оёқ томирини кесиб, ерга қўйди.

Бу ўтов Бой Бижон қизи бону Чечак ўтови бўлиб, у бир пайтлар Бомси Байракнинг ўзига аталган қиз эди. Бону Чечак ўтовдан қараб турарди. Хой, доялар, бу ярамас отанинг ўғли бизга қаҳрамонлик кўрсатиш учун келганга ўхшайди. Боринг, ундан кийикни сўранглар, нима дер экан деди.

Қисирча янга деган бир хопин йигитнинг ёнига бориб, хой, йигит, бизга овингдан ҳисса бер, деди. Байрак айтур: Хўп, янга, ман овчимаң, бек ўғли бекман, овим сизга, аммо сўраш айб бўлмасин, бу ўтов кимникидир. Қисирча янга айтур: Бек йигитим, бу ўтов Бой Бижон бек қизи бону Чечакнинг ўтовидир. Буни эшитиб Хоним, Байракнинг қони жўш урди, одоб билан секин-аста ортига қайта бошлади. Қизлар кийикни ичкарига киритдилар, гўзаллар маликаси бону Чечакнинг ёнига келтирдилар. Бону кўрдики, кийик гўзал ва жуда катта эди. Бону Чечак айтур: Хой қизлар, бу йигит кимдир?

Қизлар айтур: Валлох Султоним, бу йигит юзи ниқобли яхши йигитдир. Бек ўғли бек эмиш. Бону Чечак айтур: Хей, хей доялар, отам манга «сани юзи ниқобли Байракка бераман», дер эди. Ўша бўлмай ким бўларди, чақиринг, келсин, хабарлашайин, деди. Чақирдилар, Байрак келди. Бону Чечак юзини беркитди, ахвол сўради, айтур: Йигит, келишинг қайдан? Байрак айтур: Ич Ўғуздан. Ич Ўғизда кимнинг ўғлисан? Байрак айтур: Бой Бўра бек ўғли Бомси Байрак дейдилар мани. Қиз айтур: Не маслаҳат билан келдинг йигит? Байрак айтур: Бой Бижон бекнинг бир қизи бор эмиш, уни кўрмак учун келдим. Қиз айтур: Ул қиз санга кўриниб, қандай одам бўлади. Аммо ман бону Чечакнинг доясимаң, кел, сан билан овга чиқайлик агар санинг отинг манинг отимдан ўзиб кетса, Бону отидан ҳам ўзасан, яна сан билан ўқ отишайлик мандан ўтсанг, Бонудан ҳам ўтарсан, сан билан курашайлик мани йиқитсанг, уни ҳам йиқитарсан, деди. Байрак айтур: Хуш, энди отланайлик. Иккиси отландилар, майдонга чиқдилар, от чоғтирдилар. Байракнинг оти қизнинг отидан ўтиб кетди. Ўқ отишди, Байракнинг ўқи қизнинг ўқини парчалайди. Қиз айтур: Хой, йигит, манинг отимдан бирор кимса ўзгани йўқ ўқимни ҳеч ким парчаламаган эди, бек йигит, энди сан билан курашамиз, деди. Тезда Байрак отдан тушди, курашдилар. Икки паҳлавон бўлиб, бир - бирини сермашдилар. Байрак қизни кўтариб, ерга урмоқ истаса, қиз Байракни кўтариб ерга урмоқ истар. Байрак ўйлади: Бу қиздан йиқилар бўлсам, буюк Ўғуз ичинда бошимга надомат ёғилиб, уятдан пушаймон бўламан, деди. Ғайрати келди. Қизнинг белбоғидан олиб, маммасига қўл урди,

қиз чекинди. Шу кез Байрак қизнинг нозик белига кирди, илиб олиб тепага кўтарди ва ерга урди.

Қиз айтур: Йигит, билки, Бой Бижон қизи бону Чечак мандирман. Байрак уч ўтди, бир тишлади. Совға қутлуг бўлсин, хон қизи, дея бармоғидан олтин узугини чиқарди, қизнинг бармоғига кийдирди, ўртамизда бу нишон бўлсин, хон қизи, деди. Қиз айтур: Модомики, шундай бўлган экан, энди бир - биримизга яқин бўлмоғимиз керак. Байрак янада яхши, Хоним, бош устига, деди. Улар ваъдалашиб, ажралишдилар. Байракка отаси қарши чиқиб, айтур: Ўғил, бу яхши кунда Ўғузда нима кўрдинг? Байрак: На кўрардим, давлатим ота, ўғли борлар ўйлантirmoқда, қизи борлар чиқармоқда, деди. Отаси айтур: Ё сани ҳам ўйлантириш керакми? Бали, оқ соқолли азиз ота, ўйлантириш керак деди. Отаси айтур: Ўғил, Ўғузда кимнинг қизини олиб берайин, деди.

Байрак айтур: Ота, манга бир қиз олиб бер, токи ман ўрнимдан туролмасам, у турсин, ман учкур отимга минолмасам, у минадиган бўлсин, ман қирғинга кирмаган кун, у бош келтирадиган бўлсин. Шундай бир қиз олиб бер, ота. Отаси Бой Бўра хон: Ўғил, сан қиз демаяпсан, сан ўзингта бир йўлдош ва орқадош истаяпсан. Ўғил, сан сўраётган қиз Бой Бижон бек қизи бону Чечак бўлади, деди. Байрак айтур: Балли, оқ соқолли азиз ота, манинг истаётганим ҳам ўшадир, деди. Отаси айтур: Ой ўғил, бону Чечакнинг бир дали қариндоши бор, оти Дали Қорачар, қизга ким совчи бўлиб борса, ўлдиради. Байрак айтур: Бўлмаса, нима қиламиз? Бой Бўра бек айтур: Ўғил, буюк Ўғуз бекларини уйимизга чақирайлик нима маслаҳат қилсалар, шунга кўра иш тутаёлик. Буюк Ўғуз бекларининг ҳаммасини чақиришди, уйига йиғдилар, меҳмон қилдилар. Едилар, ичдилар, сўз очдилар, маслаҳат солдилар. Бу қизга совчиликка ким боради, дедилар. Кўркут Ота борсин, деган фикрга келдилар.

Кўркут Ота айтур: Ёронлар, мани борсин дедингизлар, кундирдингизлар, аммо билурсизким, Дали Қорачар қиз қариндошига ким совчи бўлиб борса, ўлдирур. Шунинг учун Бойинтур хоннинг кўрасидан икки шахбоз, югурук от келпиринг: бир қачибошли қочар айғири, бир тўқлибош тўриқ айғири келпиринг. Агар қочиб - қувиб бўлса, бириси чарчаса, иккинчисига минаман, деди. Кўркут Отанинг сўзи мақбул келди. Бордилар. Бойинтур хоннинг кўрасидан икки от келтирдилар. Кўркут Ота бирини миниб, иккинчисини етаклади. Ёронлар, сизни ҳаққа топширдим, дея йўлга тушди. Бу пайт, Султоним, Ўша Дали Қорачар оқбон уйини, оқ ўтовини тикиб, йўлдошлари билан нишонга ўқ отиб турар эди. Кўркут Ота уларга яқин келди, бош эгиб, тилидан бол томиб, саломлашди. Дали Қорачар оғзини кўпиклантирди, Кўркут Отага тикилди. Айтур: Ваалайкум ассалом, феъли чошган, ақли қочган, қодир мухтор манглайига ўлим ёзган оёқлилар хали бу ерга келгани йўқ оғизлилар бу сувимдан ичгани йўқ Санга на бўлди? Ақлингми озди, феълингми чошди? Ажалингми етди? Бу ерларда на қилиб юурсан, деди. Кўркут Ота айтур: Қарши ётган қора тоғингни ошмоққа келмишам. Оқиши кўркли сувингдан кечмоққа келмишам. Кенг этагингта, тор қўлпўғингта сиғиш учун келмишам. Фалакнинг бўйруғи, ернинг қабули ила ойдан орли, кундан кўркли қиз қариндошинг бону Чечакни Байракка тилаб келдим, деди. Кўркут Ота шундай дегач, Дали Қорачар: Хой, йигитлар, манга қора айғиримни келпиринг, деди. Қора айғирни яроқлари билан келтиришди, Дали Қорачарни миндиришди. Кўркут Ота тўқлибош тўриқ айғирга минди, турмади, қочди.

Дали Қорачар изига тушди, қоча - қоча тўриқ айғир чарчади, Кўркут Ота қачибошли йўрға айғирга минди. Отанинг ҳуши бошидан учди, кўкка сиғинди. Дали Қорачар қиличини кўлига олди. Кўркутнинг тепасига келиб, ҳамла қилди, Дали бек Отанинг бошини олмақчи бўлди. Кўркут Ота: Чопар бўлсанг, қўлинг қурисин, деди. Ҳақ таолонинг амри ила Дали Қорачарнинг қилич тутган кўли ҳавода қолди. Кўркут Ота бир вали киши эди. Тилаги қабул бўлди. Дали Қорачар айтур: Мадад омон, эл омон, имон бирлигига йўқ гумон. Ота, сан манинг қўлимни соғайтир, элнинг истаги-ла, қиз қариндошимни Байракка берайин, деди. Уч қарра оғзидан иқрор бўлди, гуноҳи учун тавба айтади.

Кўркут Ота дуо қилди, Далининг кўли ҳақ амри билан соппа - соғ бўлди. Дали айтур: Ота, қиз қариндошим эвазига нима сўрасам берармисан, деди. Ота айтур: Берамиз, кўрайлик нима сўраркансан? Дали Қорачар айтур: Минг бўғро туя келтирингким, улар урғочи туяни кўрмаган бўлсин; минг айғир келтиринг, токи бия кўрмаган бўлсин; яна мингта қўй кўрмаган қўчқор келтиринг; мингта қулоқсиз, қўйруқсиз қўшпақ келтиринг; кейин минг дона йирик бурга опкелинг. Агар бу деганларимни келтирсанг яхши бўлади. Аммо келтирмасанг, манинг кўзимга кўринма, бир марта ўлдирмадим, янаги сафар ўлдирарман, деди. Кўркут Ота қайтди, Бой Бўра ўйларига келди. Бой Бўра айтур: Кўркут Ота шан келурми, саҳт келурми, кўрдикки, кула - кула келур. Ота, ўғлонмисан, қизмисан? Бўримисан, қўймисан, деди. Ота айтур: ўғлонман, бўриман. Ишлар қандай бўлди? Қандай қутулдинг ул Дали Қорачарнинг кўлидан, деди. Эгамнинг ўзи қутқарди, дея бўлган воқеани сўйлайверди. Ота айтур: Қодир мухторнинг инояти, элатдошларимнинг ҳиммати бўлди, валҳосил қизни олдик. Байрак унинг

онаси ва қиз қариндошлари яхши муждадан севиндилар, шод - хуррам бўлдилар. Бой Бўра бек айтур: Дали қанча мол сўради? Кўркут Ота айтур: Ёримасин, ёлчимасин Дали Қорачар шундай кўп мол сўрадики, илоҳим буюрмасин. Бой Бўра бек айтур: Айт, қани. Ота айтур: Минг айғир сўрадиким, бия кўрмаган бўлсин; минг бўғро туя сўради, токи урғочи туяни кўрмаган бўлсин; минг қўйруксиз, қулоксиз кўппак сўради; яна мингта йирик бурга берасан, деди. Бу айтганларимни келтирсанг қиз қариндошимни бераман, келтирмасанг кўзимга кўринма, йўқса сани ўлдирурман, деди. Бой Бўра Бек айтур: Ота, ман учта шартни бажарсам сан иккисини бажарармисан?

Кўркут Ота айтур: Бали, хоним, бажарурман. Бой Бўра бек: энди, Ота, кўппак билан бургани сан топ, деди. Ва ўзининг кўрасига бориб, мингта айғир ажратди; қатор-қатор туяларининг ёнига бориб, минг бўғро нор ажратди; қўй кўрага кириб, мингта қўчқор танлади. Кўркут Ота ҳам мингта қўйруксиз, қулоксиз кўппак билан мингта бурга топди. Бой Бўра бекнинг уйига келди, кейин ҳаммасини олиб, Дали Қорачарникига кетди. Дали Қорачар уни кўриб, қаршисига келди, кўрайлик айтганимни олиб келганимикансан, деди. Айғирларни кўриб, қувонди, туяларни кўриб қувонди, қўчқорларни кўрди, қувонди; кўппакларни кўриб қаҳқаҳа отиб кулди, айтур: Ота, қани манинг бургаларим? Кўркут Ота ҳамма бургаларни бир уй ичига қамаб қўйган эди. Хей, ўғил Қорачар, бурга дегани одамга уч бир ёвуз жонивордир, ҳаммасини бир жойга қўйибман, кел, кўрайлик семизини танлаб ол, ориғини қўй, деди. Дали Қорачарни бир бургали уйга киритди. Дали Қорачарни гап билан ечинтирди. Оғилга киритди. Мана, ёққанини ол, ёқмаганини қолдир, деди. Ота эшикни беркитди, оч бургалар Дали Қорачарга ташландилар. Дали додлаб бўқирур, зорланиб ўқирур, мадад бер, Ота, дея чақирур. Қараса, эшикни очмаяпти, Дали яна: Мадад, Ота, қарам айла, эшикни оч, чиқайин, деди.

Кўркут Ота айтур: Ўғил Дали Қорачар, на қарғанурсан? Бу санга ваъда қилинган нарсадур, нега ўзинг сўрадинг? Ғавғони қўй, бир тўда бурга бор, келтирдим, ол, кейин ундай-бундай деб юрма, семизини тутиб ол, ориғини қолдир, деди. Дали Қорачар айтур: Хей, Сулпон Ота, бунинг семизини ҳам, ориғини ҳам ер ютсин, Ота, эшикни оч, чиқайин, деди. Ота айтур: Кейин биз билан гина - низо этарсан, тагин ўйлаб кўр. Дали Қорачар дик - дик сакраб, шап - шап урар экан, мадад бер, Отажоним, дея фарёд чекканида, Кўркут Ота эшикни очди. Дали Қорачар ташқари чикди, бургалар чирт-чирт учарди, кун совуқ Ота кўрдиким, Далининг жонидан ўтмиш, бошига қайғу тушмиш, гавдаси бургадан кўринмас, юзи-кўзи билинмас эди. Отанинг оёғига йиқилиб, мани кутқар, деди. Кўркут Ота, бор ўғил, ўзингни сувга ур, деди. Дали Қорачар сакраганча бориб, сувга тушди. Дали жон ҳолида музли сувга бўғзигача ботди, бургалар ҳужумидан қутулди. Отажоним-эй, бурганинг ориғидан - да, семизидан-да ўзинг асра, деди. Кийимини кийди, уйига кетди. Катта тўйнинг тайёргарлигини кўрди. Ўғуз замонида қоида шул эдики, бир йигит ўйланса, ўқ отар эди, ўқ қаерга тушса, ўша ерда чодир тикарди. Байрак хон ҳам ўқ отди, тушган ерга чодир тикди.

Аталган қизидан куёвлик қирмизи кафтан келди. Байрак кафтанни кийди. Йўлдошларига бу ёқмади, хафа бўлдилар. Байрак айтур: Нега хафа бўлдингизлар? Айтдилар: Нега хафа бўлмайлик сан қизил кафтан киярсан, биз оқ кафтан кийиб юрибмиз, дедилар. Байрак йўлдошларига: Бундай нарсадан нечун хафа бўласизлар, бутун ман кияман, эртага ноибим кийсин. Қирқ кунгача навбат билан жийингиз, ундан кейин бир дарвишга берайлик деди. Уларнинг кўнгли жуда хўш бўлди. Қирқ йигити билан еб-ичиб ўтирардилар. Ёримасин, ёлчимасин, душманнинг жосуси уларни бузади, бориб Бойбурт қалъасининг бегига хабар берди: Нега ўтирибсиз, сулпони, Бой Бижон бек ўша санга беражак қизини бўз отли Байрак берди, деди. Бу кеча чодирга кирур, деди. Ёримасин, ёлчимасин, ул малъун тезда етти юз ғайридин билан йўлга тушди. Байрак оп - олача чодир ичинда еб - ичиб ўтирар эди. Тун уйқусида душманлар ўтовга бостириб келди, бўлар-чи, ғофил. Ноиби қиличини суғурди, қўлига олди, маним бошим Байракнинг бошига қурбон бўлсин, деди. Ноиб пораланди, шаҳид бўлди. Теран бўлса ботирур, ола - тасир кўрқитур; оти бор эр овунар; яёв эрнинг умиди бўлмас. Ўттиз тўққиз йигити билан Байрак асир тушди.

Тонг отди, кун туғди, Байракнинг отаси, онаси қараб кўрсаларки, ўғлининг чодир кўринмаяпти. Оқ этдилар, ёқаларини чок этдилар, ақллари бошларидан учди. Кўрдиларки, қанотлидан кўзгун қолмиш, ерда изғиб този қолмиш. Чодир йиқилиб, ерга тушмиш, ноиб шаҳид бўлмиш. Байракнинг отаси кийимини ечиб ерга урди. Тортди, ёқасини йиртди, ўғил, ўғил дебон ўкирди, зор қилди. Чакка сочи оқарган онаси хўнгир - хўнгир йиғлади; кўзининг ёшини тўқди, аччиқ тирноғини оқ юзига ботирди, ол ёноғига тортди; қарға қаби қаро сочини юлди; йиғлабон - сиктабон уйига келди. Бой Бўра бекнинг туғлик бон олтин уйига ғамнок кирди. Қизи, келини қаҳ - қаҳ кулмас бўлди. Қизил хино оқ қўлина ёқмас бўлди. Байракнинг етти қиз қариндоши окни ечиб қора тўнлар кийдилар. Вой, бегим қариндош, мурод-мақсадингга етмаган ёлғиз қариндош, деб йиғладилар, бўзладилар.

Байракнинг ёвуқлисига хабар бўлди. Бону Чечак оқ кафтанини чиқарди, қора кийди. Куз олмаси каби ол ёноғини тирнади, йиртди. Вой ол ўртуғим эгаси Вой манглайимнинг умиди Вой шох йипитим, вой шаҳбоз йипитим Тўйгунча юзина бокмаганум, хоним йипит Қайга кетдинг мани ёлғиз қўйиб, жоним йипит Кўз очибон кўрдигим, Кўнгул ила севдигим Бир ёстиққа бош қўйдигим, Қўлингда ўлдигим, қурбон бўлдигим. Вой, Қозон бекнинг иноғи Вой буюк Ўғузнинг таянчи хон Байрак, деб зор - зор йиғлади. Бунни эшитиб, Қиён Салжук ўғли Дали Дундор оқ торгди, қора кийди. Байракнинг ёр ва йўлдошлари оқ уриб, қоралар кийишди. Буюк Ўғуз беклари Байрак учун қатта аза тутдилар, умид уздилар. Бундан кейин ўн олти йил ўтди. Байракнинг ўлигини - тириги билмадилар. Охир бир кун қизнинг қариндоши Дали Қорача Бойинтур хоннинг хузурига келди, тиз букиб, айтур: Давлатли хонимнинг умри узун бўлсин, Байрак тирик бўлса, ўн олти йилдан бери ё хабари, ёки ўзи келар эди. Бир йипит бориб ундан хабар келтирса, бир чорғаб олтин акча берар эдим, ўлганининг хабарини етказса қиз қариндошимни берардим, деди. Шундай дега, ёримасин, ёлчимасин. Ёлгончи ўғли Ёлтожик айтур: Султоним, ман борайин, ё ўлик, ё тирик хабарин келтирайин, деди ва кетди. Бир неча кундан кейин - унга Байрак қўйлак бағишлаган эди, уни киймай, асраб қўйганди, ўша қўйлакни қонга белаб олиб келди. Бойинтур хоннинг ёнига келди. Бойинтур хон айтур: Бу не қўйлақдир?

Айтур: Султоним, Байракнинг қўйлақидир, Байракни Поросорнинг қора Дарбандинда ўлдирмишлар, мана нишони, Султоним. Ўғуз беклари ичинда ёлгон йўқ эди, унга ишониб, қўйлакни кўрган беклар хўнгир - хўнгир йиғладилар, зорландилар. Қозон бек таянчим Байрак дея йиғлар, Қора Кун йиғлар, Қора Будок мусохибим Байрак дея йиғлар. Бойинтур хон айтур: Ҳой, нега йиғлайсизлар? Биз бу қўйлакни танитаймиз, аталганига элтайлик-чи, кўрсин, у яхши билур, ўзи тиккан бўлса, ўзи таниб олур, деди. Бордилар, бу қўйлакни бону Чечакка элтдилар. Кўрди, таниди, ўшадир, деди. Торгди, ёқасини йиртди, аччиқ тирноғини оқ юзига ботирди, куз олмаси каби ол ёноғини тирнади.

Вой, кўз очиб кўрдигим, Кўнгул бериб севдигим, Вой, ол ўртуғим эгаси Вой, манглайимнинг умиди хон Байрак, дея йиғлади. Унинг отасига, онасига хабар бўлди. Оп - олача чодирига ғамгин кирди, оқ торгди. Қора кийдилар. Буюк Ўғуз беклари Байракдан умид уздилар. Ёлгончи ўғли Ёлтожик қизни олар бўлди, кичик тўйини қилди, қатта тўйига ваъда берди. Байракнинг отаси Бой Бўра бек яна базиргонларини чақириб, кўзим ойдини Байракнинг ўлик - тиригини билиб келингиз, хўпми, деди. Базиргонлар тайёргарлик кўришди. Кеча - кундуз тинмай юрдилар. Ногоҳ Поросорнинг Бойбурт қалъасига келдилар. Худди шу куни душманнинг асир кунлари эди, ҳаммаси емакда, ичмакда эди. Байракни яна опкелиб, кўбиз чалдириб ўтирардилар. Байрак бир юксак чордоқда ўлтирарди, иттифоқо мулозимларни кўрди, билди. Уларни кўриб хабарлашди, Хоним, эшитайлик-чи, нима дейди. Айтур: Олонг ясси хаво ердан келган арғиш Бек отамнинг ва онамнинг совғаси арғиш Оёғи узун шаҳбоз отга минган арғиш Товшим англа, сўзим англа, арғиш. Буюк Ўғуз ичинда Улош ўғли Салор Қозонни Сўрар бўлсам соғми, арғиш Қора Кўна ўғли Қора Будогни Сўрар бўлсам соғми, арғиш? Оқ соқолли отамни, оқ сочли онамни сўрар бўлсам соғми, арғиш, Кўз очибон кўрдигим, кўнгил бериб севдигим Бой Бижон қизи бону Чечак Уйдаи ёки кимгадир тегдими арғиш? Айттил, манга қора бошим қурбон бўлсин санга, деди. Мулозимлар ҳам сўз сўйлади, кўрайлик, Хоним, нима дер экан, айтур: Соғмисан, эсонмисан, жоним Бомси? Ўн олти йилнинг ҳасрати бегим Бомси Буюк Ўғуз ичинда Қозон бекни сўрар бўлсанг соғдир, Бомси. Қиён Салжук ўғли Дали Дундорни сўрар бўлсанг, соғдир, Бомси. Қора Кўна ўғли Будогни сўрар бўлсанг, соғдир Бомси. Ул беклар оқ ичиб, қора кийди санинг учун, Бомси. Оқ соқолли отангни сўрар бўлсанг, соғдир Бомси. Оқ сочли онангни сўрар бўлсанг, соғдир, Бомси. Оқ ечиб, қаро кийди санинг учун, Бомси. Етти қиз қариндошингни етти йўл айрисида йиғлар кўрдим, Бомси. Куз олмаси каби ол ёноқларин тирнар кўрдим, Бомси. Кетди, келмас оғам дея йиғлар кўрдим, Бомси. Кўз очибон кўрдигинг, Кўнгил бериб севдигинг Бой Бижон қизи бону Чечакнинг кичик тўйи бўлди. Қатта тўйига ваъда берди. Ёлгончи ўғли Ёлтожикқа тегар кўрдим. Жон Байрак Поросорнинг Бойбурт қалъасидан чиқиб кўргил Оп-олача чодиринга бориб кўргил Бормас бўлсанг Бой Бижон қизи Бону Чечакни қўлингдан олдирдинг, билиб қўйгил, дедилар. Байрак бу аччиқ сўзларни эшитиб қалқди, йиғлай - йиғлай ўтгиз тўққиз йипитининг ёнига келди, ғамга ботиб, ерга урди. Айтур: Ҳей, манинг қирқ йўлдошим, билурмисиз, нелар бўлди? Ёлгончи ўғли Ёлтожик манинг ўлимим хабарини етказмиш. Отамнинг тўнлиги олтин бон уйига мотам кирмиш. Қорга менгзар қизи келини оқ чиқариб, қора киймиш. Кўз очибон кўрдигим, кўнгил бериб севдигим бону Чечакни Ёлгончи ўғли Ёлтожик олар бўлмиш.

Шундай дега, қирқ йипит ғамга ботдилар, ерга урдилар, бўкириб йиғладилар. Зорлик этдилар. Магарам, душман бегининг бир биқир қизи бор эди, ҳар куни Байракни кўрмакка келарди. Ўша кун яна кўришга келди. Кўрди - Байрак хафа. Қиз айтур: Нечун хафасан, хоним йипит? Келганингдан буён сани бундай кўрмагандим,

ўйнар эдинг, энди на бўлди? Байрак айтур: Нега хафа бўлмайин. Ўн олти йилдирким, отангининг асириман, отага, онага қавм - қариндошга ҳасратман. Яна бир қора кўзли ёвуқлим бор эди, Ёлғончи ўғли Ёлпожиқ деган бир кимса бориб ёлғон сўйламиш, мани ўлди дея хабар бермиш, ул қизни ўша кимса олур бўлмиш, деди. Шундай дегаҳ, қиз Байракни янада яхши кўриб қолди. Айтур: Агар сани қалъадан пастга аркон билан туширсам, отанг-онанга соғ-омон етиб борсанг, мани бу ерга келиб, ҳалолнинг қабул қилиб олурмисан, деди. Байрак онг ичди: Қиличимга тўғрилайин, ўқимга санчилайин, ер каби кептилайин, тупроқ каби соврулайин, агар соғ бориб Ўғузга, келиб сани ҳалолимга олмас бўлсам, деди. Қиз аркон келтириб, Байракни қалъадан пастга туширди. Байрак пастга боқиб, ўзини ер устида кўрди. Тақдирга шукр айлади, йўлга тушди. Йўлда душмanning йилқисига дуч келди, бир от тутсам, минайин, деди. Боқди, кўрди, ўзининг ўша денгиз қулуни бўз айғири ўтлаб юрибди. Бўз айғир ҳам Байракни кўриб таниди, икки оёғини баланд кўтариб, кишнади. Байрак бу орада бўш айғирни мадҳ эта бошлади. Кўрайлик Хоним, не дер экан: Очиқ-очиқ майдона менгзар санинг манглайинг Иккита гавҳарга менгзар санинг кўзларинг Нафис ипакка менгзар санинг ёлларинг Икки қариндошга менгзар санинг қулоқларинг Эрни муродига етказар санинг эгаринг От демасман сани, қариндош дерман Қариндошдан яхши, Бошим баробари, Бошимга иш тушди, йўлдош, дерман Йўлдошимдан яхши, деди. От бошини викор тутди, бир қулоғини чимириб, Байракка қарши келди. Байрак отнинг кўксини кучоқлади, икки кўзларидан ўпди, минди. Қалъанинг дарвозасига келди. Ўттиз тўққиз йўлдошини чакириб, ғайридинни ҳақорат айлади. Қирқ нафар душман отландилар, ортидан тушдилар, қувладилар, етолмадилар, қайтиб кетдилар. Байрак юра-юра Ўғузга келди, боқди, кўрди, бир ўзан кетаётибди. Ҳой, ўзан қаёққа кетяпсан, деди. Ўзан: Бек йигит, тўйга кетяпман, деди. Байрак айтур: Ўзан, тўй кимники? Ўзан айтур: Ёлғончи ўғли Ёлпожиқ деган бир кишиникидир.

Байрак айтур: Кимнинг қизини оляпти? Ўзан: Хон Байракнинг отоқлиси бону Чечакни оляпти, деди. Байрак: Ҳой, ўзан, кўбизинг манга бергил, отимни санга берай. Отни асра, кейин баҳосини тўлаб, оламан, деди. Ўзан айтур: Овозим қирилмай, товушим бўғилмай, кўбизим чалинмай, бир от кўлимга кирди, майли, саклайман. Ўзан кўбизни Байракка берди. Байрак кўбизни олди, отасининг ўрдасига яқин келди. Боқди, кўрди, қандайдир чўпонлар йўлнинг ёқасида туриб йиғларлар ва тош йиғарлар.

Байрак айтур: Ҳой, чўпонлар, биров тош кўрса, четга отар, сиз нега тошларни йиғяпсиз, тош йиғиб йиғляпсиз, деди. Чўпонлар айтур: Сан ҳеч нарса билмассан, бизнинг ҳолимиздан хабаринг йўқ. Байрак айтур: Нима бўлди ҳолингизга? Чўпонлар: Бизнинг бегимизнинг бир ўғли бор эди, ўн олти йилдирким, ўлиги - тиригининг хабарини кимса билмайди, ёримасин - ёлчимасин. Ёлғончи ўғли Ёлпожиқ унинг ўлганлигидан хабар келтирди, унга аталган қизни оладиган бўлди, у шу ердан ўтади, уни урмоқчимиз, қиз унга тегмасин, ўз тенгига тегсин, дедилар. Байрак айтур: Юзингиз оқ бўлсин, оғангиз нони сизга ҳалол бўлсин.

Кейин отасининг ўрдасига келди. Уйлари ўнгида бир қатта оғоч бор эди, ул оғоч тагида бир булоқ бор эди. Байрак боқди кўрдиким, кенжа қиз қариндоши булоқдан сув олмоққа келур қардош Байрак дея йиғлар, бўзлар эди. Тўйинг тугуни қора бўлди, дея йиғларди. Байракнинг қаттиқ хўрлиги келди, чидолмади, милдир милдир кўзидан ёши равон оқди. Байрак чакирибон сўйлар кўрайлик Хоним, на сўйлар экан:

Ҳой, қиз на йиғларсан, на бўзларсан, оғам, дея ёнди бағрим, куйди ичим санинг оғанг йўқ бўлибдир. Юрагинга қайноқ ёғлар қуйилибдир Қора бағринг санинг сарсилибдир - Оға, дея на йиғларсан, на бўзларсан ёнди бағрим, куйди ичим, хой қиз. Қарши ётган қора тоғни сўрар бўлсам, кимникидир. Совуқ-совуқ сувларни сўрар бўлсам, ким ичмақда? Қатор - қатор шаҳбоз отларни сўрар бўлсам, кимлар минар? Қатор - қатор туяларни сўрар бўлсам юк кимники? Қора, мовий ўтовлар, сўрар бўлсам, соя кимники? Чин дилдан, қиз, хабар бер манга қора бошим қурбон бўлсин, қиз, санга, деди. Қиз айтур: Чалма, ўзан, айтма ўзан, ортиқ дард ман қизга керак эмас, ўзан. Қарши ётган қора тоғни сўрар бўлсанг, Оғам Байракнинг яйлови эди. Оғам Байрак кетдию яйловлар бўм - бўш. Совуқ - совуқ сувларни сўрар бўлсанг. Оғам Байрак ичгучи эди, Оғам Байрак кетдию яйловлар бўм - бўш. Совуқ-совуқ сувларни сўрар бўлсанг, Оғам Байрак ичгучи эди, Оғам Байрак кетдию ичадиган йўқ. Қатор - қатор шаҳбоз отларни сўрар бўлсанг Оғам Байрак минар эди, Оғам Байрак кетдию минадиган йўқ. Қатор - қатор туяларни сўрар бўлсанг, Оғам Байрак юк ортар эди. Оғам Байрак кетдию юклайдиганим йўқ- Оғилдаги оқ кўйларни сўрар бўлсанг, Оғам Байракнинг зиёфати учун эди Оғам Байрак кетдию зиёфатлар йўқ Қора, мовий ўтовларни сўрар бўлсанг, Оғам Байракникидир, Оғам Байрак кетдию кўчиш йўқдир, деди. Яна қиз айтур: Ҳой, ўзан, қарши ётган қора тоғдан Кечганингда, ўтганингда Байрак отли бир йиғитни кўрмадингми? Тошқин-тошқин сувларни Кечганингда, ўтганингда Байрак отли бир йиғитни кўрмадингми? Оғир отли шаҳарлардан ўтганингда Байрак деган бир йиғитни кўрмадингми? Ўзаним-эй, кўрган бўлсанг, айтгил манга Қора бошим қурбон бўлсин санга. Бир оздан сўнг қиз яна айтур: Қарши ётган қора тоғим

йиқилибдур, Ўзан, санинг хабаринг йўқми! Кўланкали чинорларим кесилибдур, Ўзан, санинг хабаринг йўқми! Юрагимда қора бағрим тилинибдур, Ўзан, санинг хабаринг йўқми? Бу дунёда бир қардошим тутилибдур Ўзан, санинг хабаринг йўқми! Чалма ўзан, куйлама ўзан. Ортиқ азоб мандай қизга нега керак Шу яқинда тўй бўляпти, кириб ўтдил ўзан, деди. Байрак унинг ёнидан ўтиб, қагга қиз қариндошлари ёнига келди. Бокди, кўрди, барча қиз қардошлари мотамсаро ҳолда ўтирардилар. Байрак уларга мурожаат айлаб сўзлар, кўрайлик Хоним, на сўзлар экан:

Эрта тонгда ўрнидан турган қизлар Оқ ўтовни кўйиб, қорасига кирган қизлар. Оқ тўнин ечиб, қора тўнин кийган қизлар. Бағир каби эзилгандан на фойда, Ориқ ерга экин эккандан на фойда Уч кундир, йўлдаман, қорним оч, тўйдириг мани Уч кун ўтмай ҳақ севинтирсин сизни, деди. Қизлар емак олиб келишди, Байракнинг қорнини тўйдиришди. Байрак: Оғангизнинг бошу кўзи садақаси, кўхна бир кафтанингиз бўлса беринглар, ман кийиб олайин, тўйга борайин. Тўйда манга кафтан берурлар, сизнинг кафтанингизни шундай қайтариб бераман, деди. Бориб Байракни ўзининг кафтанини олиб келдилар, унга бердилар, олди, кийди, бўйи-бўйига ярашди, бели-белига, енг кўлига ярашди, Қагга қиз қардоши уни Байракка менгзатди, қора қийма кўзларига қонли ёш тўлди. Қиз қардоши тилга кирди. Қурайлик-чи, Хоним нима дер экан. Айтур:

Ҳой, ўзан Қора қийма кўзинг равшан бўлсайди. Оғам Байрак деяр эдим ўзан санга. Юзингни қора соқол бекитмаганда Оғам Байрак деяр эдим ўзан санга. Йўғон билакларинг ҳолсиз кўринмасайди, Оғам Байрак деяр эдим, ўзан, санга. Апил-тапил юришингдан, Қайрилибон боқшингдан Оғам Байракка менгзатаман, ўзан, сани Севинтирдинг, инжилтирма, ўзан мани. Ва яна сўйлади: Чалма, ўзан, бир лаҳза айтма, ўзан, Оғам Байрак кетди, ўзан, келдиги йўқ. Эғнимиздан кафтанамиз олдиғи йўқ. Бошимиздан кечалигимиз олдиғи йўқ. Шохи бўрама кўчқорларнинг олдиғи йўқ, деди.

Байрак айтур: Кўрдингми, бу қизлар бу кафтандан мани танидилар, буюк Ўғуз беклари ҳам танирлар, деди. Кўрайлик-чи, Ўғузда манинг дўстим, душманам ким экан, дея, кафтанини ечди, қизларнинг олдиға улоқтирди, на сиз бўлинг, на Байрак бўлсин, бир эски кафтан бердингиз, манинг бошимни айлантирддингиз, деди ва йўлида давом этди, бир эски халта топиб эғнига ташлади ва далли девонага ўхшаб қолди. Сурди, тўйга келди. Кўрдики, тўйда ўқ отишда қатнашаётган куёв ва Қора Кўна ўғли Дали Будок Қозон бек ўғли Ўроз, беклар боши Яганак Фафлаг Хўжа ўғли Шер Шамсиддин, қизнинг қардоши Дали Қорачар бор эдилар. Байрак уларнинг ўқ отишини томоша қилиб турди. Қачонки, Қора Будок ўқ отса, Байрак: «Кўлинг бор бўлсин!» дер эди. Шер Шамсиддин отса: «Кўлинг бор бўлсин!» дер эди. Ҳар ким отса - «Кўлинг бор бўлсин!» дея олқишларди. Қачонким, куёв ўқ отса: «Кўлинг қурисин, бармоқларинг чирисин, тўнғиз ўғли тўнғиз!» дер эди. Ҳой, тўнғиз ўғли тўнғиз, куёвликка сан қурбон бўл, дер эди.

Ёлгончи ўғли Ёлғожикнинг аччиғи тутди, айтур: Ҳой калтабин ўғли калтабин, манга шундай сўз сўйламак санга лозимми? Кел, калтабин, манинг ёйимни торг, тортолмасанг сани ўлдирарман, бўйининг узарман, деди. Шундай дегач, Байрак яқин келиб, ҳарифнинг ёйини олди, торгди. Ёй қабзаси иккига бўлинди, синди. Байрак уни куёвнинг юзига отди. Тақирда тўрғай отмоққа ярайди, деди. ёлгончи ўғли Ёлғожик ёйнинг синганини кўриб, қаттиқ жаҳлланди, у айтур: Ҳой, боринг, Байракнинг ёйи бор, келтиринг! Бордилар, келтирдилар. Байрак ўз ёйини кўрганида йўлдошларини эслади, йиғлади, ёйни кўлига олиб, уни мадҳ этди, кўрайлик-чи, нима дер экан:

Тул туларга чодирим Тулардори духорлойи кўйдигим, Ёғий ўтови қўлимда, қил ипли садоғим, Айғир бериб олдиғим, оқ кўзли манинг ёйим Бўқа бериб олдиғим, бўғма камоним Мунгли ерда ташлаб қайтдим Ўтғиз тўққиз йўлдошим, икки арғишим, деди. Кейин Байрак: ижозатингиз ила беклар, сиз учун тортай бу ёйни, отай, бу ўқни, деди. Улар куёв бекнинг узугини нишон қилиб отар эдилар. Байрак бир ўқ ила узукни урди, поралади. Ўғуз беклари буни кўриб, чапак чалдилар, қулишдилар. Қозон бек ҳам буни томоша қилар эди. Одам юбориб, Байракни чақирди. Дали ўзан келди, бош эгди, бағир босди, салом берди. Байрак сўйламиш, кўрайлик Хоним, на сўйлар экан. Айтур: Сабоҳ сафо ерда тикилган оқ бон уйли, Атлас ила ёпилган кўк соябонли Қатор-қатор тизилган шаҳбоз отли Чақирганда «лаббай» деган зўр товушли, Чайқалганда ёғ тўкилган мўл неъматли Оғиз йиғит таянчи Мискинларнинг умиди Бойинтур хоннинг куёви Туркистоннинг тиргаги Амит Сулоннинг арслони Қоражиқнинг қолғони Қўнғир отнинг эғаси Хон Ўрознинг отаси хоним Қозон, Товшим англа, сўзим тингла, Эрта тонгда турибсан, Оқ ўрмонга кирибсан Оқ оғочнинг новдасини хидлабсан Ўтовларни қурибсан, Ўқларни ҳам отибсан. Ўнгда ўтирган ўнг беклар Сўлда ўтирган сўл беклар Эшиқдаги иноклар, Тўрда ўтирган хос беклар Тўйингиз қутлуғ бўлсин. Шундай дегач, Қозон бек унинг ёнига келди. Айтур: Ҳой Дали ўзан, тила мандан, на тилаюрсан? Чодирли ўтовми тиларсан? Қорабош қулми тиларсан

ёки олтин ақчами тилайорсан, берайин?

Байрак: Султоним, мани овқат пишаётган жойга қўйсанг, қорним очдир, тўйсам, деди. Қозон: Дали ўзан, давлатинг келди. Беклар, бугунги беклигимни ман бунга бердим, қўйинг, нима қилса қилсин, қаерга борса борсин, деди. Байрак емакхонага борди, қорнини тўйдирди, сўнгра қозонларни тепди, ағдарди, овқатларини тўқди. Яхна гўшларни гоҳ ўнга, гоҳ чапга отди. Ўнгдан учганини ўнгда турган олур, сўлдан учганини сўлда турган олур. Ҳақлига ҳақи тегар, ҳақсизга юзи қоралиги қолур.

Қозон бекка хабар етди: Султоним, Дали ўзан бор емакни тўқди, дедилар. Қозон айтур: Майли, на қилса қилсин, қайга хоҳласа борсин. Айтдилар: Энди у қизлар ёнига бормоқ истар. Қозон: Қизлар ёнига ҳам борсин, деди. Байракка буни елказдилар. Байрак қалқди, қизлар ёнига борди. Сурнайчиларни қувди, кимини урди, кимининг бошини ёрди, кимини йиқди, кимини сўқди ва хотинлар ўтирган ўтовга келди, ичига кирди, ўтирди. Буни қўриб, Қозон бекнинг хотини бўйни узун Бурла Хотун аччиқланди. Ҳой аҳмоқ ўғли, санга ким қўйибди бетакаллуф манинг устимга келишни, деди. Байрак: Хоним, манга Қозон бекдан бўйруқ бўлди, мани кимса қайтаролмас, деди. Бурла Хотун айтур: Хўп, дали ўзан, мақсудинг надир?

Ўзан: Хоним, мақсадим ўлдирким, эрга тегаётган қиз ўйнасин, ман қўбиз чаларман, деди. Қисирча янга айтдилар: Қисирча янга, тур, сан ўйна, сани билмайди - ку дали ўзан, дедилар. Қисирча янга турди: Ҳой, ўзан, дали ўзан, эрга чиқажак қиз мандирман, чал қўбизингни, ўйнайин, деди ва ўйнамоққа бошлади. Байрак бунинг Қисирча янга эканини биларди. Байрак қўбиз чалди, сўйлади. Кўрайлик Хоним, на сўйлар экан: Онт ичмишам, қисир қирчангига миндигим йўқ. Минибон ман ғазавотга бордигим йўқ. Хўқиз изидаги сарбонлар санга боқар, Сани кўзлар, қайси дарага кетди, дея Изинг излар, қайси ёндан келар, дея боқар. Кўзларининг ёши равон оқар, Сан уларнинг ёнига боргил. Муродингни улар берар санга, билгил. Санинг ила манинг ишим йўқ.

Эрга бораётган қиз жойидан турсин, қул солибон ўйин кўрсатсин, ман қўбиз чаламан, деди. Қисирча янга айтур: Вой - вой, завоқ келажак мани бу дали ўзан кўргандай сўйлар, деди. Завоқ бошига тегиб, жойига ўтирди. Улуғ хонларнинг хотинлари юзини яшмоқларига бекигиб, қаҳ - қаҳ қулдилар. Шундан сўнг Бўғозча Фотма деган бир хотинга айтдилар, қиз қалқ сан ўйна, дедилар. Ҳай, шу дали ўзан шояд манга ёмон сўзлар сўйламаса, деди у. Унга келиннинг қафтанини кийдирдилар, чал, дали ўзан, эрга бораётган манман, деди, ўйнайман, деди. Дали ўзан айтур: Онт ичайин, бу кез бўғоз қизларга миндигим йўқ. Минибон ғазавотга бордигим йўқ. Ҳой, ман сани хўп танирман. Уйингиз ортида дара бор эдими? Итингизнинг оти Боражук эмасми? Санинг отинг қирқга ўйнашли. Бўғозча Фотмажик эмасми? Бориб ўрнингга ўтир, ўйнамагил, Йўқса, яна айбинг очарман, билгил, деди. Санинг ила манинг ўйиним йўқ. Эрга борадиган қиз ўрнидан турсин. Ман қўбиз чаламан, қул солиб ўйнасин, санга эса айтадиган сўзим йўқ, деди. Бўғозча Фотима айтур: Вой - вой бўғмалар чиқар дали ўзан, Келиб тоғли суҳбапимиз бузган. Шунча айбимизни бошимизга солган. Эл ичинда юзимизни қизартган деб, турган жойига бориб ўтирди. Сўнгра келинга айтур: тур, қиз, санинг учун бизга налар бўлди. Дўстлару душманлар ҳаммаси қулди, бориб ўйнасанг ўйна, ўинамасанг жаҳаннамга қайна, деди. Бону Чечак, ажаб, манга на дер экан бу ўзан, деб ўйлади. На фикрга бординг, Байрақдан сўнг бошингга бу ишлар тушажагин билармидинг, дедилар унга. Узун бўйли Бурла Хотун айтур: Қиз, қани, ўйна, қўлингдан на келур, деди. Қалқди, бону Чечак қирмизи қафтанини кийди, қўларини енгига яширди, кўзикмасин дея. Ўйинга кирди, айтди: Ҳой, дали ўзан, чал энди, эрга боражак қиз мандирман, ўйнайин, деди. Байрак айтур: Хон қизи сансан, бали, Ман бу ердан кетган дали, Даллим, оқ қорлар ёғмиш, тизга етмиш, Хон қизининг уйинда Қул қорабош ястанмиш. Хон қизи совуқда сувга бормиш, Билагадаги ўн бармоғин совуқ урмиш. Қизил олтин келпиринг, Хон қизига бармоқ йўнайин. Оқ кумуш келпиринг, Хон қизига тирноқ ясайин — Бу ҳолда хон қизи эрга тегса айб бўлур, деди. Буни эшитган бону Чечак қизишди, айтур: Ҳей дали ўзан, манинг нима айбим борки, манга айб қўйсан, деди. Ҳей кумуш каби оқ билагин очди, қўлин чиқарди. Байрақнинг кийдирган олтин узуги бармоғида кўринди. Байрак узукни қўриб таниди ва бир сўз айтмиш, кўрайлик Хоним, на дер экан, Байрак айтур: Ҳой, Хон қизи Байрак кетгандан бери Тик тепанинг бошига чиқдингми ҳеч? Карманиб тўрт ёнингга боқдингми, қиз? Қарға каби қора сочинг юлдингми, қиз? Қора кўздан аччиқ ёшинг тўқдингми, қиз? Тирноқ уриб, куз олмаси каби ол ёноғинг йиртдингми, қиз? Келгандан, кетгандан Байрақни сўрдингми, қиз? Севдигим Бомси Байрак дея йиғладингми, қиз? Модомики, эрга тегар экансан Бармоғингдаги узукни бер, маникидир, қиз, деди. Қиз айтур: Байрак кетгандан буён Тик тепага кўп чиққанман кўп. Қарға каби қора сочим юлганман кўп. Келгану кетгандан Байрақни сўрадим хўп. Қора кўздан аччиқ ёшим оқиздим кўп. Кетди келмас бек йигитим Севишдигим Бомси Байрак дея йиғлаганман кўп. Севишдигим Бомси Байрак гар сан бўлсанг, Олтин узук ҳам санники. Олтин узукнинг кўп нишонлари бор, Ўша нишонларин сўйла. Байрак айтур: Эрта тонгда хон қизи еримдан

турмадимми? Бўз айғиринг белига минмадимми? Ўтовингнинг олдида бир кийик йиқмадимми? Сан мани ёнинга чақирмадингми? Санинг-ла майдонда чопишмадикми? Санинг отинг дан олим узмадимми? Ўқ отганда санинг ўқингни маники урмадимми? Курашганда ман сани босмадимми? Уч ўпиб, бир тишлаб манн Олтин узукни бармоғинга тақмадимми? деди. Шундай дегач, қиз билдиким, бу Байрақдир. Жуббаст жиҳози ила хон Байрақнинг оёғига йиқилди. Байрақ эканин хотинлар ҳам англаб, бир-бир бека суянчиламоққа кетишди. Доялар Байрақнинг елкасига қафтан ташладилар. Дарров бон Чечак отга минди. Байрақнинг отасига, онасига хабар етказмоққа кетди. Қиз бориб, қайнотаси ва қайнонасига бир сўз айтмиш: Нураб-нураб қора тоғинг йиқилганди, Энди юксалди.

Қони қонли сувларинг ҳам қуриганди, Энди тошди-ку. Шаҳбоз отинг қариб қолган эди, энди Қизил-қизил туяларинг қариганди. Кўп бўғро туғди. Оғилдаги оқ қўйларинг қариганди. Қўзи берди. Ўн олти йиллик хасратинг Байрақ келди ахир. Қайнота, қайнона суянчимга на берарсиз, деди. Хон Байрақнинг отаси, онаси айтурлар: Тилинг учун ўлайин, келинчигим. Йўлингга қурбон бўлайин, келинчигим. Ёлғончи бўлса бу сўзларинг, тўғри бўлсин, келинчигим, Тўғри бўлиб, Байрақ соғ-омон келса Қарши ётган қора тоғ пар санга яйлов бўлсин, келинчигим. Совуқ - совуқ сувлар, санга ичит бўлсин, келинчигим. Кўпим, халойиғим санга қул бўлсин, келинчигим. Шаҳбоз отларимни сан мингил, келинчигим. Қатор-қатор туяларимга юкинг юклат бўлсин, келинчигим. Оғилдаги оқча қўй пар санга бўлсин, келинчигим. Олтин ақчам санга харжлик бўлсин, келинчигим. Тунлик олтин бон уйим санга қўлка бўлсин, келинчигим. Қора бошим қурбон бўлсин санга келинчигим, деди. Бу янгиликни эшитган беклар Байрақнинг атрофида йиғноқ бўлдилар. Беклар ва хонлар бир бўлиб, Байрақни отасининг ёнига олиб келишди. Қозон бек айтур: Суянчи бер, Бой Бўра бек ўғлинг келди, деди. Бой Бўра бекнинг ўғли кетгандан сўнг йиғлай-йиғлай қўзлари қўрмас бўлган эди.

Бой Бўра бек айтур: Ўғлим Байрақ эканини билмоғим учун у ўзининг жимжилоғини қонатсин, қонини дастрўмолга тўксин, ман кўзимга суртайин, агар кўзим очилса, бу одам ўғлим Байрақдир, деди. Байрақ бармоғини кесди. Дастрўмол кўзига теккач, тангри амри ила, отасининг қўзлари очилди. Отаси, онаси зор йиғлашиб ўзини Байрақнинг оёғига ташладилар. Онаси айтур: Ўғил, тунлик олтин ўтовимнинг қабзаси ўғил. Ўғил, сан кетдинг у олтин уйга мотам кирди. Қорга менгзар келинимнинг давлати ўғил. Қорга менгзар келинчигим оқ чиқариб, қора кийди. Кўрар қўзларимнинг ойдини ўғил. Тутар белимизнинг қуввати ўғил, Буюк Ўғуз суянчили, жоним ўғил, дебон кўп йиғлашдилар, қодир мухторга шукрлар айладилар. Огдан, туядан, қўйдан, ситирдан қурбонлик этиб, неча қора - бош қуларни озод қилдилар. Ёлғончи ўғли Ёлтожиқ буни эшитди, Байрақдан кўркиб қочди, ўзини Тоносоз қамишзорига урди. Байрақ изидан тушди, қува-кува бир бурчакка тикди. Байрақ айтур: Ўт келтиринг. Келтирдилар. Қамишзорга ўт қўйишди. Ёлғончи ўғли Ёлтожиқ кўрдиким, чикмаса, ёниб қул бўлажак қамишзордан чиқди, Байрақнинг оёғига йиқилди. Қиличи қўлидан тушди, Байрақ унинг гуноҳидан кечди. Қозон бек: Байрақ кел энди муродинга эриш, деди.

Байрақ айтур: Хоним Қозон, йўлдошларимни қутқармагунимча, ғажо қалъасини олмагунча муродимга етмасман. Қозон бек Ўғузга қараб бир қарра хайқирди. Байрақ шарафига мани севган йиғитлар отига минсин, деди. Буюк Ўғуз беклари отландилар. Бойбурт қалъасига томон «қардошим!» дея от йўрттирдилар. Ғайридиннинг жосуслари бор эди, хабар етказишди. Улар ҳам аскарини жам этиб, қарши чиқдилар. Отларига суворий бўлиб, қиндан қилич суғуриб, тақбир айтиб ғажога от солдилар. Гумбур-гумбур доиралар чалиниб, бурмаси олтин тунж ногоралар янгради; юраги борлар ўзини кўрсатди; муханнаслар четга чиқишди; бек навқаридан, навқар бегидан айрилди. Бир қиёмат саваш бўлди, майдон тўла бош бўлди. Байрақ Яганак Қозон бек Қора Будок, Дали Дундор, Қозон ўғли Ўроз бек ва қолган беклар жам бўлиб, хон Қозон ёнида қалъага ҳужум этдилар.

Байрақ ўтпиз тўққиз йиғитининг ёнига етиб келди, Уларни соғ ва эсон кўрди. Тақдирга шукр айлади. Қушнинг ола қонини, ипакнинг аслини, қизнинг гўзалини ва бир жуббани хонлар хони Бойинтурга садақа қилдилар. Шўқли Маликнинг қизига Байрақ ваъда берганди, уни олди, қайтиб келди, оқ бон уйига, оқ ўтовига кирди. Бой Бўра бекнинг ўғли Бой Биқон бекнинг қизига ўйланди, тўй бошланди. Қирқ йиғитнинг бир қисмига Қозон бек бир қисмига Бойинтур хон қиз атади. Байрақ ҳам ўзининг етти қиз қариндошини етти йиғитга берди. Қирқ ерда ўтов тикди. Ўтпиз тўққиз йиғитнинг толеига ўқ отди. Ўтпиз тўққиз йиғит бўлажак хотинини билиш учун ўқни излаб кетди. Қирқ кун, қирқ кеча тўй этдилар. Байрақ йиғитлари ила мурод берди, мурод олди.

Кўркут Ота келди, қўбиз чалди, хурсандчилик қилди. Қўшиқ айтди, сўз сўйлади. Ғожи биродарлари бошига не келажagini сўйлади. Бу Ўғузнома Байраққа бағишлансин, деди. На деди: Қани, ул ман мактанган бек ёронлар, дунё маники деганлар? Ажап олди, ер тизлади. Фоний дунё кимга қолди? Келимли, кетимли дунё. Сўнгги учи

ўлимли дунё бу. Қут тилайин, Хоним, қора тоғларинг йиқилмасин, қўлкаси кенг оғочинг кесилмасин. Оқ соқолли отанг ери юксак бўлсин. Оппоқ сочили онанг ери беҳишт бўлсин. Ўғил ила қариндошдан айирмасин. Охирида пок имондан айирмасин. Имон-имон деганлар дийдор кўришсин. Йиғишпирсин, туришпирсин, гуноҳларингизни оти кўркли муҳаммад шарафига эгамнинг ўзи кечирсин, Хоним-эй.

Тўртинчи қисса: Қозон бек ўғли Ўроз бекнинг тутқун бўлгани

Бир кун Улош ўғли- эранларнинг арслони, пагдор қушнинг жужуғи, мискинларнинг умиди, етим йиғит таянчи, буюк Ўғуз подшоҳи, Қон Абхазнинг ҳукмдори, қўнғир отнинг эгаси, Қора Қўнанинг қардоши, Қора Булоқнинг тоғаси, хон Ўрознинг отаси ўрнидан турди. Қора ернинг юзига ўтовларин тиктирди. Минг жойга ипак гиламларини тўшатди. Ола соябони кўк юзини қоплади.

Тўқсон туман ганж ўғуз Қозоннинг суҳбатига йиғилди. Оғзи катта шароб солинган хумлар ўртага қўйилди. Тўққиз жойга Қозон қурилди. Олтин қадахлар тизилди. Тўққиз қора кўзли, хўп сувратли, ўрма сочили қўллари билагидан хиноли, бармоқлари нигорли, бўйинлари бир қарич ғажор қизлари олтин аёқларга шароб солиб, Ўғуз бекларига узатардилар. Ҳар бирининг қўлидан Улош ўғли Салор Қозон шароб ичар эди. Олтин-ла безатилган чодирлар, ўтовлар, либослар ҳадя этарди; қора кўзли қора қўл, қорабош совға этарди; қатор-қатор туялар бағишларди. Ўғли Ўроз қаршисида ёйга суяниб турар эди. Ўнгёнида Қозоннинг қардоши Қора Қўна ўтирарди. Сўл ёнига бокди, кўп севинди. Қаршисида бокди, ўғли Ўрозни кўрди, чапак чалди, йиғлади. Қозон ўғли Ўрозга бу хуш келмади, ғазабланди. Отасига яқинлашиб, тиз чўкди, сўз сўйлади, кўрайлик-чи, Хоним, на сўйлар экан. Ўроз айтур: Уним англа маним, сўзим тингла, отам Қозон Ўнг ёнингга бокдинг, қаҳ-қаҳ кўлдинг. Сўл ёнингга бокдинг, хўп севиндинг. Қаршинга бокдиб, мен Ўрозни кўрдинг, йиғладинг. Сабаб надири, айтгил манга Қора бошим қурбон бўлсин, отам, санга, деди. Айтмас бўлсанг Қалқибон ўрнимдан турарман Қора кўзли йиғитларим бўйнига олтурман Қои Абхаз элига май иетарман, Йиғладинг на сабаб, айтгил манга Қора бошим қурбон бўлсин ота, санга, деди.

Қозон бек йиғлади, ўғлининг юзига бокди. Фарёд қилиб сўйлар, кўрайлик-чи, Хоним, на сўйлар экан. Қозон айтур: Бери келгил, қулуним ўғил, Ўнгга боқиб қардошим Қора Қўнани кўрдим, Бош кесибдур, қон тўкибдур, от қозонибдур. Сўл ёнга боқиб дойим Орузни кўрдим, Бош кесибдур, қон тўкибдур, от қозонибдур. Қаршимга бокдим, сени кўрдим. Йиғлаганимга сабаб, отам ўлиб, май қолдим. Ёрин юртин май тутдим. Бир қуни ман ҳам ўлама, сан қолсан. Ўн олти ёшни ёшладинг. Ёй тортмадинг, ўқ отмадинг, бош кесмадинг.

Қон тўқмадинг, Буюк Ўғуз ичинда мукофот олмадинг. Агар қуни ботиб, ман ўлиб сан қолсанг манинг тожу тахтимни санга бермаслар деб, сўнгимни ўйлаб йиғлайман, ўғил, деди. Ўроз сўйлади, кўрайлик-чи, Хоним, на сўйлар экан: А, бек ота, туяча фаҳминг, бўзқоча ақлинг йўқ. Бу хунарларни ўғил отадан ўрганадими ёки ота ўғилдан ўрганадими? Қачон сан мани олиб ғажор сарҳадига чиқардинг, ёнимда қилич чалдинг? Ман сандан на кўрдим, на ўргандим, деди. Қозон бек чапак чалиб, қаҳ-қаҳ кўлди, айтур: А, беклар: Ўроз хўп сўйлайди, шакар айтди. Беклар, сиз енг, ичинг, суҳбатингизни доғитманг, ман бу ўғлонни олайин, овга кетайин, етти кунлик озук ила чиқайин, ўқ отган, найза санчган жойларимни кўрсатайин; қилич сермаб, бош кесган ерларимни кўрсатайин. Душман сарҳадига, Чизикларга, Йиғлаганга, Кўкча тоққа олибон чиқай, пайт келиб, ўғлонга керак бўлур, а, беклар, деди.

Қўнғир отни олиб келдилар, тез минди. Қимматбаҳо тун кийган уч юзта йиғитни ёнига олди. Қирқта ола кўз йиғитни Ўроз ёнига олди. Шундай қилиб, Қозон ўғли билан Қора тоғлар кўксига овга чиқди. Ов овлади, қуш қушлади, кийик йиқди. Кўк олон, кўркли чаманга чодир тикди. Бир кун беклар билан еди, ичди. Боши очик Тотян қалъасидан, Оксоқа қалъасидан ғажорнинг бир жосуси бор эди. Ўрозларни кўриб, ҳукмдори олдига келди. Айтур: Хай, на ўтирурсан? Ипингни увлатмаган, мушугингни мовлатмаган алоқар сардори Қозон ўғли билан сархуш бўлиб ётурлар, деди.

Ўн олти минг қора тўнли душман отга минди. Қозоннинг ёнига тезда етди. Ўғузлар бокдилар, кўрдиларки, олти жойдан чанг кўтарилди, биров кийик кўтарган чанг деди, биров ёғий отлари келятпти, деди.

Қозон айтур: Кийик кўтарган чанг бўлса, икки жойдан кутариларди, бу келаётган ёғийдир, деди. Чанг тарқади. Қуёш каби порлади, денгиз каби чайқалди, ўрмон каби қорайди. Ўн олти минг ип ўзангилли, бурк кийган, Қизғин тилли ёғий Қозоннинг ўнгига чиқа келди. Қозон қўнғир отига минди. Ўғли Ўроз ҳам бадавлат отининг жоловини тортиб, ўйнатди, отасининг ёнига келди, айтур: Бери келгил, отам Қозон, Денгиз каби қорайиб келган надири? Ўт каби ловуллаб, юлдуздай порлаб келган надири? Оғиз тилдан беш қалима айтгил манга. Қора бошим қурбон бўлсин отам, санга, деди. Қозон айтур: Бери келгил, арслоним ўғил, Қора денгиз каби қорайиб

келган ғаюрнинг лашкаридир. Куёшдай чарақлаган ғаюрнинг бошидаги дубулғадир. Юлдуз каби порлаётган ёғийнинг найзасидир, ўғлим, деди. Ўғлон айтур: Ёғий деб кимга айтурлар? Қозон айтур: Ўғил, шунинг учун ёғий дерларки, биз уларга етсак-ўлдирурмиз, улар бизга етса-бизни ўлдирурлар, деди.

Ўроз айтур: Ота, агар бек йигитни ўлдирса, эвазига қон сўрарларми, ўч оларларми, деди. Қозон айтур: Ўғил, минг ғаюрни ўлдирсанг ҳам, кимса сандан қон даъво этмас. Улар озгин динлидир. Хўб жойда дуч келди, фақат сан манга тушов бўлганинг ёмон бўлди, ўғил, деди. Шундай дега, Ўроз сўйламиш, қўрайлик-чи, Хоним, на дер экан, айтур: Бери келгил, отам Қозон. Ерга оёқ қўйгандан бери Бадавий отимни шу кун учун асрадим, Кун ҳам келди. Оқ майдонда от ўйнатай, санинг учун Ола илон, ўткир найзамни асрар эдим бу кун учун. Кун ҳам келди. Кенг кўкракда ўйнатайин санинг учун, Қора пўлат ўз қиличим асрагандим бу кун учун, Куни келди. У душманнинг бошин кесайин ман санинг учун. Темир совутимни асрар эдим бу кун учун. Куни келди. Енг, ёқалар тикдирайин санинг учун, Бошимда дубулғани асрар эдим бу кун учун, Куни келди. Катта чўқмор ўйнатайин санинг учун, Қирқ йигитим асрар эдим бу кун учун. Куни келди. Ёғий бошин кесдирайин санинг учун, Арслон отим асрар эдим бу кун учун. Ёқа тутиб ёғий ила муштлашайин санинг учун. Оғиз, дилдан бирор бир гап айтгил манга. Қора бошим қурбон бўлсин отам, санга. Қозон ҳам сўйламиш, қўрайлик-чи, Хоним, на сўйлар Қозон айтур:

Ўғил, ўғил, ой ўғил, Товшим англа, сўзим тингла. Ғаюрнинг уч ўқ билан учта урар ўқчиси бордир, «Хей» демасдан бошим кесар жаллоди бордир, Одам этин яхна қилган ошпази бордир. Не бўлса ҳам, ғаюр ахир. Қалқибон ўрнимдан турайин ман. Кўнғир отнинг белига минайин ман.

Келган ғаюр меники, ман борайин. Қора пўлат ўз қиличим ман чалайин. Озгин димли ғаюрдир, бошларини кесайин. Дўна-дўна тортишайин, бўғишайин. Қора бошинга тулса, керак бўлур. деди. Ўроз сўйламиш, қўрайлик-чи, Хон. А, бек ота, эшигарман, на дерсан. Арофатда эркак қўзини сўярлар қурбон учун. Ота ўғил тарбиялар ном учун. Ўғил қилич тақар ота номуси учун. Маним-да бошим қурбон бўлсин санинг учун. Қозон сўйламиш, қўрайлик-чи, Хоним, на сўйламиш, Қозон айтур: Ўғил, ўғил, ой ўғил. Ёғийга кириб бош кесмадинг, Одам ўлдириб, қон тўкмадинг - Ола қўзли қирқ йигитнинг ёнинга ол, Кўкси гўзал баланд тоғлар бошига чиқ, Маним савашганим, манинг бўғишганим. Маним қиличлашганим пистирмада. Кўргил, ўргангил ва тур, деди.

Ўроз отасининг сўзин синдирмади, ортига қайтди. Юксак тоғлар бошига йўлдошларини олиб чиқди. Ул замонда ўғиллар отага қарши бормас эди. Ўғил ота сўзини икки этмас эди, агар икки этса, ўғилдан рози бўлмас эдилар. Ўроз бек кенг ёқадан ногоралар чалиб, найзасин ерга санчиб қўйди.

Қозон бек ғаюр сафи боғланганини кўрди ва отдан ерга тушди, оқар сувдан обдаст олди. Сўнгра бошқа динли ғаюрга кўз қаратди, хайқирди, от солди, қарши борди, қилич солди, гумбур-гумбур ногора чалинди, бурмаси олтин тунж ногоралар янгради. Ул кун азамат бек эранлар дўна-дўна савашди. Ул кун қора пўлат қиличлар чалинди. Ул кун қайрилма уч, қойим ўқлар отилди. Ола аждар ўткир найзалар санчилди. Ул кун номардлар, муханнаслар сафо ерни кўзлади. Ул кун Қозон ўғли Ўрознинг жангга боқа-боқа рашки келди, айтур: Бери келинг, қирқ йўлдошим, қирқингизга қурбон бўлсин манинг бошим. Кўрурмисиз, отам Қозон «қон тўкмоқ боланинг ош еганича келмас манга», деди. Отам ёғийларни эсанкирагани каби, мани севган йигитларим, на турибсиз, биз ҳам ёғийнинг бир қанотини кесайлик деди. Бадавий отин ўйнатиб, Ўроз ғаюрнинг ўнг ёнига ўзини урди. Ўнгни чапга, чапни ўнгга аралаштириб, ғаюрни доғитди. Қора рознинг изига лочин тушди, ғаюрнинг думини босди, доғитди.

Озгин динли ғаюр ўзига келди, ўқ отди, қочаётган кимсалар ўғлоннинг бадавий отига ўқ ёғдирдилар, ўғлон от чилвирини торгмади, кўзларига қон қуюлди, от йиқилди, ғаюрлар Ўрознинг устига келишди. Ўрознинг қирқ йигити отдан тушди, ола қалқон боғини калта боғлаб, қиндан қилич суғурдилар. Қозон ўғли Ўрознинг устида кўп савашдилар. Кўркув ёмон, теран сувда чўқарлар, пиёда аскарнинг умиди бўлмас, пиёданнинг толеси йўқ ғаюр Ўрознинг атрофида гир айланиб, қирқ йигитни шаҳид этди.

Кейин Ўрозни забун этиб, асир этдилар, оқ қўлларини боғладилар; жун арқонни оқ бўйнига илдилар, вужудини ип билан чирмадилар, оқ этидан қон чиқсунча тугдилар; ота дея йиғлагдилар, она дея бўзлатдилар; қўли боғлиқ бўйни боғлиқ Ўрозни ғаюрлар олдига солиб, йўлга тушдилар. Ўроз асир тушди. Қозоннинг бу ишлардан хабари йўқ. Бирпасдан сўнг ёғий босилди. Қозон отнинг жиловини тортиб, изига қайтди. Ўғлини қолдирган жойда кўрмади, Ай, беклар, ўғлон қаёққа кетди, деб сўради.

Беклар: Ўғлон қуш юракли экан, қочиб онаси ёнига кетмишдур, дедилар. Қозон қорайди, бўзарди, айтур:

Беклар, тангри бизга бир кўр ўғил бермиш, борайин, уни онаси ёнидан олайин, қилич-ла поралайин, олти бўлак этайин. Олти йўлининг айрисида қўяйин. Токи бошқа бирор кимса йўлдошини чўлда ташлаб кетмасин, деди. Қозон кўнғир отин уқчалади, ғазаб ила йўлга тушди, уйига келди. Хон қизи бўйи узун Бурла Хотун Қозоннинг келганини эшитди. Отдан айғир, туядан-бўғро, қўйдан-кучкор сўйдирди. Ўғлонининг илк овидир, буюк Ўғуз бекларига бир тўй берайин, деди.

Хон қизи кўрдик, Қозон келур, хапприқиб ўрнидан турди, сомур жуббасини эғнига солди, Қозонга қарши келди. Қабоқ очиб, Қозоннинг юзига тўғри бокди. Ўнгу сўлига каради, ўғлони Ўрозни кўрмади. Қора бағри сарсилди, дим юраги ўйнади, қора қийма кўзларига қонли ёш тўлди. Бурла Хотун Қозонга сўйламиш, кўрайлик-чи, Хоним, на сўйламиш; Хоним Қозон Бери келтил, Солур беги, Солур кўрки Бошим бахти, уйим тахти Хон отамнинг куёви Хотун онамнинг суюмлисиди Отам, онам бергани Кўзим очиб кўрганим Кўнғил бериб севганим Бек йигитим Қозон Қалқибон жойингдан турдинг Ўғлон ила қораёлли Қозилик отга миндинг. Кўкси гўзал юксак тоққа овга чиқдинг, Бўйни узун бадавий кийикларни отдинг, Этларини отга юклаб, қайтиб келдинг Икков кетиб, бир қайтарсан, жужук қани? Манинг бубагим кўринмас, бағрим ёнур, Ёки баланд қоядан уни учирдингми. Топе созинг арслонига едирдингми? Қора динли ғаюрга ўғирлатдингми? Ғаюрлар ёнида пиёда юритдингми? Тили, томони қуриб, тўрт ёнга қаратдингми? Қора кўздан аччиқ ёшин тўқдирдингми? Хотун она, бек ота, деб бўзлатдингми? деди. Яна айтур: Ўғил, ўғил, эй ўғил, Қарши ётган қора тоғим юксаги ўғил. Қора кўзларимнинг оидини ўғил. Сом еллари эсмади, қулоғим жанглар, Саримсоқ ўтин емадим. Қозон, ичим қуяр, Сариқ илон кўрмадим, оқ вужудим дириллар, Қуриётган кўксимда супим ўйнар, Ёлғиз ўғлим кўринмас, бағрим ёнар. Ёлғиз ўғил хабарин, а, Қозон, бергил манга. Айтмас бўлсанг ёниб қарғарман, Қозон, санга, деди. Шундан сўнг яна сўйлади, айтур: Қамиш ва найза ўйнапганлар борди, келди. Олтин найза ўйнапганга, ёраб, на бўлди? Қора отга минганлар борди, келди. Бадавий отли ўғилга, ёраб, на бўлди? Навқар келди, ноиб келди, Ёлғиз ўғлимга, ёраб, на бўлди Ёлғиз ўғлим хабарин, Қозон, етказ манга

Айтмас бўлсанг, ёниб қуйиб қарғарман санга, деди. Бир оздан сўнг яна сўйламиш: Қуруқ-қуруқ жойларга сув чиқардим, Қора тунли дарвишларга назир бердим, Ёнимга олган қўшнимни ман яхши бокдим, Манга қасд этганларга ош едирдим. Оч кўрсам тўйдирдим, яланғоч кўрсам, кийдирдим, Тилак билан бир ўғилни тилаб олдим, Ёлғиз ўғил хабарик, Қозон, бергил манга, Демас бўлсанг ёна, қуя қарғарман санга, деди. Яна бир сўз сўйламиш:

Қарши ётган қора тоғдан Бир ўғил учирган эсанг, айттил манга. Теша билан йиқдирайин. Агар оққан югуруқ сувдан Бир ўғил оқизган эсанг, айттил манга, Томирларин қуритайин. Озгин динли ғаюрларга Бир ўғил тутдирган бўлсанг, айттил, Хон отамнинг ёнига ман борайин, Улкан лашқар, кўп хазина олайин, Озгин динли ғаюрга ман борайин, Яраланиб қозилик отидан йиқилмагунча, Парчаланиб ер юзига тушмагунча, Ёлғиз ўғил хабарин олмагунча, Ғаюр йўлларидан ман қайтмайин, деди. Яна сўйламиш: Ёки, Қозон, оёғимдан бошмоғим отайинми, Қора тўпроқни оқ юзимга чаглайинми, Кўз олмасидай оқ ёноғим тирнайинми, Юзларимга ол қонимни суртайинми, Оғир мусибат ўрданга ман солайинми, Ўғил, ўғил дебон тинмай бўзлайинми? Етақдаги қизил туя бундан ўтди, Бўталоғи бўзлаб-бўзлаб бундан ўтди, Бўталоғим олдирмишам, бўзлайинми? Қорабайир қозилик от бундан кечди,

Кулунчиғи кишнай-кишнайд бундан кечди, Кулунимни олдирмишам, кишнайинми? Оқ оғилдан оқча қўй нам бундан ўтди, Қўзичоғи манграй-манграй бундан ўтди. Қўзичоғим олдирмишам, манграйинми, Ўғил, ўғил дея бўзлайинми? деди. Яна бир бор сўйламиш: Қалқибон ўрнимдаи тураман дер эдим, Қора ёлли қозилик отига минаман дер эдим, Буюк Ўғуз ичига қираман дер эдим, Ола кўзли келин оламан дер эдим. Қора ерда оқ ўтовлар тикаман дер эдим Ўғилни катта чодирга кўчираман дер эдим Муродга, мақсадга етаман дер эдим, Муродимга етказмадинг мани, Қора бошим қарғиши тутсин, Қозон, сани Нима қилдинг, айттил манга, Айтмас бўлсанг ёна қуя қарғарман Қозон, сани, деди. Ўғлоннинг онаси шундай дегач, Қозоннинг ақли бошидан учди, қора бағри сарсилди, дим юраги ўйнади, қоронғи кўзларига қонли ёш тўлди, айтур: Кўрклим, ўғил келса, сандан сўрармидим, кўркма, қайғурма, овдадир, овда қолган ўғил учун қайғурмагил. Етти кун Қозонга муҳлат бергил, ерда бўлса ўғилни чиқарайин, кўқда бўлса, туширайин. Бўлса бўлди, бўлмаса йўқ эгам берди, эгам олди, найлайин, келиб сан билан қора мотам тутайин, деди. Хон қизи айтур: Қозон, ўғил овда эканин ман шундан билай-ки, ҳозир ҳорғин отинг ила кемтилган найзани олиб, ортинга қайтасан, деди.

Қозон ортига қайтди, келган йўлидан қайтиб йўртди. Оқшом тушди, жанг чилган жойига етиб келди. «Онаси билмасин, тўқсон туман ганж Ўғуз изимдан етиб борсин, ўғлон асирга тушган, беклар билсин», деб яширин буйруқ берди. У жанг майдонига келганда ёғий йўқ эди. У жасадлар

ичида кезар экан, ўғлининг ола кўзли қирқ йигитини кўрди, ўғлоннинг ўқ теккан бадавий отини кўрди. Жасадлар орасида ўғлининг бошини топмади. Олтин соғли қамчисини топди, аниқ билдики, ўғли душманга асир тушган, йиғлади: Қора тоғим юксаги ўғил, Қонли сувим тошқини ўғил,

Интизор пайтимда йўқотганим ўғил, деди, бўзлади. Ғаюрнинг изин излади. Қозили Қора Дарбандда ғаюр кўнган эди. Ўғлонга қора жанда кийдиришган эди. Эшик бўсағасига уни боғлаб қўйишган эдилар. Қирган босар, чиққан босар эди. «Эски душман ўғли тушган экан, жазолаб ўлдирайлик», деб бўсаға устига қўйган эдиларки, шу маҳалда кўнғир отин ўйнатиб хон Қозон келди. Ғаюрлар Қозоннинг келганин кўрди, хурқди. Бирови отига минди, бирови қиличин тақди, бирови совут кийди. У роз бошини кўтарди, айтур: Хой, ғаюрлар, нима бўлди? Ғаюр айтур: Отанг келди, тутамиз уни. Ўғлон айтур: Омон, хой, ғаюрлар, омон, Хан, бирлигига йўқдир гумон. Ғаюрлар ўғлонга омон беришди, кўлин ечдилар, кўзин очдилар. Ўғлон отасига қарши келди, Ўроз сўйлади, кўрайлик-чи, Хоним, на сўйлар экан. Айтур: Бери келгил Хоним отам, жоним отам, Қайдан билдинг манинг тутқун бўлганимни? Оқ қўлларим оркамга боғланганин. Қил арқоннинг бўйнимга чирмашганин. Қора кўзли йигитларим қирилганми? Сен келмасдан ёғийлар сўйлашдилар, Кўнғир отли Қозонни тутинг, деди. Оқ қўлларин арқон ила боғланг, деди Унинг ғофил, кўркли бошин кесинг, деди. Ол қонини ер юзига тўкинг, деди. Ўғли ила иккисин бир ерда ўлдилинг, Уруғини қуритинг, деб сўйлашдилар. Хоним ота, Кўркаман, учқур отинг мункитарсан,

Савашганда ўзингни ушлатарсан. Ғофилларча гўзал бошинг кесдирарсан, Оқ соч онам токи мени ўғил деркан, Бошим бахти, уйим тахти Қозон бек деб йиғламасин, Қайтибон отажоним, уйга кетгил, Олтин бон уйингга етиб боргил. Қариган онамга сан умид бўлгил, Қора кўзли қиз қардошим йиғлатмагил. Он юзли онамни сан бўзлатмагил, Ўғил учун ота ўлмак айб бўлур,

Ярапган ҳақи, Отажоним ортинга қайт, уйга боргил, Қари она агар санга қарши келса, Кўрдим, санинг ўғлинг тутқун, дегил Оқ қўллари боғлиқ дегил Қора қилдан чилвир боғлиқ бўйнига, де Қора тўнғиз доминда ётар, дегил Жундан жанда вужудини сирар, дегил Оғир занжир тўпигини сикар, дегил. Маним онам манинг учун қайғурмасин, Бир ой боқсин, Бир ойда бормасам, икки ой боқсин Икки ойда бормасам, уч ой боқсин, Уч ойда бормасам, ўлди дейверсин. Айғир отимни сўйдириб, ош берсин, Манга аталган чодирга мотам кирсин.

Онам ман учун кўк кийиб, қора ёпинсии, Буюк Ўғуз элинда манинг ёшим тутсин. Манинг бошим санинг йўлингда қурбон бўлсин. Ортга қайт, ота, деди. Ўғлон яна сўйламиш, кўрайлик-чи, Хоним, на сўйламиш, айтур: Қарши ётган қора тоғлар Эсон бўлса, яйловга чиқар. Қонли-қонли сувлар Эсон бўлса қондай тошар. Эсон бўлса, қулун тугар. Қизил туя эсон бўлса, Тўрум туғар. Оғилдаги оқча қўй Эсон бўлса, кўзи берур. Бек эранлар хон бўлса Ўғли бўлар. Сан эсон бўл, онам эсон бўлсин. Мандан яхшироқ ўғил берар сизга эгам Оқ сутини онам манга ҳалол десин. Савашмагил, қайтиб кетгил орта, ота, деди. Хон Қозон ҳам сўйламиш, кўрайлик-чи, Хоним, на сўйлар экан, Айтур:

Ўғил, Ўғил, ой ўғил, бегим ўғил, Қарши ётган қора тоғим юксаги ўғил. Кучли белим қуввати жоним ўғил, Қоронғи кўзларим ойдини ўғил, Тонг маҳали ўрнимдан турдим санинг учун, Кўнғир отим йўрттирмишам санинг учун, Менинг бошим қурбон бўлсин, жоним ўғил, санинг учун. Сан кетгали бери Йиғи осмонда эди, ерга тушди, Гумбур-гумбур ноғоралар чалинмади, Буюк улус мажлисга ҳеч йиғилмади. Сани билган бек ўғиллари Оқни ечиб, қора кийди, Қорға менгзар қизим, келиним Оқни ечиб, қора кийди. Қари онанг қонли ёшлар тўқди, Оқ соқолли санинг отанг мўнгли бўлди, Бундан қайтиб, уйга борсам, Оқ сочли онанг қарши келиб, ўғлим деса, Ман на дейман? Оқ қўллари ортига боғлиқ дейинми? Оқ бўйнига арқон ташланган, дейми? Ғаюр ёнида яёв юрибди, дейинми? Жун жанда танини азоблар, дейми? Оғир занжир тўпигини шилар, дейинми? Арпа бутқа, аччиқ пиёз овқати, дейми? Манинг номусим қайда қолар, ўғил? деди. Қозон яна айтур: Қарши ётган қора тоғлар қариса. Ўти унмас, эл яйловга чиқмас. Кўркли сувлар қариса, дарё тошмас Туялар қариса, турум бермас. Қора бия қариса, қулун бермас. Эр йигитлар қариса, ўғли бўлмас, Отанг кекса, онанг қари, Сандан яхши тангри бизга ўғил бермас Берса ҳамки санинг ўрнинг боса билмас, Осмон кўкда қора булут бўлибон, Ғаюрнинг устида

гуриллайин ман, Уни камишдаин ўт билан ман ёндирайин, Тўққизини бир қилиб санаттирайин, Уруш ва санчитдан оламин тўлдирайин, Оламини яратган эгам, мадад сандан деди. Қозон қўнғир отидан ерга тушди. Оқаётган тоза сувдан обдаст олди, оқ манглайин ерга қўйди... Туя каби ўқирди, арслон каби бўқирди, наъра тортиб хайқирди. Ёппа-ёлғиз ул ғаюрга от қўйди, қилич урди. Айлана-айлана бир замон яхши саваш айлади. Ғаюрга қараб уч қарра от сурди. Ногаҳон қазо етишиб, жанг ичинда қўзининг қабоғига қилич тўқинди, қора қони шариллаб оқди, қўзини босди, Қозон ерга тушди. Қўрайлик энди, яратган на қилар экан?

Шундай қилиб, Хоним, Ўрознинг онаси буни узун Бурла Хотун ўғлини соғиниб, қарори қолмади. Қирқ инжабелли кизлар билан қора айғирин опкелтирди, отга минди. Қора қиличин тақди. Бошим тожи Қозон келмади дея, унинг изин излаб кетди. Юра-юра Қозонга яқин келди. Қозон ўз ҳалолтини танимади. Хон қизи Қозон устига келди. Қозон тилга кирди, қўрайлик-чи, на сўйламиш, Қозон айтур: Қора айғирнинг жиловини тортиб, йигит, Бош қўтариб, юзимга бир бокқил, йигит, Тагингдаги отинг манга бергил йигит, Қўлингдаги ўтқир найза, Ёнингдаги қўқ пўлат қиличинг бергил, йигит, Бу қунимда умид бўлтир манга, йигит, Катта ўлка беражакман санга, йигит, деди. Бурла Хотун айтур: Ёним олиб менинг, йигит, на манграйсан?

Кечмиш манинг қунимни сан на англайсан? Қалқибон ўрнидаи турган Қозон, Қўнғир отининг белига минган Қозон, Отга миниб, қора тоғим йиққан Қозон Қўланқаси кенг оғочим кесган Қозон, Ёлғиз ўғлим Ўроз бекни қийган Қозон, От устида ҳаялламай йўртган Қозон, Санинг ақлинг ўлмиш, Ўзангига кирмай, тиззанг ўлмиш, Хон қизи ҳалолингни танимай қўзинг ўлмиш, Англамассан, санга на бўлмиш? Чал қиличинг, етдим Қозон, деди. Ўша пайтда, бу ёнда Ўроз беклари эшитдиларким, Қозон бекнинг ўғли ғаюрга туққун бўлмиш, улар Қозон ортидан йўлга тушгандилар. Мана, у Ўғуз эранлари бир-бир етиб келишди. Қўрайлик, Хоним, етиб келган кимлар экан:

Қора дара оғзида қодир берган, қора бўқа териси бешигига ёпинчик бўлган, аччиғи тутса қора тошни кул айлайдиган, қора мўйловини етти жойидан тутиб олган, Қозон бекнинг қардоши Қора Қўна етиб келди, чал қиличинг, қардош Қозон, ман етдим, деди. Унинг изидан, қўрайлик, Хоним, кимлар келди: Темир Қопи Дарбандидаги темир қопини чопиб олган, олпмиш тутам гундорининг учиди эр бўқиртирган, Қозон каби паҳлавонни бир олишувда уч қарра отидан йиққан Қиён Салжук ўғли Дали Дундор етиб келди, чал қиличинг, оғам, Қозон, етдим деди. Унинг изича, қўрайлик, Хоним, кимлар келди:

Ҳамид билан Мардин қалъасин босиб олган, темир ёйлик қочоқ Маликни қон қусдирган, Ўғузнинг оқ соқолли хўжалари қўрганда ул йигитга таҳсин айтган, ол шалворли, оти ўрдақ жағали Қора Қўна ўғли Қора Будок етиб келди, чал қиличинг, бегим Қозон, етдим, деди. Унинг изича, қўрайлик, кимлар келди: Дастур бўйича бориб, Бойинтур хоннинг ёғийсин босган, олпмиш минг ғаюрни қон қусдирган, Ғафлат Хўжа ўғли Шамсиддин етиб келди, чал қиличинг, оғам Қозон, етдим, деди. Унинг изича, қўрайлик, кимлар келди: Поросорнинг Бойбурт чўққисидан париллаб учган, ол-олача чодирига қарши келган, Ўғузнинг суянчи, Қозон бекнинг иноғи, бўз айғирли Байрак етиб келди, чал қиличинг, хоним Қозон етдим, деди.

Унинг изича, қўрайлик, кимлар келди. Чойга бокса чалимли, олқор қушдай олимли, қулоғи олтин сирсали буюк Ўғуз бекларини бир-бир отдан йиққан, Қозилик Хўжа ўғли бек Яганак етиб келди, чал қиличинг, оғам Қозон, етдим, деди. Унинг изича, қўрайлик, кимлар келди: Олпмиш така терисидан бўрқ кийса Тутиғига тушмаган, олпи эчки терисидан қулоқ кийса қулоғини ёпмаган, қўли, оёғи узун Қозон бекнинг дойиси Оруз Хўжа етиб келди, чал қиличинг, хоним Қозон, етдим, деди. Унинг изича, қўрайлик, кимлар етди: Йигирма тўрт уруғнинг қўнғилин олган Дали Дундор келди: Унинг изича минг қавм сардори Дугур етди. Унинг изича Ўғуз суянчини, минг Бугдуз бошлиғи Эман келди. Унинг изича тўққиз Хўжа бошлиғи Орзу етди. Санаган билан Ўғуз бекларни тутапиб бўлмас.

Қозоннинг беклари ҳаммаси келди. Унинг тепасига йиғилдилар. Тоза сувдан обдаст олдилар, икки ракат номоз ўқидилар. Бетақаллуф ғаюрга от қўйдилар, қилич солдилар. Ул қун юрағи бор йигитлар билинди, ул қун номардлар сафо ер қўзладилар. Бир қиёмат саваш бўлди, майдон ўт-ла бош бўлди. Бек навқардан, навқар бекдан айрилди.

Чорхожилар савашди. Ўғуз беклари билан Дундор ўнгдан ҳужумга кирди. Жилосун бек йигитлари билан Қора Будок чапдан ҳамла этди. Қозон бек ўзининг Ўғуз беклари ила ўртага урди. Шўқли Маликка дуч келди. Бўқиртибон отдан ерга урди, бошин кесди, ол қонини ерга тўқди. Ўнг тарафда Дундор Қора Такур Маликка қарши келди, қиличлади, ерга туширди. Сўл тарафда Бугужук Маликка Қора Будок тўғри келди, санчибон ерга

отди, бошин кесди. Бўйи узун Бурла Хотун ғаюрнинг қора туғин қиличлади, ерга отди. Такур олинди, Малик тутилди, Туғ йиқилди, ёғий енгилди, қочди. Дараларда ғаюрга қирғин келди. Ўн беш минг ғаюрнинг кими қирилиб, кими тутилди.

Қозон ва Бурла Хотун ўғли ёнига келиб, отдан тушдилар, қўлин чўздилар, куча-куча ота ила ўғил кўришдилар. Ўғуздан уч юз йигит шаҳид бўлди. Қозон ўғлини қутқарди, изига қайтди. Ғазо муборак бўлди. Ўғуз беклари тўйди. Оқ қалъа Сурмалига келиб, Қозон қирқ ўтов тикпирди. Етти кун, етти кеча ёйишма-ичишма бўлди. Қирқ уйли қўл билан қирқ жорияни ўғли бошига садақа айлаб, озод этди. Жилосун эранларига бир қалъа берди, жубба кийим берди.

Кўркут Ота келибон созини чалди. Бу ўғузномани Қозон ўғли У розга бағишлади, тузди, қўшди. Бундай деди: Қани мен айтган бек эранлар, ёлғончини маникидир деганлар? Ажал олди, ер гизлади. Фоний дунё кимга қолди? Келимли дунё, охирги учи ўлимли дунё. Хоним, сенинг қора тоғларинг йиқилмасин. Кўлкаси кенг оғочларинг кесилмасин. Шитоб оққан кўркли сувинг қуримасин. Қанотларинг учи қирқилмасин. Қодир сани номардга мухтож этмасин. Чопар экан, оқ бўз отинг мункимасин. Сермаганда қора пўлат ўз қиличинг кертилмасин. Туртишганда ола санжонинг синиб кетмасин. Оқ соқолли отанг жойи жаннат бўлсин. Оқ соқли онанг жойи беҳишт бўлсин. Оллох берган умидинг ҳеч узилмасин. Охир сўнгги соф имондан айирмасин, Хоним-эй.

Бешинчи қисса: Духо Хўжа ўғли Дали Домрул достони

Энди, Хоним, Ўғузда Духо хўжа ўғли Дали Домрул деган бир эр бор эди. У бир қуриқ жойда кўприк қурдирган эди. Бу кўприқдан ўтган одамдан уч ақча, ўтмагандан қирқ ақча оларди. Нега бундай қиларди? Шунинг учунки, у мандан ҳам далироқ мандан ҳам кучлироқ эр чиқиб, ман билан саваша олмас, дер эди. Маним эрлигим, баходирлигим, қахрамонлигим, йигитлигим бутун Рум ва Жомга маълум, машхурдир деб ўйларди.

Бир куни ўша кўприкнинг ёнида бир ўба чодир кўрди. Ул ўбада бир яхши йигит хаста бўлиб қолди. Оллох амри ила у йигит ўлди. Биров ўғлим деб йиғлади, биров қариндошим деб йиғлади. Ул йигитга қора мотам тутдилар. Ногаҳондан Дали Домрул пайдо бўлди. Айтур: Хой, ярамаслар, на йиғларсиз, маним кўпригим ёнида бу ғавғо надир, мотам тутарсиз? Айтдилар: Хоним, бир яхши йигитимиз ўлди, шунга йиғлармиз. Дали Домрул айтур: Йигитни ким ўлдирди?

Айтдилар: Валлоҳи бек йигит, ярагнинг иродаси ила ол қанотли Азроил унинг жонини олиш, дедилар. Дали Домрул айтур: Азроил деганингиз ким ўзи, одамнинг жонин олур? Ё қодир эгам, бирлигинг ҳаққи, борлигинг ҳаққи Азроилни маним кўзимга кўрсатил: савашайин, тортишайин, урушайин, яхши йигитнинг жонин қутқарайин, токи у иккинчи марта яхши йигитнинг жонин олмасин, деди. Дали Домрул уйига келди. Домрулнинг сўзи ярагга хуш келмади, чамаси. Буни қара, бу ярамас дали манинг бирлигимни билмас, бирлигимга шукр этмас, деди. Маним улуг даргоҳимда юриб манманлик айлар, деди. Азроилга буйруқ айлади: Ё Азроил, бор, ўша ярамас далининг кўзига кўрингил, рангини сарғайтил, деди. Жонини хўлаб ол, деди.

Дали Домрул қирқ йигити билан еб - ечиб ўтирар экан, ногаҳонда Азроил пайдо бўлди. Азроилни на човуш кўрди, на эшиқбон. Дали Домрулнинг кўрар кўзи кўрмас бўлди, тутар қўли тутмас бўлди. Дунёи олам кўзига қоронғи бўлди. Зорланиб сўйлар, кўрайлик, Хоним, на сўйлар. Айтур: Бунча ҳайбатли хўжасан, Эшиқбонлар сани кўрмади, Човушлар сани сезмади, Кўрар кўзим кўрмас бўлди, Тутар кўлим тутмас бўлди. Типраб жоним жўшга келди, Олтин аёқ қўлдан тушди. Оғзим ичи муз бўлди. Сўнақларим тўз бўлди, Соқоллари оқ хўжа, Кўзлари сўник хўжа. На ҳайбатли хўжасан, гапир манга, деди. Шундай дегач, Азроилнинг аччиғи тутди: Хой, ярамас, Кўзим сўник эканин на сезмассан? Кўзи чакноқ қизларнинг, келинларнинг Жонин кўп олишам. Соқолим оқлигин на ёқтирмайсан? Он соқол, қора соқол йигитларнинг Жонини хўп олишам - Соқолим оқарганига шу сабабдир, деди. Сан ярамас дали, манманлик қилардинг, ол қанотли Азроил маним кўлимга тушса ўлдираддим, яхши йигитнинг жонин ундан қутқарардим, дер эдинг. Мана энди, Дали, санинг жонингни олмоққа келдим, берурмисан ёки ман билан жанг қилурмисан, деди. Дали Домрул айтур: Ол қанотли Азроил санмисан? Ҳа, манман, деди. Бу яхши йигитларнинг жонин сан олурмисан, деди.

Ҳа, ман олурман, деди. Дали Домрул айтур: Хой, эшиқбонлар, эшикни ёпинг, деди. Хой, Азроил, ман сани жанг майдонида кўрарман дегандим, тор жойда кўлимга тушдинг, деди. Ман сани ўлдирурман, яхши йигитнинг жонин қутқарурман, деди. Қора қиличин суғурди, Азроилни чопиш учун ҳамла этди. Азроил ғойиб бўлди, панжарадан учди - кетди. Инсон зотининг аждари Дали Домрул чапак чалди, қаҳ-қаҳ кўлди. Айтур:

йигитларим Азроилнинг кўзини шундай кўрkitдимки, кенг эшикни кўйиб, тор тешикдан чиқди. Маним кўлимдан кўтаржинга айланиб учиб кетди. Ман уни лочинга олдирмагунча қўймайман, деди. Турди, отига минди. Лочинни қўлига олди. Азроилнинг изига тушди. Бир - икки кўтаржин тутди, ўлдирди. Уйига қайтур экан, Азроил отининг кўзига кўринди. От хуркди. Дали Домрулни кўтарди, ерга урди. Қора боши гангиди. Оқ кўксининг устидан Азроил босиб тушди. Дали Домрул аввал ингради, кейин бақира бошлади. Айтур: Хой, Азроил омон, Ҳақнинг бирлигига йўқдир гумон, Ман сани бундай билмас эдим, Яширинча жон олишинг билмас эдим, Кўлкаси буюк бизнинг тоғларимиз бор. Ул тоғларда боғларимиз бор, Ул боғларда қора сўлқим узумлар бор. Ул узумни сиқиб, ол шароб қиларлар, Ул шаробдаи ичган маъмур бўлар, Шароб ичдим, сезмадим. На сўйладим билмадим,

Йигитликка тўймадим, Жоним олма, Азроил, мадад, деди. Азроил айтур: Хой ярамас дали, манга нечун ёлворурсан? Манинг кўлимдан на келар? Мен ҳам бир юмуш одамиман, деди. Дали Домрул айтур: Демак жон бериб, жон оладиган яраптаннинг ўзидир, деди. Бали, ўлдир, деди. Дали Азроилга бокди. Бўлмаса сан на қилиб юрибсан? Сан орадан чиққил, ман эгам билан хабарлашайин, деди. Дали Домрул тилга кирди, кўрайлик, Хоним, на дер экан. Айтур: Юксаклардан юксаксан, Кимса билмас қандайсан? Кўркли эгам, Неча жоҳиллар сани кўкда эмас, ерда истар. Сан худ мўминлар кўнглидасан Собит турган жаббор эгам Маним жоним олур бўлсанг сан олгил Азроил олгани қўймагил, деди. Яраптанга Дали Домрулнинг бу сўзи хуш келди. Азроилга нидо айлади: ярамас дали манинг бирлигим билди, бирлигимга шуқр этди, ё Азроил, Дали Домрул энди жон ўрнига жон топсин, унинг жони озод бўлсин, деди. Азроил айтур: Хой Дали Домрул, тангрининг амри шулқим, сан жонинг ўрнига жон топсанг, санинг жонинг озод бўлур, деди. Дали Домрул айтур: Манда кўп жон йўқ бир кекса отам билан бир қари онам бор. Кел, борайлик иккисидан бири, эҳтимол, жонин берса, олгил, манинг жонимни қўйгил, деди. Дали Домрул от суриб, отасининг ёнига келди. Унинг қўлин ўпиб сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш. Айтур: Он соқолли, азиз иззагли жоним отам, Билтурмисан нелар бўлди? Куфр сўз сўйладим, Ҳаққа ҳеч хуш келмади. Кўкдаги ол қанотли Азроилга амр этди, Учиб келди. Он кўксимни босиб тушди, Хириллатиб тоғли жоним олур бўлди. Ота, сандан жон тиларам, берурмисан, Ёки ўғлим Дали Домрул деб йиғлармисан, ота, деди. Отаси айтур: Ўғил, ўғил, ой ўғил Жоним парчаси ўғил Туғилганингда тўққиз бўқа сўйдирганим арслон ўғил Тунлик олпин бон уйимнинг тиргаги ўғил Қорга менгзар қизим - келинимнинг чечаги ўғил, Қарши ётган қора тоғлар керак бўлса Айптгил, келсин, Азроилга яйлов бўлсин. Совуқ-совуқ булоқларим керак бўлса, Уни ичсин, Қатор - қатор шаҳбоз отларим керак бўлса Уни минсин, Қатор - қатор туяларим керак бўлса. Уни олсин. Оғилдаги оқ қўйларим керак бўлса, Қора мудбоқ ичида унга емиш бўлсин. Олпин, кумуш, пул керак бўлса. Унга харж бўлсин. Дунё ширин, жон азиз, Жонимни қиябилман, яхши англа Мандан азиз, мандан севиқли онангдир, Ўғил, унинг ёнига бор, деди. Дали Домрул отасидан юз бурмади, тезда онасининг ёнига борди. Айтур: Она, билтурмисан нелар бўлди? Кўк юзидан ол қанотли Азроил учиб тушди. Оқ кўксимга босиб тушди. Бақиртириб жоним олар бўлди. Отамдан жон тиладим, она, бермади. Сандан жон тилайман, она, Жонинг манга берурмисан? Йўкса, ўғлим Дали Домрул, дея йиғлармисан? Аччиқ тирноқ ол юзинга тортармисан? Қарға каби қора сочинг юлармисан, она деди. Онаси сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйлар экан. Онаси айтур:

Ўғил, ўғил, ой ўғил Тўққиз ой тор қорнимда кўтарганим ўғил, Дўлама бешикларга белаганим ўғил Ўн ой деганда дунё юзига келтирганим ўғил Дўлаб - дўлаб оқ сутимни эмизганим ўғил, Оқ чўққили хисор парда тупилганим ўғил. Бўлак динли ғаюр элида асир бўлганим ўғил, Олпин акчани ишга солиб қутқарганим ўғил, Ёмон ерга борибсан, ман борабилман Дунё ширин, жон азиз жонимни қиябилман, тўғри англа, деди. Онаси ҳам жонин бермади. Шу пайт Азроил келди. Дали Домрулнинг жонин олмокқа. Дали Домрул айтур: Хой, Азроил, омон. Ҳақнинг бирлигига йўқ гумон. Азроил айтур: Хой, ярамас Дали, яна нечун омон тиларсан? Оқ соқолли отанг жонини бермади, оқ сочли онанг ёнига бординг: жон бермади. Яна ким бор санга жон берадиган, деди. Дали Домрул айтур: Мен бир инсонни кўрмоғим керак. Азроил айтур: Хой, дали, у кимдир?

Айтур: Ва эллик ҳалолим бор. Ундан маним икки ўғлим бор. Омонапим бор, берадиган нарсам бор. Ундан сўнгра маним жонимни оласан, деди. Сўрди, ҳалоли ёнига келди. Айтур: Билтурмисан, нелар бўлди? Кўк юзидан ол қанотли Азроил учиб тушди, Оқ кўксимни босиб тушди Тотли жоним олур бўлди Отамга айтдим, жон бермади, Онамга бордим, жон бермади, Дунё ширин, жон тоғли, дедилар Энди: Юксак юксак қора тоғларим санга яйлов бўлсин Совуқ-совуқ сувларим санга ичит бўлсин, Қатор-қатор шаҳбоз отларим санга бўлсин, Тунлик олпин бон уйим санга кўлка бўлсин. Қатор-қатор туяларим Санга юклат бўлсин, Оғилдаги оқ қўйларим, Санга бўлсин Кўзинг кимда тўхтар бўлса, Кўнглинг кимни севар бўлса, Сан унга боргил, Икки ўғлим ўксук қўймагил. Хотин Айтур: тилга кирмиш, кўрайлик, Хоним, на сўйлар экан. Айтур: На дерсан, на

сўйларсан? Кўз очиб кўрганим, Кўнгил бериб суйганим, Ғуч йигитим, шоҳ йигитим. Тотли емак бериб ўпишганим Бир ёстикда бош кўйиб эмишганим, Қарши ётган қора тоғларни Сандан сўнгра на қиларман? Яйлов эмас, манинг гўрим бўлсин. Совуқ-совуқ сувларинг Ичар бўлсам манинг қоним бўлсин. Олтин акчанг харжаб эсам Манинг кафаним бўлсин. Қатор-қатор шахбоз отинг Минар бўлсам, тобутим бўлсин. Сандан сўнгра бир йигитни Севиб борсам, бирга ётсам, Ола илон бўлиб мани чаксин Санинг ул кўркок онанг-отанг Бир жонин аябди, қиябилмабди, Арш шоҳид бўлсин, Етти қават осмон шоҳид бўлсин, Қодир эгам шоҳид бўлсин. Маним жоним санинг жонинга қурбон бўлсин. деди, рози бўлди. Азроил хотиннинг жонин олмоққа келди. Одамийлар аждари умр йўлдошини қиймади. Ярапган эгамга ёлворди. Олур бўлсанг иккимизнинг жонимиз бирга олгил, Иккимизнинг жонимизни бирга қўйгил. Карам кўп қодир эгам. деб йиғлади. Ярапган Дали Домрулнинг сўзини қабул қилди. Азроилга амр айлади: Дали Домрулнинг ота-онасининг жонини ол, ул икки халолга юз қирқ йил умр бердим, деди.

Азроил Домрулнинг ота - онаси жонини олди. Дали Домрул юз қирқ йил йўлдоши ила умр кўрди. Кўркут Ота келиб дoston айтди, шеър сўйлади. Бу дoston Дали Домрулни ки бўлсин, мандан сўнгра алп ўзанлар сўйласин, даргоҳи очик жумард эранлар тингласин, деди. Тилайманки, Хоним, санинг қора тоғларинг йиқилмасин. Кўланкаси кенг оғочларинг кесилмасин, теран оққан сувларинг қуримасин. Ишқилиб, эгам номардга муҳтож этмасин, Хоним-эй.

Олтинчи қисса: Қангли Хўжа ўғли Қон Тўрали дostonи

Ўғуз замонида Қангли Хўжа деган бир зийрак эр бор эди. Унинг етишган баҳодир ўғли бор эди. Оти Қон Тўрали эди. Қангли Хўжа айтур: Ёронлар, отам ўлди, ман қолдим, ерини қўлда тутдим, бир куни ман ўламан, ўғлим қолар. Бундан яхшироқ, кўзим очиклигида ўғил, кел, сани ўйлаб қўй, деди. Ўғлон сўрар: Ота, мани ўйлангирмоқчи экансан, манга лойик киз ким бўлур?

У яна айтур: Ота, ман ўрнимдан турмасам ул киз турадиган бўлсин; ман қорабайирни минмасам, ул минадиган бўлсин; ман ғаюр элига боролмасам, ул манга бож келтирадиган бўлсин, деди. Қангли Хўжа айтур: Ўғил, сан киз истамассан, бир азамат баҳодир истаяпсан, унинг соясида ёйсан, ичасан ва роҳатда яшамокчисан, деди. Қон Тўрали айтур: Балли, жоним ота, шуни хоҳлайман. Энди бориб, бир гўзал кизни топасан. Устига тушаман, ётаман, қорни йиртилар, деди. Қангли Хўжа айтур: Ўғил, киз кўрмак сандан, мол ва ризқ бермак мандан, деди. Шундай дегач, эранлар эрани Қон Тўрали жойидан турди. Қирқ йигитин ёнига олди. Ич Ўғузни кўрди, киз топмади. Қайтди, уйига келди. Отаси: Ўғил, киз топмадингми? - деди. Қон Тўрали: Йиқилсин, Ўғуз ерлари, манга бўлар киз тополмадим, ота, деди. Отаси айтур: Ҳой ўғил, киз тилаб борган бундай бормас, деди. Қон Тўрали айтур: Йўкса қандай борур, ота?

Қангли Хўжа айтур: Ўғил, сабоҳ бориб, кун ўртада қайтмас, кун ўртада кетиб, оқшом қайтиб келолмас. Ўғил, сан мол йиғ, молга бажид бўл, ман санга киз ахтариб кетай. Қангли Хўжа севина - севина ўрнидан турди. Оқ соқолли пир қарияларга қўшилди. Ич Ўғузга кирди, киз топмади. Қайтди, Таш Ўғузга кирди, топмади. Қайтди, Тиравзонга келди. Энди Тиравзон тақурининг бир азим кўркли махбус кизи бор эди. Ўнгига - сўлига қараб икки марта ёй тортар эди. Отанг ўқи ерга тушмас эди. Ул кизнинг уч жонивор қалинлиги - қафтани бор эди, отаси кимки уч жониворни босса, енгса, ўлдирса, қизимни ўшанга берурман дея ваъда айламиш эди. Енгмаса, ўзининг бошин кесдирарди. Шу аснода ўттиз икки ғаюр бегининг ўғиллари ўз бошидан жудо бўлиб, бошлари осиб қўйилганди.

Ул уч жониворнинг бири қутурган арслон эди, иккинчиси қора бўқа эди, учинчиси ҳам қора туя эди. Ҳар бири бир аждарҳо эди. Ул ўттиз икки бош қалъа кунгураларига осилган эди. Қутурган арслон билан қора бўғро юзин кўриб улгурмагандилар. Фақат бир бўқа билан олишиб халок бўлган эдилар. Қангли Хўжа бу бошларни, бу жониворларни кўрди. Бошидаги бит оёғига тушди, айтур: Борайин, ўғлимга тўғри хабар берайин, хунари бор эса келсин, олсин. Йўкса, уйдаги кизга рози бўлаверсин, деди. Отнинг оёғи, шоирнинг тили машҳур бўлур. Қангли Хўжа йўлга тушди, Ўғузга келди: Қон Тўралига хабар бўлди, отанг келди, дедилар. Қирқ йигити ила отасига қарши чиқди, қўлин ўлди, айтур: Жоним ота, манга борар киз топдингми? Айтур: Топдим, ўғил, хунаринг бор эса, деди. Қон Тўрали айтур: Ғаюр олтин ақчами истар ёки нор туями?

Отаси айтур: Ўғил, хунар керак хунар, деди. Қон Тўрали айтур: Ота, ёли қора қозилик отимга эгар солайин. Қонли ғаюр элига тез чопайин, қон тўкайин, ёғийни қон қусдирайин, хунар кўрсатайин, деди. Қангли Хўжа айтур: Ҳой, жоним ўғил хунар деганим бул дегани – киз учун жонивор сақламишлар. Кимки уч жониворни босса, ул кизни ўшанга берурлар, босиб ўлдирмаса, ўзининг бошин кесурлар, қалъа кунгурасига

осарлар, деди.

Қон Тўрали айтур: Ота, бу сўзни сан манга айтмаслигинг керак эди. Айтдингми, албатта боришим керак. Бошимга қарғиш, юзимга тўқмоқ бўлмасин. Хотин она, бек ота, эсон қолинг, деди. Қангли Хўжа айтур: Кўрдингми, ман нима қилиб қўйдим? Ўғлонга кўркинчли хабар берайин, ўйлаким, кетмагай, рабидан қайтар, деди. Қангли Хўжа сўйламиш, кўрайлик Хоним, на сўйламиш, айтур:

Ўғил, Сан боражак жойга йўл Эгри – бутри ёмондир. Отлик ботиб чиқолмас, Унинг балчиқлари қўп. Ола илон йўл топмас, Ўрмонлари қалиндир. Кўк ила бўй ўлчаган Унинг қалъаси бордир. Кўз қоқибон кўнгил олган Унинг кўрклиси бордир. «Хой» дегунча бош кесгучи Унинг жаллоди бордир. Яғринида қалқон ўйнар Унинг аскарлари бордир. Ёвсиз ерларни майл этдинг, қайта дўнгил,

Оқ соқолли отанг, қари онангни бўзлатмагил, деди. Қон Тўрали қизишди. Айтур: На сўйларсан, на деорсан, жоним ота? Бундай ишдан кўрққан йигит йигитми? Алп эрни кўрқитмоқ айб бўлур Унинг эгри – бутри йўлларини Тангри кўрса, бир тунда йўртаман. Отли ботиб, чиқолмайдиган Балчиғига тошлар тўшайман. Ола илон ўтмас ўрмонига Чакмоқ чақиб, ўт кўяман. Кўк ила бўй бўйлашган қалъаларин Тангри кўрса, йиқажакман. Кўз қоқибон кўнгил олган Кўрклисининг бўйнин ўпаман. Яғринида қалқон ўйнар аскарининг Тангри кўрса, бошии кесаман. Ё етарман ё етмасман, Ё келарман ё келмасман, Ёки қора бўқа тагида қоларман, Ё унинг бўйнига илашиб қоларман Ва қутурган арслон қийноғида титиларман. Ё етарман, ё етмасман, ё келарман, ё келмасман, Яна кўргунча бек ота, хотин она эсон қолинг, деди. Кўрдиларки, номус учун ҳеч нарсадан қайтмас, айтдилар: Ўғил, мақсадинга ет, соғ – омон бориб келарсан, дедилар.

Отасининг, онасининг қўлларини ўпди. Қирқ йигитин ёнига олди. Етти кун, етти кеча юрдилар. Ғаюрнинг сарҳадига етдилар. Чодир тикдилар. Югурук отин югуртиб, Қон Тўрали гурзисин кўкка отар, қайтиб ерга тушмасдан илиб олар. Хой, қирқ эшим, қирқ йўлдошим Югурук бўлса, чопишсам, Кучли бўлса, курашсам, Ҳақ менга иноят айласа. Уч жониворни ўлдирсам, Салжан Хотунни олсам. Отам, онам уйига қайтсам. Хай, қирқ эшим, қирқ йўлдошим, Қирқингизга қурбон бўлсин манинг бошим, дея сўйлар эди. Булар шундай деб турганда, Хоним, Такурга хабар етди. Ўғуздан Қон Тўрали деган бир йигит бор экан, қизингни тилаб келаёпир, дедилар. Ғаюрлар етти фарсах ерда қарши келдилар. Нега келдингиз йигит беклар, дейишди.

Беришмоққа, олишмоққа келдик, дедилар. Иззат – ҳурмат айладилар. Оқ чодир тикиб, ола ғали тўшадилар. Оқча қўйни сўйдилар, етти йиллик ол шароб ичирдилар. Уларни олиб Такурга келтиришди. Такур тахт устида ўтирган эди. Юз ғаюр ичдан совут кийиб олган эди. Етти қат майдонни айланди, келди. Магар қиз майдонда бир кўшк курдирган эди. Ёнида бўлган қизларнинг жами қизил кийимилар эди, қизнинг ўзи сариқ кийган эди. Юқоридан томоша қилар эди. Қон Тўрали келди, қора шапкали такурга салом берди. Такур алик олди. Ола ғали тўшадилар, ўтирди. Такур айтур: Йигит, қай ердан келурсан? Қон Тўрали ўрнидан турди. Апил – тапил юрди, оқ манглайин очди, оқ билақларин силади, айтдиким: Қарши ётган қора тоғнинг ошмоққа келмишам, Оқиндили, кўркли сувингни кечмоққа келмишам. Тор этагинг, кенг қўлтигинга сиғмоққа келмишам, Қизингни олмоққа келмишам деди. Такур айтур: Бу йигитнинг сўзи югурук, агар қўлида хунари ҳам бор бўлса, деди. Такур айтур: Бу йигитни онадан туғилгандай қилиб ечинтиринг. Ечинтирдилар. Қон Тўрали нафис тўқилган олтинли безни белига ўради. Қон Тўралини олиб майдонга чиқдилар. Қон Тўрали жамол ва камол эгаси эди. Ўғузда тўрт йигит никоьда юардилар: бири Қон Тўрали, иккинчиси Қора Чакур ва ўғли Қирқ Киник, тўртинчиси бўз айғирли Байрак.

Қон Тўрали никоьбин олди. Қиз кўшкдан боқар эди. Тўралини кўриб, оёқ – қўли бўшашди, мушуклари мовлади, овсил бўлган бўзқоқ каби, оғзидан суви оқди. Ёнидаги қизларга айтур: Яратган эгам отамнинг кўнглига раҳм солса, қалин солиб, мани ул йигитга берса. Шундай бир йигит хайф булар, жониворлар дастидан ҳалок бўлар, деди. Шу пайт темир занжир – ла боғланган бўқани келтирдилар. Бўқа тиз чўқди. Бўйнин бўкиб, мрамар тошни қатикдай тигди. Ғаюрлар айтур: Энди йигитни отар, йиқар, ағдарар, йиртар. Йиқилсин Ўғуз эллари, қирқ йигит бир бек ўғли билан бир қиз учун ўлиб кетса на бўлур, дейишди. Бунини эшитган қирқ йигит йиғладилар. Қон Тўрали ўнгига бокди, қирқ йигитни йиғлар кўрди. Сўлига бокди, яна кўрди. Айтур: Хей, қирқ эшим, қирқ йўлдошим, на йиғлаюрсиз? Қўлбола кўбизим келтиринг, овунтиринг мени, деди. Қирқ йигит Қон Тўралини овунтирдилар, кўрайлик Хоним, қандай овунтирган эканлар, айтур: Султоним Қон Тўрали, Қалқибон ўрнингдан турмадингми. Ёли қора қозилик отга минмадингми? Ола тоғнинг қоқ белидан Ов овлабон, қуш қушлабон ошмадингми? Отангнинг оқбон эшигинда Қорабошлар инак соғар, кўрмадингми? Бўқа, бўқа деганлари Қора инак бўзоғича келармикан? Алп эранлар рақибидан қайғурарми? Сариқ тўнли Салжан Хотун кўшкдан боқар, Кимга бокса ишқи билан ўтда ёқар Қон Тўрали сариқ

тўнли қиз ишқига бир худо, де, дедилар. Қон Тўрали, қани бўқанғизни қўйворинг, келсин деди. Бўқанинг занжири ечдилар, қўйиб юбордилар. Шохлари олмос найза каби бўқа Қон Тўралининг ёнига келди. Қон Тўрали бўқанинг манглайига юмруқ билан бир урдиким, уни кети билан ерга ўтиргизиб қўйди. Манглайига юмруғини тиради. Сурди, майдоннинг четига чиқарди. Узоқ олишдилар, на бўқа енгар, на Қон Тўрали енгар. Аста–секин бўқа сўлий бошлади, оғзи кўпикланди.

Қон Тўрали айтур: Бу дунёни эранлар ақли ила билмишлар. Бўқанинг ўнгидан ҳатлаб, ортига ўтайин, на ҳунарим бўлса ортидан кўрсатайин, деди, тиловат келтирди. Бўқанинг кўз олдидан ғойиб бўлди. Бўқа шохлари ўртасига тикилди Қон Тўрали унинг қўйруғидан тортиб уч қарра ерга урди. Суяклари парча-парча бўлди. Босди, бўғизлади. Пичок чиқариб, терисини шилди, этини майдонда қолдириб, терисини Тақурнинг олдига келтириб, айтур: Эрта тонгда қизингни манга берасан, деди. Тақур айтур: Хой, қизни беринглар, шаҳардан чиқсин, кетсин, деди. Тақурнинг қариндоши айтур: Жониворлар сарвари арслондир. Унинг билан ҳам ўйин кўрсатсин, қизни ўшандан кейин берайлик деди. Бордилар, арслонни чиқардилар, майдонга олиб келдилар. Арслон букирди, майдонда қанча от бўлса, бари қон қакшади.

Йигитлар айтур: Бўқадан қутулди, арслондан қандай қутулур, дедилар, йиғладилар. Қон Тўрали йигитларни йиғлар кўрди, айтур: Қани, қўбизни қўлга олинг, мани овутинг, сариқ тўнли қиз ишқи турганда бир арслондан қайтайинми, деди. Йўлдошлари сўйламиш, қўрайлик-чи, Хоним, на сўйламиш, Айтур: Сўлтоним Қон Тўрали Оқ қамишнинг ичида сариқ бузқ кўриб Тойлар босган, юрак томирин тилиб, қонин сўрган, Қора пўлат ўз қиличидан қаймаган, Оқ ипли қаттиқ ёйдан кўркмаган, Оқ қўйруқли ўтқир ўқдан ҳайиқмаган, Жониворлар сарвари арслон Ўзини ола кўппакка талатарми? Алп йигитлар саваш қуни рақибидан қайтарми? дедилар. Сариқ тўнли Салжан Хотун қўшқдан боқар. Кимга бокса ишқиде ўтда ёқар, Сариқ тўнли қиз ишқига бир тавба де, дедилар.

Қон Тўрали, қани ғажор, арслонингни қўйиб юбор, келсин, деди. Қора пўлат ўз қиличим йўққим, бир уриб икки бўлак қилардим. Санга сиғиндим, жўмардлар жўмарди ғани эгам, мадад бер, деди. Арслонни қўйиб юбордилар, сурди, келди. Қон Тўрали қапанагини манглайига боғлаб, арслон панжасига қараб юрди. Арслоннинг пешонасин кўзлаб юмруғ билан бир урдиким, юмруқ арслоннинг жағини ўшаптиб юборди. Арслоннинг энсасидан тутди, белини узди. Шундан сўнг ерга кўтариб урди, парча-парча этди. Тақурнинг ёнига келди, айтди: Орқадеш қизингни манга бергил, деди. Тақур айтур: Қизни келтиринг, бу йигитни кўзим кўрди, қўнғлим севди. Омон турсин, омон кетсин, деди. Ўша қардоши яна айтур: Жониворлар сарҳанги туядир. Туя билан дом ўйин кўрсатсин, кейин қизни берамиз, деди. Бекнинг, пошшонинг химмати Қон Тўралига бўлди. Тақур туянинг оғзини етти жойидан боғланг, деди. Лекин ҳасадўй ғажорлар боғламадилар, юганини ечиб, қўйиб юбордилар.

Қон Тўрали шиддат билан опилиб, туянинг қўлпанига қирар, опилиб чиқар. Сархуш йигит икки жонивор билан олишиб чарчаган эди, тойинди, йиқилди. Олти жаллод устига келиб, қилич яланғочладилар. Буни кўриб, йўлдошлари сўйламиш, қўрайлик-чи, на сўйлар экан, Айтур: Қалқибон Қон Тўрали ўрнингдан туриб келдинг. Ёли қора Қозилик отинг дарров миндинг, Олакўз йигитларинг ёнингга олдинг, Ола тоғнинг қоқ белидан тунда ошдинг, Оқаётган кўркли сувин тунда кечдинг, Қонли ғажор элига тунда кирдинг. Қора бўқа келганида парча – парча қилдинг, Кутурган арслон келди, белини синдирдинг. Қора бўғро келганида на бўлди сенга? Қора – қора тоғлардан хабар ошар, Қонли-қонли сувлардан хабар кечар, Қонли Ўғуз элига хабар етар. Қангли Хўжа ўғли Қон Тўрали на қилди дерлар. Қора бўғро келганда қилчатмабди, Кутурган арслон келганида, белин букиб, Қора бўғро келганда на кечикмиш, дерлар. Улли кичик қолмағай сўз айтмаган, Аёл эркак қолмағай нийбат этмаган, Оқ соқолли отанг мунгли бўлар, Қариган онанг қонли ёшлар тўқар, Хоним, қалқибон ўрнингдан турмас бўлсанг, Олти жаллод тепангда яланғоч қилич тутар, Ғофил қолган кўркли бошинг кесар, Ошқокдан юқорига бокмасмисан, Қаршинга ола ғоз келди, лочининг қўймасмисан, Сариқ тўнли Салжан Хотун ишораг етар, кўрмасмисан, Сани туя дастидан забун бўлар, дейишди, билмасмисан, Сариқ тўнли Салжан Хотун қўшқдан боқар, Кимга бокса ишқи-ла ўтда ёқар Сариқ тўнли қиз ишқига бир тавба де, дедилар.

Қонли Тўрали турди, айтур: Агар мен бу туянинг бурнига ёпишсам, бир қиз сўзи ила ёпишди дерлар. Буюк Ўғуз элига хабар етар, туядан енгилганди, қиз қутқарди дерлар. Қани, қўбизни чалинг, овутиринг мени, ярапганга сиғиндим, бир бўғродан қайтайинми? Иншооллох, буни ҳам бошин кесарман, деди. Йигитлари Қон Тўралини овутириб, сўйламиш, қўрайлик, Хоним, на сўйламиш.

Қоп қоялар бошинда уя қурган, Қодир улус эгамга яқин учган, Манжанаги оғир тошни ғизлатиб отган.

Ори қўлининг ўрдагин яшиндай олган, Катта уйга яқин юриб, тортиб узган Қорни оч бўлганда қалқиб учган, Жумла кушлар султони чолқора куш Қарғанинг қаноти-ла ўзини тозаларми, Алп йипитлар рақибидан кўрқарми ҳеч, Сарик тўнли Салжан Хотун кўшқдан боқар, Кимга бокса ишқи ила ўтга ёқар, Сарик тўнли қиз ишқига бир тавба де, дедилар.

Қон Тўрали туяни бир тепди, туя бўқирди. Яна бир тепди, туя оёғида туролмади, йиқилди. Босиб икки жойидан бўғизлади. Терисидан икки қайиш кесди ва Тақурнинг ёнига келди, Айтур: Қаровчиларингга садоқ боғи бўлсин, узангиси узилса узанги бўлади, деди. Тақур айтур: Валлоҳ, бу йипитни кўзим кўрди, кўнглим суйди, деди. Қирқ жойда ўтов тикпирди, қирқ жойда чодир қурдирди. Қон Тўрали билан қизни чодирга олиб келдилар. Ўзан келди, қўбиз чалди. Ўғуз йипитнинг ғзаби жўш урди, қиличини чиқарди, ерга урди, ўпирди. Айтдики, ер каби кертिलाин, тупроқ каби соврилаин, қиличимга тўралаин, ўқимга санчилаин, ўғлим бўлмасин, туғилса ўн кунга етмасин, бек отамнинг, хотин онамнинг юзин кўрмаин, гар бу чодирга кириб қолар бўлсам, деди.

Чодирин йиғди, туясин бўзлатди, отини кишнагди, тун турди, кўчди. Етти кун, етти кеча йўртди. Ўғузнинг сарҳадига чиқди, чодир тикди. Қон Тўрали айтур: Хей, қирқ эшим, қирқ йўлдошим, Қурбон бўлсин сизга манинг бошим, Ҳақ таоло йўл берди, бордим, ул уч жониворни ўлдирдим. Сарик тўнли Салжан Хотунни олдим, келдим. Хабар айланг, отам манга қарши келсин, деди. Қон Тўрали бокди, кўрди, бу кўнган жойда ғозсимон кушлар, турналар, турсоқлар, қалқилар учарлар. Совуқ-совуқ сувлар, ўтлоқлар, чаманлар. Салжан Хотун бу ерни кўркли кўрди, севинди. Тушдилар, ишратга машғул бўлдилар. Едилар, ичдилар. Ул замонда Ўғуз бекларига на қазо келса, уйқудан келар эди. Қон Тўралининг уйқуси келди, уйқуга кетди. У ухлар экан, қиз айтур: Манинг мухобларим кўпдир, ногоҳ келиб қолишмасин, тутибон йипитимни ўлдирмасинлар. Оқ юзли ман келинни тутиб, отам-энам уйига элтмасинлар, деди. Қон Тўралининг отини яширин тутди, эгарлади. Ўзи ҳам яширин кийинди. Найзасини қўлига олиб бир баланд жойга чиқди, кўзлади.

Магар, Хоним, Тақур ўз ишидан пушаймон бўлди. Уч жониворни ўлдиргани учун бир қизимни олди-кетди, деди. Яширин қора тўнли, қўқ совутли олти юз ғажор танлади. Кеча-кундуз йўртдилар, ногоҳондан етдилар. Қиз ҳозир эди. Бокди, кўрди, тезда келди, отин уйнагди. Қон Тўралининг устига келди. Сўйламиш, кўрайлик-чи, Хоним, на сўйламиш, Айтур: Ғофил бўлма, бошинг кўтар, йипит, Ола кийма кўркли кўзинг очтил, йипит, Орпингга оқ қўлларинг боғланмасдан, Он манглайинг қора ерга тўқинмасдан, Ғофил кўркли бошинг кесилмасдан,

Қизил қонинг ер юзига тўқилмасдан, Ёғий етди, душман келди. На ёгурсан, қалқи, йипит. Қоп қоялар уйнамасдан, ер ўприлди. Қари беклар ўлмасдан эл бўшади, Ясанибон устингга ёғий келди. Етажак ерми бу ер, на бўлди сенга, дея сўйлади. Қон Тўрали уйғонди, ўрнидан турди. Айтур: На деурсан, кўрклим, деди. Айтур: Йипитим, устинга ёғий келди. Уйғотмоқ мандан, савашибон хунар кўрсатмоқ сандан, деди. Қон Тўрали кўзин очди, кабокларин кўтарди, кўрди: келин от устида, қўлида найза, кийиниб турибди. Ер ўпди, ори сувдан обдаст олди, оқ манглайин ерга қўйди. Отига минди. Қора тўнли ғажорга от қўйди, қарши борди.

Салжан Хотун от уйнагди, Қон Тўралининг ёнига келди. Қон Тўрали айтур: Кўрклим, қайга борурсан, деди. Айтур: Бек йипит, бош эсон бўлса, бўрқ топилмасми? Бу келган ёғий кўпдир... Савашайлик, сўқашайлик ўлган ўлсин, тирик қолганимиз чорбоққа борсин, деди.

Шундай деб Салжан Хотун от қўйди, душманни босди. Қочганин қувмади, омон деганин ўлдирмади. Тасаввур қилинг-ки, ёғий босилди. Қиличчининг тиғи қон, чорбоққа келди. Қон Тўралини кўрмади. Ул маҳалда Қон Тўралининг отаси-онаси чиқа келди. Кўрдиларки, бу келган қиз қиличчининг тиғи қон, ўғли кўринмас, хабар сўрдилар, кўрайлик, нима сўраркан. Онаси айтур: Энам киши, қизим киши, Эрта тонгда жойингдан туриб келдинг

Ёлғизгина ўғилни тутирмадингми? Ғофил кўркли бошин кесдирмадингми? Хотин она, бек ота деб бўзлатмадингми? Сан келурсан, бўбагим кўринмас, бағрим ёнар, Оғиз тилдан бир нарсаси де, айтгил манга Қора бошим қурбон бўлсин, келин санга, деди.

Қиз билдики, булар қайнонаси, қайнотасидир. Қамчиси билан ишорат этиб, чорбоқ томонга борайлик қай ердан чанг чиқса, қай ерда қарға-қўзғун уйнар бўлса, ўша жойдан ахтарамиз, деди. Отига қамчи урди, бир юксак жойга чиқди, кўзлади. Кўрдики, бир даранинг ичида чанг гоҳ кўтарилиб, гоҳ тарқар. Яқинига бориб кўрди: Қон Тўралининг отига ўқ отмишлар, кўз қабоғини ўқламишлар. Бекнинг юзин қон қопламиш, оқаётган қонин артар. Ғажорлар қиличин яланғочлаб атрофида тўпланмиш, у ғажорни олдига солиб қувар.

Салжан Хотун буни кўриб ичига ўт тушди. Бир шохин куш, лочин каби ғаюрга от солди. Бир учидан кириб, бир учига чиқди. Қон Тўрали боқди, кўрдик, бир кимса ёғийни олдига солиб қувмиш. Салжан Хотун эканин билмади. Сўйламиш, кўрай-лик Хоним, на сўйламиш. Айтур: Қалқибон еридан турган Йигит на йигитсан? Ёли қора қозилик отга минган Йигит на йигитсан? Гофил бошларни кесган Ижозатсиз манинг ёғийимни кирган Йигит на йигитсан? Ижозатсиз ёғийга кирмак Бизнинг элда айб бўлур. Қани, лочин куш бўлибон учайинми, Соқолингдан, бўғизингдан тугайинми? Ол қонингни ер юзига тўкайинми? Қора бошинг эгар қошига осайинми? Хой, қазоси етган йигит, На йигитсан? Орпинга қайт, деди. Салжан Хотун ҳам сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш. Айтур: Хой, йигитим, бек йигитим, Қизил-қизил туялар Тўримидан кетарми ҳеч? Қорабайир қозилик отлар Қулунчиғин тепарми ҳеч? Оғилдаги оқ кўйлар Қўзичоғин сўзарми ҳеч? Алп йигитлар, бек йигитлар, Кўрклисини қиярми ҳеч? Йигитим, бек йигитим, бу ёғийнинг бир учи манга, бир учи санга бўлсин, деди. Қон Тўрали билдики, бу ёғийни босиб, тарқапан Салжан Хотундир. Бир тарафидан яна ўзи кирди, қилич тортиб, югурди. Ғаюр бошин кесди. Ёғий босилди, душман синди.

Салжан Хотун Қон Тўралини от ортига олди, чиқди. Кетар экан, Қон Тўрали хаёлига шу келди: Қалқибон Салжан Хотун турганида, Ёли қора Қозилик отни минганида, Отамнинг оқ бон эшигига тушганида, Ўғзининг ола кўзли қизи, келини сўзлаганда Ҳар киши сўзини айтганида, Сан орада турасан, мактанасан. Қон Тўрали забун бўлди. От ортига олдим, чиқдим дейсан, Кўзим тинди, кўнглим кетди, Ўлдирарман сани. Салжан Хотун унинг холи не кечганин билиб, сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Бек йигит, Мактанар бўлса, эр мактансин, арслондир, Мактанмоқлик авратларга ёлғондир. Мактанмоқ-ла аврат эр бўлмас, Ола гўшангада сан билан кучишмадим, Тотли томоқ тутибон сўришмадим, Ол ўртугим очиб сўйлашмадим, Тез севдинг, тез совудинг, Ярамас ўғли ярамас, Қодир мухтор билур, май санга Қоним қайноқ ярамни тирнама манга, деди.

Қиз бир ўқни Қон Тўралига отди, ўйлаким, бошинда бўлган бит оёғига тўкилди. Меҳри жўшиб, Салжан Хотун билан кучоқлашиб борурмишлар, ўпишмишлар. Қон Тўрали сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Порлаб порлаб, порлабон, инжа тўнлим, Ер босмайин юрайин, сарв бўйлим, Қорга томган қон каби ол ёноқлим, Қўша бодом синамаган тор оғизлим, Қаламчилар чизгандай қора қошлим, Қурумдай қирқ тутам қора сочлим, Арслон боласи, султон қизи. Ўлдирмакка ман сани қиярмидим, Ўз жонимни қиярман, сани қиймасман.

Ман сани синадим, деди: Салжан Хотун яна сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Қалқибон еримдан турар эдим. Ёли қора қозилик отга минар эдим, Отамнинг оқ бон уйдан чиқар эдим, Ола тоғнинг қоқ белида овлар эдим, Ола кийик, сизин кийик қувар эдим, Торпанда бир ўқ ила на этардим, Темирсиз ўқ-ла йигит сани синар эдим, Ўлдирмакка йигитим, ман сани қиярмидим, деди. Йироғидан, яқинидан келишдилар. Гизли ёқа тутибон хиллашдилар. Тотли томоқ берибон суришдилар. Оқ бўз отлар минибон йўртишдилар. Бек отаси ёнига келишдилар.

Отаси ўғлончилигини кўрди, оллоҳга шукрлар айтди. Ўғли билан, келини билан Қангли Хўжа Ўғузга кирди. Кўк ола кўркли чаманга чодир тикди. Отдан аайғир, туядан-бўғро, қўйдан-кучкор сўйдирди. Тўй берди, буюк Ўғуз бекларини меҳмон этди. Олпин тўнлик уйин тикиб, Қон Тўрали чодирга кириб, мақсадига етди. Кўрқут Ота келиб, соз чалди. Достон айтди, сўз сўйлади. Сози эранлар бошига на келишин сўйлади: Қани, ўша эранлар, Дунё маники деганлар, Ажал олди, ер гизлади. Фонни дунё кимга қолди? Келимли кетимли дунё, Сўнг учи ўлимли дунё. Ажал келганда ори имондан айирмасин. Қодир сани номардга мухтож этмасин. Оллоҳ берган умидинг ўзилмасин, Хоним-эй.

Еттинчи қисса: Қозилик Яганак достони

Ком Гон ўғли Бойинтур ўрнидан турганди. Қора ернинг устига оқ бон уйин тиккан эди. Ола соябон кўк юзини қоплаган эди. Минг жойда ипак галилари тўшалганди. Ич Ўғуз беклари суҳбатга йиғилганди. Ейишма - ичишма эди. Ўша замонда Қозилик Хўжа деган бир киши бор эди. Хоннинг вазири эди. Ичган шароби бошига урди. Баҳайбат тизини букиб ерга чўкди, ўпирди. Бойинтур хондан оқин тилади. Бойинтур ҳам ижозат берди, қаерга хоҳласанг боравер, деди.

Қозилик Хўжа тажрибали, ишга яроқли одам эди. Яроқли эрларни ёнига жам айлади. Йўл ҳозирчилигини

кўриб, йўлга тушди. Кўп тоғлардан, дара ва тепалардан кечди. Кунлардан бир кун Дўзмурт қалъасига келди. У Қора денгиз канорида эди. Унга етибон кўндилар. Ул қалъанинг бир тақури бор эди, уни Аршун ўғли Дирак Такур дер эдилар. Ул ғажурнинг олпмиш аршин қомати бор эди. Олпмиш ботмон гурзи кўтарарди. Ипи маҳкам ёй тортар эди. Қозилик Хўжа қалъага етган заҳоти жанг бошлади. У билан баробар Такур ҳам қалъадан чиқди, майдонга чиқди, эр тилади.

Қозилик Хўжа уни кўрган замон қалқиб турди, қорабайир отга сувор бўлди, ғажурга ел каби етди, елим каби ёпишди. Унинг энсасига бир қилич урди, аммо зарра қадар кесолмади. Навбат ғажурга келди. Ул олпмиш ботмон гурзисин кўлига олди. Қозилик Хўжанинг бошига урди. Ёлгончи дунё бошига тор бўлди, оғзидан – бурнидан қон кетди, дудукдан оққандай қон шариллади. Қозилик Хўжа ўраб олинди, қалъага тутқун бўлди, кетди. Йигитлари уни кўриб, синдилар, турмай қочдилар.

Қозилик Хўжа жами ўн олти йил қалъада тутқун бўлди. Эмон деган бир паҳлавон киши олти қарра бориб ҳисорни олди, аммо Қозилик Хўжани ҳалос этолмади. Хоним, Қозилик Хўжа Бойинтур хоннинг кўлини ўпиб, оқинга кетган пайтида бир ўғлончиғи бор эди, у ўн беш ёшга кирди, йигит бўлди. Отасини ўлди деб биларди. Ясоқ этган эдиларки, ўғли унинг тутқун эканин билмасин. Ул ўғлонни Яганак дерлар эди.

Кунлардан бир кун Яганак ўпириб, беклар ила суҳбат этар экан, Кўна ўғли Будок билан сўзи қовушмади, айтишиб қолдилар. Будок айтур: Бунда лоф уриб нетасан, на гуриллайсан? Олишмоққа эр тиларсан, унғача бориб, отангни ғажур кўлидан қутқарсанг-чи, ўн олти йилдирки, тутқундир, деди. Яганак бу хабарни эшитар дим юраги ўйнади, қора бағри сиқилди. Қалқди, Бойинтур хоннинг назарига борди, юзини ерга кўйди ва Яганак бир сўз сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Эрта тонгда сафо ерда тикилганда, Оқ бон уйли — Атлас ила ёпилганда Кўк соябонли — Қатор-қатор тизилганда, Шаҳбоз отли — Чақирибон сас берганда Йўл човушли — Чайқалганда ёғ тўкилган, Дастурхони мўл неъмагли, Ожиз йигит таянчи, Мискинларнинг умиди. Туркистоннинг тиргаги, Пагдор қушнинг жужуғи, Амит сувининг арслони, Қорачикнинг қоплони, Давлатли Хоним маним. ман отамни ўлди, деб санардим, билмас эдим, энди билдимки, ул ғажурда тутқун эмиш, давлатли бошинг ҳаққи мадад бер, манга лашкар кўшиб, отам тутқун бўлган қалъага юбор, деди. Бойинтур хон буюрди: Йиғирма тўрт санжоқ беги келсин, деди.

Аввал Темир Қопи Дарбандида бек бўлган, найзаси учиди эр бўқиртирган, душманга еганида кимсан, деб сўрамаган Қиён Салжук ўғли Дали Дундор санинг ила борсин, деди. Айғир кўзлар сувидан от суздирган, эллик етти қалъанинг қалитин олган Эйлик Хўжа ўғли Дўнабилмас Тўлак Эвран санинг ила борсин, деди. Кўша бурчақда қайин ўқи ҳаялламаган Яғринчи ўғли Алолмиш санинг ила борсин, деди. Аждарҳолар оғзидан одам олган Дали Эврон санинг ила бирга борсин, деди. Ернинг бир учидан иккинчи учига етаман деган Сўғон Сарик санинг ила бирга борсин, деди. Санамок ила Ўғуз эранлари тугамас. Бойинтур хон йиғирма тўрт Санжоқ бегини Яганакка йўлдошликка кўшди. Беклар жам бўлиб, яроқларин кўрдилар, йўлга тушдилар.

Магар ул кеча Яганак туш кўрди. Тушини йўлдошларига сўйлади. Кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Беклар, йўлдошларим, ғофил қора бошим, кўзим уйкуда экан, туш кўрдим. Ола кўзим очибон дунё кўрди. Оқ бўз отлар чопдиргучи алплар кўрдим. Оқ дубулғали алпларни ёнимга олдим. Оқ соқолли Кўркут Отадан ўғит эшитдим. Кўндаланг ётган қора тоғларни ошдим. Қарши ётган денгизни тилдим, кечдим. Узоқда кўринган қора тоғ бир ёнида бошдан - оёқ порлаб турган бир эр кўрдим. Қалқибон ўрнимдан турдим, ўтқир учли ўз найзамни олдим, қаршилаб ўша эрнинг ёнига бордим. Порлаб турган бу одамга найзани санчмоқ бўлиб, яқин борсам, ул манинг дойим Эмон эмиш. Уни танидим, унга салом бердим. Ўғуз элларида кимсан? дедим. Қабокларин кўтариб, юзимга боқди. Ўғил, Яганак қайга борурсан? деди. Сўйлади. Ман айтдим: Дўзмурт қалъасида отам тутқун эмиш, унинг ёнига кетяпман, дедим. Дойим манга сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, Эмон айтур: Еганимда ел етмасди етти юргуним, Кўрик ернинг бўрисиға ўхшарди йигитларим.

Етти киши буқар эди манинг ёйимни, Қайин долидан, сўм олпинли эди ўқим, Ел эсди, ёмғур ёғди, қадар кўлди, Етти қатла бордим, Ул қалъани ололмадим, изга қайтдим, Мандан багтар ер кўлмагайсан, Ягангим, қайт, деди. Яганак тушида дойисига сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Қалқибон, дойи, ўрнингдан тўрганингда, Ола кўзли бек йигитларни ёнингга сан олмадинг, Оти машхур беклар ила сан йўртмадинг. Бек оқчали улүфажки парни йўлдош этдинг, Шунинг учун ул қалъани ололмадинг, демиш. Яганак яна айтур: Кесиби - кесиби емакка яхна яхши, Кесар кунда сарчашма югрук сув яхши, Дойим, келганингда турган давлат яхши, Билганин унутмайдиган ақл яхши. Душмандан қочмаса, эрлик яхши, деди. Бу тушни Яганак йўлдошларига ҳикоят айлади. Магар дойиси Эмоннинг ўзи ҳам шу ерга келди. Жумла беклар билан

қўшилиб, бирга кетишди. Кўп йўл юрдилар. Кунлардан бир кун Дўзмурт қалъасига етдилар. Давра қилиб қўндилар. Ғаюрлар уларни кўришди. Аршун ўғли Дирак Такурга хабар етказишди. Ул малъун ҳам буни эшитиб олоти харб ила қалъадан ташқари чиқиб, уларга муқобил бўлди. Майдонга чиқиб, олишмоққа эр тилади. Қиён Салжук ўғли Дали Дундор ўрнидан туриб келди. Олпмиш тутам ўпқир найзасин қўлпикқа қистириб, ул ғаюрга етди, ул ғаюрнинг қаршисидан урмоқ бўлди, уролмади.

Ғаюр айланиб уни зарб этди. Найзасини тортди, қўлидан олди. Ва олпмиш ботмон гурзиси ила Дали Дундорнинг бошига урди. Кенг дунё Дундорнинг кўзига қоронғи бўлди. Қозилик отини буриб, аскарига келди. Ундан кейин Дўнабилмас Тўлак Эвран олти қиррали чўқмори билан от қўйиб келди ва ғаюрни қағтиқ урди, ололмади. Такур айланиб, унинг қўлидан чўқморини олди. Кейин ўзининг гурзиси билан елкасига бир урди. У ҳам забун бўлиб, Қозилик отини орта бурди, изига қайтди. Қиссани чўзиб на қиламиз, Хоним, йигирма тўрт санжоқ беги Такур қўлидан забун бўлди.

Шу пайт Қозилик Хўжа ўғли Яганак ўрнидан турди. У қора тўнли ғаюрга от қўйди. Ел каби етди, ёлим каби ёпишди. Ул ғаюрнинг ўмизига бир қилич урди. Кийимини, кечагини тўғради. Олти бармоқ чуқурликда яра очди. Душмanning қора қони шариллади, қора саҳри, чакмони бутун қон бўлди. Қора боши айланди, мўнгли бўлди. Ва отининг бошини буриб, ҳисорга қочди.

Яганак ғаюрнинг ортидан етди. Ғаюр ҳисор эшигига қирар экан, Яганак қора пўлат ўз қиличи-ла ғаюрнинг бўйинини мўлжаллаб энсасига қўшиб бир урдик, боши тўп каби ёнига тушди.

Кейин Яганак отини бурди, лашкарга келди. Ғаюрлар бу ҳолни кўрди, бўйлаким, ғавғо босилди, дея тутқун бўлган Қозилик Хўжани қўйиб юбордилар, у чиқиб келди. Хай, бек йигитлар, ғаюрни ким ўлдирди, дея бир сўйламиш, кўрайлик, Хоним на сўйламиш, айтур: Карвоннинг моюсини юкли қолдирдим, Нормидир, моюмидир, буни билсам, Қора қўйимни юкли қолдирдим. Кўчқорми, қўйимидир, энди билсам? Ола кўзли кўркли ҳалолим юкли қолдирдим, Эркакмидир, қизмидир, буни билсам? Хой, бек йигитлар, хабар беринг манга Яратган ҳаққи, деди. Яганак ҳам отасига ўзининг кимлигини билдирмади, у ҳам сўзлади, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, Айтур: Карвонингнинг моюсини Юкли кўрдинг, нор туғди. Қора елинли қўйингни Юкли кўрдинг, кўчқор туғди. Ола кўзли, кўркли ҳалолингни Юкли кўрдинг, арслон туғди. Яганак отаси билан кўришди. Шу пайт беклар ҳисорга юриш бошладилар, яғмоладилар. Отаси билан Яганак пизли ёқа тутиб бир - бирини ҳидлашдилар. Икки ҳасрат бир - бирига бирлашдилар, бўз ернинг бўрисидай улишдилар. Яратганга шукр қилдилар.

Ҳисорни олиб, ибодатхоналарни йиқиб, ўрнига масжидлар қурдилар. Руҳонийларга азон ўқитдилар. Қутба ўқитдилар. Қушнинг ола қонини, ипакнинг аслини, қизнинг гўзалини, тўққизлама олтин билан ишланган чорбоғни Бойинтур хонга ҳадя этдилар. Қўркут Ота келибон дoston айтди, сўз сўйлади. Кўрки, на сўйлади. Бу ўғузнома Яганакники бўлсин, деди. Мандан сўнгра алп эранлар сўйласин, манглайи очик жўмардлар тингласин, деди. Айтганим келсин, Хоним, санинг қора тоғларинг йиқилмасин. Қўлкаси кенг оғочинг кесилмасин. Оқ соқолли отанг жойи осмон бўлсин. Оқ сочли онанг ери беҳишт бўлсин. Охир сўнгги ори имондан айирмасин, Хоним-эй.

Саккизинчи қисса: Босотнинг Тепакўзни ўлдирганлиги ҳақида дoston

Магар, Хоним, бир кун Ўғуз ўпирганда устига ёғий келди. Тун эди, кўркиб қочди. Қочиб кетаётганда, Оруз Хўжанинг ўғлончилиги тушиб қолди. Уни бир арслон топиб, кўтарди ва тарбия қилди. Ўғуз бир оздан кейин яна юртига қўнди. Ўғуз хоннинг йилқичиси келиб, хабар етказди. Айтур: Хоним, қамишвордан бир арслон чиқиб, отга ҳужум қилди. Апил - тапил юриши одам каби. Отни босибон қонин ичди. Оруз айтур: Хоним, қочган пайтимизда тушиб қолган манинг ўғлончилигимдир балки.

Беклар отга миндилар, арслон ётоғига келдилар, арслонга тегмай, ўғлонни тутдилар. Оруз ўғлонни олиб уйига келтирди. Шодлик этдилар, ейишма - ичишма бўлди. Аммо ўғлонни нақадар қистамасинлар, турмади, қайтиб, арслон ётоғига борди. Яна тутиб келтирди. Кўркут Ота келди, айтур: Ўғлоним, сан инсонсан, хайвон ила мусоҳиб бўлмагил. Кел, яхшиси, от мин, яхши йигитларга эш бўл, йўрт, деди. Улли қардошининг оти Қиён Салжукдир, санинг отинг Босот бўлсин. Отингни ман бердим, ёшингни эгам берсин, деди.

Ўғуз бир кун яйловга кўчди. Орузнинг бир чўпони бор эди. Қўнғир Хўжа отли сариқ чўпон эди. Ўғузнинг ичида ундан аввал кимса яйловга кўчмас эди. Узунбулоқ деб аталган машҳур бир булок бор эди. Ўша

булоқ бўйига парилар кўнмиш эди. Ноғохондан қўйлар хуркди. Чўпон буни серкадан кўрди, олдинга юрди. Кўрдиким, парилар қанотини қанотига боғлаб учарлар. Чўпон капанагини олиб парилар устига отди, пари қизининг бирини тугди. Очқўзлик этиб, у билан жуфтлашди. Қўйлар хурка бошлади. Чўпон қўйлар ёнига чопди. Пари қизи қанот қоқиб учди, айтур: Чўпон, йил тамом бўлганда мандан омонатингни оласан, кел, деди. Аммо сан Ўғузнинг бошига завоқ келтирдинг, деди. Чўпоннинг ичига кўркўв тушди. Лекин қизнинг ишқида ранги сарғарди. Бир оздан сўнг Ўғуз яйдоққа кўчди. Чўпон яна булоқ ёнига келди, яна қўйлар хуркди. Чўпон бир оз юриб, кўрдиким, бир уюм нарса ёгур, ялт - юлт қилар. Пари қизи келди, айтур: Чўпон, омонатингни кел, ол. Аммо сан Ўғузнинг бошига завоқ келтирдинг, деди. Чўпон бу ялтироқ нарсани кўриб, таажубланди, орта чекиниб, палаҳмонига тош солиб отди. Хар отганда, у ялтироқ нарса қатгяр эди. Чўпон уни қўйиб қочди. Қўйларнинг ортига тушди.

Итпифоко ўша пайт Бойинтур хон беклари ила саёҳатга чиққан эди. Улар булоқнинг ёнига келишди. Кўрдиларким, бир ғалати нарса ёгур, боши - кети маълуммас. Даврага олдилар, бир йигит отдан тушиб, уни тепди. Тепган заҳот қаттарди. Яна бир неча йигит отдан тушди ва тепдилар. Хар тепганда қатгярверди. Оруз Хўжа ҳам тушиб, тепди. Этигидати маҳмуз қаттиқ тўқинди. Ғалати нарса ёрилди. Ичидан бир ўғлон чиқди. Гавдаси одам гавдаси, манглайида бир кўзи бор.

Оруз бу ўғлонни олиб этагига солди. Айтур: Хоним, муни манга беринг, ўғлим Босот ила тарбиялайин, деди. Оруз Тепакўзни олди, уйига келтирди. Буюрди, бир доя келди, эмчагини Тепакўзнинг оғзига солди. Бир сўрди, бор супини олди, икки сўрди - конин олди, уч сўрди - жонин олди. Бир неча доя чақирдилар, барини ҳалок этди. Кўрдилар, бўлмас, сут билан боқайлик, дедилар. Кунда бир қозон сут етмас эди. Тарбияладилар, ўсди, юрадиган бўлди, ўғлончиқлар билан ўйнайдиган бўлди. Ўғлончиқлардан бировининг бурнини, бировининг қулоғини емакка бошлади. Алҳосил, ўрдадагилар Тепакўз сабаб қаттиқ инжилдилар, ожиз қолдилар. Орузга шикоят этиб, йиғлашдилар. Оруз Тепакўзга дўк урди, сўқди, таъқиқлади, бўлмади. Охири уйдан қувди.

Тепакўзнинг пари онаси келиб, ўғли қўлига бир узук қистирди. Ўғил, санга ўқ ўтмасин, танингни қилич кесмасин, деди. Тепакўз Ўғуздан чиқди. Бир юксак тоққа борди. Йўл кесди. Одам олди. Қатта ҳароми бўлди. Уни бир неча одам ўраб олдилар. Ўқ отишди - ботмади, қилич урдилар - кесмади, найза билан санчишди - илмади. Чўпон дегани қолмади, ҳаммасини еди. Ўғуздан ҳам одам емакка бошлади.

Ўғуз йиғилиб ёнига борди. Тепакўз кўриб, ғазабланди. Бир оғочни томири-ла қўпорди, отиб, элик-олтмиш одамни ҳалок айлади. Алплар боши Қозонга ҳам зарб теги, дунё кўзига тор бўлди. Қозоннинг қардоши Қора Кўна Тепакўз қўлида забун бўлди. Дулзан ўғли алп Рустам шаҳид бўлди. Темир тўнли Момоқ ҳам қўлида ҳалок бўлди. Мўйлови қонли Буғуз Омон ҳам забун бўлди. Оқ соқолли Оруз Хўжага қон қусдирди. Ўғли Қиён Салжукнинг ўти ёрилди. Ўғуз аҳли Тепакўзга таъсир қилмади, кўркди, қочди. Тепакўз олдига чиқиб, қочирмади, Ўғузни ўз ерига қайтарди.

Алҳосил, Ўғуз аҳли етти марта қочди, Тепакўз олдига чиқиб, етти марта изига қайтарди. Ўғуз Тепакўз қўлида тамом забун бўлди. Бордилар, Кўркут Отани чақирдилар. У билан маслаҳатлашдилар, келинг, кесим кесайлик дейишди. Кўркут Отани Тепакўзнинг ёнига олиб бордилар. Борди, салом берди, айтур: Ўғил Тепакўз, Ўғуз қўлингга забун бўлди, ночор қолди. Оёғинг тўпроғига мани ташладилар, санга кесим берайлик, дейишди, деди. Тепакўз айтур: Хар кун олтмиш одам беринг емакка, деди. Кўркут Ота айтур: Бу ҳолда сан одам қўймай тугатарсан, деди. Фақат қунига икки одам билан беш юз қўй берайлик деди. Кўркут Ота шундай дегач, Тепакўз айтур: Майли, шундай бўлсин. Хўп, манга яна икки одам беринг, маннинг емагим пиширсин, ман ейяйин, деди.

Кўркут Ота қайтди, Ўғузга келди, айтур: Юнгли Хўжа билан Япағили Хўжани Тепакўзга беринг, ошин пиширсин, деди. Ва яна қунига икки одам билан беш юз қўй сўради, деди. Улар рози бўлишди. Тўрт ўғли бўлган одам, бирини берди, учови қолди. Уч ўғлоннинг бирини бериб, иккисин қолдирди. Икки ўғли бори бирини берди, бири қолди. Қобок Қон деган бир киши бор эди. Икки ўғли бор эди. Бир ўғлини бериб, бири қолган эди. Навбат яна айланиб унга келган эди. Онаси фарёд этиб йиғлади, зорлик айлади. Магар, Хоним, Оруз ўғли Босот ғазога кетган эди. Шу маҳалда келиб қолди. Она айтур: Босот энди оқиндан келди, борайин, ўйлаким, манга бир асир берар, ўғлончилигини қутқарардим, деди. Босот, хаёл суриб ўтираркан, кўрдиким, бир хотин киши келур. Келди, ичкари кириб, Босотга салом берди, йиғлади, айтур: Найзаси ҳовучига сиғмаган Эликли ўғли, Эрдил така шохидан ҳам қаттиқ ёйли. Ич Ўғузда, Така Ўғузда оти маълум Оруз ўғли хоним Босот манга мадад, деди. Босот: На тиларсан, деди.

Хотин айтур: Ёлгончи дунё юзида бир эр кўпди. Яйловида Ўғуз элин кўндирмади. Қора пўлат қиличларга қилини ҳам кесдирмади. Ўтқир найза ўйнаганларга илдирмади. Қайин ўқи отанлар ҳам қор қилмади. Алплар боши Қозонга бир зарб урди, қардоши Қора Қўна қўлида ҳалок бўлди. Мўйлови қонли Бугдуз Омон қўлида забун бўлди. Оқ соқолли отанг Орузга қон қусдирди. Майдон юзинда қардошинг Қиён Салжук ҳам синди, жон берди. Буюк Ўғуз бекларининг кимин забун этиб, кимин шаҳид айлади. Етти қапла Ўғузни еридан қувди. Отанинг кесимин кесди. Кунида икки одам, беш юз кўй сўради. Юнгли Хўжа билан Япағили Хўжани хизматкор этиб бердилар. Тўрт ўғли бўлган бирин берди, учови қолди, уч ўғли бори бирин берди, иккиси қолди; икки ўғли бори бирин берди. Икки ўғлончигим бор эди, бирин бердим, бири қолди. Айланди, навбат яна манга келди. Уни олмоқ истарлар. Хоним, манга мадад, деди. Босотнинг қоронғили кўзлари ёш ила тўлди. Қариндоши учун сўз сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Қирон ерда тикилмиш ўтовларинг, У золим йиқдирди, ажаб, қардош. Югрук бўлган отларинг қаторидан У золим ажратди, ажаб, қардош. Бақувват туяларинг сафидан У золим айирди, ажаб, қардош. Дастурхончун асраган қўйларингни У золим қирди, ажаб, қардош. Қувонч ила келтирганинг келинчагинг У золим сандан айирди, ажаб қардош. Оқ соқолли отамни, Ўғил, дея йиғлатдинг, ажаб, қардош. Оқ юзли онамни Ўғил, дея бўзлатдинг, ажаб, қардош. Қарши ётган қора тоғим юксаги қардош, Тез оқар кўркли сувим тошқини қардош, Кучли белим қуввати, Қоронғи кўзларимнинг ойдини қардош, Қариндошимдан айрилдим, дея кўп йиғлади, зорлик қилди. Ул хотин кишига бир асир берди, бор ўғлинигни қутқар, деди. Хотин олди, келди, ўғлининг ўрнига асирни берди. Ҳам ўғлинг келди, дея Орузга суюнчилади. Оруз севинди. Буюк Ўғуз беклари ила Босотга қарши келди. Босот отасининг қўлини ўпди, йиғлашдилар, бўзлашдилар. Онасининг уйига келди. Онаси чиқди. Ўғлончилигини қучди. Босот онасининг қўлини ўпди, кўришдилар, бўзлашдилар. Ўғуз беклари терилди. Ёйишма - ичишма бўлди. Босот айтур: Беклар, қардошим ҳаққи, Тепакўз билан олишарман, на буюрарсиз, деди. Қозон бек сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур:

Қора аждар бўлди Тепакўз, Арш юзида ўрадим, ололмадим. Қора қолгон бўлди Тепакўз, Қора тоғда ўрадим, ололмадим, Босот. Қутўрган арслон бўлди Тепакўз. Қамишзорда ўрадим, ололмадим, Босот. Эр бўлсанг, зўр бўлсанг Ман Қозонча бўлмайсан, Босот, Оқ соқолли отангни йиғлатмагил, Оқ сочли онангни бўзлатмагил. деди. Босот айтур: Албатта бораман, Қозон айтур: Ўзинг билурсан, Отаси йиғлади, айтур: Ўғил, ўчоғинг изсиз қўйма, қарам айла, борма, деди. Босот айтур: Йўқ оқ соқолли азиз ота, борурман, деди, тингламади. Беллигидан бир тутам ўк чикарди, белига тикди. Қиличдин елкасидан ошириб боғлади. Ёйини қўлига боғлади. Этакларин қайирди. Отасининг онасининг қўлини ўпди. Ҳалоллашди, хуш қолинг, деди.

Тепакўз бўладиган Саллох хона қоясига келди. Кўрди, Тепакўз орқасини қуёшга бериб ёлғиз ўтирмиш. Белидан бир ўк чикарди. Тепакўзнинг бағрига бир ўк урди, ўк қирмади, парчаланди. Яна бир отди, у ҳам пора-пора бўлди. Тепакўз хўжаларга айғди: Бу ернинг пашшаси бизни қитиқлаяпти, деди. Босот яна бир ўк отди, у ҳам пораланди, бир парчаси Тепакўзнинг кўз ўнгига тушди. Тепакўз сачради, боқди. Босотни кўрди, чапак чалди, қаҳ - қаҳ қулди. Хўжаларга айтур: Ўғуздан бизга яна бир барра кўзичок келди, деди. Босотнинг ёнига келди, тутди, бўғизидан ушлаб, ётоғига келтирди. Этигининг кўнжига суқди, айтур: Ҳой, хўжалар, мунинг манга тушлиқдан сўнг қовурарсиз, ейман, деди ва ухлади.

Босотнинг ханжари бор эди. Этикни ёрди, ичидан чиқди, айтур: Ҳой, хўжалар, мунинг ўлими нимадан, деди. Айғдилар: Билмаймиз, аммо, кўзидан бошқа жойида эт йўқдир, дедилар. Босот Тепакўзнинг боши устига келди. Қаради, кўрдиким, кўзи этдир. Айтур: Ҳой хўжалар, найзани ўчоққа қўйинг, қизисин, деди. Найзани ўчоққа қўйдилар, қизиди. Босот қўлига олди. Найзани Тепакўзнинг кўзига шундай босдиким, Тепакўзнинг кўзи йўқ бўлди. Шундай наъра тортди, ҳайқирдиким, тоғ ва тош акс - садо берди. Босот сачради, қўйларнинг ичига, моғорага тушди. Тепакўз билдиким, Босот моғорададир, моғоранинг эшигининг бир ёғига бир оёғини, иккинчи томонига иккинчи оёғини қўйиб, айтур: Ҳой, қўйнинг боши эркак, кел, бир-бир кеч, деди. Бир - бир келиб, кечди. Ҳар қўйнинг бошини силаб кўрди. Тўққиларим, давлатим сақор кўчқор, энди сан кеч, деди. Бир кўчқор ўрнидан қалқди, қоқилиб йиқилди.

Дарров Босот кўчқорни босиб, бўғизлади, терисини шилди. Қуйруғи билан бошини терида қолдирди. Ичига кирди. Босот Тепакўзнинг ёнига келди. Тепакўз билдиким, Босот тери ичидадир. Айтур: Ай, сақор кўчқор, маним қандай ҳалок бўлажагим билдинг. Моғора деворига сани шундай урайинким, қуйруғинг моғорани ёғласин, деди. Босот кўчқорнинг бошини Тепакўзнинг қўлига берди. Тепакўз бўйнидан маҳкам тутди. Шох билан тери қўлида қолди. Босот Тепакўзнинг бути орасидан санчиб чиқди. Тепакўз шохни кўтариб ерга урди, айтур: Ўғлон, қутўлдингми, деди. Босот айтур: Тангрим қутқарди, деди. Тепакўз айтур: Ҳой ўғлон, ол шу бармоғимдаги узукни, бармоғингга тақ. Санга ўк ва қилич қор этмасин, деди. Босот олди, узукни бармоғига тақди. Тепакўз

сўрар: Ўғлон, узукни тақдингми? Босот айтур: Тақдим. Тепакўз Босотга хужум қилди, ханжар ила чалди, кесди. Босот сачради, кенг жойга чиқиб олди. Кўрдиким, узук яна Тепакўзнинг оёғи остида ётар. Тепакўз сўрар: Қутўлдингми? Босот айтур: Тангрим қутқарди, деди. Тепакўз айтур: Ўғлон, бир қуббани кўрдингми?

Босот айтур: Кўрдим. Тепакўз айтур: Манинг хазинам бор, ул хўжалар олмасинлар, бор, мухрла, деди. Босот қубба ичига кирди. Кўрдиким, олтин акча йиғилмиш, боқар экан, ўзини унутди. Тепакўз қуббанинг эшигин тўсди, сўрар: Қуббага кирдингми? Босот айтур: Кирдим, деди. Тепакўз айтур: Қубба билан қўшиб шундай урайинки, дабдала бўларсан, деди. Босотнинг тилига калима келиб, дуо ўқиди. Шу заҳотиёқ қубба ёрилди. Етти жойдан эшик очилди, биридан ташқарига чиқди.

Тепакўз қуббага қўлини суқди, шундай силтадиким, қубба зеру забар бўлди. Тепакўз айтур: Ўғлон, қутулдингми? Босот айтур: Тангрим қутқарди, деди. Тепакўз сўрар: Санга ўлим йўқ экан, шу моғорани кўрдингми? Босот айтур: Кўрдим. Тепакўз айтур: Унда икки қилич бор, бири қинлик, бири қинсиз. Қинсиз қилич кесар манинг бошимни. Бор, келпир, манинг бошимни кес, деди. Босот моғора эшигига борди. Кўрди, бир қинсиз қилич жойида турмас, гоҳ юқорига, гоҳ пасга инар. Босот айтур: Ман бунга бетакаллуф ёпишмайин, дея аввал ўзининг қиличини суғурди, тутди. Қинсиз қилич уни икки бўлак қилди. Борди, бир оғоч келпирди, қиличга тутди, уни ҳам икки бўлди. Тез ёйини қўлига олди, ўқ билан ўша қилич осилган занжирни урди, узди. Қилич ерга тушди, ерга кириб кетди. Ўз қиличини қинга солиб, ерга санчилган ул қиличнинг сопидадан маҳкам тутди. Борди, айтур: Хой, Тепакўз, қалайсан, деди. Тепакўз сўрар: Ха, ўғлон, яна ўлмадингми? Босот айтур: Тангрим қутқарди, деди.

Тепакўз айтур: Санга ўлим йўқ экан, деди. Нола этиб Тепакўз сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Кўзим, кўзим, ёлғиз кўзим, Ман ёлғиз кўз ила Ўғузни синдиргандим, Ола кўздан айирдинг, йигит, мани. Тотли жондан айирсин худо сани Ўйлаким, ман чекар ман кўз дардини, Хеч йигитга бермасин қодир мухтор кўз дардини, деди. Тепакўз яна айтур: Қоларда, кўпарда, йигит, еринг на ердир? Қоронғи тун ичида юрсанг умидинг надир? Катта санжоқ кўтарган хонингиз ким? Қирғин куни ўнгдан ўрган алпингиз ким? Оқ соқолли отанг оти надир? Алп эран, эрдан отин яширмоқ айб бўлур, Отинг надир йигит, айтгил манга? деди. Босот Тепакўзга сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур:

Қоларда, кўпарда жойим Кунўртач, Қоронғу тун ичра йўл ошсам, умидим эгам, Катта санжоқ кўтарган хонимиз Бойинтур хон, Қирғин куни ўнгдан ўрган алпимиз Салор ўғли Қозон. Отам отин сўрар бўлсанг, Катта Оғоч, Онам отин сўрар бўлсанг, Улкан Арслон Маним опим сўрар эсанг, Оруз ўғли Босотдир, деди. Тепакўз айтур: Энди қардошимиз, мани қийма, деди. Босот айтур: ярамас, оқ соқолли отамни йиғлатмишсан, Чакка сочи оқарган онамни бўзлатмишсан, Қариндошим Қиёни ўлдирмишсан, Оқ юзли янгамни тул айламишсан, Ола кўзли бўбакларин етим қўймишсан, Қўймасман сани. Қора пўлат ўз қилим тортмагунча, Кўркли бошинг кесмагунча, Ол қонингни ер юзига тўкмагунча, Қардошим Қиёнинг ўчин олмагунча, Қўймасман, деди. Тепакўз яна бир сўйламиш, айтур: Қалқибон ўрнимдан турдим, дер эдим, Буюк Ўғуз беклари-ла аҳдим бўзаман, дер эдим, Янги тукканларин қираман, дер эдим, Бир марта одам этига тўяман, дер эдим, Қалин Ўғуз беклари ёнимга йиғилар, дер эдим. Қочиб Саллох хонага қираман, дер эдим, Оғир манжанақ тоши-ла отаман, дер эдим. Тош бошимга тушиб ўламан, деб ўйлардим. Ола кўздан айирдинг йигит мани, Тотли жондан айирсин эгам сани, деди. Тепакўз яна сўйламиш, айтур: Оқ соқолли хўжаларни кўп йиғлатмишам, Оқ соқолнинг қарғиши тутди, ажаб, кўзим, сани Чакка сочи оқ хотинларни кўп йиғлатмишам, Кўз ёши тутди, ажаб, кўзим, сани. Мўйлови қораймиш ўсмирларни кўп едим ман. Йигитлари тутди, ажаб, кўзим сани, Қўлчалари хиоли қизчаларни кўп емишам, Жувонликлари тутди, ажаб, кўзим сани. Ўйлаким, чекарман ман кўз жабрини, Хеч йигитга бермасин қодир мухтор кўз дардини. Кўзим, кўзим, ой кўзим, ёлғиз кўзим, деди. Босот ғазабланиб, унга яқин келди. Тепакўзни туя каби чўқтирди. Уни ўз қиличи-ла бўйнига урди. Ёй, қилични тақди. Тепакўзнинг бўйнидан тешик қилди, илдириб судради. Судрай - судрай моғора эшигига келди. Юнгли билан Япағили Хўжани Ўғузга суюнчилашга юборди. Оқ бўз отларга минибон жўнаб кетишди. Буюк Ўғуз эрларига хабар етди. От оғизли Оруз Хўжа уйига чопар келди. Суюнчи беринг, ўзлингиз Тепакўзни ўлдирди, деди.

Буюк Ўғуз беклари етдилар. Саллох хона қоясига келдилар. Тепакўзнинг бошини ўртага қўйдилар. Кўркут Ота келибон созини чалди. Бозий эранлар бошига на келганин айтаверди. Ҳам Босотга олқиш айтди. Қора тоққа етганинда ошиғ берсин, Қонли - қонли сувардан кечит берсин, деди. Эрлик билан қардошинг ўчин олдинг. Буюк Ўғуз бекларини мунгдан қутқардинг, илоҳим юзингни ёруғ этсин, Босот, деди. Ўлим пайти келганида ори имондан айирмасин. Гуноҳларингизни эгамнинг ўзи кечирсин, Хоним-эй.

Тўққизинчи қисса: Бағил ўғли Эмраннинг достони

Ком Гон ўғли хон Бойинтур ўнidan тўрган эди. Оқ бон уйини қора ернинг устига тиктирган эди. Ола соябон кўк юзини қоплаганди. Минг ерда ипак ғаличалари тўшалганди. Ич Ўғуз, Таш Ўғуз беклари йиғилган эди. Тўққиз туман Гуржистоннинг хирожки келди: бир от, бир қилич, бир чўқмор келтирдилар. Бойинтур хон қаттиқ ғазабланди. Кўркут Ота келди, созини чалиб, қутлади, Хоним, нега қизишарсан, деди. Бойинтур хон айтур: Нега қизишмайин? Хар йил олтин ақча келар эди. Йигитларга, бекларга берардик, кайфияти хуш бўлар эди. Энди буни кимга берайликким, кайфи хуш бўлса, деди. Кўркут Ота айтур: Хоним, шунинг учун бу нарсани бир йигитга берайлик у Ўғуз дарвозасига қаровул бўлсин, деди. Хон Бойинтур кимга берайлик, деди. Ўнгига, сўлига бокди, кимса рози бўлмади. Бағил деган бир йигит бор эди, ўнга бокди, сўрар: Сан на дерсан? Бағил рози бўлди, қалқиб ер ўпди.

Кўркут Ота унинг белига ҳиммат қиличин боғлади, чўқморни ўмизига бириктирди, ёйни ёнига тақди. Шаҳбоз айғирни опкелишди, у минди, хасмини - қавмини айирди, кўчди, Ўғуздан кўп айлади. Бардага, Ганжага бориб, ватан тутди. Тўққиз туман Гуржистон оғзига бориб қўнди. Қоровуллик айлади. Ёт келса, Ўғузга армуғон юборарди. Йилда бир қарра Бойинтур хоннинг мажлисига борарди. Яна Бойинтур хондан одам келди, тез келсин дея. Бағил тез борди, армуғон топширди. Бойинтур хоннинг қўлини ўпди. Хон ҳам Бағилни сийлади. Яхши от, яхши кафтан, анча харжлик берди. Уч кун тамом алқади. Яна уч кун Бағилни ов – шикор гўшти ила меҳмон қилай, беклар, деди. Овга чақиртиришди. Кун бўйи овга тайёрландилар. Ким отини, ким қиличини, ким қандай ўк отишини мақтар. Салор Қозон на отин мақтади, на ўзини мақтади. Фақат Бағилнинг хунарини сўйлади. Уч юз олпмиш отлик овга чиқса, қонли кийик устига юриш қилса, Бағил на ёй тортар, на ўк отар эди. Отса ҳам, тез ёйини олиб, буғунинг ё кийикнинг бўйнига отарди, ердан турғазарди, ориқ бўлса қулоғин тиларди, овда белгили бўлсин, дерди. Аммо семиз бўлса бўғизларди. Агар беклар кийик отса, қулоғи тилинган бўлса, Бағилники дея унга қайтардилар. Қозон бек сўрар: Бу ҳунар отникими ёки эрникими?

Айтдилар: Хоним, эрникидир, дейишди. Хон айтур: Йўқ от ишламаса, эр ўнгмас, ҳунар отники, деди. Бу сўз Бағилга хуш келмади. У айтур: алплар ичида бизни балчиққа бопирдинг, деди. Бойинтур хоннинг совғасини ёнига тўқди. Хонга жаҳл этди. Мажлисдан чиқди. Отларини буриб, ола кўзли йигитларин олиб, уйига келди. Ўғлончиқлари қаршилади, эркаламади. Оқ юзли хотинига сўйламади. Хотун сўйламиш, кўрайлик, Хоним на сўйламиш, айтур: Олтин тахтим эгаси, бегим йигит, Кўз очибон кўрдигим, Кўнгил бериб севдигим, Қалқибон ўрнингдан туриб кетдинг, Ола кўзли йигитларинг ёнинга олдинг, Ола тоғнинг қоқ белидан тунда ошдинг, Оқаётган кўркли сувдан тунда кечдинг, Оқ манглайли Бойинтур хон мажлисига тунд бординг, Ола кўзли йигитлар ила единг, ичдинг, Қавм қавм билан кинлашдимиз? Ғариб бошинг ғавғога қолдимиз? Кони Хоним, Тагингда яхши отинг йўқ, Эгингда олпинли жуббанг йўқ Ола кўзли бўбақларинг эркаламассан, Оқ юзли кўрқинг ила сўйлашмассан, Надир ҳолинг? деди. Бағил сўйламиш, кўрайлик, Хоним на сўйламиш, айтур:

Қалқибон ўрнимдан туриб келдим. Ёли қора Қозилик отга бутун миндим, Ола тоғнинг қоқ белидан тунда ошдим, Оқаётган кўркли сувин тилиб тунда кечдим, Оқ манглайли Бойинтур мажлисига чоғиб бордим, Ола кўзли беклар ила едим, ичдим, Қавмни қавм ила кўркли кўрдим, Хонимизнинг назарин биздан қайтар кўрдим, Элни кундуз кўчиринг, Тўққиз туман Гуржистонга кетайлик, Ўғузга осий бўлдим, буни билинг, деди. Хотин айтур: Йигитим, бек йигитим, подшоҳлар тангрининг қўланкасиدير. Подшоҳига осий бўлганининг иши ўнгидан келмас, Ори кўнглингда дард бўлса, шароб очар. Сан кетали, Хоним, кеса ётган ола тоғлари овланганидир. Овга чиқтил, кўнгил очарсан, деди. Бағил кўрди, хотин кишининг ақли, фикри яхшидир. Қозилик отин опкелтириб бутун минди, овга чиқди.

Ов овлаб кезар экан, қаршисидан бир ярадор буғу чиқди. Бағил ўнга от солди. Буғунинг ортидан етди, ёй қинини бўйнига отди. Буғу ўзини бир юксак ердан пастга отди. Бек от жиловини тортолмади, от билан бирга учди. Ўнг оёғининг илиги қояга тўқинди, ўзилди. Бағил йиғлади, айтур: Улли ўғлим, улли қардошим йўқ. Ёнидан ўқ чиқариб, ўқ илмоғи билан от эгарининг қончўтасига илдирди, тортди. Кафтанидан йиртиб, оёғини қаттиқ боғлади, бор қувватини йиғиб, отининг ёли устига чиқди. Овчилардан узокда эди. Дулбанди гарданига сирғалиб келди. Ўрдасига келди.

Ўғлончилиги Эмран Баҳодир отасига қарши келди. Кўрди, ранги сарғармиш, дулбанди энсасига тушмиш. Йўловчиларини сўраб ўғлон бир сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Қалқибон ўрнингдан тура келдинг, Ёли қора қозилик отга бутун миндинг Кеса ётган ола тоғлар этагига овга бординг, Қора тўнли

ғаюрларға учрадингми? Ола кўзли йиғитларинг қирдирдингми? Оғиз тилдан бир калима айттил манга, Қора бошим қурбон бўлсин отам санга, деди. Багил ўғлига сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Ўғил, ўғил, ой ўғил, Қалқибон ўрнимдан туриб бордим, Қора тоғлар этагига овга бордим, Қора тўнли ғаюрларга учрамадим,

Ола кўзли йиғитларим қидирмадим, Соғдир, эсондир йиғитларим. Ўғил, қайғурма, уч қўндирки, хушлигим йўқ. Ўғил, от устидан мани тушир, тўшагимга ётқиз, деди. Арслон инаги ҳам арслондир. Отасини от устидан қучоқлаб тутди, кўтариб тўшагига ётқизди. Жуббасини тепасига осди, эшигини ётди. Бу ёнда эса бек йиғитлар кўрдиким, ов бўзилмиш. Ҳар ким уй уйига кетди.

Багил, беш кун ўтди, мажлисга чиқмади. Оёғининг синганини кимсага айтмади. Бир кеча тўшагида қаттиқ-қаттиқ ингради, оҳ чекди. Хотини сўради: Бек йиғитим, тўп-тўп ёғий келса қайтмас эдинг. Бутинга ола ўқ қадалса инграмас эдинг. Одам ўз қўйнида ётган ҳалоллига ҳам сирини айтмасми? Набир ҳолинг? Багил айтур: Кўрклим, отдан йиқилдим, оёғим синди, деди. Аврат чапак чалди, қорабошга айтиб берди. Қорабош чиқиб эшикбонга айтди. Ўттиз икки тишдан чиққан хабар бутун ўрдага ёйилди: Багил отдан йиқилмиш, оёғи синмиш, дея. Магар, ғаюрнинг жосуси бор эди. Бу хабарни эшитиб борди, Тақурга хабар берди.

Тақур айтур: Қалқибон ўрнингиздан туринг. Етар жойида Бек Багилни тутинг. Оқ қўлларин орпига боғланг. Рофил кўркли бошин кесинг. Ол қонини ер юзига тўкинг. Элини, уйини чопинг. Қизин, келинин асир этинг, деди. Магар Багилнинг-да у ерда жосуси бор эди. Багилга хабар етказди. Айтур: Бошингизни қутқаринг устингизга ёғий келур, деди. Багил юқори бокди, кўк йирок, ер қаттиқ, деди. Ўғлончиғин ёнига келпириб, сўйламиш, кўрайлик, на сўйласин, айтур: Ўғил, ўғил, ой ўғил, Қоронғи кўзларим ойдини ўғил, Қучли белим қуввати ўғил, Кўргил, ахир, нелар бўлди, Нелар қўлди манинг бошимга? деди. Қалқибон, ўғил, ўрнимдан туракелдим, Бўйни синсин, ол айғирни бутун миндим, Ов овлаб, қуш қушлаб кезар экан, Мункиди, сурникди, мани ерга отди, Ўнг илигим ўзилди. Маним қора бошимга нелар келди. Қора-қора тоғлардан хабар ошмиш, Қонли-қонли сувлардан хабар кечмиш, Темир Қопи Дарбандига хабар бормиш Ол отли Шўқли Малик қаттиқ қизимиш, Қизиганидан қора тоғларга туман тушмиш, Ётган ерда бек Багилни тутинг, демиш, Орқасига оқ қўлини боғланг демиш. Қон олача ўрдасини чопинг, демиш,

Оқ юзли қизини, келинини асир этинг, Қалқибон ўғил, ўрнингдан тура келгил. Ёли қора қозилик отинг бутун мингил, Кеса ётган қора тоғни тунда ошгил, Оқ манглайли Бойинтур хоннинг мажлисига боргил, Оғиз тилдан Бойинтурга салом бергил, Беклар беги бўлган Қозоннинг қўлин ўпгил, Оқ соқолли отам мунгли дегил, Албатга ва албатга Қозон Бек Манга етишсин деди, дегил. Келмас бўлсанг манлакат бўзилиб, хароб бўлур, Қизим, келиним асир кетди деявергил, деди. Бу орада ўғлон отасига сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Ота, на сўйлаюрсан, на айтурсан? Бағрим ила юрагимни на доғларсан? Қалқибон ўрнимдан турмоғим бор, Ёли қора Қозилик отга минмоғим бор. Кесаётган Ола тоғни ошмоғим йўқ, Оқ манглайли Бойинтўрнинг мажлисига бормоғим йўқ, Қозон кимдир? Унинг қўлин ўпмоғим йўқ, Тагингдаги ол айғирни манга бергил. Қон терлагиб чоғдирайин санинг учун. Эғни берк темир тўнинг манга бергил, Янги ёқа тикдирайин санинг учун. Қора пўлат ўз қиличинг манга бергил, Ғофил бошларни кесайин санинг учун. Ўткир найзангни манга бергил, Кўксидан эр санчайин санинг учун. Оқ пағли ўқингни манга бергил, Эрдан эрга отай уни санинг учун. Ола кўзли уч юз йиғитинг манга бергил, Йўлдошликка, ҳақ йўлига уришайин санинг учун, деди. Багил айтур: Ўлайин оғзинг учун ўғил, ўйлаким, манинг кечмиш қунимни эслатарсан, деди. Ҳой, кийимимни келпиринг, ўғлим кийсин; ол айғирим келпиринг, минсин; эл ҳурқмасдан ўғлим майдонга борсин, кирсин, деди.

Ўғлонни кийинтирдилар. Отаси-онаси билан келди, кўришдилар, ўғил уларнинг қўлларини ўтди. Уч юз йиғитни ёнига олди. Майдонга борди. Ол айғир қачонким ёғий хидини сезса, қизил оёғини ерга депсир эди, чанги кўкка чиқарди. Ғаюрлар айтур: Бу айғир Багилникидир, биз қочамиз, дедилар.

Тақур айтур: Ҳай, яхшироқ қаранглар, бу келган Багил бўлса, сиздан олдинроқ ман қочаман, деди. Кўзчи кўзлади, кўрдиким, от Багилники, аммо отнинг устида бир қушдай ўғлондир. Келиб Тақурга хабар берди, айтур: От, яроқ ва дубулға Багилники, у яширинган ўхшайди, деди. Тақур айтур: Юз одам бўлиб, ногора қоқинг, ўғлонни кўрқитинг. Ўғлон қуш юракли бўлур, майдонни кўриб қочар, деди. Юз ғаюр танланиб, ўғлоннинг ёнига келмиш. Ўғлонга ғаюр сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур:

Ўғлон, ўғлон, ой ўғлон, Харомзода ўғлон, Тагида ол айғири ориқ ўғлон, Қора пўлат ўз қиличи кертик ўғлон, Қўлидаги найзаси синиқ ўғлон. Оқ ипли ёйи қилпирик ўғлон, Ёнидаги тўқсон ўқи сийрак ўғлон, Қоронғи кўзлари туманли ўғлон, Шўқли Малик санга қаттиқ қизиди, Майдондаги шул ўғлонни тутинг, Орқасига оқ

қўллари бoғланг, Ғoфил кўркли бошин кесинг, Ол қонини ер юзига тўкинг, деди. Оқ соқолли отанг бор бўлса, йиғлатмагил, Чакка сочи оқ онанг бўлса бўзлатмагил, Ёлғиз йигит алп бўлмас, Ёвшон каби ўткир бўлмас, Қазоси етмиш ярамас ўғли ярамас, Ортинга қайт бу ердан, деди. Ўғлон ҳам бир сўйламиш, кўрайлик, Хоним, не сўйламиш, айтур: Ҳарза - марза сўйласа, хой, ипим ғаюр, Тагимдаги ол айғирим нега ёқирмассан?

Сени кўрди, ўйнар. Эғнимдаги темир тўним елкам қисар. Қора пўлат ўз қиличим қинини тўтар. Ўткир найзамни нега ёқирмассан, Кўксинг тилиб, кўкка отар. Садоқдаги ўқим одамингни тилар, Ёнимда йигитларим саваш сўрар. Алп эрга кўрқув бермак айб бўлур. Бери келгил, хой ғаюр, уришайлик, деди. Ғаюр айтур: Ўғузнинг орсизи Туркманнинг далисига менгзар, деди. Такур айтур: Боринг, сўранг, ўғлон Бағилнинг кими экан, деди. Ғаюр келиб ўғлонга сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Тагиндаги ол айғиринг билурмиз, Бағилникидир, Бағил қани? Қора пўлат ўз қиличинг Бағилникидир, Бағил қани? Эғнингдаги темир тўнинг Бағилникидир, Бағил қани? Ёнингдаги йигитларинг Бағилникидир, Бағил қани? Агар Бағил шу ерда бўлса, Кечга қадар жанг этардик. Оқ пағли ўткир ўқлар отишардик, Сан Бағилнинг кими бўласан, ўғлон, айтгил манга, деди. Бағил ўғли сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Хой, ғаюр, сан мани билмасмисан? Оқ манглайли Бойинтур хоннинг беклари беги Салор Қозоннинг қардоши Қора Кўнага чопар етди. Дўна билмас Тўлак Эврон, Дўзан ўғли Алп Рустам, бўз отли Байрак бек Бағилнинг уйида шароб ичар эдилар. Сандан жосус келди. Тагидаги ол айғирга Бағил мани миндирди. Қора пўлат ўз қиличин қувват берди. Ўткир учли найзасини ҳиммат берди. Ёнидаги уч юз йигитни манга йўлдошликка қўшди. Ман Бағилнинг ўғлиман. Хой, ғаюр, бери келгил, олишайлик деди.

Ғаюр Такур айтур: Тайёрлан, хой, ярамас ўғли, ман санга борайин, деди. Олти киррали гурзисин қўлга олди. Ўғлонга қараб от сурди. Ўғлон қалқонини гурзига тутди. Юқоридан пастга қараб ғаюр ўғлонни қаттиқ урди. Қалқонини парчалади. Дубулғасини янчди. Қабокларини шилиб ўтди. Ўғлонни ололмади. Гурзи-ла тўқнашдилар, қора пўлат қилич-ла солишдилар. Қарс - курс майдонда қиличлашдилар. Елкалари тўғралди, қиличлари увалди. Бир-бирин енголмадилар. Ўткир учли найзалар билан киришдилар, майдонда бўқа каби сўзишдилар, кўкраклари тилинди, сўнгаклари синди, бир-бирин енголмадилар. Оғда туриб қучоқлашдилар, тортишдилар. Ўғлон ғаюрни кўтарди, ерга урди. Бурнидан қони шариллади. Сачраб, лочин каби ғаюрнинг бўғзидан олди. Қолганлари буни билиб, майдонни ташлаб қочди. Оқинчилар ғаюрнинг емин, уйин олиб, қизини, келинини асир эдилар. Ўғлон отасига суюнчи юборди, душманни олдим, деди. Оқ соқолли отаси қарши келди. Ўғлоннинг бўйнидан кўчди. Қайтиб уйларига кетишди. Қарши ётган қора тоғдан ўғлонга айлов берди. Қорабайир югурук отдан бир тўп берди. Оқ юзли ўғлига оқ қўйдан ош берди. Ола кўзли ўғлига ол ўртикли келин олди.

Оқ манглайли Бойинтур хонга совға олди. Ўғлин олди, Бойинтур хоннинг мажлисига борди, қўл ўтди. Подшоҳ Қозон ўғли Ўрознинг ўнг ёнида унга жой кўрсатишди. Жубба, чакмон, чодир берди. Кўркут Ота келибон қутлади. Бу ўғузнормани тузди, қўшди, Бағил ўғли Эмранники бўлсин, деди. Ғозийлар бошига на келганин сўйлади. Бахт тилайин, Хоним, санинг қора тоғларинг йиқилмасин. Қўлкаси кенг оғочинг кесилмасин. Эгам берган умидинг ўзилмасин.

Ўнинчи қисса: Ушун Хўжа ўғли Саграк достони

Ўғуз замонинда Ушун Хўжа дерган бир киши бор эди. Умрида икки ўғил кўрганди. Улли ўғлининг оти Этрак эди, баходир дали, яхши йигит эди. Бойинтур хоннинг мажлисига қачон истаса борар эди. Беклар беги бўлган Қозон мажлисига ижозатсиз кириши мумкин эди. Бекларни босиб, Қозон ёнида ўтирарди. Кимсага илтифот айламас эди. Магар, Хоним, бекларни босиб турадиган одамни Ўғузда Терс - ўзанмиш дерлар эди, шундай бир йигит бор эди, ўша айтур: Хой, Ушун Хўжа ўғли, бу ўтирган бекларнинг ҳар бири ўтирган жойига қиличи билан мушарраф бўлдилар. Сан бошми кесдинг, қонми тўқдинг, очними тўйғаздинг, ялонғочними кийинтирдинг, деди. Этрак сўрар: Хой, Терс-ўзанмиш, бош кесиб, қон тўқмак ҳунармидир? Айтур: Балли, ҳунардир, деди. Терс - ўзанмишнинг сўзи Этракка таъсир қилди. Турди. Қозон бекдан оқин тилади. Оқин борди. Чакқирди, оқинчилар тизилди. Уч юзта бир текис найзали йигит унинг ёнига жам бўлди. Майхонада беш кун ейишма - ичишма бўлди. Кейин Шурукун учидан тортиб Кўк денгизгача бўлган элларни босди, ғалабага ўтди. Йўли Олинжа қалъаси томонга тушган эди. Ўша жойда Қора Такур бир кўра қурдирган эди. Учардан ғоз, товук, юрардан - кийик товушқонни бу кўрага қамаб, Ўғуз йигитлари учун тузоқ кўрган эди. Ушун Хўжа ўғлининг йўли шу кўра устидан тушди. Кўранинг эшигини синдирдилар. Буғу, кийик, ғоз, товук сўйдилар, едилар, ичдилар. Оғларининг эгарларини олдилар, кийимларини ечдилар.

Магар Қора Такурнинг жосуси келди, кўрди, бориб айтур: Ўғуздан бир тўп отлиқ келди. Кўранинг эшигини синдирдилар. Оғларининг эгарларини олиб, кийимини ечиб ўтирибдилар. Хой, нега турибсизлар, деди.

Олпи юз қора тўнли ғажар уларга ташланиб, йигитларни қирдилар. Этракни тутдилар, Олинжа қалъасига зиндонга ташладилар. Қора-қора тоғлардан хабар ошди, қонли-қонли сувлардан хабар кечди, буюк Ўғуз элига хабар борди. Ушун Хўжанинг оқ бон уйи ёнида мотам бўлди. Қора менгзор қизи, келини оқ ечиб, қора кийди. Ушун Хўжа ўғил, ўғил, дея оқ юзли онаси билан йиғлашдилар, бўзлашдилар. Магар, Хоним, Хўжанинг кичик ўғли Саграк ҳам ажойиб баҳодир алп йигит бўлиб епишди. Бир кун у бир зиёфат устидан чиқиб қолди. Кўнди, емак-ичмак этдилар. Саграк маст бўлди. Ташқарига, оёқ йўлига чикди. Кўрдиким, ўқсиз ўғлон бир бола билан ёқалашур. Хой, сизларга на бўлди, дея, бир шаппат бирига, бир шаппат бирига урди. Қари тутнинг бити, ўқсиз ўғлоннинг тили аччиқ бўлур. У айтур: хой, бизнинг ўқсизлигимиз етмасми? Бизни нега урасан? Хунаринг бор бўлса, қардошинг Олинжа қалъасида асирдир, бор, ўшани қутқар, деди. Саграк айтди: Қардошимнинг оти надир? Айтди: Этракдир.

Айтди: Энди Этракка Саграк ярашар. Қардошим соғ экан, қайғурмас. Қардошсиз Ўғузда турмасман. Қоронғули кўзим ойдини қардош, дея йиғлади. Ичкарига зиёфатга кирди. Ижозат тилади. Бекларга хуш қолинг, деди. Отини олиб келдилар, минди, чоғди. Онасининг уйига келди. Отидан тушди, онасининг кўнглин сўради. Саграк сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Қалқибон, она, ўрнимдан турдим, Ёли қора қозилик отга бутун миндим, Кеса ётган Олатоғ этагига бордим, Буюк Ўғуз элларида бир зиёфатга бордим. Емак-ичмак орасинда, Оқ бўз отли бир чопар келди, Анча замондан бери, Этрак дерлар - бир йигит асирмиш, Қодир мухтор йўл бермиш, ҳамма кетди. Улли-кичик қолмади, ул йигитнинг ёнига кетди,

Она, ман ҳам борайинми, на дерсан? деди. Онаси сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Оғзинг учун ўлайин, ўғил Тилинг учун ўлайин, ўғил қарши ётган қора тоғингни йиқилганди, юксалди охир. Оқаётган кўркли сувинга қуриганди, тошди-ку охир. Қобо оғоч дол бутонинг Қуриганди, яшариб кўкарди охир. Буюк Ўғуз беклари изн берса сан бергил. Ул йигитга еганингда оқ бўз отинг устидан ерга тушгил. Қўл ковуштириб, ул йигитга салом бергил. Кўлин ўпиб, бўйинин кучгил. Қора тоғим юксаги қардош, дегил. На турурсан ўғил, йўртгил, деди. Ўғлон онасига сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Она, оғзинг қурисин, Она, тилинг чирисин. Маним қардошим бор экан, қайғурсам бўлмас, Қардошсиз Ўғузда турсам бўлмас. Она ҳаққи, ярапган ҳаққи бўлмасайди, Қора пўлат ўз қиличим тортар эдим, Ғофил турқли бошинг кесар эдим, Ол қонингни ер юзига тўкар эдим, Золим она, деди. Отаси айтур: Янглиш хабардир, ўғлим. Қочиб келган санинг оғанг ўзгадир. Оқ соқолли отангни йиғлатмагил, қариб қолган онангни бўзлатмагил, деди. Ўғлон сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур:

Уч юз олпмиш алп овга чикса, Қонли кийик уясига ғавғолар кўпса, Қардошли йигитлар қалқиб турарлар. Қардошсиз мискин йигит энсасига юмруқ тўкинса, Йиғлабон тўрт ёнига боқар бўлур, Ола кўздан аччиқ ёшин тўкар бўлур, Ола кўзли ўғлингизни кўргунча, Бек ота, хотин она, эсон қолинг, деди. Ота-она янглиш хабар бу, кетма, дедилар. Ўғлон айтур: Мани йўлимдан айирманг, оғам тутилган, қалъага бормагунча, оғамнинг ўлигин-тиригин билмагунча, ўлган бўлса ўчин олмагунча Ўғуз элига келмагим йўқдир, деди. Ота-она йиғлашиб Қозонга одам юбордилар. Ўғлон оғасини билди, кетар, бизга на ўғит берурсан, дедилар. Қозон айтур: Оёғига от тушовин уринг, деди. Сагракнинг ёвуқлиси бор эди, тез тўй этдилар. Отдан айғир, туядан - бўғир, кўйдан-кўчқор сўйдирдилар. Ўғлонни чодирга кўйдилар. Қиз билан иккиси гўшангага киришди. Ўғлон қиличин чикарди ва қиз билан гўшангага яширинди. Қиз айтур: Қиличингни йўқот йигит, мурод бер, мурод ол, етайлик деди. Ўғлон айтур: Хой, ярамас қиз, ман қиличга тўғралайин, ўқимга санчилайин, ўғлим бўлмасин, туғилса ўн ёшига бормасин, оғамнинг юзин кўрмагунча, ўлган эса ўчин олмагунча бу чодирга кирсам, деди. Ўрнидан турди, кўрадан бир шаҳбоз от чикарди, эгарлади, кийимини кийди, тизлик ва қўллик боғлади. Айтур: Қиз, сан манга бир йил қара, бир йилда келмасам, икки йил қара, икки йилда келмасам, уч йил қара, шунда ҳам келмасам, менинг ўлганимни билурсан, айғир отимни сўйдириб, ошимни бергил. Кўзинг кимни тутса, кўнглинг кимни севар бўлса, ўшанга боргил, деди. Қиз сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур:

Йигитим, ман санга бир йил боқаман, Бир йилда келмасанг, икки йил боқаман, Икки йилда келмасанг, уч, тўрт йил боқаман. Тўрт йилда келмасанг, беш йил, олпи йил боқаман, Олпи йилда йўл айрисига чодир тикаман, Келгандан, кетгандан хабар сўрайман, Яхши хабар келтирганга от, тўн бераман. Кафтанлар кийдираман, Ёмон хабар келтирганнинг бошин кесарман, Этрак зотини устимга кўндирмасман, Мурод бер, мурод ол, кейин кет, йигитим, деди.

Ўғлон айтур: Хой ярамаснинг қизи, оғам бошига онг ичмишам, қайтмогим йўқ, деди. Қиз айтур: Қадами кутсиз келин дегунча удсиз келин, десинлар. Кейин онам билан қайин отамга айтайин, деди. Қиз сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Отамдан яхшироқ қайин ота, Онамдан яхшироқ қайин она, Карвоннинг

бўғроси хурқди, кетар. Сарбонлар уни ортга қайтаролмас. Қорабайир айғири хурқди, кетар. Йилқичилар уни ортга қайтаролмас. Оғилдаги қўчқори хурқди, кетар. Чўпон уни ортга қайтаролмас. Ола кўзли ўғлинг, қардошини билди, кетар, Оқ юзли келиннинг қайтара билмас, Сизга маълум бўлсин, деди. Ота-она оҳ чекдилар. Ўрнидан турдилар. Ўғил, кетма, деб кўрдилар, чора бўлмади. Албатта ул оғам тутилган қалъага бормагунча қўймасман, деди.

Ота-онаси: Йўрт, ўғил, йўлинг очик бўлсин, соғ - эсон бориб келарсан, келажакнинг бор бўлса, дедилар. Ота-онасининг қўлини ўтди. Қорабайир отига минди. Тун тушди, йўрт айлади. Уч куну уч тунлик йўл йўртди. Дарашам учидан ўтди. Қардоши тутилган қалъага етди. Кўрдиким, йилқичи ғаюрлар от боқиб юришар. Қилич тортиб, олти ғаюрни яксон қилди. Ноғора чалиб, отларни ҳайдади, кўрага қамади. Уч куну уч тун йўртган йигит, кўзларини уйқу олмаган йигит отининг чилвирини билагига боғлаб ётди, ухлади. Магар, ғаюрнинг жосуси бор эди, келиб Такурга айтур: Ўғуздан бир дали йигит келди, йилқичиларни ўлдирди, отларни ҳайдаб, кўрага қамади, деди. Такур айтур: Яроқли олпмиш одам ажрапинг, борсинлар, тутиб келсинлар, деди.

Олпмиш яроқли одам танлаб, боришди. Ногаҳондан олпмиш темир тўнли ғаюр ўғлонининг устига келдилар. Совут - жаранглашидан, от - кишнашидан маълум. Магар, йигит айғир минар эди. Хоним, от қулоғи уйғоқ бўлур, тортибон ўғлонни уйғотди. Ўғлон кўрдиким, бир тўп отлик келур, сачради. Отига минди, қора тўнли ғаюрга қилич солди. Босди, қалъага қувди.

Яна уйқусин енголмай, жойига қайтиб, ётди. Яна отининг чилвирин билагига боғлади. Ғаюрнинг соғ қолганлари Такурга бордилар. Такур айтур: Туф, юзингизга, олпмиш киши бир ўғлонни тутолмадингиз, деди. Бу сафар юз ғаюр ўғлоннинг қароргоҳига келишди. Айғир яна ўғлонни уйғотди. Кўрди, ёғийлар саф тортиб келмишлар. Ўғлон турди, отига минди. Ғаюрга қилич урди, босди, қалъага тикди. Отини буриб, яна манзилига келди. Уйқусин енголмади, яна ётди, ухлади. Отининг жоловин яна билагига боғлади.

Бу қарра ўғлоннинг билагидан бўшанди, қочди. Ғаюрлар яна Такурга келдилар. Такур айтур: Бу сафар уч юзга бўлиб боринг, деди. Ғаюрлар айтур: Бормаймиз, кўркамиз, кесар, ҳамманизни қирар, дедилар. Такур айтур: Нима - қилиш керак? Боринг, ул тутқун йигитни чиқаринг, келтиринг. Тепилган думбани сузган йиртар. От беринг, тўн беринг, деди. Келдилар, Этракка айтдилар: Йигит, санга Такур ҳиммат айлади, бу ерда бир дали йигит йўловчига, чўпонга, чўпон эмасга кун бермас, тут ул далини, ўлдир, сани қўйиб юборамиз, бор энди, дедилар. Хўп бўлади, деди.

Этракни зиндондан чиқаришди. Сочи - соқолини олдилар, бир ой, бир қилич бердилар, уч юз ғаюрни унга йўлдошликка бердилар. Ўғлоннинг қароргоҳига келишди, уч юз ғаюр кенг жойда турдилар. Этрак айтур: Қани, ул дали йигит? Узоқдан кўрсатдилар. Этрак айтур: Келинг, борайлик тутайлик деди. Ғаюрлар айтур: Такурдан буйруқ санга бўлди, сан бор, дедилар. Этрак айтур: Ухлаб ётибди, борайлик деди. Ғаюрлар айтур: Хой, қандай уйқу? Қўлпиги остидан қараб ётур, қалқар, кенг майдонни тор кўрсатар, дедилар. Этрак айтур: Энди ман борайин, қўлин - оёгин боғлайин, кейин сиз борурсиз, деди. Сачради, ғаюрлар орасидан чиқди. От суриб ул йигитнинг устига келди. Отидан тушди, жоловини бир новдага илдирди. Бокди, кўрдиким, ойнинг ўн тўрт кунлигига менгзар бир маҳбуб ола кўзли ганж йигит, реза - реза терлаб ухлаб ётур. Келгандан, кетгандан хабари йўқ. Бир тўлғониб, ўғлоннинг боши учига келди. Кўрдиким, белида кўбизи бор, сўғуриб, қўлига олди. Сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Қалқибон ўрнидан тўрган йигит, Ёли қора қозилик отга минган йигит Олатоғнинг қоқ белидан тунда ошган, Окаётган кўркли сувдан тилиб кечган, Қоринлига келиб ухлаб бўлурми? Манинг каби орқасига оёқ қўллари боғлаганча тўнгиз дамида ётиб бўлурми? Оқ соқолли отасини, оқ сочли онасини, Йиғлатибон бўзлатиб бўлурми? Нега ётурсан йигит, Ғофил бўлма, кўркли бошинг кўтар, йигит Ола кўзинг очил, йигит. Қодир берган тоғли жонинг уйқу олмиш йигит. Орпинга оёқ қўллари боғламагил. Оқ соқолли отангни, қари онангни йиғлатмагил.

Не йигитсан, буюк Ўғуз элидан келган йигит? Ярапган ҳаққи, ўрнингдан тургил Тўрт ёнингни ғаюр ўради, яхши билгил, деди. Ўғлон сапчиб ўрнидан турди. Қиличининг сопига ёпишдиким, чопмоқчи бўлди. Кўрдиким, унинг қўлида ўзининг кўбизи бор, айтур: Хой, ғаюр, Отам Кўркут кўбизи хурмати, сани чопмадим, деди. Агар қўлингда кўбиз бўлмаса эди, оғам боши учун сани икки бўлак қилардим, деди. Юлди, кўбизи қўлидан олди.

Ўғлон сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Эрта тонгда ўрнимдан турдим қардош учун, Оқ бўз отлар йўртгирмишам қардош учун Қалъангизда тутқун борми, ғаюр, айтгил манга, Қора бошим қурбон бўлсин ғаюр, санга, деди. Улли қардоши Этрак сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур:

Оғзинг учун ўлайин қардош, Тилинг учун ўлайин қардош, Қоларда, қўларда еринг сўрай, на ердир? Улкан санжоқ кўтарган хонингиз ким? Ғавғо куни ўнгдан ҳужум қиладиган алпингиз ким? Йигит санинг отанг ким? Алп эр, эрдан отин яширса, айб бўлур Отинг надир, йигит. деди. Яна сўйламиш, айтур: Карвонимни ҳайдаганда сарбониммисан? Отимни ўтлатганда йилқичиммисан? Қўйимни бокқанда чўпонниммисан? Бешикдан қўйиб кетганим қардошчигиммисан?

Йигит, айтгил манга, Қора бошим қурбон бўлсин санга, деди. Сағрак сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Қоронғи тун ичида йўл ошсам, умидим эгам, Улкан санжоқ кўтарган хонимиз Бойинтур хон Қирғин куни ўнгдан қирган алпимиз Салор Қозон, Отам отин сўрар бўлсанг, Ушун Хўжа маним отим сўрар бўлсанг, Сағрак, Қардошим бор эмиш, оти Этрак деди. Яна сўйламиш, айтур: Карвонинг ҳайдаганда сарбониман, Отингни ўтлатганда йилқичиман Бешикда қўйиб кетганинг қардошингман, деди. Улли қардоши Этрак сўйламиш, кўрайлик, Хоним, не сўйламиш, айтур: Оғзинг учун ўлайин қардош, Тилинг учун ўлайин қардош.

Эр бўлдингми, йигит бўлдингми қардош? Қоринлига қардошинг излаб санми келдинг, қардош? деди. Қалқибон икки қардош куча - куча кўришдилар. Этрак кичик қардошининг бўйинин ўтди. Сағрак унинг қўлин ўтди. Кучишдилар, кўришдилар, қозилик отга минишди. Қора тўнли ғажорга от солдилар. Қилич ўйнатдилар. Ғажорни босдилар, кирдилар. Қалъага тикдилар. Келиб, яна қўрага келдилар. Отларни ташқарига чиқардилар. Довлумбоз чалиб, отларни олиб кетишди. Дарашам сувини кечиб ўтдилар. Тун юриб, Ўғузнинг сарҳадига етдилар.

Қонли ғажор қўлидан қардошини қутқариб олди, оқ соқолли отасига суяончи жўнатди. Отам манга қарши келсин, деди. Ушун Хўжага чопар келди. Суяончи бер, у кўзинг ойдин, ўғилларинг иккиси бирга соғ-омон келдилар, дейишди. Ул кун ола боргоҳ ўтовлар тикилди. Отдан - айғир, туядан бўғро, қўйдан - кучкор сўйилди. Хўжа бек ўғилларига қарши келди. Отидан тушди, ўғлонларила кўча-кўча кўришди. Соғмисиз, эсонмисиз ўғиллар, деди. Кундузлик олпин чорбоғига келдилар.

Шодлик емак-ичмак бўлди. Улли ўғлимга ҳам бир кўркли келин келтирди. Икки қардош бир - бирига соғдиш бўлдилар. Чодирларига келишди. Муродга, максатга етдилар. Кўркут Ота келиб дoston айтди, сўз сўйлади. Аввал-охир узун ёшнинг учи ўлим. Ўлим вақти келганида ори имондан айирмасин. Гуноҳимизни эгамнинг ўзи кечирсин, Хоним-эй.

Ўн биринчи қисса: Салор Қозонни тутқунликдан ўғли Ўрознинг қутқариши

Мағар, Хоним, Трабузон тақури беклар беги бўлган хон Қозонга бир лочин юборган эди. Бир кеча еб - ичиб ўтирар экан, уларнинг бошлиғига айтур: Ҳой, тонгда лочинларни ол, яширин овга чиқамиз, деди. Эрталаб отган миндилар, ов ерига бордилар, кўрдилар: бир тўда ғоз ўтирар. Қозон лочинни қўйиб юборди, лочин ҳужум қилмади. Бошқа ёққа уча бошлади. Кузатдилар, лочин Томанин қалъасига тушди. Қозон ғоят ғазабланди. Лочиннинг изига тушди. Дара, тепа ошди. Ғажор элига келди. Юрар экан, Қозоннинг қоронғули кўзини уйқу босди. Беклар айтур: Хоним, қайтайлик дейишди. Қозон айтур: Биз яна илгарироқ борайлик-чи, деди. Бокди, бир қалъа кўрди. Айтур: Беклар, келинг ёғайлик деди. Қозонни уйқу қаттиқ тутди, ухлади. Мағар, хоним, Уғўз беклари етти кун ухлар эди. Шунинг учун бу уйқуни кичик ўлим дер эдилар.

Мағар, ул кун Томанин қалъасининг тақури овга чиққан эди, жосус келди, айтур: Бир тўда отлик келди, беклари ухлаб ётибди, деди. Тақур одам юборди, ким эканин билинг, деди. Билдиким, ул келганлар Ўғуз эранларидир. Келиб, тақурга хабар беришди. Тақур ҳам тезда лашқарини йиғди. Буларнинг устига келди. Қозоннинг беклари бокдилар, кўрдиларким, ёғий келур. Айтдилар: Қозонни ташлаб кетсак бизни уйдан қуварлар. Яхшиси, биз бунда қирилайлик дедилар. Ғажорни қаршиладилар, жанг этдилар. Ғажорлар Қозоннинг устида йиғирма беш бегини шаҳид этдилар. Қозоннинг устига тушдилар. Уйқудалигида тутдилар. Қўлин - оёгин маҳкам боғладилар. Бир аравага юкладилар. Аравага йўғон арқон билан чатдилар. Аравани ҳайдаб юравердилар. Кетаётиб, арава ғажирлашидан Қозон уйғонди, керишди, қўлидаги арқонлар ўзилиб кетди. Араванинг устида бирпас ўтирди, қафлини қафлига қарс-қарс урди, қаҳ-қаҳ кўлди.

Ғажорлар сўрар: На куларсан? Қозон айтур: Ҳой ғажорлар, бу аравани бешигим деб ўйлабман, сизларни доям, дебман, деди. Ниҳоят, Қозонни келтирдилар. Таманин қалъасида бир қудуққа ташладилар. Қудуқнинг оғзига тегирмон тошини қўйдилар. Емагини, ичмагини тошнинг тешигидан берардилар. Бир кун тақурнинг аврати айтур: Борайин, Қозонни кўрайин, ҳоли не кечибдир. Кўп одамларга жабр этганмиш у, деди. Хотун келиб зиндон чига тешикни очдирди. Чақирди, айтур: Қозон бек ҳолинг надир? Тириклик ер остида

хушми ёки ер юзида хушми? Энди ер остида сан на ерсан, на ичарсан ва нимага минарсан, деди. Қозон айтур: Ўликларингта ош берган пайт, уларнинг қўлларидан олиб ейман, ўликларингиз йўрғасига минаман, танбалларингни судрайман, деди.

Такур аврати айтур: Дининг ҳаққи, Қозон бек етти ёшлик қизалогим бор эди, ўлди, қарам айла, унга минма, деди. Қозон айтур: Ўликларингиз ичида ул яхши йўрғадир, унга ҳам минарман, деди. Аврат айтур: Вой, санинг қўлингдан на ер юзида тиригимиз, на ер остида ўлигимиз кутилар, деди. Келди, такурга айтур: Қарам айла, ул тотарни Қудукдан чиқар, қизчангнинг белини узар. Ер остида у қизалогимни минар эмиш. Ўликларимизга берган ошни қўлларидан тортиб олиб, ер эмиш. Унинг қўлидан на ўлигимиз, на тиригимиз кутилар эмиш. Дининг ҳаққи, ул эрни қудукдан чиқар, деди. Такур, бекларини жам айлади, айтур: Келинг, Қозонни қудукдан чиқаринг. Бизни мақтаб, Ўғузни бўйсундирсин. Шундан сўнг шарт айласин, бизнинг юримиз ёққа келмасликка, деди. Бордилар, Қозонни чақирдилар, келтирдилар. Айтурлар: Онг ичким, бизнинг элимизга бостириб келмагайсан. Ҳам бизни мақта, Ўғузни эг. Сани қўйиб юборайлик бор кет, деди. Қозон айтур: Валлоҳи биллоҳ, тўғри йўлни кўрар экан, эгри йўлдан бормагайман, деди. Айтдилар: Валлоҳ, Қозон яхши онг ичди, дедилар. Энди Қозон бек бизни мақта, дейишди. Қозон айтур: Ер юзида одам мактамаган бир одам келпиринг, унга минайин, сизни мақтайин, деди. Бордилар, бир ғажор эрни олиб келдилар. Бир эгар, бир тизгин беринг, деди, келтирдилар. Ғажорнинг орқасига эгар солди, оғзига сувлик солди, айилини тортиб, сакради, белига минди. Жиловини торгди, оғзин айирди, ғажорни ўлдирди. Чўкди, устига ўтирди. Хой, ғажорлар қўбизимни келпиринг, сизни мақдайин, деди.

Бордилар, қўбизини олиб келдилар, қўлига олиб бир сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Минг-минг жойда ёғий кўрсам, ўйиним дедим. Йиғирма минг эр ёғий кўрсам, хидлаб ҳам кўрмадим. Ўттиз минг эр ёғий кўрсам, ўн санадим. Қирқ минг эр ёғий кўрсам, қиё боқдим. Эллик минг эр ёғий кўрсам, қўл текқизмадим, Олтимиш минг эр ёғий кўрсам, айтишмадим, Саксон минг эр ёғий кўрсам, сесканмадим, Тўқсон минг эр ёғий кўрсам, кийинмадим. Юз минг эр ёғий кўрсам, юзим ўтирмадим. Юзи дўнмас қиличим қўлга олдим, Элимнинг ҳурмати ҳаққи, қилич урдим, Оқ майдонда юмрук бошни тўпдай кесдим, Унда ман эрман деб ҳам, бекман деб ҳам мактанмадим, Мактанган эрларни хуш кўрмадим, Қўлингта тушган эканман, ғажор, ўлдир мани. Қора қиличинг сол бўйинимга, кес бошим, Қиличингдан чекиларим йўқ, Ўз аслимни, ўз наслимни ёмонлагим йўқ, деди. Бир сўз яна сўйламиш, айтур:

Юксак – юксак қора тоғдан юмаласа Қобо ўкчамни, оёғимни қарши тутган Қозон эр эдим. Фиръавн рухонийлари юксалиб ердан чиқса, Қобо ўкчам ила парчин этган Қозон эр эдим. Кучли-кучли беклар ўғли ғавғо қилса, Қамчи солиб тиндирган Қозон эр эдим. Юксак тоғларга туман тушса, Қора булут агар қўлса, Қора отим қулоғи кўринмас бўлса, Ғайри эран йўл кўрсапиб, йўл янглишса, Йўл кўрсатувчисиз йўл бошлаган Қозон эр эдим. Етти бошли ақдархога етиб бордим, Хайбатидан чап кўзим ёшланди-ку, Хай кўзим, номард кўзим, мудоннас кўзим, Бир илондан, на борки, кўркдинг, дедим. Унда ўзим эр деб ҳам, бек деб ҳам мактамадим, Мактанган эранларни хуш кўрмадим. Қўлингта тушган эканман, ғажор, ўлдир мани. Йўқот мани, Сол қиличингдан, кес бошимни, Қиличингдан чекиларим йўқ, Ўз аслимни, ўз наслимни ёмонлагим йўқ, деди.

Қозон яна бир сўз сўзламиш, айтур: Яланг қирда чайқалган Уммон денгизинда, Маркам жойда қурилмиш ғажор шаҳри. Ўнга, сўлга сўзиб юрар юзгичлари. Сув тубига шўнғир ўрдаклари. Тангри манман, деб сув тубида бақирар осийлари, Ўнгни қўйиб, терс ўқийди қизи, келинлари. Олтин ошиқ ўйнар Санжидоннинг беклари. Олти қатла Ўғуз борди, ололмади ул қалъани. Олти бош эр билан ман Қозон бордим, Олти кунга қўймадим, уни олдим. Қизини, келинини Оқ қўқсимда ўйнагдим. Бекларин қўл этдим, Унда эрман деб ҳам, бекман деб ҳам мактанмадим. Мактанган эрларни хуш кўрмадим. Қўлингта тушган эканман, ғажор, ўлдир мани. Йўқот, мани... Қиличингдан чекиларим йўқ, Ўз аслимни, ўз наслимни ёмонлагим йўқ, деди. Қозон яна сўйламиш, айтур: Яланг қирда қочирганим Хой, ғажор, санинг отанг. Ёноғига хуш келганим Санинг қизинг, келининг. Оқ қалъа ва сурмалида от ўйнагдим, От-ла Қорун элига чопқин етдим, Оқ Хисор қалъасининг буржин йиқдим. Оқ ақча келтирдилар-пўлдир, дедим. Қизил отин келтирдилар, сарғиш, дедим. Ола кўзли қизин, келинин келтирдилар, алданмадим. Ақчасин, қумушин тортиб олдим. Унда эр деб ҳам, бек деб ҳам мактанмадим. Мактанганларни хуш кўрмасман. Қўлингта тушибман, хой, ғажор, ўлдир мани, Йўқот, мани. Қиличингдан чекиларим йўқ, Ўз аслимни, ўз наслимни ёмонлагим йўқ, Сани мақтарим йўқ, деди. Қозон бек яна бир сўйламиш, айтур: Оқ Қоя қоплонининг эркагида бир наслим бор, Ўрта қирда сизнинг қийиқларингиз югуртмагай. Оқ Қамишнинг арслонида бир наслим бор, Роз олача отларингни чопирмагай. Озвай бўри боласида бир наслим бор Оқ юнгли туман қўйинг кездирмагай, Оқ шунқор қушнинг эркагида бир наслим бор, Ола ўрдақ қора ғозинг

учирмагай. Буюк Ўғуз элида бир ўғлим бор Ўроз отли Бир кардошим бор Қора Кўна отли, Энадан туққанингни тирик қўймаслар Қўлингга тушибман, ғаюр, ўлдир мани, Йўқот мани. Қиличингдан чекиларим йўқ Ўз аслимни, ўз наслимни ёмонлагим йўқ деди. Ғаюрлар айтур: Бу бизни мактамади, келинг, буни ўлдирайлик дедилар. Ғаюр беклари тизилдилар, келдилар, яна айгдилар: Бунинг ўғли бор, кардоши бор. Буни ўлдирсак бўлмас, дедилар, келтирдилар, тўнғиз домига ташладилар.

Отнинг оёғи, ўзаннинг - тили машҳур бўлур, Қозоннинг ўлигини, тиригини ҳеч ким билмади. Магар, Хоним, Қозоннинг бир ўғлончинги бор эди. Улғайди, йигитча бўлди. Бир кун отга миниб, мажлисга келар экан, бир киши айтур: Сан хон Қозоннинг ўғли бўласан, деди. Ўроз ғазабланди, айтур: Хой ярамас, манинг отам Бойинтур хон эмасми? Айгди: Тириқдир. Томанин қалъасида тутқундир, деди. Шундай дега,ч, ўғлон йиғлади, матўул бўлди, отини бурди, изига қайгди. Онасига бориб сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур:

Хой, она, хон ўғли эмишман, Хон Қозоннинг ўғли. Хой, ярамаснинг қизи, буни манга начун айтмадинг. Она ҳаққи, тангри ҳаққи бўлмасайди Қора пўлат ўз қиличим тортар эдим, Ғофил кўркли бошинг кесар эдим, Ол қонингни ер юзига тўқар эдим, деди. Онаси йиғлади. Айтур: Ўғил, отанг соғдир, аммо айтмоққа кўрқар эдим. Ғаюрга борасан, ўзингни урасан, ҳалок бўласан, дея. Шунинг учун санга айтмагандим. Жоним ўғил, деди. Энди тоғанга одам юбор, келсин, кўрайлик, на дер экан, деди. Одам борди, тоғасига айгди, келди.

Ўроз айтур: Ман отам тутқин бўлган қалъага бораман, деди. Иттифок бўлиб, маслаҳат қилдилар. Жами бекларга хабар берилди. Ўроз отасининг ёнига кетмоқчи, яроқ билан келинг, дедилар. Лашкар тузилди, келди. Алп Ўроз чодирларин тахлатди, яроқ-анжомин юклатди. Қора Кўна лашкарбоши бўлди. Нонлар ётпириб, йўлга тушдилар. Йўл устида ғаюрнинг аёсофияси бор эди. Рухонийлар кўриқлар эди. Ғоят маҳкам бутхона эди. Ғаюрлар кўрдилар. Келганлар савдогарга ўхшамас. Қочдилар, қалъага кирдилар, эшикларни ётдилар. Бош чиқариб, кимсизлар, дея сўрашди. Булар: Базиргонлармиз, дейишди. Ғаюрлар, ёлғон сўйларсиз, дея тошга тутдилар. Ўроз отдан тушди, айтур: Хой, отамнинг олтин қадахидан шароб ичган, мани севган бўлса, отдан тушсин, бунинг дарвозасига бир гурзи урайин, деди.

Ўн олти йигит дарров отдан индилар, қалқон ёпиндилар, гурзиларин кўтариб, дарвозага келдилар. Бир неча гурзи уриб, дарвозани синдирдилар, ичкари кирдилар. Тутган ғаюрини ўлдирдилар, жосуслар йўлини қирқдилар. Молини олдилар. Яна қароргоҳига қайтиб келдилар, қўндилар.

Магар, ғаюрнинг бир подачиси бор эди. Кўрдиким, қалъани босдилар, қочди, тақурга келди. Аёсофия олинганин хабар айлади. На ўтирурсиз, юртингизга ёғий кирди, деди. Бошингизни қутқаринг, деди. Тақур бекларини жам айлади. Булар билан қандай мураса қиламиз, деди. Беклар айтишди. Бунинг мурасаси шўлдирким, Қозонни чиқарамиз, уларга юзма - юз этамиз, дедилар. Бу сўз маъқул бўлди. Бордилар. Қозонни чиқариб тақур ёнига олиб келдилар. Тақур айтур: Қозон бек устимизга ёғий келди. Бу ёғийни юртимиздан ҳайдасанг, сани қуйиб юборамиз, деди. Ҳам хирожга муте бўлайлик сан яна онг ичким, биз билан ёғийликка келмагайсан, деди. Қозон айтур: Валлоҳи биллоҳ, тўғри йўлни кўрар экан, эгри йўлдан бормасман деди.

Ғаюрлар айтур: Қозон яхши онг ичди, дея севинишдилар. Тақур лашкарин тўплаб, майдонга келди. Чодир тиктирди. Ғаюр лашқари Қозоннинг ёнига йиғилди. Қозонга кийим келтирдилар. Қилич ва найза, чўқмор ва бошқа жанг қуроллари бердилар. Бу маҳалда Ўғуз эранлари тўп - тўп келдилар. Гумбур - гумбур ногоралар чалинди. Қозон кўрдиким, лашкар бошида бир оқ бўз отли, оқ байроқли, эғни темир совут қопланган тўнли йигит Ўғузнинг ёнига келди. Чодирин тиктирди. Саф торгди, турди. Унинг ортидан Қора Кўна келди, саф торгди, турди.

Шу пайт Қозон от солди, майдонга чиқди, уришмоққа эр сўради. Бўз отли Байрак от солди, майдонга чиқди. Қозон сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Қалқибон еридан тўрган йигит. На йигитсан? Эғни темир совут тўнни кийган йигит, На йигитсан? Отинг надир йигит, айгтил манга, деди. Байрак сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Хой, ғаюр, сан мани билмасмисан? Поросорнинг Бойбурт хисоридан порлаб учган Атоқлисин ғаюрлар олганда, тортиб олган Бой Бўра хон ўғли Бомси Байрак дерлар мани Кел, хой ғаюр, солишайлик, деди. Қозон яна бир сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Хой, йигит, лашкарнинг олдида бир оқ санжокли олой чиқди. Чодирин ўнг томонга тикди. Оқ бўз отга минган ул йигит на йигитдир? Кимнинг ўғлидир? Йигит, бошинг ҳаққи, айгтил манга, деди. Байрак айтур: Хой, ғаюр, кимнинг нимаси бўларди, бегимиз Қозоннинг ўғлидир.

Қозон қўнғлидан айтур: Алҳамдули - иллоҳ, манинг ўғлончим забардаст йигит бўлибдир, деди. Байрак хой, ғаюр, бунча уни - буни сўрарсан мандан, деди. Қозоннинг устига от қўйди. Олти қирли гурзисини

қўтариб Қозонни урди. Қозон ўзини танилмади, Байракнинг билагидан тутди, тортди. Чўқморини қўлидан олди. Байракнинг энсасига бир чўқмор урди. Байрак от бўйинин кучоқлади, қайтиб кетди. Қозон айтур: Ё Байрак бор бегинга айт, келсин, деди. Буни кўрди, Эйлик Хўжа ўғли Дўнабилмас Тўлак Эвран майдонга кирди. Қозон бир сўйламиш, айтур: Эрта тонгда ўрнидан тўрган йигит. На йигитсан? Бадавий отин ўйнатиб келган йигит. На йигитсан? Эр эрдан отин яширса айб бўлур, Отинг надир, йигит, айттил манга, деди. Тўлак Эвран айтур: Хой, ғаюр, манинг отим билмасмисан. Ўз отини хўрлаган, қўлдан чиққан, Эллик етти қалъанинг қалитин олган, Эйлик Хўжа ўғли Дўнабилмас Тўлак Эвран дерлар мани, деди. Найзасин қўлига олиб, от солди. Қозонни санчаман деди, санчолмади. Ўтиб кетди.

Қозон от солди, унинг қўлидан найзасин тортиб олди. Бошига урди, найза парча - парча бўлди. Айтур: Хой, ярамас ўғли, бегинга келсин, деди. У ҳам қайтиб кетди. Қозон яна эр тилади, Дўзан ўғли Алп Рустам от солди, майдонга кирди, Қозон бир сўйламиш, айтур: Қалқибон ўрнидан туриб, келган, Қозилик отин бутун минган йигит, На йигитсан? Отинг надир, айттил манга, деди. Алп Рустам айтур: Қалқибон ўрнидан туриб келган, Икки қардош боласин ўлдириб ҳақир кезган, Дўзан ўғли Алп Рустам дерлар мани, деди. У ҳам Қозонга от қўйди, оламан деди, ололмади. Қозон бек бўнга ҳам бир зарб қилди. Айтур: Хой, ярамас, бор бегинга айт, келсин, деди. У ҳам қайтди. Қозон яна эр тилади.

Ўрознинг жilовин амакиси Қора Кўна тутиб турарди. Ўроз қутилмаганда тортди, қўлидан олди. Қиличин суғурди, отасининг ёнига қараб от қўйди, кимирлатмади, умизига қилич урди, кийимини кесди, елкасида гўрт бармоқ чуқурлигида яра қолдирди. Ол қони шариллади, қўйни тўлди. Ўроз яна бир қилич солмоқ учун шайланди. Қозон қақриб ўғлига сўйлар, кўрайлик, Хоним, на сўйлар экан, айтур: Қора тоғим юксаги ўғил, Қоронғили кўзларим ойдини ўғил, Алп Ўроз, арслоним Ўроз, Оқ соқолли отангни қиймагил, ўғил, деди. Ўрознинг шафқат томирлари қайнади. Қора қийма кўзлари қонли ёшга тўлди. Отдан ерга инди, отасининг қўлин ўпди. Қозон ҳам отдан тушди, ўғлининг бўйнидан ўпди. Беклар Қозон ила ўғлининг ёнига от қўйдилар, ураб олдилар, ҳаммаси отдан тушиб, Қозоннинг қўлин ўпдилар. Тезда ғаюрга от қўйдилар, қилич урдилар. Дараларда, тепаларда ғаюрга кирғин келди. Қатъани олдилар, бутхонасин йиқиб, масжид қурдилар. Ўроз қонли ғаюр элидан отасин тортиб олди. Буюк Ўғуз элига келди. Оқ юзли онасига суюнчи юборди.

Қорга менгзар қизи, келини Қозонга қарши келиб, қўлин ўпдилар, тиз чўқдилар. Қозон кўркли чаманга чодир тиктирди. Етти кун, етти кеча тўй этиб, ейишма - ичишма бўлди. Қўрқут Ота келди, қўбиз чалди. Ғозий эранлар бошига налар тушганин сўйлади. Қани мақтаганимиз бек эранлар, Дунё маники деганлар? Ажал олди, ер гизлади. Фоний дунё кимга қолди? Келимли, кепимли дунё, Сўнг учи ўлимли дунё. Ўлим вақти келганида ори имондан айирмасин, эгам сани - номардга мухтож этмасин. Оқ даргоҳингда беш қалима дуо қилдик, қабул бўлсин, омин деганлар дийдор кўрсин. Гуноҳингизни ярагнинг ўзи кечирсин, Хоним-эй.

Ўн иккинчи қисса: Ич Ўғузга Таш Ўғуз итоат этмагани ва Байракнинг мадҳи

Қозон уч йилда бир Ич Ўғиз, Таш Ўғиз бекларини жам этар эди. Уч Ўқ, Бўз Ўқ йиғноқ бўлса, Қозон уйини яғмолатарди. Қозон бекнинг одапи шул эдиким, қачон уйин яғмолатса, ҳалолнинг қўлини олар, уйдан ташқари чиқарди. Кейин уйда бўлган бор асбобини ва молини яғмолатарди. Бу гал ҳам хон Қозон уйини яғмолатур бўлди, аммо Таш Ўғуз беклари келмадилар, бирга бўлмадилар, фақат Ич Ўғиз беклари яғмолади.

Таш Ўғуз бекларидан Ўроз, Аман ва қолган беклар буни эшитдилар, айтдиларки: бугунга қадар Қозоннинг уйи яғмоланганда ҳамманиз бирга бўлур эдик, энди гуноҳимиз надирки, яғмода бирга бўлмадик дедилар. Таш Ўғуз беклари иттифоқ бўлиб, Қозонга саломлашишга келмадилар, адоват этдилар. Отнинг оёғи, ўзанинг-тили машҳур бўлар. Қилбош деган Қозоннинг ёнида бир киши бор эди. Қозон бек айтур: Хой, Қилбош, бу Таш Ўғуз беклари ҳар доим бирга келурлар эди, мани саломлар эди, энди нечун келишмади, деди. Қилбош айтур: Билмасмисан, нечун келмаганин? Уйингни яғмолатганинг дам Таш Ўғиз бирга бўлмади, сабаб шўлдир, деди. Қозон айтур: Биз-ла адоват боғладилар, шунақами? деди. Қилбош айтур: Хоним, ман борайин, уларнинг дўстлиги душманлигин билайин, деди. Қозон айтур: Сан билурсан, бор, деди. Қилбош бир неча билан, отга миниб, Таш Ўғуз беклари тарафига кетди. Борди, Таш Ўғуз бекларидан Орузнинг уйига кўнди. У Қозоннинг дойиси эди. Орузга хабар келди, Қозон хондан одам келди, деди. Оруз хон нимага келибди, деди.

Оруз олпинли чодирин тиктирган эди. Ўғиллари билан ўтирганди. Қилбош келиб, бағир босди. Орузга салом берди. Жой кўрсатдилар, ўтирди. Айтур: Қозон хон давлатига дуолар этди. У қаттиқ мўнгли бўлди.

Албатга Оруз ёнимга келсин, деди. Қора бошим гангиди, устимизга ёғий келди, туяларим бўзладилар, қорабайир қозилик отларимни кишнатдилар, туман қўйларимни маъратдилар, қорга менгзар қизимиз, келинимни йиғлатдилар. Маним қора бошимга боқ, нелар тушди, тез, Оруз келсин, деди.

Оруз айтур: Хой, Қилбош, бир пайтлар Уч Ўқ, Бўз Ўқ йиғилар эди, Қозон уйини яғмолатарди. Хатоимиз надирки, энди ямода бирга бўлмадик деди. Қозоннинг бошига ҳамиша дардлар келсин, дойиси Орузни доим эслаб турсин, биз Қозонга душман бўлдик, шуни билсин, деди. Қилбош сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Оруз, Оруз, хой, ярамас Оруз, Қалқибон Қозон хон ўрнидан турди, Олатоғда чодирин, ўтовин тикди, Уч юз олтмиш олти алп, эранлар ёнига йиғноқ бўлди. Емак-ичмак орасида беклар сани эслади. Хоним, дойинг санга душман бўлмиш, деди. Ман борайин, аниқ хабар билайин, деб келдим. Устимизга ёғий деган келмади. Ман фақат санинг дўстлигинг, душманлигинг синашга келдим. Хон Қозонга душман экансан, билдим, деди. Қилбош қалқди, хуш қол, деб юраверди. Оруз Хўжа ғоят ғазабланди, Таш Ўғуз бекларига одам юборди, чақирди. Эман келсин, Алп Рустам келсин, Дўнабилмас Тўлак Эвран келсин, қолган беклар ҳаммаси келсин, деди. Таш Ўғуз беклари ҳаммаси йиғноқ бўлдилар. Оруз Хўжа ола ўтовларини тизиб тикди. Отдан айғир, туядан- бўғро, кўйдан - қўчқор сўйдирди. Оруз Таш Ўғуз бекларини иззат - икром этиб сийлади, айтур: Беклар, ман сизни нега чақирдим, биласизларми?

Айтдилар: Билмаймиз, нимага чақирганингни, дейишди. Оруз айтур: Қозон бизга Қилбошни юборибди, уйим, элим чопилди, қора бошим дардли бўлди, дойим Оруз Таш Ўғуз беклари-ла манга келсин, деди. Эман сўрар: Ва сан на жавоб бердинг? Оруз айтур: Ман Қилбошга айтдим-ку, хой Қилбош, қачонким Қозон уйин яғмолатса, Таш Ўғуз беклари билан яғмолатар эди. Беклар келиб Қозонни саломлар эди, кейин тарқалишар эди. Энди хатоимиз надирки, бирга бўлмадик, хой, ярамас, биз энди Қозонга душман бўлдик дедим, деди. Эман айтур: Яхши айтибсан, деди. Оруз сўрар: Беклар, сиз на дерсиз? Беклар айтур: На деяр эдик сан Қозонга душман бўлганингдан кейин биз ҳам душман бўламиз, дедилар. Оруз ўртага Қуръонни қўйиб: Онт ичинг, гапиринг, деди.

Хамма беклар китобга қўл уриб, онт ичдилар. Санинг дўстингга дўст, душманингга душманмиз, дедилар. Оруз ҳар бир бекнинг кўнглини олиб, либос кийдирди. Қайтди, айтур: Беклар, Байрак биздан қиз олган, куёвимиздир, аммо Қозоннинг иноғидир, келсин, бизни Қозон билан ярашпирсин дейлик, алдайлик, ўрдамизга келтирайлик. Келиб бизга муте бўлса яхши, бўлмаса ман соқолидан тутайин, сиз қилич уриб пораланг, орадан Байракни олиб ташлайлик. Байрак кетгандан сўнг Қозон ила ишимиз енгил бўлар, деди. Байракка хат юбордилар. Байрак чодирда йиғилари-ла еб-ичиб ўтирар экан, Оруздан одам келди, Байракка салом берди. Байрак алик олди, сўради: Нима бўлди? Ул киши айтур: Хоним, Оруз сизга салом айтар, бу хатни Оруз юборди, дея тиз чўқди. Байрак очди, кўрдиким: Қарам этиб келсанг, лутф этиб бизни Қозон ила ярашпир, демиш. Байрак хўп бўлади, деди.

Отини келтирдилар, минди, қирқ йиғити-ла Орузнинг уйига келди. Таш Ўғуз беклари ўтирганда, кириб салом берди. Оруз жой кўрсатди, ўтиб ўтирди. Байракдан Оруз сўрар: Билармисан, Байрак сани нимага чақирдик? Байрак сўрар: Нега чақирдингиз? Оруз айтур: Шу ўтирган ҳамма беклар Қозонга осий бўлдик, онт ичдик, деди. Қуръонни келтирдилар, сан ҳам онт ич, дедилар. Байрак айтур: Валлоҳ, ман Қозонга осий бўлмасман, дея онт ичди. Сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Ман Қозоннинг неъматини кўп емишам, Билмас бўлсам, кўзим ўйилсин. Қозилик отларига кўп минмишам, Билмас бўлсам, манга тобут бўлсин. Яхши у кафтанларин кўп киймишам, Билмас бўлсам, кафаним бўлсин. Ола баргоҳ ўтовига кўп кирмишам, Билмас бўлсам, манга зиндон бўлсин, деди. Оруз қалқди, Байракни ушлаб, соқолига ёпишди. Беклар Байракни қиймадилар. Байрак Оруз ғазабланганини билди, сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Оруз, дойим Оруз, Манга шундай қилишинг билсам эди, Қозилик отига минар эдим, Эгни берк темир тўним кияр эдим.

Қора пўлат ўз қиличим белимга боғлар эдим, Бошимга дубулғамни кияр эдим, Ўткир учли, отмиш тутам найзамни олар эдим, Ола кўзли бекларни ёнимга олар эдим. Ярамас, Ман бу ишни туйсам, шундай келармидим? Алдабон эр тутмоқ аврат ишидир, Авратингданми ўргандинг сан бу ишни, Ярамас. деди. Оруз айтур: Хой, валдир - валдир сўйлама, қонингга ташна бўлма, кел, онт ич, деди. Байрак айтур: Валлоҳ, ман Қозоннинг бахти учун бошим қўймишам, ман Қозондан юз ўтирмасман, керак бўлса юз парча айла мани, деди. Оруз яна ғазабланди. Байракнинг соқолидан маҳкам тутди. Бекларга қаради. Кўрди, ҳеч ким яқинлашмас. Оруз қора пўлат ўз қиличин тутиб, Байракнинг ўнг оёғига урди. Байракнинг боши гангиди. Беклар ҳаммаси тарқалдилар, ҳар ким оти-отига минди. Байракни ҳам миндирдилар. Ортига одам миндириб, қучоқлатдилар,

қочдилар. Байрақни ўрдасига етказдилар. Жуббасини устига ташладилар.

Байрак сўйлади, кўрайлик, Хоним, на сўйламиш, айтур: Йигитларим ўрнингиздан тезда туринг, Он бўз отимнинг қуйруғини кесинг, Кесаётган Олатоғдан тунда ошинг, Оқаётган кўркли сувни тилиб кечинг, Қозоннинг мажлисига чоғиб боринг, Оқни ечиб, қора кийинг. Сан соғ бўл, Байрак ўлди, денг. Айтингиз: номард Оруз дойинг Байракка одам юбормиш, ул Орузга бормиш, Таш Ўғуз беклари йиғноқ бўлмиш. Емак - ичмак орасида Қуръон келтирмишлар, Қозонга биз адоват қилдик, онг ичдик кел, сен ҳам ич, дедилар. Ман Қозондан юз бурмадим. Номард дойинг ғазабланди, Байракни қиличлади. Қора қонга бўлғанди, дардли бўлди, деди. Қиёмат кунида манинг қўлим Қозон хоннинг ёқасида бўлсин, манинг қонимни Орузга кечирса, деди. Яна сўйламиш, айтур: Йигитларим, Оруз ўғли Босот келмасдан, Элим, уйим чопмасдан, Туяларимни бўзлатмасдан Қозилик отим кишнатмасдан, Оқ қўйларим маъратмасдан, Оқ юзли қизим, келинимга ёпишмасдан, Оқ юзли кўрклимни Оруз ўғли Босот келиб олмасдан бурун Қозон манга етишсин, Манинг қоним Орузга кечирмасин, Оқча юзли кўрклимни ўғлига олиб берсин, Охираг ҳаққини ҳалол этсин, Байрак подшоҳлар подшоҳи Ҳаққа восил бўлди, шуни билсин, деди. Байрақнинг отасига, онасига хабар бўлди, Оқ уйнинг эшигида қора мотам бўлди. Қорга менгзар қизи, келини оқ ечиб, қора кийди. Оқ бўз отининг қуйруғини кесдилар. Қирқ – эллик йигит қора кийиб, кўк ёпиндилар. Қозон бекка келдилар, чорикларин ерга урдилар. Байрак, дея кўп йиғладилар, Қозоннинг қўлин ўтдилар. Сан соғ бўл, Байрак ўлди, дедилар. Номард дойинг ҳийла қилди, бизни алдади. Таш Ўғуз беклари сизга осий бўлганин билмадик. Қуръон келтирдилар, биз Қозонга адоват этдик, сан ҳам онг ич, бизга муте бўл, дедилар. Байрак дастурхонингга тулурмади. Уларга муте бўлмади. Дойинг номард Оруз ғазабланди, Байракни ўтирган жойида қиличлади, бир илигини узди. Сан соғ бўл, Хоним, Байрак ҳаққа восил бўлди, маним ўчимни Орузда қолдирмасин, деди, дедилар. Қозон бу хабарни эшитди. Дастурмолини қўлига олиб, хунгир-хунгир йиғлади. Мажлисда зорлик қилди. Ҳамма беклар йиғлашдилар. Қозон борди, чордоқда кириб, етти кун мажлисга чиқмади, йиғлади, ўтирди. Беклар йиғилди, мажлисга келишди. Қозоннинг қардоши Қора Қўна айтур: Қилбош, бор, айт оғам, Қозон келсин, чиқсин. Бир йигит санинг учун орамиздан кетди. У васият айламиш, манинг қоним ҳаққини олсин, дебди. Борайлик душманни ҳақлайлик деб айттил, деди. Қилбош айтур: Сан қариндошисан, сан бор, деди.

Алҳосил, иккиси бирга бордилар. Қозоннинг чорбоғига кирдилар. Салом бердилар. Сан соғ бўл, Хоним, дедилар. Бир йигит орамиздан кетди, санинг йўлингда бош берди. Ўч қонини олайлик, у васият қолдирмиш, манинг қоним олсин деб. Йиғламоқ ила на иш битар? Ўрнингдан тур, дедилар. Қозон айтур: Маслаҳатдир. Тез яроқ - аслаҳани юклатсинлар, ҳамма беклар отга минсинлар, деди. Жами беклар минди. Қозоннинг қўнғир отини келтирдилар, минди. Ногора чалинди, занг урилди. Кеча-кундуз демадилар, йўртма бўлди. Орузга ва жами Таш Ўғуз бекларига хабар бўлди. Ана, Қозон келди, дедилар. Улар ҳам аскар йиғиб, ногора чалдириб, Қозонга қарши келдилар. Уч Ўқ, Бўз Ўқ қаршилашдилар. Оруз айтур: Маним Ич Ўғузга душманим Қозон бўлсин, деди. Эман айтур: Маним душманим Терс - ўзанмиш бўлсин, деди, Ўқчи бўлсин, деди. Ҳар бири битта душман қўзлади. Сафлар боғланди, қўшинлар тузилди. Ногоралар чалинди, довуллар қоқилди.

Оруз Хўжа майдонга чиқди, от қўйди. Қозонни чақириб: Ҳой, ярамас, сан манинг душманамсан, кел бери, деди. Қозон қалқон ёпинди. Найзасин қўлига олди. Боши устида кўтарди, айтур: Ҳой, ярамас, муҳаннаслик ила эр ўлдирмак қандай бўлур, ман санга кўрсатурман, деди. Оруз Қозоннинг устига от қўйди. Қозонни қиличлади, зарра қадар кесолмади. Ўтиб кетди. Навбат Қозонга келди. Олтимиш тутам ола найзасини қўлигига қисиб, Орузга бир урди, Орузнинг кўксини дабдала қилиб ўтди. Отнинг устидан йиқди. Қариндоши Қора Қўнага ишорат этди. Бошин кес, деди. Қора Қўна отдан инди, бошин кесди. Таш Ўғуз беклари ҳам, буни кўриб, отдан индилар. Қозоннинг пойига тушдилар, хатоларин тиладилар. Қўлин ўтдилар. Қозон хатоларни кечирди. Байрақнинг қонин дойсидан олди. Орузнинг уйини чопдилар. Элини, молини яғмоладилар, йигит беклар тўйдилар. Қозон кўк олонгли чаманга чодир тикди. Ўтовга кирди. Қўркут Ота келиб соз чалди, дoston айтди, сўз сўйлади. Ҳозий эранлар бошига нелар тушганин айтиб берди. Қани ман айтган эранлар, Дунё маники деганлар, Ажал олди, ер гизлади. Фоний дунё кимга қолди? Келимли, кетимли дунё, Сўнг учи ўлимли дунё. Бу Қора ер бизни ҳам еяжакдир.

Ал - оқибат узун ёшнинг учи ўлим, охири айрилик. Айтганим келсин, Хоним, ўлим вақти келганида ори имондан айирмасин. Оқ соқолли отанг жойи жаннат бўлсин, оқ сочили онанг жойи беҳишт бўлсин. Қодир мухтор Байракка раҳмат қилсин. Эгам сани номардга муҳтож этмасин. Бу китобни ёзгани таъзим ила эслаганларга ҳақ раҳм этсин. Дили дўст, тили дўстлар дийдор кўрсин. Йиғишпирсин, туришпирсин,

гуноҳингизни ярагтаннинг ўзи кечирсин, Хоним-эй, бегим-эй.

МУНДАРИЖА

Хусайн Жовид	- бет
“Амир Темури” драмаси.....	-бет
Нур Муҳаммад Ғариб Андалиб ижоди.....	- бет
Чўқон Валихонов ижоди.....	- бет
Абай Қўнонбоев	- бет
Йигит сўзи	- бет
Севги тили.....	- бет
Мухтор Авезов	- бет
Обой ҳақидаги романларим устида олиб борган ишларим	- бет
Қибрис адабиёти	- бет
Хилмий	- бет
Мен чиқдим	- бет
Абдулла Тўқай	- бет
Масаллар	- бет
Қўрқут Ота китоби	- бет
Хулоса	- бет



АКРАМ ҲАМДАМОВ, 1964 йилда Косон туманида туғилган. 1985 йилда Қарши Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган.

2011 йил «Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммоси» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Абдулла Орипов ижодига бағишлаб «Абдулла Орипов шеърияти: фольклор таъсири ва комиллик талқини» ва «Тарихий ривоятнинг бадиий талқини» номли рисоалари чоп этилган. 30 дан зиёд илмий мақолалари республика ва хориж матбуотларида ёритилган. Ҳозирги кунда Қарши Давлат университетининг ўзбек адабиёти кафедрасида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Филология фанлари номзоди А.Ҳамдамовнинг «Туркий халқлар адабиёти тарихи» номли ўқув-услубий қўлланмасига ёзилган

ТАҚРИЗ

Жаҳон адабиётининг муштарак қисми бўлган туркий халқлар адабиётини янгича давр талаблари асосида ўрганиш инсоният маданияти, бадиий тафаккури тарихи ҳақидаги тасаввурларни теранлаштиради. Қондош, диндош, тилдош халқлар адабиётини билиш қадим тарихнинг моҳиятини идрок қилишга асос бўлади. Аجدодларнинг эзгулик йўлидаги интилишларидан хабардор бўлиш, халқларнинг кўҳна ва замонавий адабиёти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш кишиларнинг қалбида умуминсоний қадриятларга муҳаббат туйғуларини улғайтиради. Инсонпарварлик туйғуларига йўғрилган турли халқлар адабиётини ўқиш, ўрганиш, улардаги баркамол асарлардан таъсирланиш ёшларни ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлайди.

Шу нуқтаи назардан мазкур ўқув-услубий қўлланмада юқорида қайд этилган халқларнинг ҳаёти, яшаш тарзи, буюк сиймолари ижоди, фольклор асарларининг энг саралари танлаб олинган.

Қўлланма орқали туркий халқлар адабиёти тарихини ўрганишга ҳаракат қилган китобхон ўтмиш тарихини, машҳур сиймоларини, жаҳон хазинасида ўчмас из қолдириб келаётганлигини халқнинг нақадар буюклигини англайди

А.Ҳамдамов туркий халқлар тарихини бир неча қисмли китоб қилишни режалаштирган бўлса-да, бу дастлабки ўринишларининг мевасидир.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма бугунги кун ўқувчиси учун нақадар муҳим эканлигини таъкидлаб, уни нашрга тавсия этиш хайрли ишнинг бошланиши деб ўйлайман.

Филология фанлари номзоди:

С.Мўминова

**Қарши давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси катта
ўқитувчиси, филология фанлари номзоди А.Ҳамдамовнинг «Туркий
халқлар адабиёти тарихи» номли ўқув-услубий қўлланмасига ёзилган
тақриз**

Туркий халқлар адабиёти дунё адабиётининг энг кўҳна адабиётларидан биридир. Бу адабиётнинг фольклор ва ёзма дурдоналари жаҳон халқлари маънавиятини юксалтириш, кишилар қалбига инсонпарварлик ғояларини сингдиришга муносиб таъсир кўрсатган. “Манас”, “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Қўрқут ота китоби” сингари халқ дostonлари, Махмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Навоий, Румий, Абай, Мухтор Авезов, Бердақ, Чингиз Айтматов, Махтумқули сингари турли даврларга мансуб туркий адиблар ижоди дунё адабиётининг мумтоз асарлари ҳисобланади.

Ҳозиргача Самарқанд давлат университетининг доценти Ҳ.Абсамиевнинг туркий халқлар тарихидан муаммоли матн марузаси яратилганлигини ҳисобга олмаганда, бу адабиёт тарихи юзасидан деярли ҳали бирор катта иш қилинган эмас. Филология фанлари номзоди А.Ҳамдамов туркий халқлар тарихи билан боғлиқ баъзи манбаларни тўплаб қўлланма шаклига келтиришининг ўзи бу йўлдаги изланишларнинг илк самарасидир дейиш мумкин. Шу сабабли ушбу ўқув қўлланмани долзарблигини ҳисобга олиб, нашр этиш фойдадан ҳоли эмас ўйлайман.

ЎзР. ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий
ходими, филология фанлари номзоди: Сувон Мелиев